

**Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон  
Миллий Университети  
Тарих факультети  
“Жаҳон тарихи” кафедраси**

**ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА  
ДИПЛОМАТИЯ ТАРИХИ  
(Ўқув қўлланма)**

**Тошкент-2009**

**Тузувчилар:** т.ф.н.доц.А.Холлиев  
т.ф.н.доц.А.Татибоев  
т.ф.н.доц.С.Атабекова  
т.ф.н.доц.У.Рахмонов  
т.ф.н.доц. С. Габриэльян  
к.ўк. Ш.Исомитдинова  
к.ўк. А.Раззаков  
ўк.О.Махмудов.

**Тақризчилар:** **т.ф.н. доц. Я. Гаффоров**  
ЎзМУ тарих факультети  
**т.ф.н. доц. Ў.Мавлонов**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузурудаги Давлат ва Жамият қурулиши  
академияси

**Масъул муҳаррир:** т.ф.н. доц. А. Холлиев

Ушбу ўқув қўлланмада чет эл мамлакатларининг халқаро муносабатлари ва дипломатияси тарихига оид долзарб масалалар кўриб чиқилган. Муаллифлар халқаро муносабатлар ва дипломатия тараққиётининг асосий босқичлари, йўналишлари ва тенденцияларини алоҳида давлатларнинг ташқи сиёсати негизида таҳлил қилишган. Халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихини ёритишга тааллуқли турли фактик маълумотлар қўлланмада умумлаштирилган.

В данном учебном пособии рассматриваются актуальные вопросы истории международных отношений и дипломатии зарубежных стран. Авторы анализируют основные этапы, направления и тенденции развития международных отношений и дипломатии в контексте внешней политики отдельных государств.

В пособии обобщены различные фактические данные, касающиеся описания истории международных отношений и дипломатии.

The vital questions of the history of international relations and diplomacy of foreign countries are considered in the given textbook. The authors analyze main stages, directions and tendencies of international relations and diplomacy development in context of the concrete states foreign policy. The textbook generalizes various factual data relevant for description of the history of international relations and diplomacy

**Ушбу қўлланма ЎзМУ Илмий-методик кенгашининг 2007 йил 26 июнда бўлиб ўтган 8-сонли мажлис баённомаси билан нашрга тавсия этилди.**

## КИРИШ.

Халқаро муносабатлар энг қадимги замонларда хар қандай жамият, давлат ва хаттоки алохида инсоннинг хаётида ўта мухим роль ўйнаб келган. Миллатларнинг келиб чиқиши, турли ижтимоий тартиботларнинг шаклланиши, сиёсий тизимларнинг ўзгариши, хар хил маданиятларнинг интеграцияси ва ўзаро таъсири, фан ва саънатнинг ривожланиши, иқтисодий ва технологик тараққиёт, давлатлараро чегараларнинг юзага келиши, давлатлар ўртасидаги тўқнашувлар ва хамкорлик, - буларнинг барчаси халқаро муносабатлар ва дипломатик алоқалар билан бевосита боғлиқдир.

Хозирги давр - иқтисодий, молиявий, сиёсий, маданий сохалардаги глобал интеграция даври бўлиб, шу пайтгача мисли кўрилмаган даражада халқаро муносабатлар ахамиятининг ўсишини рағбатлантирмоқда. Ахборот ва бошқа сохаларга оид замонавий технологиялар туфайли алохида инсон, алохида шахс халқаро муносабатларнинг оддий объектидан уларнинг тўла қимматли субъектига айланмоқда.

Янги ижобий имкониятларнинг яратилиши, хамда, глобал хавфсизликка нисбатан янги таҳдидлар ва чақириқларнинг юзага келиши халқаро муносабатларнинг бутун тартибини тубдан ўзгартирмоқда.

Мустақил ривожланиши 1991 йилдан бошланган суверен Ўзбекистон давлати, жаҳон хамжамиятига ўзаро хурмат ва тенг ҳуқуқли хамкорлик тамойиллари негизида интеграциялашиш каби улкан тарихий ахамиятга эга стратегик вазифани ўз олдига кўяр экан, халқаро муносабатларнинг замонавий тизимида мавжуд бўлган ғоят зиддиятли ва кўп маъноли жараёнлар ва ходисаларнинг таъсирини тўла равишда сезмоқда. Айнан шунинг учун халқаро муносабатлар ва дипломатия тараққиётининг ўта бой жаҳон тажрибасини ўрганиш нафақат билим орртиришга оид масала сифатида намоён бўлмоқда, балки улкан амалий ахамиятга хам эгадир.

Китобхонлар ҳукмига тақдим этилган ушбу ўқув қўлланма **Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети тарих факультети “Жаҳон тарихи” кафедраси** ўқитувчилари жамоаси томонидан тайёрланган. Қўлланма “Тарих” мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларга халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихи, хамда жаҳон тарихининг бошқа жабхаларини ўқитишга оид тўпланган тажрибани умумлаштиради. Шу билан бир қаторда, қўлланма халқаро муносабатлар ва жаҳон дипломатияси тарихини ўрганишга у ёки бу даражада эҳтиёж сезувчиларнинг барчаси учун маълум қизиқиш уйғотиши мумкинлигига муаллифлар умид қиладилар.

Қўлланма муаллифлари қуйидагилардан иборат: т.ф. н. доц. А. С. Татибоев - “Кириш”, “Халқаро муносабатлар замонавий тизимнинг шаклланиши ва ривожланиши”; т. ф. н. доц. У. В. Рахмонов. - “Қадимги Шарқда халқаро муносабатлар ва дипломатия”; катта ўқитувчи Ш. Исомиддинова - “Қадимги Юнонистонда халқаро муносабатлар ва дипломатия”; “Қадимги Римда халқаро муносабатлар ва дипломатия”; ўқитувчи О. Махмудов. - “Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларининг халқаро муносабатлари ва дипломатияси”; т.ф. н. доц. С. Ф. Атабекова - “Ўрта асрларда Европада халқаро муносабатлар ва дипломатия”; т.ф. н. доц. А.Г. Холлиев - “ XVII - XVIII асрларда халқаро муносабатлар ва дипломатия”; т.ф.н. доц. С. Н. Габриэльян - “XVIII охири - XX бошида халқаро муносабатлар ва дипломатия”; катта ўқитувчи А. А. Разоқов - “Энг янги даврда халқаро муносабатлар ва дипломатия”.

## **Қадимги Шарқда халқаро муносабатлар ва дипломатия.**

- 1. Қадимги Месопотамия ( икки дарё оралиғи).**
- 2. Қадимги Миср.**
- 3. Хетт подшолиги.**
- 4. Оссурия давлати ( мил. авв. I минг йиллик ).**
- 5. Қадимги Хиндистон.**
- 6. Қадимги Хитой.**

Милоддан аввалги III - II минг йилликлардаги Месопотамиянинг ташқи сиёсий тарихи, биринчи галда, Месопотамия ичкарасида мавжуд бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатлар тарихидир. Ёзув олди даврининг охири ва илк сулолалар даврининг бошида Месопотамияда йигирмага яқин “ном” турдаги шаҳар - давлатлар мавжуд эди. Месопотамияда гегемонлик қилишга қаратилган даъволар даставвал “Киш подшоси” унвонига эга бўлиш билан боғлиқ бўлганди. “Киш лугали” унвони подшо - гегемоннинг анъанавий унвони бўлиб қолди.

Месопотамиянинг ташқи алоқалари асосан шарқ томон қаратилган эди. Милоддан аввалги IV минг. йилликда Месопотамия Эроннинг ясси тоғлиқ худудлари билан жадал савдо алоқаларига эга бўлган.

Милоддан аввалги III минг йилликда Месопотамияга келтирилган махсулотларнинг аксарият қисми айнан савдо орқали таъминланарди. Бу эса табиғий, савдо алмашувининг йўлга қўйилган тартибини назарда тутди. Қолаверса, савдо қарвонларининг эркин қатновини таъминловчи ўзаро қафолатлар ҳам мавжуд бўлиши керак эди.

Киш хукмдори Менбарагесси ( мил. авв. 2600 й. ) иштрокидаги бизга маълум бўлган харбий тўқнашувлардан энг қадимгиси Элам билан боғлиқ эди. Элам кейинги асрлар давомида Месопотамия давлатларининг энг хавфли душмани бўлиб келди. Месопотамия айнан шу пайтда тўхтовсиз харбий тўқнашувлар даврига кириб борганди. Киш хукмдорларидан ташқари, Ура, Урука, Лагаш хукмдорлари ҳам ўзларини “Киш подшоси” деб номлай бошладилар. Аккад сулолаларига тегишли бўлган шохлар кейинчалик ушбу унвонни ўзларининг унвонлари қаторига киритдилар. Икки йирик “ном”лар - Лагеш ва Умма ўртасида икки асрдан кўпроқ вақт давомида чўзилган тўқнашувни, ҳамда “Киш подшоси” Месилимнинг ушбу низода ўйнаган ролини ёритиб берадиган бир қатор матнлар бизгача етиб келган. Бу ердаги воқеалар “икки даражада” рўй берди: Энлиль (Шумернинг олий худоси ) Нингерсу ( Лагашга хомийлик қилган худо ) ва Шара ( Умма шахрига хомийлик қилган худо ) ўртасида чегара ўрнатди, яъни улар ўртасидаги низони хал этди. “Ном” лар ўртасидаги тўқнашув шундай қилиб, ушбу “ном”- ларнинг илохлари ўртасидаги низо сифатида ифодалангани ва худолар орасида хал этилади. Демак, бизга маълум бўлган

Энг қадимги келишувлардан бирида замонавий халқаро - ҳуқуқий амалиётнинг кўплаб элементларини кўришимиз мумкин: аниқ белгиланган ерларга эгалик қилиш даъволари негизида юзага келган низо, ҳакамлар суди, жанжалда иштрок этган биринчи томоннинг талаш бўлиб турган ерлар устидан суверенитетининг тан олиниши, ҳамда шу пайтнинг ўзида иккинчи томонга ушбу ерларни ижарага топширилиши. Тўқнашув, гоҳ пасайиб, гоҳ авж олиб, Умма ҳукмдори Лугаль загеси Лагашни халқилувчи мағлубиятга учратмагунча ( тах. Мил. авв. 2312 й. ) давом этди. Лугальзагеси ҳеч қандай истилочилик мақсадларга эга бўлмаганлигига инонтирарди ва фақат “адолатни” тиклаганлигини таъкидлайди.

Шу тарзда Месопотамия давлатлари ўртасидаги энг қадимги ва яхши хужжатлаштирилган тўқнашувлардан бири яқунланди. Бўлиб ўтган воқеаларнинг кўплари, ҳамда тўқнашув ҳақидаги расмий хабарларнинг фразеологияси (барқарор сўз бирикмалари ва иборалар ) уч - тўрт минг йилдан сўнг рўй берган жараёнларни хайрон қоларли даражада эслатади.

Мамлакатни бирлаштиришга қаратилган тенденция ҳақида “Мамлакат лугали” деб номланган янги унвоннинг пайдо бўлиши далолат беради. Милоддан аввалги III - II минг йилликларда марказдан қочирма кучлар марказга интилма кучлардан қудратлироқ эди ки, бунинг оқибатида сиёсий тарқоқлик ҳолати ўша даврдаги Месопотамия учун хос эди.

Бутун Месопотамия худудларини ўз ичида қамраб олган давлатни биринчи бор Саргон барпо этди. Ушбу давлат ўзининг ички тузилиши жихатидан ҳам конфедерация, ҳам марказлашган давлатни эслатадиган кўриниш касб этганди. Саргон томонидан барпо этилган давлат Осиёдаги биринчи “буюк” давлат эди, Яқин Шарқда эса - иккинчи ( Мисрдан сўнг ) Олд Осиёдаги халқаро вазият шаҳар - давлатлар ва уларга тўғридан - тўғри таҳдид солган “буюк” давлат ўртасидаги қарама - қаршилиқ билан ифодаланади. Шарқ ( Элам ) ва ғарбга ( Сурия ) қаратилган юришлар энди Месопотамия ҳукмдорлари учун аънавий тусга кирди. “Тўрт иқлим подшоси” Нарам - Син ва эламликлар ҳукмдори Хит ўртасидаги бизга маълум бўлган биринчи халқаро шартнома Элам замонидан ҳозирги кунгача етиб келган. Ушбу шартномага кўра Элам подшосининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат эди:

1. Аккадага нисбатан тўла лоялик ( самимият ) ( Эламда Нарам - Синга нисбатан ғанимликка йўл қўймаслик, Аккаднинг ҳар қандай душманларига қарши ҳаракатларда унга ҳарбий ёрдам кўрсатиш );

2. Қочоқларни тутиб бериш, яъни Нарам – Синга душманлик қилганларга паноҳ беришдан воз кечиш.

Асосан Элам билан олиб борилган урушлардан ташқари рўй берган ташқи сиёсий воқеалар ҳақида маълумотлар кам. Элам билан муносабатлар ёмон ёки жуда ёмон ҳолатда бўлар эди. Шу пайтгача

мутлақо нуфузга эга бўлмаган Бобилнинг сиёсий тартибсизлик шароитида юксалиши нафақат харбий муваффақиятлар, балки мақсадга интилувчан ва ўта усталик билан олиб борилган дипломатиянинг натижаси эди. Сулолавий никоҳлар тўғрисида ҳам маълумотлар учрайди. Иттифоқлар ( тенг ҳуқуқли ёки тенгсизми, лекин барибир умри қисқа ) кўплаб микдорда тузилардилар. Агар иттифоқ тенг ҳуқуқли бўлмаса, унда подшо - гегемон қарам подшоликларга, уларни доимо назорат қилиш мақсадида, ўзининг “маслахатчиларини” ( хазиану ) юборарди. Қарам подшолар бундай иттифоқнинг раҳбарига юборган мактубларида уни “ота” ёки “хукмдор” деб номлашади. Уларнинг мажбуриятлари афтидан, битимларда аниқ белгиланган ва биринчи галда харбий ёрдам кўрсатишдан иборат бўлган. Иттифоқ тузилиши худолар олдида қасам ичиш билан мустаҳкамланган. Сиёсий мақсадларга эришиш йўлида харбий куч, айёрлик, пора бериб сотиб олиш, исёнларни келтириб чиқаришдан фойдаланилган. Ушбу барча усулларни Бобил сулоласи энг муваффақиятли тарзда қўллаган.

Сиёсий мақсадларга эришиш йўлида иқтисодий “ёрдам” дан фойдаланилган ҳолат ҳужжатлар негизида ўз тасдиғини топган тарзда биринчи маротаба тарихда Мари ва Бобил ўртасидаги муносабатларда қайд этилган.

Хаммурапи барпо этган давлат, гарчанд, у ўз бунёдкоридан кейин кўп умр кўрмаган бўлса ҳам, бутун Месопотамияни ва хаттоки Эламнинг бир қисмини қамраб олганди. Айнан Хаммурапи ва унинг ворислари давлати марказлашган давлат деб номланиши мумкин.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида Яқин Шарқда сиёсий вазият қуйидагича кўриниш касб этди. Маълум даражада бир - бировига тенг ҳисобланган бир неча “буюк” давлатлар мавжуд эди: Миср, Касситлар Бобили, Шимолий Месопотамиядаги Митанни давлати ва Кичик Осиёдаги Хетт подшолиги. Сурия, Фаластин, Финикия, Шимолий Месопотамия ва Кичик Осиёдаги кичик ва майда подшоликлар ёки князликлар юқорида кўрсатиб ўтилган “буюк” давлатларга қарам бўлиб қолдилар.

“Буюк” давлатлари подшолари ўзаро ёзишмалар чоғида бир - бировларини “биродар” деб номлашган. Муайян муносабатларга тўхталадиган бўлсак, улар, албатта, давр талаби ва кучларнинг амалдаги нисбатига асосланарди. Миср маликасига уйланиш масаласига Бобил хукмдорлари улкан ташқи сиёсий обрўга эга бўлиш имконияти сифатида қарардилар. Аммо фиръавнлар бунга нисбатан ўзгача фикрга эга эдилар: улар бундай никоҳни Мисрнинг обрўсини ерга урадиган деб ҳисоблашарди.

Совғалар билан ўзаро алмашиш дипломатик муносабатларнинг муҳим таркибий қисми эди. Ҳам Бобил, ҳам Оссурия, ҳам Митанни подшолари ўз мактубларида фиръавндан кўпроқ олтин юборишни том

маънода ялиниб - ёлвориб сўраган. Кўриб чиқилаётган даврнинг охирига келиб Яқин Шарқдаги сиёсий вазият сезиларли даражада ўзгарган: Митанни ва Хатти йўқ бўлиб кетди, Бобил ва Миср заифлашди, Оссурия ва Элам эса ўта кучайди.

Дипломатиянинг қадимги Мисрнинг сиёсий ҳаётида ўйнаган роли ҳақидаги сақланиб қолingan маълумотлар асосан гиксослар ҳукмронлиги ва кейинги Янги подшолик даврига оид.

Гиксослар ҳукмдорлари, Миср фиръавнлари каби, ўз ҳокимиятини бутун Нил водийсига ёйишди. Ушбу даврда Миср сиёсий жихатдан, гиксос фиръавнларига нисбатан ўз қарамлигини тан олган бир қатор унчалик катта бўлмаган эгаликлардан иборат эди. Айти ўша пайтда Миср ва Осиё мамлакатлари ўртасида қалин иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатилди.

Нил водийсининг жанубида, Фивада, ўзларини фиръавнлар деб эълон қилган юқори Миср ҳукмдорларининг маҳаллий сулоласи юксала бошлади. XVII сулолага оид Фива фиръавнларининг гиксослар ҳукмдори Апопига қарши олиб борган озодлик кураши даврида Мисрда юзага келган мураккаб сиёсий вазият ҳақида бизга маълум бўлган манбалар далолат беради.

Ушбу курашда дипломатик ёзишмалар, элчиларни юбориш, иттифоқлар ва битимлар тузиш, ҳамда сулолавий никоҳлар катта роль ўйнаган. Гиксослар ҳукмронлиги давридаги Мисрнинг давлат тузилиши турли шартномаларнинг имзоланиши, ҳамда гиксос ҳукмдорлари ва уларга қарам бўлган маҳаллий ҳокимлар ўртасидаги сулолавий никоҳларнинг юзага келишини рағбатлантирарди.

Гиксосларга қарши узоқ давом этган озодлик кураши Фива фиръавнларининг тўла ғалабаси билан яқунланди. Янги подшолик даври қадимги Миср дипломатиясини Ал - Амарна архивида топилган хатлар ажойиб тарзда тасвирлаб беради. Ал - Амарна архиви - мил. авв. XIV асрга оид тарихий матнларнинг ноёб мажмуасидир. Ал - Амарна архивининг деярли барча сопол лавҳаларида дипломатик тусдаги хатлар қайд этилган. Ушбу хатлар Аменхотеп III ва Аменхотеп IV саройига Бобил, Митанни, Оссурия, Хетлар подшолиги, Арцава мамлакати, Кипр ороли, ҳамда Миср томонидан бўйсундирилган Фаластин, Сурия, Финикия шаҳар - давлатлари ҳукмдорларидан етиб келган. Ушбу тарихий даврда Миср Яқин Шарқнинг энг қудратли давлатларидан бири эди. Даставвал фақат Митанни ва касситлар Бобилни унга тенг келадиган давлатлар эди Аменхотеп IV ҳукмронлиги даврида эса Кичик Осиёда Хетлар подшолиги анчагина кучайди.

Ушбу даврда Мисрнинг Осиёдаги эгаликлари Амуру, Упе ва Ханаан деб ном олган йирик ҳудудий қисмлардан - “вилоят” лардан иборат эди ва мисрлик ноиблар томонидан бошқариларди. Олд Осиёда Миср ҳокимияти

остидаги ерларни идора қилишга таалуқли масалалар билан подшонинг “Фиръавн мактублар уйи” номли махсус муассасаси шуғулланган. “Фиръавн мактублари уйи” - га рахбарлик қилган амалдор жуда катта таъсирга эга бўлган. Ушбу шахс Мисрнинг Олд Осиёдаги эгаликларни бошқаришга оид барча масалалар бўйича фиръавннинг маслахатчиси эди.

Мисрликлар, одатда, забт этилган Олд Осиё вилоятларининг анъанавий сиёсий тузилишини ўзгартирмаганлар. Фиръавн ва Мисрга қарам бўлган Фаластин ва Сурия хумдорлари ўртасидаги ёзишмаларда мурожаат қилишнинг маълум қоидаларига риоя қилинган. Тенг ҳуқуқли ва дўстона муносабатларда бўлган подшолар бир - бировларини “биродар” дея аташган. Қудрат жихатдан устунроқ ёки ёши каттароқ ҳукмдорга “ота” деб мурожаат қилишган, ўзини эса “ўғил” дея аташган. Қарам ҳокимлар юборган хатларда фиръавнни “ҳукмдор ( ёки султон, жаноб )”, ўзларини “қул”, “қарол (хизматкор)” дею номлашган. Олқишлаш, табриклаш ва алоқа қилишнинг маълум шакллари мавжуд бўлган. Қарам ҳокимлар ўзларининг тайинланиши чоғида, ҳамда Мисрда янги ҳукмдорнинг ҳукмронлиги бошланганда махсус формула бўйича содиқлик қасамини ичиши лозим эди. Гаровга олиш маҳаллий ҳокимларни итоаткорлик ҳолатида сақлаб келишга ва бўйсундирилган ерларда Мисрнинг таъсирини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи муҳим восита эди.

Ал - Амарна архивида сақланган хатларнинг аксариятини Мисрга махсус элчилар ва чопарлар етказишган. Элчилар ва чопарларни икки тоифага бўлиш мумкин:

1. алоҳида ишончга эга бўлган шахслар, улар воситасида фиръавнларнинг мустақил давлатлар подшолари билан муносабатлари таъминланган.

2. Мансабдор хизматчилар, улар орқали эса Миср саройининг ноиблари, ҳамда Фаластин, Сурия ва Финикияда жойлашган кўплаб шаҳар - давлатларининг ҳокимлари билан алоқалари амалга оширилган.

Ҳам фиръавннинг, ҳам Осиё ҳукмдорларининг ҳар бир элчиси у юбориладиган мамлакатни, унинг урф - одатларини, маданиятини, йўлларини географик хусусиятларини яхши билиши лозим эди. У мохир дипломат ва жангчи бўлиши шарт эди. Кўп пайтларда элчи юбориладиган мамлакатнинг тилини ҳам яхши биларди, акс ҳолда таржимон унга хамроҳлик қилган.

Осиёдан Мисрга етиб келган элчиларнинг мақоми ва вазифалари улар қарам ҳокимлар ёки тенг ҳуқуқли, мустақил, дўстона муносабатдаги подшоликларнинг ҳукмдорлари томонидан юборилганлигига қараб фарқланарди. Осиёда жойлашган мустақил подшоликларнинг Мисрдаги элчиларига нисбатан муносабат, ўз навбатида, фиръавннинг ушбу мамлакатларидаги элчиларига нисбатан муносабат каби, ўша пайтдаги муайян тарихий вазиятга боғлиқ эди.

Элчиларнинг шахсий дахлсизлиги, дипломатик иммунитетини тўғрисидаги тасаввур халқаро ҳуқуқнинг ҳамма қабул қилган меъёрга хали айланмаганди. Шунинг учун ҳам у ёки бу подшонинг ҳузурига етиб келган элчининг тақдири ҳукмдорнинг тўла ихтиёрида бўлган.

Ал - Амарна архивидан топилган хатларда Олд Осиё ҳукмдорларининг фиръавн билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида тузилган сулолавий никоҳлари тўғрисида маълумотлар мавжуд. Миср ва Олд Осиёнинг мустақил, дўстона давлатлари ўртасидаги муносабатларда бир - бирига тенг подшолар вақти - вақти билан бир - бировига қимматбаҳо совғалар юбориши одат эди, айниқса совға олувчининг тахтга ўтириши ёки ҳукмронлиги даврида унинг учун муҳим воқеалар рўй берган пайтларда. Мисрга тобе бўлган ерларнинг ҳокимлари ўлпондан ташқари фиръавнга турли совғалар юборишлари лозим эди. Мустақил давлатларининг ҳукмдорлари ҳам, фиръавннинг илтифотига сазовор бўлиш мақсадида, унга қимматбаҳо совғалар жўнатишган. Мисрдан Олд Осиёнинг мустақил ва дўстона давлатлари ҳукмдорларига асосан олтин ва қора дарахтдан ясалган буюмлар юбориларди. Фиръавннинг алоҳида ишончини қозонган шахслар, уларнинг айримлари “жирканч Речену мамлакатада Юқори Миср подшосининг кўзлари, Қуйи Миср подшосининг қулоғлари” деб номланган расмий унвонга ҳам эга бўлиб, Осиёда рўй бераётган жараёнларни кузатишарди. Аксарият ҳолларда улар фиръавннинг махфий топшириғи билан Мисрнинг Осиёдаги эгаликларига жўнатилган вакиллари эди. Ҳеч қандай расмий унвони йўқ айрим шахслар ҳам фиръавннинг хабарчилари бўлиши мумкин эди.

Тарих фанига маълум бўлган абадий тинчлик, биродарлик, ташқи тажовузни қайтариш ва ички сиёсий ихтилофларни хал этиш йўлида ҳамкорлик тўғрисидаги энг қадимги шартномалардан бири мил. авв. XIII асрда Миср фиръавини Рамзес II ва хеттлар подшоси Хаттусили III томонидан тузилган. Узоқ муддатли, лекин натижасиз урушдан сўнг ушбу шартнома мувофиқлаштирилди ва тасдиқланди. Унда абадий тинчлик, дўстлик ва биродарлик, ҳамкорлик, тажовуздан ўзаро воз кечиш, иттифоқчилик ва бирор - бир томон харбий тажовузга учраганда унга кўмаклашиш ички тартибсизликлар юзага келганда ўзаро ёрдам бериш, қочоқларни, оқсуяк ёки оддий инсон бўлишидан қатъий назар, уларга мурувватли муносабатда бўлиш шарти билан, қайтариб бериш тўғрисида шартнома имзоланганлиги таъкидланарди.

Кичик Осиё ерларининг катта қисмида ташкил топган ва мил. авв. XVII - XII асрлар давомида мавжуд бўлган Хетт подшолиги ( ёки Хатти мамлакати) қадимги Шарқнинг энг қудратли давлатларидан бири бўлган.

Хеттлар пойтахти бўлган Хаттуса шаҳри архивларида топилган миҳхат билан ёзилган сопол парчалари ( табличкалар ) ушбу подшолик

дипломатияси тарихига оид асосий манбалар деб ҳисобланади. Хетт подшоларининг солномаларида ҳам қизиқарли маълумотлар мавжуд.

Хатти мамлакати подшоларининг фаол ташқи сиёсати Қадимги подшоликнинг илк ҳукмдорлари даврида бошланди. Хеттлар “денгиздан - денгизгача ёйилган мамлакат” концепциясининг ўзини Марказий Анатолияда улардан аввал мавжуд бўлган ахолининг анъаналаридан мерос қилиб олганлар. Хетт подшолиги харбий жихатдан қудратли мамлакатга айланди ва Яқин Шарқнинг буюк давлатлари қаторига қўшилди. Хатти мамлакатининг асосан харбий куч туфайли эришган ташқи сиёсий муваффақиятларини хетт ҳукмдорлари дипломатик актлар - шартномалар орқали мустаҳкамлашга интилардилар. Муайян мажбуриятлар билан қўли боғланган, ҳаракатлари эса айғоқчилар ва кичик гарнизонлар ёрдамида назорат қилинадиган маҳаллий сулола вакилининг ихтиёрида қўшни шаҳар ёки мамлакатнинг тахтини сақлаб қолиш ишончлироқ йўл эканлигини улар яхши тушунишган. Шериклар ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятига мос келадиган турли хил шартномалар мавжуд эди.

Шартномаларда давлатлар ўртасидаги чегаралар келишиб олинган, уларни бузмаслик, бировнинг ҳудудида янги шаҳарларга асос солмаслик ва бирор томоннинг шунга ўхшаш уринишларига йўл қўймаслик каби мажбуриятлар белгиланган. Қарам бўлган подшога учинчи томон билан иттифоқ тузиш манн этилган. Хетт подшоси урушга кирган пайтда у билан шартнома тузган томоннинг “бетарафлиги” ёки хеттлар душмани билан махфий алоқаларда бўлганлиги ғанимлик ҳаракати деб баҳоланган. Шартномаларнинг кўплаб моддалари ички ва ташқи душманларнинг ҳар қандай тажовузларига қарши биргаликда курашишга бағишланган. Биринчи даъватнинг ўзида контрагент ( шартнома тузган ҳар икки томоннинг бири ) ўзининг қўшинлари билан ёрдамга келиши лозим эди. Шартноманинг айрим бандлари фақат бир томон учун таалуқли бўлиши мумкин эди. Шартномада кўзда тутилган шартларнинг тўлиқ бажарилиши устидан назорат қилиш асосан гувоҳ - худолар зиммасига юклатилган.

Хатти мамлакатининг ташқи сиёсатида сулолавий никоҳлар муҳим ўрин эгаллаган. Хетт подшоларининг қизларига бош хотин, яъни мамлакат маликаси мақомини қафолотловчи шартлар илгари сурилди. Хеттларнинг сулолавий никоҳларига оид концепцияси айнан шунда ўз ифодасини топган.

Хетт подшолигининг ташқи сиёсатида элчилар, вакиллар, чопарлар ва бошқалар муҳим роль ўйнаган. Хетт анъаналарида дипломатик элчилик вазифасини адо этувчи мансабдор шахс, “асо одами” ( герольд ) унвонига эга бўлган инсон учрайди. Ушбу даража элчи ва вакил даражасидан юқори ҳисобланган, чунки “асо одами” унвонига кўп ҳолларда подшо уруғига аъзо бўлган амалдорлар эга эди.

Хукмдорларнинг дипломатик муносабатларида мирзалар ( котиблар ) муҳим роль ўйнаган. Айнан улар нафақат ўз хукмдорининг кўрсатмаларига, балки, биринчи галда хетларнинг ўзида шаклланган мезонларга таяниб, шартномалар ва хатларнинг матнларини тайёрлашган. Хетт жамиятининг талабаларидан келиб чиқиб, мирзалар бир неча тилларни билишлари лозим эди. Бунга уларни махсус мирзалик мактабларида ўргатишган.

Милоддан аввалги I минг йилликда Яқин Шарқ мамлакатларида иқтисодий юксалиш рўй берди. Давлатлар ўртасида доимий, ва биринчи галда савдо алоқалар, шунингдек, сиёсий, дипломатик ва маданий муносабатлар йўлга қўйилди. Минтақа эса ушбу даврда тўхтовсиз урушлар майдонига айланиб борди.

Яқин Шарқ харитаси ва ундаги кучларнинг ўзаро нисбати тубдан ўзгарди. Аллақачонлар кучли бўлган давлатлардан ( Хетт подшолиги, Митанни ) фақатгина парчалар қолди-ки, уларни бошқа қудратлироқ давлатлар аста - секин ютиб юборди. Иккинчилари сақланиб қолган бўлса ҳам, бироқ ички ва ташқи сиёсий таназулни бошидан кечираётган эдилар. Бунинг натижасида, улар қачонлардир жаҳон сиёсатида ўйнаган етакчилик ролини бошқа давлатларга, айниқса Оссурияга топшириб қўйишди. Милоддан аввалги I минг йилликда ўша давр кўламларига кўра “жаҳон” гегемонияси учун улкан қамровли кураш олиб борилди-ки, унда энг қудратли давлатлар ғолиб чиқишди. Бу эса, ўз навбатида, дастлабки “империялар”нинг, йирик харбий - сиёсий бирлашмаларининг, ўзига хос “жаҳон” миқёсидаги салтанатларнинг барпо этилишига олиб келди.

Бундан аввалги даврлардаёқ Оссурия Яқин Шарқ давлатлари орасида аста - секин юксалиб борди. Милоддан аввалги IX асрда Оссуриянинг ташқи сиёсати тўрт йўналиш (шимолий, жанубий, шарқий ва ғарбий ) бўйича ривожланди. Яқин Шарқда Оссурия давлатининг мавжуд бўлгунча, бир томондан узлуксиз тарзда харбий - сиёсий иттифоқлар ташкил этиларди, иккинчи томондан, эса - Оссурия ушбу иттифоқларнинг тарқаб кетиши учун барча ҳаракатларни қиларди ва уларни бирма - бир бўйсундиришга интиларди.

Милоддан аввалги VIII асрнинг биринчи ярми Оссурия учун чуқур инқироз ва тушкунлик даври бўлди. Инқироз ҳолати Оссуриянинг халқаро мавқеига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Оссурия давлатининг ташқи сиёсий қудрати мил. авв. VIII асрнинг иккинчи ярмида, ҳокимият тепасига Тиглатпаласар III ( мил. авв. 745 - 727 йй. ) келганда тикланди. Тиглатпаласар III замонида асосий эътибор яна ғарб мамлакатларига қаратилди. Жанубда ҳам унга омад кулиб боқди. Бобил учун оссурияликларга қарши кураш олиб борган халдей қабилалари устидан ғалаба қозонилди. Тиглатпаласарнинг ўзи Пулу номи билан Бобилда тож кийган. Бу орқали Оссурия маълум даражада мойил сиёсат ва

дипломатияга эга эканлигини намоёиш қилди, чунки Бобилга махсус мақом берилди.

Саргон II хукмронлиги даврида Оссуриянинг ташқи сиёсати қуйидагилар билан тавсифланади:

- 1) ташқи сиёсатга оид барча анъанавий йўналишларнинг ягона, ўзаро боғлиқ тугунга чатишиб кетиши;
- 2) харбий ҳаракатларнинг хужумкор хусусиятга, яъни янги ерларни босиб олиш интилишига эга эмаслиги, балки асосан, жазо сифатида забт этилган ҳудудларни бўйсундирилган ҳолатда сақлаб қолишга қаратилганлиги.

Синаххериб эса ( мил. авв. 705 - 681 йй ) ўз хужумларини асосан икки йўналишда ( ғарбий ва жанубий ) олиб борди. Ғарбда Оссурияга қарши коалиция ( иттифоқ ) тузилди. Синаххериб унга қарши шиддатли кураш олиб борди. Натижада коалиция иштирокчилари бирма - бир жазоланди ва Оссурия ҳокимияти остига қайтарилди. Хукмронлигининг бутун даври давомида Синаххерибнинг ўй - фикрлари Бобилга қаратилганди. Оссурияга қарши Бобил – Элам- Денгиз бўйи ( Ўрта ер денгизи ) - араблар иттифоқи доим мавжуд эди. Милоддан аввалги 689 йилда Синаххериб Бобилни шафқатсизларча ер билан яқсон қилиб ташлади. Синаххерибнинг ўғли подшо Асархаддон (мил.авв. 681 - 669 йй.) “Бобил масаласини” хал этишни ташқи сиёсатининг биринчи галдаги вазифаси деб ҳисоблади. Шарқий йўналишда Оссурия учун хавfli вазият юзага келди. Мидияликларнинг Оссурияга қарши тузган иттифоқига маннейлар, киммерийлар, скифлар ва бошқалар кирди. Милоддан аввалги 674 - 673 йилларда Оссурия Каштарити ( Фраорт ) бошчилигидаги кўзғолони бостиришга уринди, лекин муваффақиятсизликка учради. Натижада мустақил Мидия подшолиги барпо этилди. Бироқ Оссурия дипломатияси коалиция ( иттифоқ ) аъзоларини бир - биридан ажратиб, кўзғолон кўламини камайтиришга эришди. Милоддан аввалги 674 ва 671 йиллардаги юришлар натижасида Оссурия ўзининг энг улкан истилосини амалга оширди - Мисрни забт этди. Аммо Оссуриянинг Миср устидан хукмронлиги мустаҳкам эмасди ва узоққа чўзилмади.

Асархаддон ўғли - Ашшурбанапалга ( мил. авв. 668\635 - 627 йй.) улкан салтанат мерос бўлиб қолди. Ашшурбанапал бошқаруви даврида Оссуриянинг ташқи сиёсати икки босқичга бўлинади. Хукмронлигининг биринчи ярми ( мил. авв. 654 йй. ) Яқин Шарқда Оссурия устиворлигининг сақланиб қолиши ва мамлакат гуллаб яшнаганлигининг давом этиши билан тавсифланади. Хаддан ташқари зўр беришлар, қаршилик кўрсатувчилар ва кўзғолончилар устидан шафқатсиз жазолар эвазига, ҳамда жосуслик фаолиятининг мохирона тарзда йўлга қўйилганлиги ва тажрибали дипломатиянинг ҳаракатлари туфайли Оссурия гегемон мақомини вақтинчалик сақлаб қола олди. Бунга

киммерийлар ва скифлар билан тузилган иттифоқ ҳам ёрдам берди. Милоддан аввалги VIII асрнинг ўрталарида Ашшурбанапал хукмронлиги давридаги Оссурия ташқи сиёсатининг иккинчи босқичи бошланди. Мамлакатда сиёсий инқироз бора - бора авж олиб борди. Ушбу инқироз Олд Осиёда оссурияликлар томонидан бўйсундирилган давлатлар ва халқларнинг энг йирик кўзғолонида кескин тарзда намоён бўлди. Кўзғолон мил. авв. 654 - 648 йилларда энг юқори чўққисига чиқди. Оссурияга қарши чиқишлар юз берганлигининг ўзи Бобил атрофида улкан коалициянинг ( иттифоқнинг ) жипслашишига олиб келди. Коалицияга Элам, халдей - арамей князликлари ва Ўрта ер денгизи бўйи қабилалари, Сурия , Финикия ва Оссуриянинг вилоятлари кирди. Оссурия, иттифоқчиларнинг ўзаро зиддиятларидан фойдаланиб, бу сафар ҳам кўзғолони шафқатсизларча бостиришга эришди.

Бироқ, ичидан емирилган Оссурия салтанати Бобил ва Мидиядан иборат кудратли иттифоққа қарши дош бермади ва парчаланиб кетди. Оссурия дипломатияси тарихига оид манбаларда талайгина ва ранг - баранг маълумотлар мавжуд. Подшога таалуқли ёзувлар улар орасида биринчи ўринда туради. Асосан Ниневия шаҳри архивида сақланиб қолган, подшоларнинг ёзишмалари бизларгача кўплаб миқдорда етиб келган.

Оссурия ва унга қарам бўлган давлатлар ўртасида шартномалар оғишмай бажарилиши лозим эди. Шартномани тузиш маросими сеҳр - жоду ва таомилларига оид амаллар, худолар қасам ичишлар билан биргаликда олдида амалга ошириларди ва улар муқаддас иттифоқ кучига эга бўларди. Шартномани бузиш энг табаррук қоидаларидан хатлаб ўтишни англатарди. Бу эса шафқатсизларча жазоланарди.

Лекин шартнома бўйича кичик хамкорлар учун манн этилган ишларга оссурияликларнинг ўзлари бемалол, ҳеч қандай виждон азобларисиз қўл уришарди.

Турли давлатлар билан дўстона муносабатларни қадрлаган Оссурия подшолари сулолавий никоҳлар ва хукмрон хонадонлар билан қариндошчилик алоқаларини ўрнатишга маълум даражада ахамият беришган. Оссурия давлати хукмронлиги даврида гаровга олиш амалиёти тинчлик муносабатларини кафолатлаш, имзоланган шартномаларга риоя қилиш, Оссурия ҳокимиятига бўйсунуш элементларининг бири сифатида қўлланарди.

Тобе подшолар томонидан ўзларининг ўғилларини, содиқлиги кафолати сифатида, Оссурия хукмдорлари саройига юбориши гаровга олиш амалиётининг энг тарқалган шакли эди.

Оссурия подшолари одатда бошқа давлатлардан келган шох наслига оид қочоқларни жон деб қабул қилишарди ва саройда ушлаб туришарди. Оссурия подшолари ушбу инсонлардан ўзларининг сиёсий ўйинлари ва

дипломатиясида фойдаланишдан манфаатдор эдилар. Буни ўзга давлатлар хукмдорлари яхши тушунардилар.

Милоддан аввалги I минг йилликда музокаралар олиб бориш ва элчиликлар жўнатиш давлатлараро муносабатларда одатий хол эди. Тинчлик музокараларини олиб бориш Ашшурбанапал даврида кенг қулоч ёйди. Зеро Оссурия давлати максимал даражада кенгайиб кетди, энди эса унинг олдида забт этилган худудларни тобе холатида сақлаб қолиш вазифаси турганди. Бунинг учун эса нафақат харбий кучлар, балки дипломатиянинг барча усуллари ва найранглари зарур эди. Ашшурбанапал иложи бор жойда масалани тинч воситалар билан хал этишга интилган, чунки харбий устунлик хар доим хам самарали бўлмаган ва кучларни хаддан ташқари сафарбар қилишни талаб қилган. Оссурия хукмдорлари ўзлари олиб борган музокаралар натижаси бўйича жиддий иккинланишлар хис қилган пайтлари хам бўлган. Ашшурбанапалнинг Шамашшумукин кўзғолони қатнашчилари билан олиб борган музокаралари тўғрисидаги маълумотлар сақланиб қолинган.

Оссурия хукмдорларининг дипломатик харакатлари ғоят муваффақиятли бўлиб чиқди. Улар Шамашшумукин кўзғолони иштрокчиларининг сафини бузишга ва мағлубиятга учратишга ёрдам берди.

Музокаралар олиб борадиган томонларнинг бир - бирига мурожаат қилиш тартиби тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш лозим. “Биродар” ва “биродар” ( ёки “оға” ва “ини” ), “ота” ва “ўғил” - ушбу сўзлар давлатлар - хамкорлар ўртасидаги муносабатларнинг турли нюансларини ( сезилар - сезилмас фарқларни, тафовутларни ) ифода этарди. Оссуриянинг бошқа мамлакатларнинг устидан хукмронлиги харбий куч воситасида ўрнатилган даврда “хукмдор” ( ёки “султон” ) - “кул” формуласи кўпроқ ишлатиларди. Бундай тартибни бузишга уринишлар ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин эди.

Иш юритиш Оссурия давлатида икки тилда олиб бориларди: аккад тилининг оссурия шеvasида ва арамей тилида. Дипломатик тусдаги хужжатлар орасида номалар, хатлар, “мухрли хужжатлар”, “узук ости” хужжатлар, оддий “хужжатлар” ( “табличкалар” - сопол парчалари ), махфий мактублар, маълумотлар ва бошқалар тилга олинади. Музокараларда турли даражадаги омилкор ва эътиборли кишилар қатнашган.

Давлат номидан музокараларни подшолар, шахзодалар, тахт ворислари, подшо амалдорлари: абаракку, рабшаку ва бошқ, элчилар, чопарлар ( “мар шипри” ) олиб боришган, саркардалар ва ахоли истиқомат қиладиган жойларнинг бошлиқлари хам учрайди. Оссурия разведка ( жосуслик ) хизматининг жуда катта ва кўп тармоқли аппаратига эга эди.

Разведка ( жосуслик ) масалалари билан одатда шахзода - тахт вориси шуғулланарди.

Ашшурбанапал ҳам, тахт вориси деб эълон қилингандан сўнг разведка ( жосуслик ) масалалари билан фаол шуғулланди. Ашшурбанапалнинг подшолик даврида эса разведка ( жосуслик ) Оссурия ташқи сиёсатининг эҳтиёжларини қондириш йўлида ғайрат билан ишларди. Оссурия дипломатиясининг харакатлари ҳамкор - давлатларнинг ички зиддиятларини, ушбу давлатлар таркибидаги турли вилоятларнинг ва айниқса қабилаларнинг сепаратизмини, уларнинг бошқа давлатлар билан қарама - қаршилигини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириларди. Буларнинг барчаси ҳақидаги маълумотларни Оссурия маъмуриятига, шу жумладан дипломатия хизматига, разведка ( жосуслик ) етказиб берарди.

Манбаларнинг ўзига хос хусусиятга эга эканлиги Қадимги Хиндистон тарихининг ҳар қандай йўсинларини ўрганишдаги энг асосий қийинчиликлардан биридир.

Бирор - бир архив ҳужжати бизгача етиб келмаган, бирор - бир қадимги хинд йилномаси маълум эмас, ёзувлар эса кам сонли ва ҳар доим ҳам етарли даражада маълумотларга эга эмас.

Қадимги хинд ташқи сиёсат назарияси бўйича асосий манба Каутильянинг “Артхашастра”-си ҳисобланади ва ҳозирда унинг санаси милодий биринчи асрлар билан белгиланади. Ушбу асарда давлат тузилиши, маъмурий - ҳўжалик бошқаруви, суд ишлари, ҳарбий ва дипломатик саънат бўйича маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари нитишастра туридаги асарлар ҳам борки, уларнинг асосий мазмуни подшоларга ахлоқий насихатлар, шунингдек ички ва ташқи сиёсатига оид маслаҳатлардан иборат. Қадимги Хиндистонда давлатлараро муносабатлар назариясининг асосида мандала ( яъни “доира”, одатда “давлат доираси” маъносида изоҳланади ) концепцияси ётади.

“Истилолар қилишга интилган” ҳукмдор учун ўз рақибларини бўйсундириш фақатгина энг биринчи мақсад деб ҳисобланган. Агар унга эришса, кейинги мўлжал - бу “ўртадаги” ва “бетараф” ҳукмдорларнинг ерларидир. Ушбу истилоларнинг натижасида дунё устидан ҳукмронлик ўрнатилиши лозим эди.

Мандала - бу ташқи сиёсатга оид муайян харакатлар ва чора - тадбирлар мажмуаси сифатида тасаввур қилиш мумкин - ки, у янада йирик давлатга айланиб кетиш тенденциясига эгадир. Буюк давлатнинг ( ва охири келиб “жаҳон” салтанатининг ) барпо этилиши сиёсатнинг охириги мақсади деб ҳисобланган.

Душман устидан ғолиб чиқишнинг энг муҳим воситаси сифатида у ва унинг иттифоқчилари орасида адоватни келтириб чиқариш, рақиб иттифоқчилари билан сепарат ( бошқалар билан келишилмаган, бир томонлама ) шартномалар имзолаш ёки уларга тўғридан - тўғри ҳарбий

ёрдам кўрсатиш, яъни душман мандаласини парчалаб ташлаш тан олинган. Мандаланинг яна бир ахамиятли хусусиятини таъкидлаш керак: подшонинг иттифоқчилари, тахтда ўтириб ва хоқимиятга эга бўлиб, ўз иттифоқчиларини ҳам сақлаб қолишган.

Беқарор ва чидамсиз сиёсий бирлашмалар ташкил этилган - ки, улар ўз яхлитлиги ва мухториятини сақлаб қолган майда давлатлардан иборат бўлган. Мандала тушунчаси билан бир қаторда қадимги хинд сиёсий назариясида “ етти хадли ( аъзоли ) давлат” концепцияси муҳим ўрин эгаллайди. Унинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат: подшонинг ўзи, вазирлар, шаҳар - қалъалар, қишлоқ ерлари, хазина, қўшин ва иттифоқчилар. “Артхашастра”- да тез - тез тилга олинадиган “қўшинлар” ёки “иттифоқчилар”нинг тавсифида алоҳида тўхталиш керак, чунки “давлатлараро муносабатларга” оид кўплаб маслаҳатларнинг катта қисми айнан улар билан боғлиқдир. “Артхашастра” га биноан, иттифоқчининг асосий хусусияти - “фойда келтириш”. Итоаткорлик - унинг энг муҳим фазилатидир. Сиёсат саънатини эгаллаган подшо, биринчи галда шартномаларнинг мураккаб тизимига таяниб, яққа хоқимликка интилиши лозим. Хар хил тинчлик битимлари сиёсатининг энг биринчи ва муҳим воситаси сифатида назарда тутилган.

“Артхашастра” тузувчиси, қасам ичиш маросимида қисқача тўхталиб, қулайроқ усул сифатида тан олинган гаровга олишнинг муҳокамасига асосий эътиборини қаратган. “Тинчлик” давлатларнинг узоқ ва доимо бирга ( бир жойда ва бир вақтда ) мавжуд бўлишини англатмасди. Тинчликка эришиш фақатгина кучлироқ душман устидан ғолиб чиқишнинг энг яхши воситаси сифатида тавсия этиларди. Муроса - мадора муносабати билан “сиёсатнинг тўрт усули” ҳам тилга олинади. Булар - “ўғитлар, панд - насихатлар”, “совғалар”, “низо уруғини сепмоқ” ва “куч ишлатиш”. Ушбу усуллардан бирин - кетин фойдаланиш мумкин. Муросага келиш айниқса душманга нисбатан очиқдан - очиқ куч билан қаршилик қилишга ожиз бўлган заиф подшоларга тавсия этилади.

Дипломатик тусдаги турли хил шартномаларнинг таърифига “Артхашастра”да катта эътибор қаратилган. Улар орасида тенг ҳуқуқли ва тенгсизлари, фойдали ва фойдасизлари, шартлари мавжуд ва шартлари йўқ шартномалар алоҳида белгилаб кўрсатилган.

Ташқи сиёсатнинг анъанавий усуллари орасида ахамияти жихатдан иккинчи ўринда уруш туради. Уруш барча усуллардан фойдаланиб бўлгандан кейингина, охириги восита сифатида кўрилган. Подшога ғалабаларга жангсиз эришиш тавсия қилинган, чунки тинч йўл билан бўйсундириш камроқ кучни ва харажатни талаб қилади.

“Дута” ( “ элчи” ) атамасининг брахманларда тилга олиниши элчилик хизмати Хиндистонда давлатчилик тараққиётининг илк

боскичида ( мил. авв. I минг йилликнинг биринчи чораги ) вужудга келган деб сўз юритишга имкон берарди.

Каутильянинг “Артхашастра”сида махсус боб элчининг вазифаларига бағишланган. Шу ерда, жумладан, элчиларнинг туркумлари келтирилган - “мухтор”, “чекланган ваколатларга эга” ва “чопар” (мактублар етказувчи ).

Элчилик хизматини бажарган амалдорлар бошқа, доимий вазифаларга ҳам эга бўлган-ки, уларнинг маъмурий аппаратдаги ўрни ва мансабларининг номлари айнан шу орқали белгиланган. Элчининг махаллий ахоли билан алоқа қилиши подшо фармонида кўра ман этилиши ёки чекланиши мумкин эди. Сиёсий асарларда элчига кўпроқ сукут қилиш ва эшитиш қатъиян тавсия этилади. Элчи ўзга мамлакатга жўнаб кетар экан, саёхати учун зарур бўлганларнинг барчасини - отларни, араваларни, пулларни пухталики билан тайёрлаган. Узоқда жойлашган мамлакатларга элчиликлар жуда кам юборилган. Манбаларда асосан Хиндистон ичкарасида мавжуд бўлган давлатларга юборилган элчиликлар ҳақида гап юритилади. Хиндистон худудида кўплаб кичик давлатларнинг мавжуд бўлиши элчиликлар сонининг шунга мос бўлишини талаб қиларди. Тобе давлатлар олий ҳукмдор пойтахтида доимий вакилларига эга бўлишган. Элчилик хизматининг ташкил қилиниши Қадимги Хиндистон давлатларининг ривожланиш даражасига мос бўлган. Махсус дипломатик муассаса, афтидан, шаклланмаган бўлса ҳам, элчилик вазифаларини подшо номидан иш олиб борган олий мансабдор шахслар ёки батафсил кўрсатмалар олган оддий амалдорлар бажарган. Элчилардан номаларни (мактубларни, хатларни ) етказиб бериш ниқоби остида рақибни ёки унинг энг қудратли амалдорини йўқ қилиш мақсадида ҳам фойдаланилган.

Шунингдек, элчилар душманнинг жойлашуви, кучлари, захиралари ҳақида маълумотлар тўплаган. “Артхашастра” да турли хил номаларнинг (мактублар ва хатларнинг), шу жумладан, дипломатик тусдаги ёзишмаларнинг формулярлари берилган.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг дастлабки чорагида Шимолий Хиндистонда илк давлатлар шаклланиб борди, аммо манбаларнинг тақчиллиги давлатлараро муносабатларнинг бир қадар ишончли ва аниқ манзарасини касб этишга имкон бермайди. Хиндистон шимолида давлатлараро муносабатларнинг хусусиятлари тўғрисидаги айрим маълумотлар Александр Македонскийнинг Хиндистонга юришини таърифлаган ёзма манбаларда мавжуд.

Александр сатрапарининг ҳокимияти фақатгина миллоддан аввалги 317 йилгача сақланиб қолинди. Шу пайтнинг ўзида Маурьялар сулоласининг асосчиси Чандрагупта Нандлар давлатини босиб олди. Сал кечроқ Чандрагупта Александр империясининг харобаларида барпо этилган Салавқ давлати билан тўқнаш келди. Улар ўртасида тузилган

тинчлик шартномасига кўра Салавқ Хиндистондан 500 жанговор филни олди, Чандрагупта эса Хинд дарёсидан ғарбда жойлашган катта ерларни қўлга киритди.

Ашока хукмронлиги даврида Маурья давлатининг гуллаб-яшнаши энг юқори чўққига етди. Ашоканинг энг йирик истилоси – бу Калинг давлатининг бўйсундирилиши эди. Шундан сўнг деярли бутун Хиндистон Маурьялар хокимияти остида эди. Ашока давридаги Маурьялар давлатининг тузилиши шундан далолат беради-ки, Ашока бир қатор вилоятларнинг бошқарувида анъанавий шаклларни сақлаб қолган. Ашока давлатининг катта қисми шахзодалар томонидан идора қилинган провинциялар ва ярим мустақил вилоятларга бўлинган. Шу билан бир қаторда, ушбу ерларнинг чегаралари, бошқарув шакллари ўзгармаган; шахзода фақатгина аввалги подшонинг ўрнига тахтга ўтирган ва сезиларли даражада хокимиятга эга бўлган.

Қудратли Маурья подшосининг ўз хокимиятини сақлаб қолишга ва давлатнинг яхлитлигини мустахкамлашга қаратилган чоралари етарли бўлиб чиқмади. Қадимги Хиндистон тарихида мавжуд бўлган ушбу энг йирик давлатнинг структураси (тузилиши) унинг тез қулашига сабаб бўлди. Милодий IV асрнинг бошида Гупталар сулоласи даврида Магадха давлати яна кучайиб борди. Ушбу сулолага тегишли энг қудратли подшолардан биринчиси Чандрагупта I эди. Гупталар Шимолий Хиндистон устидан ўз хокимиятини V асрнинг иккинчи ярмига қадар сақлаб келишди.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимида Шан давлати мавжуд эди ва унинг таъсири Шимолий Хитойдаги илк давлатчилик тузилмаларига, ҳамда қабилавий уюшмаларга ёйилганди. Милоддан аввалги II минг йилликнинг охирида Хитойнинг шимолий-ғарбий қисмида истиқомат қилган чжоу қабиалари шанликларни забт этишди ва ғарбий Чжоу номи билан маълум бўлган анчагина йирик давлатни барпо қилишди. Чжоу давлатининг пойтахти Хао шахридан Лои шахрига (замонавий Лоян) кўчирилиши билан (милоддан аввалги 770 йил) Шарқий Чжоу сулоласининг даври бошланди.

Хуанхэ дарёси ўрта оқими ва Буюк Хитой текислигида жойлашган давлатлар, қолган барча халқлар ва подшоликлардан фарқлироқ тарзда, ўзларини хуася этномаданий бирлиги қаторига киргизишган ва “ўртадаги давлат” -лар деб номланишган. “Ўртадаги подшолик”-ларнинг барчаси Чжоу давлатининг устунлигини тан олишган. Чжоу хукмдори – ван “Само ўғли” илохий унвонига эга эди, “ўртадаги подшолик”-ларнинг хукмдорлари эса уни Хитойдаги олий диний нуфузга эга бўлган шахс сифатида иззат қилишган.

Хамонки ушбу подшоликлар ўртасидаги урушлар доимо бўлиб ўтар экан, давлатлараро муносабатлар, улар ўртасида иттифоқлар тузиш

тартиби, разведкани (жосусликни) ташкил этиш масалаларига оид бой амалий тажриба асрлар давомида тўпланди. Айниқса охириги катта роль ўйнаган. Шу пайтда давлатлараро муносабатлар назарияси ва амалиётига тааллуқли таълимотлар ва доктриналар яратилди. “Ўртадаги подшоликлар” - “хуася” ва “варварлар”-нинг ўхшаш эмаслиги тўғрисидаги тасаввурлар шаклланди ва бу ҳол ташқи сиёсий алоқалар тамойилларига ўз таъсирини ўтказди. Само ўғлини бутун оламнинг ҳукмдори сифатида тасвирлайдиган Чжоу доктринаси “ўртадаги подшоликлар” аҳолисининг устунлиги ва “варвар”-ларнинг туғма етилмаганлиги тўғрисидаги Конфуций (милоддан аввалги 551-479 йй.) таълимотининг негизини ташкил этди. Ушбу таълимот қадимги Хитойда давлатлараро муносабатлар назарияси ва амалиётига сезиларли даражада таъсир этди. Бутун олам ҳукмдори ҳисобланмиш Само ўғли тўғрисидаги Чжоу доктринаси Чжоу ванининг унга итоаткорлигини ифода қилиши лозим бўлган яқин ва узоқдаги халқлар, ҳамда подшоликлар билан бир томонлама муносабатларининг идеаллаштирилган схемасини таклиф этарди.

Ҳукмдорлар ҳузуридаги айрим амалдорларнинг вазифалари доирасига бошқа давлатлар билан муносабатларни йўлга қўйиш масаласи кирарди ва махсус кишилар элчилар нутқини тайёрлашарди. Дастлаб саройда муҳокама қилинган ушбу нутқлар қўшни давлатлар билан музокаралар олиб борилганда катта аҳамиятга эга эди.

Ўз пайтида Чжоу вани Ци ҳукмдори Хуань – Гуннинг мустақил равишда ташқи сиёсий ва дипломатик ҳаракатлар олиб бориш, ҳамда ҳарбий иттифоқлар тузиш, шунингдек “ба” (гегемон) унвонига эга бўлиш ҳуқуқини тан олди. Иттифоқчи подшоликлар гегемонга бирлашиш муқаддас қасамини (мэн) ичишарди. Ци давлатидан сўнг гегемонлик бирин-кетин бошқа давлатлар қўлига ўтиб борди.

Гегемонларнинг сиёсий устиворлигини мустаҳкамлашда элчиларни қабул қилиш ва юбориш маросими муҳим роль ўйнади. Элчиларни йўлга отлантириш гегемонларни ўзига ярашмасди, шу пайтнинг ўзиде эса иттифоқчи подшоликлар ҳукмдорларининг шахсан ўзлари элчилар сифатида гегемон ҳузурига етиб келардилар.

Иттифоқчи давлатлар подшоларининг ўғилларини гаровга олиш Чжаньго давридаги давлатлараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятига айланди. Давлатлар томонидан майда подшоликларни босиб олиш жараёни авж олганди. Бу эса подшоликлар ўртасидаги иттифоқларнинг йириклашувига сабаб бўларди. Давлатлараро йирик бирлашмаларнинг алоҳида шакллари юзага келдики, улар “вертикал бўйича иттифоқлар”, “горизонталь бўйича иттифоқлар”, “узоқдаги давлатларнинг яқиндаги давлатларга қарши иттифоқлар” деб номланиши билан маълумдир. Ушбу шароитда давлатлараро битимларни тузиш амалиёти билан боғлиқ махсус

фаолият турига бўлган эҳтиёж пайдо бўлади. Бундай зарурат нафақат уруш вақтида, балки бошқа пайтларда ҳам талаб қилинганди.

Жамиятнинг ўқимишли қатламлари орасида дипломатик тусдаги вазифаларни бажариш учун зарур бўлган билимлар ва тажрибага эга бўлган, сиёсий вазиятни назарий ва амалий жихатдан тушунадиган, гапга чечан, ишнинг ўзига хос усталари пайдо бўлди. Дипломатияга тааллуқли фаолиятнинг катта ахамиятга эга эканлигини Чжаньго даврида мавжуд бўлган барча ғоявий-сиёсий мактабларнинг вакиллари таъкидлашган. Жумладан, Конфуций дипломатия санъатига ўргатишни подшоликни бошқаришдан кейин иккинчи ўринга қўйган. Элчилар ёзма эмас, балки оғзаки кўрсатмалар билан юборилган.

Қадимги Хитойда дипломатик дахлсизлик ҳақида тушунча мавжуд бўлмаслигига қарамасдан, амалда ҳар қандай подшоликда элчига ўта хурмат билан қаралган.

Чжаньго даври хукмдорларининг саройлари қошида “юйши” деб номланган яқин амалдорлар бор эди. Улар хукмдор номига бошқа подшоликлардан етиб келган барча мактубларни қабул қилиш, ҳамда келгуси музокаралар учун маълумотлар тайёрлаш билан шуғулланардилар. Давлатлараро муносабатлар назарияси ва амалиёти билан “цзун хэн” мактабининг фаолияти боғлиқ бўлган. Одатга кўра ушбу мактабнинг пайдо бўлиши донишманд Гуй Гуцзы (мил. авв. IV-III асрлар) номига тақалади. Мактабнинг номи икки турдаги давлатлараро иттифоқларнинг номидан келиб чиқади – “цзун” (вертикаль бўйича иттифоқ ёки шимол-жануб иттифоқи) ва “хэн” (горизонталь бўйича иттифоқ ёки шарқ-ғарб иттифоқи). Милоддан аввалги 221 йилда Цинь подшолиги биринчи бор бутун Хитойни бирлаштирди. Истилоларни амалга ошириш Цинь Шихуанди ташқи сиёсатининг асосий вазифасига айланди. Милоддан аввалги 202 йилда Цинь сулоласи халқ кўзғолонлари натижасида ағдарилди. Империяда ҳокимият тепасига Хань сулоласи келди. Хань империясининг қўшни халқлар билан муносабатларда аввалги даврдан мерос бўлиб қолган ойкумена эгоцентрик (эгоцентризмга оид, ўта манманлик. Ўзини дунёга устун деб билиш) концепцияси катта роль ўйнаган.

Ушбу расмий ташқи сиёсий доктринага “даосизм” фалсафасига оид асарларда ўз аксини топган ўзгача концепция қарши турганки, унга кўра “Ўрта империя”-нинг бошқа халқларга нисбатан устунлиги инкор қилинган. Хань империясининг, унинг таркиб топган кунидан бошлаб, энг муҳим ташқи сиёсий вазифаси – чегараларни кўчманчи Сюнну қабилаларнинг мунтазам босқинларидан химоя қилиш эди. Милоддан аввалги III асрнинг охирига келиб империянинг шимолий чегараларида ушбу қабилаларнинг қудратли бирлашмаси вужудга келди.

“Тинчлик ва қариндошчиликка асосланган шартнома” деб маълум бўлган ва милоддан аввалги 198 йилда тузилган шартномага биноан Лю Бан шаньюй (сюнну қабилаларининг олий сардори) Модэга нисбатан ўлпон тўловчи эканлигини фактик жихатдан тан олди. Милоддан аввалги 195 йилда Лю Баннинг ўлиmidан сўнг Модэ, вазиятни ўзи учун қулай деб хисоблаб, яна бир маротаба назарини Хитойга қаратди. Модомики, Хитойга хужум қилишга расмий бахонаси бўлмаган Модэ ифво қилмоқчи бўлди ва милоддан аввалги 192 йилда Лю Баннинг бева хотини императрица Люйхоуга никоҳ таклифи билан мактуб юборди. Конфуцианлик ахлоқига биноан бева хукмдор аёлга никоҳ таклифи билан мурожаат қилиш расм – одат бўлиб қолган одоб қоидаларининг кўпол тарзда бузилиши эди. Люйхоу дархол шаньюй Модэга қимматбаҳо совғалар юборди. Шу билан бир қаторда никоҳ тўғрисидаги таклифига рад жавобини берди.

Айтиб ўтилган “тинчлик ва қариндошчилик” тўғрисидаги шартнома (Лю Бан томонидан биринчи бор тузилганди). Қадимги Хитойда халқаро муносабатлар тарихи, назарияси ва амалиётида янги саҳифани очиб берди. Милоддан аввалги 198 йилда тузилган ушбу шартнома ёш Хань давлати учун яхши оқибатларга эга бўлди, Хань империясининг қудратли ва тахликали кўшниси билан муносабатларни тартибга солди. Милоддан аввалги 133 йилда сюнну билан тузилган тинчлик шартномаси бекор қилинди ва император Уди уларга қарши юришлар бошлади. Милоддан аввалги 138 йилнинг ўзидаёқ Уди сюннуга нисбатан душман бўлган юэчжи қабилалари билан харбий иттифоқ тузиш мақсадида Чжан Цань бошчилигидаги элчиликни жўнатди. Ўрта Осиёда бўлган даврида Чжан Цань илгари Хитойликлар учун номаълум хисобланган йирик ўлкани кашф этди.

Хань империяси Буюк ипак йўли бўйлаб жойлашган Шарқий Туркистон воҳасининг шаҳар - давлатларида ўз таъсирини ва хукмронлигини ёйиш учун турли дипломатик ва харбий усуллардан фойдаланган. Ушбу сиёсатни амалга оширишдаги муҳим босқич сифатида Хань империясининг усунь қабилалари билан иттифоқ тузиши намоён бўлди. Милоддан аввалги 115 йилда усуньлар хузурига Чжан Цань бошчилигидаги элчилик юборилди. Ушбу элчилик Хань давридаги Хитой давлатининг Марказий ва Ўрта Осиёнинг, ҳамда Ўрта Шарқнинг бошқа мамлакатлари билан саво ва дипломатик алоқаларини ривожланишида катта роль ўйнади. Бироқ Буюк ипак йўлини эгаллаш Уди учун унинг “империя сарҳадларини 10 минг ли миқдорида кенгайтириш ва хоқимиятини бутун дунё бўйлаб ёйиш” ғоясини амалга оширишдаги муҳим босқичи эди холос. Харбий йўналишдаги фаол ташқи сиёсат билан бир қаторда Уди жанубий ва шимолий-шарқий йўналишлар бўйича кенг истилочилик ҳаракатларини олиб борди. Шу билан бирга, йиллар

давомида Уди томонидан олиб борилган урушлар давлат захираларини ва хазинани қуритди. Империянинг чекка ҳудудлардаги қабилаларни Ханларга қарши чиқишлари кенгайди. Уди вафотидан сўнг йирик истилочилик юришлари деярли олиб борилмади.

Милоддан аввалги I асрнинг охири – милодий I асрнинг бошига қадар Хань империясининг ташқи сиёсати пассив кўринишга эга бўлди. I асрнинг ўрталарига келиб эса Хань империяси қадимги дунёнинг энг йирик давлатига айланди. Ушбу даврда империянинг энг асосий вазифаси – шимолий сунну қабилаларини бўйсундириш ва ғарбий ўлкада ўз хукмронлигини тиклаш эди.

73 йилда Бан Чао элчилик вазифаси билан ғарбий ўлкага юборилди. Унинг бу ерлардаги ҳаракатлари ўша замон дипломатиясига хос тарзда олиб борилди. Бан Чао фаолияти натижасида ғарбий ўлкада Хань хукмронлигининг мустахкамланиши Хитойни ғарбий мамлакатлар билан сиёсий ва савдо алоқаларининг кенгайиши учун катта ахамиятга эга бўлди. 80-йилларнинг охиридан бошлаб Буюк ипак йўли орқали Кушон давлати, Парфия ва Яқин ва Ўрта Шарқнинг бошқа “Узоқ мамлакатлари” билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Улар (муносабатлар) I ва II асрлар чегарасида энг юқори нуқтасига кўтарилди. Рим империяси (қадимги Хитой манбаларида Дацинь деб номланади) билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатишга уринишлар ҳам қилиб кўрилди.

Қадимги Хитойнинг деярли 2000 йиллик тарихи давомида яқин ва узоқ қўшнилар билан ташқи муносабатларни амалга оширишнинг муайян тамойиллари ишлаб чиқилди. Қадимги Хитой учун хос бўлган икки энг муҳим тенденцияни, давлатлараро алоқалар ва шартномалар негизидаги муносабатларнинг икки асосий турини эътироф этиш лозимдир. Уларнинг биринчиси “ди го” -“тенг давлатлар” концепциясига таянади. Тенг шериклар назарияси биринчи галда, “ўртадаги подшоликларнинг” ўзаро муносабатлари амалиётидан келиб чиққан ва тенг ҳуқуқли давлатлар ўртасидаги муносабатларни узоқ муддатли ва мустахкам аънарасига эга бўлган.

Аммо Уди хукмронлиги давридан бошлаб қўшни халқлар билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда ўзгача тамойил устунлик қилди. Бу тамойил, конфуцианликнинг “дунёни тартибга солувчи монархия” доктринасига таяниб, “варвар”-ларнинг (яъни чегарадан нариги барча халқларнинг) етилмаганлиги тўғрисидаги назария билан бевосита боғлиқ эди ва барча ўзга мамлакатларга Хитойнинг эҳтимолли ўлпон тўловчиси сифатида расман қарарди.

Гаровга олиш ходисалари Хань империясининг қўшни мамлакатлар ва халқлар билан муносабатлардаги одатий ҳол эди. Хань замонидан элчиларни қабул қилишнинг махсус маросими ишлаб чиқилдики, унинг мақсади – элчилик юборган хукмдорнинг Хань императорига нисбатан

тобелик холатини таъкидлаб ўтиши керак эди. Саройга ўрнатилган қоидаларга беками-кўрст риоя қилишга катта ахамият бериларди. Элчилар албатта совғалар билан етиб келардилар. Хань империяси ҳам ўз навбатида, инъомлар беришга қизғанмасди. Элчиларни қабул қилиш ва улар томонидан совғаларни топшириш маросими хорижлик вакилларни камситадиган ва ўзга юртлар хукмдорларининг тобе холатини таъкидлашга қаратилган бўлсада ҳам, Хань империяси ва қўшни мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг хақиқий кўринишларини бузиб кўрсатарди.

### **Назорат саволлари**

1. Қайси давлатлар милоддан аввалги 2000 йилликнинг ўрталарида Яқин шарқдаги сиёсий вазиятни белгилаб берган?
2. Қадимги Миср ва Хетт подшолиги ўртасидаги муносабатлар хақида нима биласиз?
3. Милоддан аввалги I минг йилликда Оссуриянинг ташқи сиёсати ва дипломатияси хақида нима биласиз?
4. “Артхашастр” хақида нима биласиз?
5. Қадимги Хитойда Хань империяси қандай ташқи сиёсатни ва дипломатияни олиб борган?

### **Тавсия этилган адабиётлар**

1. Бонгард-Левин Г.М. Индия эпохи Маурьев. М., 1973.
2. Вигасин А.А., Самозванцев А.М, «Артхашастра»: Проблемы социальной структуры и права. М. 1984.
3. Гумилев Л.Н. Хунну. М.1960
4. Дандамаев М.А. Иран при первых Ахеменидах., М., 1963.
5. Дандамаев М.А. Политическая история Ахеменидской державы. М., 1985
6. Думан Л.И. Внешнеполитические связи древнего Китая и истоки даннической системы. – Китай и соседи. М., 1970.
7. Думан Л.И. Учение о Сыне Неба и его роль во внешней политике Китая. – Китай: традиции и современность. М., 1976.
8. Дьяконов И.М. История Мидии. М., 1956
9. История древнего Востока/ Под ред. В.И. Кузищина. М.1988.
10. Источниковедение истории Древнего Востока. М., 1984
11. Конрад Н.И. Сунь-цзы. Трактат о военном искусстве. М. –Л., 1950
12. Крюков М.В. Переломов Л.С., Софронов М.В, Чебоксаров Н.Н. Древние китайцы в эпоху централизованных империй. М., 1983.
13. Маккуин Дж. Хетты и их современники в Малой Азии. М., 1983.

14. Межгосударственные отношения и дипломатия на древнем Востоке .М.1987
15. Переломов Л.С. Конфуцианство и легизм в политической истории Китая. М., 1981
16. Хрестоматия по истории древнего Востока. Ч. 1, 2 М., 1980
17. Якобсон В.А, Представления о государстве и древней Месопотамии. – Древний Восток. Вып. 3, Ер., 1978.
18. Қадимги дунё тарихи / Ю.С. Крушкол тахрири остида. Т. ,1974, 1 қисм.

### **Қадимги Юнонистонда халқаро муносабатлар ва дипломатия.**

- 1. Қадимги Юнонистонда халқаро алоқалар ва халқаро ҳуқуқ.**
- 2. Юнонистон - Эрон урушлари.**
- 3. Миллодан аввалги IV асрда полислараро муносабатлар.**
- 4. Эллинизм даврида халқаро муносабатлар.**

Қадимги Юнонистонда осойишта халқаро алоқалар ҳуқуқнинг энг қадимги шакли “проксения” ( яъни, меҳмондўстлик ) эди. Проксения алоҳида шахслар, уруғлар, қабилалар ва давлатлар ўртасида мавжуд бўлганди. Проксенлар орқали дипломатик музокаралар олиб борилади; шаҳарга етиб келган элчиликлар биринчи галда ўзининг проксенига мурожаат қиларди.

Проксения қадимги юнон дунёсининг кейинги барча халқаро алоқалари учун асос қилиб олинди.

“Амфиктиония” лар ҳам халқаро алоқаларнинг худди шундай қадимий шакли эди. Алоҳида иззат қилинадиган илохнинг ибодатхонаси атрофида юзага келган диний иттифоқлар амфиктиониялар деб номланарди. Ушбу иттифоқларга ибодатхона атрофида, қариндошчилик муносабатларидан қатъи назар, истиқомат қилувчи қабилалар кирарди.

Қабилалар тўпланиб, байрамлар ўтказилган пайтда уруш олиб бориш ман этиларди, ҳамда “илохий тинчлик” эълон қилинарди. Шундай қилиб, амфиктиониялар халқаро тусдаги диний - сиёсий тартибга айланарди.

Қадимий Юнонистонда амфиктиониялар бир нечта бўлиб, уларнинг орасида энг қадимгиси ва катта таъсирга эга бўлгани Дельфа - Фермопил амфиктионияси эди. Дельфа шаҳридаги Апполон худоси ибодатхонаси қошидаги ва Фермопил шаҳридаги Деметра худоси ибодатхонаси қошидаги амфиктионияларнинг бирлашиши негизида ушбу иттифоқ юзага келди. Дельфа - Фермопил амфиктионияси таркибига 12 қабила кирганди.

Дельфа - Фермопил амфиктиониясининг асосий мақсади Дельфа шаҳридаги Апполон худоси ибодатхонасини, унинг бойликларини ва ер

эгалликларини кўриқлаш эди. Шу билан бир қаторда, амфиктония маълум жихатдан умумюнон, яъни ўзига хос халқаро қоидаларини ўрнатишга ҳаракат қиларди-ки, уларга амфиктониянинг барча аъзолари риюя қилишлари керак эди. “Симмахия”-лар номини олган харбий - сиёсий иттифоқ тўғрисидаги шартномалар қадимги Юнонистонда халқаро муносабатларнинг ўзгача бир кўринишини касб этдилар. Уларнинг орасида энг йириқлари Лакедемон ва Афина симмахиялари эди.

Лакедемон симмахияси милоддан аввалги VI асрда Пелопоннес шаҳарлари ва жамоаларининг иттифоқи сифатида вужудга келди. Унга Спарта бошчилик қиларди. Афина шаҳри раҳбарлигидаги Афина ( Делос ) симмахияси эса Юнонистон -Эрон урушлари даврида эронликларга қарши курашиш учун тузилганди.

Жамоалар ва полислар ўртасида юзага келган низолар махсус вакиллар ёки элчилар, воситачилигида хал этиларди. Қадимги Юнонистон тарихининг “Гомер даврида” улар даракчилар ( керюкс, ангелос ) деб аталган бўлса, классик даврида эса оқсоқоллар ( пресбейс ) номини олганди.

Элчилик аъзоларининг сони турлича бўлиб, мавжуд шароитлардан келиб чиқиб белгиланарди. Элчилик мақсадлари элчиларга берилган йўриқномаларда маълум қилинарди. Йўриқномалар аниқ ўрнатилган тартибда расмийлаштириларди: бир - бирига бирлаштирилиб тахланган икки мумланган тахтачалардан (дипломата) иборат ёрлик шаклида эди. “Дипломатия” атамаси ҳам шундан келиб чиқади.

Қадимги Юнонистоннинг ривожланишида кўзга ташланадиган аниқ уч даврни кўрсатиш мумкин:

- 1) Крит - Микена даври ( милоддан аввалги II минг йиллик );
- 2) Полис даври ( милоддан аввалги XI – IV асрлар );
- 3) Эллинизм даври ( милоддан аввалги 334 – 30 йиллар ).

Крит давлати ва Ахейя подшоликларининг мавжуд бўлиши биринчи даврга хос бўлган ҳолатдир. Критнинг Миср каби қудратли давлатлар билан муносабатлари дўстона эди, манбаларда элчиликлар билан алмашишлар кўрсатиб ўтилади. Ахейя подшоликлари қўшни давлатларга нисбатан урушқоқ сиёсат юргазардилар, урушлар олиб бориш йўлида бирлашардилар ( Троя урушлари - милоддан аввалги 1240 – 1230 йиллар ).

Қадимги Юнонистон тарихининг иккинчи босқичида ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий жихатдан жамиятнинг илдамлик билан ривожланиши рўй берди. Классик кулчилик негизида ривожланган кулдорлик иқтисодиётига эга шаҳарлар - давлатлар - полислар пайдо бўлди.

Юнон давлатлари сиёсий мустақилликка эга бўлганлиги сабабли халқаро муносабатлар тарихини полислараро муносабатлар сифатида, қўшни давлатларга нисбатан эса ташқи сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Ушбу босқичнинг энг мухим воқеаларидан бири Юнонистон - Эрон урушлари эди. Эрон ушбу урушларни ахолиси кўп ва иқтисодий ривожланган бой юнон полисларни забт этиш мақсадида олиб борди. Юнонларнинг Эрон давлати билан олиб мил. авв.500 - 449 йиллардаги тўқнашувлари Юнонистон - Эрон урушлари номини олган, чунки харбий ҳаракатлар бир неча компанияларга бўлинади.

### **Юнонистон - Эрон урушларининг асосий даврлари:**

**I.** Милоддан аввалги 500 – 494 йй. - Кичик Осиёда жойлашган юнон шаҳарларининг эронликларга қарши кўзғолони, Афина ва Эретреянинг кўзғолончиларга ёрдами;

**II.** Милоддан аввалги 492 – 490 йй. - Эронликларнинг Болқон Юнонистонига бостириб киришга уринишлари.

**III.** Милоддан аввалги 480 – 479 йй. - Ксеркснинг Юнонистонга босқини - Юнонистон - Эрон урушларининг энг юқори нуқтаси.

**IV.** Милоддан аввалги 478 – 459 йй. - харбий ҳаракатлар характерининг ўзгариши, харбий ташаббуснинг юнонлар қўлига ўтиши, Эгей денгизи ороллари ва Кичик Осиёда жойлашган юнон шаҳарларининг озод этилиши. Афина харбий қудратининг ўсиши.

**V.** Милоддан аввалги 459 – 449 йй. - Афина ва унинг иттифоқчиларининг Мисрга юриши, Юнонистон - Эрон урушларининг якунлаши.

Юнонистон -Эрон урушларида юнонларнинг ватанпарварлиги ва жасорати ( мил. авв. 490йилда Марафон ёнидаги жанг, мил. авв. 480 йилда Фермопил йўлаги ёнидаги жанг ) ёрқин намоён бўлди, бирлашиш зарурлиги англаб етилди ( Панэллин иттифоқи - мил. авв. 481 й., Делос иттифоқи - мил. авв. 478й. ). Ушбу лахзалар полис иқтисодиёти ва жамиятининг юксалиши, полис тузилишининг мукаммалик даврини бошидан кечираётганлиги билан изоҳланади. Ушбу жараёнлар натижасида юнонлар қадимги дунёнинг энг йирик давлати сифатида намоён бўлган Ахамонийлар салтанати билан бўлган тўқнашувда ғалабага эришдилар.

Милоддан аввалги 449 йилда “Калий” сулхи тузилди. Эрон подшохи билан тинчлик тузиш мақсадида Кипрга юборилган Афина элчисининг исми Калий бўлганлиги сабабли ушбу битим шундай номланади. Тинчлик шартлари қуйидагилардан иборат бўлди:

1. Эрон подшоси юнонларнинг Кичик Осиёдаги барча полисларнинг мустақиллигини таниди ва юнонларга қарши харбий ҳаракатлар олиб бормаслик мажбуриятини ўз зиммасига олди.

2. Эрон давлати бундан буён Эгей денгизи ва бўғозларга харбий флотини кирита олмасди.

3. Юнон полислари Шарқий Ўрта ер денгизи минтақаси ва Мисрга оид масалаларга аралашмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олдилар.

Милоддан аввалги 478 йилда Делос симмахиясининг ( иттифоқининг ) ташкил этилиши урушнинг яна бир муҳим натижаларидан бири бўлди. Бу - ташқи сиёсатдаги асосий мақсадлари бир - бирига мос келган, тез суръатларда иқтисодий ривожланишдан манфаатдор бўлган, бир хил демократик тузумга эга юнон шаҳарларининг мустахкам бирлашмаси ва харбий иттифоқи эди. Аммо ушбу иттифоқнинг ташкил этилиши пайтидан бошлаб Афинанинг устунлиги кўзга ташланди. Чунки ушбу шаҳар йирик бой полис бўлиб, эронликларга қарши урушнинг асосий оғирлигини ўз гарданига олди. Милоддан аввалги 454 йилда иттифоқининг хазинаси Делос оролидан Афинага ўтказилишдан сўнг ушбу устунлик янада яққол бўлиб қолди.

Иттифоқчилар Афинага тенг аъзолар сифатида эмас, балки маълум жихатдан фуқаролар сифатида кўрилардилар. Милоддан аввалги 454 йил Делос симмахиясининг Афина архэсига ( давлатига ) айланиш даврининг чегараси хисобланади.

Урушдан сўнг юнон полисларининг гуллаб - яшнаш даври бошланди. Ушбу давр иқтисодиётнинг ўсиши ва маданиятнинг юксак ривожланиши билан ифодаланади.

Афина давлатига стратег сифатида бошчилик қилган Перикл биринчи Афина денгиз иттифоқига кирган полисларни бирлаштиришга ва ягона иттифоқчи давлатни барпо этишга интилди. Бу эса денгиз иттифоқининг ичида кескин низоларга олиб келарди. Бир вақтнинг ўзида ташқи сиёсий тусдаги тўқнашувлар ҳам етилмоқда эди: Афина ва Коринфнинг Фарбга олиб борадиган савдо йўллари учун кураши; Афина ва Спартанинг Юнонистонда гегемонлик қилиш учун кураши. Ушбу барча қарама- қаршилиқлар юнон полисларнинг кўпчилигини ўз домига тортиб кетган Пелопоннес урушига ( мил. авв. 431 - 404йй. ) олиб келди. Пелопоннес уруши икки асосий даврга бўлинади:

Биринчи давр - “Архидам уруши” ( мил. авв.431 - 421йй. );

Иккинчи давр - Афиналикларнинг Сицилияга қўшин юбориши ва “Декелей” уруши ( мил. авв. 415 – 404 йй. ).

Милоддан аввалги 421 - 415 йиллар давомида вақтинча сулҳ сақланди. Харбий ҳаракатлар бир пайтнинг ўзида турли ҳудудларда олиб борилди: Эгей денгизи хавзасида, Пелопоннесда, Ўрта Юнонистонда, Фарбий вилоятларда, Сицилияда. Урушнинг иккинчи даврида Спарта ёрдам сўраб Эрон давлатига мурожаат қилди. Кўмак бериш эвазига эронликлар Кичик Осиёда жойлашган юнон шаҳарларини назорат қилиш ҳуқуқини талаб қилдилар. Спарта бунга рози бўлмади, бироқ рад жавобини ҳам бермади. Бу - Юнонистоннинг миллий манфаатларига нисбатан сотқинлик эди. Уруш Спартанинг ғалабаси билан якунланди.

Биринчи Афина денгиз иттифоқи тарқатиб юборилди. Спартанинг гегемонлиги даври бошланди.

Полислар ўртасидаги доимий урушлар уларнинг шундоқ ҳам танг ахволини янада заифлаштирарди.

Милоддан аввалги 399 йилда Эрон ва Спарта ўртасида уруш бошланди. Ахамонийлар орасидаги сулолавий курашга Спартанинг аралашуви ушбу урушни келтириб чиқарди. Спарта урушнинг охирида қилган сотқинлиги туфайли ўзини юнонлар олдида обрў - эътиборини тиклашга ва Кичик Осиёда жойлашган юнон шаҳарларини озод этишга интилди. Бироқ милоддан аввалги 395 йилда Ахамонийлар ёрдамида тузилган коалиция (иттифоқ) Спартага қарши уруш бошлади. Ушбу иттифоққа Афина, Коринф, Фива кирди. Полисларнинг заифлашуви ва иктисодиётининг таназзулга юз тутиши ўша даврда уларнинг барчасини бой Эрон давлатига нисбатан қарам қилиб қўйганди. Эрон урушаётган томонларини тинчлик шартларини қабул қилишга фактик жихатдан мажбурлади ( мил. авв. 387 йилда тузилган “Анталкид” сулхи ); Эрон давлати Кичик Осиё шаҳарлари устидан бўлган ҳокимиятини тиклади, эронликлар флотига Эгей денгизига кириш рухсат этилди, юнон полислари устидан кузатиш ва назорат қилиш Спартага топширилди. Спартанинг сиёсати давлатлар мухториятини бузиш, демократларга жазо бериш, олигархик тартибларни ўрнатиш орқали ўз ифодасини топди. Спарта юнонлар эркинлиги ва мустақиллигининг асосий душманига айланди. Милоддан аввалги 382 йилда рўй берган олигархик тўнтаришдан кейин Фива демократлари мил.авал. 379 йилда демократик тузумни тиклашди ва мил. авв.VI асрдаёқ мавжуд бўлган Беотия иттифоқини қайтадан вужудга келтиришди. Милоддан аввалги 378 - 377 йилларда Спарта билан курашиш учун Иккинчи Афина денгиз иттифоқи тузилди. Левктра шаҳри ёнидаги жангда (мил. авв. 371 й.) фиваликлар Спарта қўшинларини мағлубиятга учратишди ва ушбу воқеа Спартанинг енгилмаслиги тўғрисидаги афсонани йўққа чиқарди. Мантиней ёнидаги жангда ( мил. авв. 362й. ) фиваликлар саркардаси Эпаминонднинг ўлиmidан сўнг Фива шаҳрининг қисқа муддатли юксалиши яқунланди. Бунга Фиванинг кучайишидан кўрқиб қолган Афинанинг фиваликларга нисбатан ғаразли муносабати сабаб бўлди. Бироқ, Афинанинг Иккинчи Афина денгиз иттифоқида ўз устиворлигини ўрнатишга қаратилган уринишлари иттифоқчиларнинг қаршилигига учради ва “Иттифоқчилар уруши” га олиб келди(мил. авв. 357 - 355йй.). Ушбу уруш иттифоқнинг тарқалиб кетиши билан яқунланди.

Шу даврда Юнонистоннинг шимолида янги харбий - сиёсий куч сифатида Македония намоён бўлди. Милоддан аввалги 346 йилга келиб Македония подшоси Филипп II томонидан олдин Фессалия, сўнгра Фокида, Холкидика ва Фракия соҳили босиб олинди. Афинада ва

Юнонистоннинг бошқа полисларида Македонияга қарши ва тарафдор партиялар ўртасида кураш бўлиб ўтарди. Демосфеннинг харакатлари туфайли юнон шаҳарларининг Македонияга қарши иттифоқи тузилди. Аммо ушбу иттифоқ мил. авв. 338 йилда Херонея шаҳри ёнидаги жангда тўла мағлубиятга учради. Бу ерда, Македонияга қарши партиянинг раҳбарларидан бири бўлган Ликургнинг сўзларига кўра, “халок бўлганларнинг таналари билан бирга юнонларнинг эркинлиги ҳам кўмилди”. Милоддан аввалги 337 йилда Филипп II томонидан Коринфда чақирилган конгресс Юнонистоннинг Македонияга бўйсунганини расмийлаштирди.

Ушбу воқеалар билан қадимги Юнонистон тарихининг III - босқичи бошланди. Александр Македонский ( Искандар ) бошчилигидаги юнон - македонлар армияси мил. авв. 334 йилда Эрон давлатига юришни бошлайди. Уч жангда (Граник дарёси ёнидаги жанг - мил. авв. 334, Исс ёнидаги жанг - мил. авв. 333 йилда, Гавгамела ёнидаги жанг - мил. авв. 331 й.) эришилган ғалабалар натижасида Эрон давлатининг катта қисми эгалланди.

Шарқ томон харакатланган Александр Ўрта Осиёга, сўнгра эса Ғарбий Хиндистонга бостириб кирди. Александрнинг шарқий юриши натижасида улкан давлат барпо этилди.

Унинг ўлимидан сўнг ( мил.авв. 323й. ) саркардалар - диадохлар ўртасида кураш натижасида эллин давлатлари шаклланди. Ушбу кураш мил.авв. 321 йилда бошланди ва мил.авв. 281 йилда якунланди. Йирик давлатлар ташкил топди - Птолемейлар подшолиги ( Миср ), Салавкийлар давлати, Понт, сўнгра Пергам, Каппадокия, Юнон - Бактрия подшолиги.

Салавкийлар ва Птолемейлар давлатлари Ўрта ер денгизининг шарқий қисмида ўз хукмронлигини ўрнатиш учун рақобат қилардилар ва Юнонистонда фаол роль ўйнашга интилардилар. Бунинг устига улар вақти - вақти билан учинчи эллин давлати -Македония билан мураккаб муносабатларга эга бўлардилар. Македония Эгеидани доимо ўз назорати остида ушлаб туришга тўғридан - тўғри манфаатдор эди. Салавкийлар Птолемейлар билан Келесирия ( Жанубий Сурия ) учун айниқса шиддатли кураш олиб боришарди, чунки Хиндистон ва Шарқнинг бошқа мамлакатларидан келадиган савдо йўллари Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилида тугарди, Салавкийлар эса Суриянинг фақат шимолий қисмига эгаллик қиларди. Ўз навбатида Птолемейлар Келесериядан шимолга силжишга интилардилар. Кейинчалик 1 - Сурия уруши номини олган ушбу тўқнашувларда ( мил.авв III асрнинг 80 – йиллари ) омад у ёки бу томонда бўлади ва Птолемей II нинг биров устунлиги билан якунланди, чунки Миср флоти Салавкийлар флотига нисбатан кучлироқ бўлиб чиқди. Бироқ шу пайтнинг ўзида, Африкада, Антиох I Салавкий кўмагида Киренаика Мисрдан ажралиб чиқди ва мустақил давлатга айланди.

Милеет, Кикладика ороллари ва бошқа нуқталарга эга бўлган Миср юнонларнинг Македонияга қарши чиқишларини қўллаб - қувватларди. Лекин, тез орада Македония, Салавкийлар ва Родос ороли Мисрни Эгей денгизи минтақасидан суриб чиқардилар. Македония хатто Киренаика билан яқинлашишга муваффақиятсиз уриниб кўрди. Мақсад - Киренаикадан Мисрга қарши фойдаланиш эди. Милоддан аввалги III асрнинг 60 - йилларида Антиох II Мисрга қарши 2 - Сурия урушини бошлади. Бироқ, Каспий денгизидан шарқда жойлашган улкан худудларнинг бош кўтаришни ва Салавкийлардан ажралиб чиқиши ( бу ерларда мустақил Парфия ва Бактрия давлатлари вужудга келди) вазиятни мураккаблаштирди.

Асосий уч эллин давлатининг ички ахволи уларнинг ташқи тўқнашувларида кучлар мувозанатининг турғун эмаслигига сабаб бўлганди. Улар доимо босиб олинган ва асоратга солинган аҳолини бостириш ташвишида эди.

Милоддан аввалги III асрнинг ўрталарига келиб Миср қудратининг энг юксак чўққисига етди. Птолемей III Эвергет сулолавий никох орқали Киренаикани яна бир бор қўшиб олди, 3 - Сурия уруши ( мил. авв. 245 - 243 йй. ) даврида эса Финикия ва Сурияни, Салавкийлар пойтахти Оронгдаги Антиохияни ишғол этди. Айрим манбаларда у сўнгра Месопотамияни босиб олганлиги ва Шарқ томон харакатланганлиги, аммо Птоломейларга қарши кўтарилган кўзғолон туфайли Мисрга қайтиб келганлиги тўғрисида гапирилади.

3 - Сурия урушида мағлубиятга учраган Салавкийлар подшолиги заифлашганди. Бундан Пергам фойдаланди ва Кичик Осиёда Салавкийларга тегишли эгаликларнинг бир қисмини босиб олди. 30 - йилларнинг охирида Антиох III ( мил.авв. 223 – 187 йй. ) тахтга ўтирганидан сўнг Сурия ва Финикияни қайтариб олиш ва Мисрни Келесириядан суриб чиқариш мақсадида 4 - Сурия уруши ( мил.авв. 219 – 217 йй. ) бошланди. Бироқ Салавкийлар тўла мағлубиятга учради. Бу - Мисрнинг охирги харбий муваффақияти эди. Антиох III Кичик Осиёда харбий харакатларни олиб борди ва қўлдан кетган шарқий вилоятлар устидан Салавкийлар хокимиятини тиклаш мақсадида ўзининг машхур шарқий юришини ( мил.авв. 212 – 205 йй. ) бошлади. Натижада Парфия ва Юнон - Бактрия бўйсундирилди ва Салавкийларнинг вассалларига айлантирилди. Сўнгра, Македония билан бўлган иттифоқига таяниб, Антиох III Жанубий Сурияни, Финикияни, Фаластинни, Кичик Осиёда Птоломейларга тегишли қатор шаҳарларни босиб олишга эришди. Айнан шу пайтда Антиох III Рим билан тўқнаш келди. Чунки у, Фракияни забт этиб, Юнонистонда Рим хокимиятидан норози бўлганларнинг барчасини қўллаб - қувватлади. Салавкийлар шарқий Ўрта ер денгизи минтақасида устиворликка очикдан - очик даъвогарлик қилардилар. Бу эса Рим билан

урушга олиб келди. Рим билан бўлган урушда (мил.авв. 192 - 188йй) мағлубиятга учраши ва римликлар томонидан мажбуран қабул қилдирилган Апамей шартномаси ( мил.авв. 188 й. ) Салавкийларнинг Эгей денгизи хавзасидаги таъсирини тўлалигигача йўқ қилди. Антиох IV Эпифан ( мил.авв. 175 – 163 йй. ) Салавкийлар давлатининг кудратини тиклашга ( мил.авв. 170 ва 168 йилларда Мисрда юришлар ) ва зўраки эллиништириш йўли билан унинг бирлигини мустахкамлашга уринди. Ушбу сиёсат Яхудияда ( мил.авв. 171, 167 – 160 йй) кўзғолонларни келтириб чиқарди. Эзилган омманинг кураши ва ички сулолавий низолардан заифлашган Салавкийлар ўз ерларини йўқотиб бордилар. Милоддан аввалги 64 йилда Салавкийлар давлатининг охириги қисми (Сурия) Римга тегишли вилоятга айланди.

Ички зиддиятлар ва сулолавий курашлар оқибатида емирилган Птолемейларнинг Миср давлати ҳам аста - секин заифлашиб борди ва мил.авв. 30 йилда Рим томонидан забт этилди.

Пергам, Вифиния каби бошқа эллин давлатларининг тақдири шунга ўхшаш бўлди. Улар Римга қўшиб олинди ва вилоятларга айлантирилди.

Йирик эллин давлатларининг ташкил топиши фақат шарқий Ўрта ер денгизи минтақасига хос ҳолат эмас. Милоддан аввалги IV асрнинг охири ва III асрнинг бошида ўхшаш давлатлар Фарбда ҳам пайдо бўлди. Булар - Агафоклнинг Сицилия давлати ва Пирр бошқаруви давридаги Эпир. Аммо ушбу юнон давлатларининг умри қисқа бўлди - ички аҳвол мустахкам эмасди ва улар Карфаген ва Рим каби кудратли қўшнилари билан бўлган курашда ўз мустақиллигини сақлаб қолаолмадилар.

Юнонистонда ҳукмронлик қилиш учун курашни давом эттирган давлатлар ва харбийлашган иттифоқларнинг ( Македония, Ахейя иттифоқи, Этолия иттифоқи, баъзи даврларда – Спарта ) устунлиги эллинизм даври Юнонистони учун хос ҳолатдир. Давлатларнинг кўпчилигида подшолар ва олигархия мавжуд эди. Александрнинг ўлимидан сўнг Афина бошчилигидаги давлатларнинг Македонияга қарши кураши ( “Ламия уруши” - мил.авв. 323\322йй) Македониянинг ғалабаси ва юнон демократларини жазолаш билан яқунланди. Афина саркардаси Хремонид номини олган урушда ( мил.авв. 267 - 261йй. ) иккинчи марта мағлуб этилганидан сўнг Афина вайрон этилди ва бутунлай Македония монархиясига қарам бўлиб қолди.

Бироқ Македония ҳам бутун Болқон ярим ороли устидан ҳокимиятини тикла олмади. Унга қарши, гоҳ бир - бири билан бирлашиб, гоҳ алохида - алохида, икки янги кудратли иттифоқ - Ахейя иттифоқи (мил.авв. 280 йилда ташкил этилган ) ва Этолия иттифоқи ( мил.авв. 367 йилда барпо этилган) - кураш олиб борарди. Ахейя иттифоқи Пелопоннеснинг катта қисми (Спартадан ташқари ) ва йирик шаҳарларни (Сикион, Коринф, Мегара) қамраб олганди. Этолия иттифоқи

Этолиянинг ўзидан ташқари, Ўрта Юнонистон полислари (Афинадан ташқари), Жанубий Фессалия ва бошқ. кирарди.

Александр ворислари, кейинчалик Македония ва икки иттифоқнинг Юнонистонда хукмронлик қилиш учун олиб борган кураши шаҳарларнинг оммавий вайрон этилиши, ахолини кул қилиб сотилиши, иқтисодиётнинг таназулга юз тутишига олиб келарди.

Римликлар, Македонияни Киноскефал ёнидаги жангда ( мил.ав. 197 й. ) мағлубиятга учратганларидан сўнг, демократияга қарши олигархия қатламларини қўллаб– қувватлаб, юнонларнинг ички ишларига доимо аралашиб келдилар.

Милоддан аввалги 196 йилда Истмий ўйинларида эълон қилинган “юнонлар эркинлигига” ишонч Римнинг Юнонистондаги шухратини қисқа муддатга кўтарди. Шу даврдан бошлаб Юнонистон доимо Рим таъсири остида бўлди. Македония сиёсий ахамиятини йўқотди, мил.авв. 148 йилда Римга қарши кўзғолон бостирилганидан сўнг эса, Иллирия ва Эпир билан биргаликда, римликларнинг вилоятига айлантирилди; Этолия иттифоқини Рим тарқатиб юборди. Милоддан аввалги 146 йилда римликларга қаршилик қилишга уринган Ахейя иттифоқи ҳам тор - мор этилди; шундай қилиб, Юнонистон фактик жихатдан Рим хокимияти остида қолди. Римда империянинг қарор топиши билан ( мил.авв 27й. ) Юнонистон римликларнинг Ахейя (расман эркин шаҳар деб ҳисобланган Афинадан ташқари) вилоятига айлантирилди ва Рим империясининг бошқа шарқий вилоятларидан кам фарқ қиларди. Милодий IV асрдан бошлаб Юнонистон Шарқий Рим империяси - Византиянинг ўзагини ташкил этди.

### **Назорат саволлари:**

1. Нима учун қадимги Юнонистонда амфиктония ва симмахия турдаги иттифоқлар пайдо бўлди?

2. Юнонистон - Эрон урушларининг асосий сабаблари нимадан иборат бўлди?

3. Нима учун мил.авв. 431 - 404 йиллардаги уруш Пелопоннес уруши деб номланади?

4. “Каллий” ва “Анталкид” сулхлари ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

5. Александр Македонскийнинг (Искандар) харбий муваффақиятлари қандай изоҳланиши мумкин?

6. Эллин давлатларининг ташқи муносабатларида кучлар мувозанатининг турғун эмаслигига нима сабаб бўлганди?

7. Бирлашишнинг қандай кўринишлари эллинизм давридаги Юнонистон учун хосдир?

8. Милоддан аввалги III асрда эллин давлатлари ўртасидаги тўқнашувлар қандай хронологияга эга?

### **Тавсия этилган адабиётлар:**

1. Античная Греция. Под ред. Е.С. Голубцовой. М. 1983. т. 1-2.
2. Античная цивилизация. Под ред. В.Д. Блаватского. М. 1973.
3. Бокщанин А. История международных отношений и дипломатии в Древнем Риме. М. 1948.
4. История Греции. Под ред. В.И.Кузищина. М. 2001.
5. История дипломатии. М. 1959. т.1.
6. Шофман А.С. Распад империи Александра Македонского. М. 1984.
7. Қадимги дунё тарихи. / Ю.С. Крушкол таҳрири остида. Тошкент, 1975, II қисм.

## **Қадимги Римда халқаро муносабатлар ва дипломатия.**

- 1. Қадимги Римда халқаро алоқаларнинг шакллари ва дипломатия идоралари.**
- 2. Ўрта ер денгизи минтақасида халқаро муносабатлар (мил. авв. III - II асрнинг биринчи ярми).**
- 3. Милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярми - I асрнинг биринчи ярмида халқаро вазият ва Рим.**
- 4. Рим империяси I - V асрларда. Ташқи сиёсат.**

Энг қадимги даврлардан бошлаб Римда меҳмондорчилик ҳуқуқи мавжуд бўлиб, у Юнонистондаги проксенияни эслатарди. Қабилалар ва қабилавий иттифоқлар ўртасида юзага келадиган жанжаллар ва англашилмовчиликларни тартибга солган кохинларнинг фециаллар коллегияси бор эди. Бирорта ташқи сиёсий ташаббусни фециалларнинг ижозатисиз на бошлаб бўларди, на яқунлаб. Халқаро келишувларни сақлаш, уруш эълон қилишнинг ва сулҳ тузишнинг расмий маросимини ўтказиш фециаллар ваколатларининг доирасига кирарди.

Бошқа қабилага мансуб кишилар билан бўлган муносабатларда Рим жамоаси ва алоҳида фуқароларнинг манфаатларини рекуператорлар деб номланган мартабали шахслар химоя қилган. Улар, римликлар ва кўшни шаҳарлар ва қабилалар вакиллари ўртасида пайдо бўладиган ўзаро моддий даъволар негизидаги жанжалларни ва тортишувларни кўриб чиқадиган, сони 3 дан 5 гача бўлган сайланма хакамлар эди. Кейинчалик, мил. авв. II – I асрларда, рекуператорлар суди Рим вилоятлари аҳолисининг ноиблар устидан қилган арзлари ва шикоятларини ҳам кўриб чиққан.

Халқаро алоқаларнинг ривожланиши муносабати билан Римда халқаро ҳуқуқнинг куртаклари ҳам пайдо бўлмоқда эди. Буни фециаллар ҳуқуқида кўриш мумкин. Иқтисодий ҳаётнинг мураккаблашиши ва кўшнилари билан тинчлик муносабатларининг ривожланиши сари фақат Рим фуқароларга таалуқли бўлган қадимги “фуқаролар ҳуқуқи” билан бир қаторда “халқлар ҳуқуқи” ҳам вужудга келдики, у римликлар ва чет элликлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солди.

Антик даврига оид дипломатик муассасаларнинг ташкил этилиши ва ички тузилиши Римда мавжуд бўлган сиёсий тузумнинг хусусиятларини акс эттирган классик давридаги Римда халқ йиғини фақат уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш масалаларини хал қиларди, ташқи сиёсатга эса Сенат сиёсий раҳбарлик қиларди.

Рим тарихининг энг қадимги ( подшолик ) даврида элчилик юбориш ҳуқуқи подшога тегишли бўлиб, элчилар эса фециаллардан иборат эди. Республика даврида ушбу ҳуқуқ Сенат қўлига ўтди. Элчилар легатлар ва ораторлар деб номланди. Элчи шахси одат ва қонун билан химоя қилинганди.

Элчиликлар турли мақсадларга эга бўлиши мумкин эди: уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш, шартномаларни имзолаш, бўйсундирилган вилоятларнинг бошқарувини йўлга қўйиш, ихтилофлар ва диний келишмовчиликларни хал қилишда ҳакамлик қилиш.

Сенат нафақат элчиликларни юбориш, балки уларни қабул қилиш ҳуқуқига эга эди. Римга етиб келадиган элчиликлар икки тоифага бўлинарди:

- 1) Ғаним давлатларнинг элчиликлари;
- 2) Дўстона давлатларнинг элчиликлари;

Ички дипломатия сўнгги антик даврига оид халқаро муносабатлар тизимининг ўзига хос хусусияти сифатида намоён бўлган. Ички дипломатия ривожланишининг энг юқори чўққисига Рим империяси даврида чиққан. Рим империясида марказ ва алоҳида қисмлар ўртасидаги муносабатларнинг мужмаллиги шароитида на фақат ташқи ва балки ички сиёсат ўртасидаги, на ички ва ташқи дипломатия ўртасидаги аниқ чегарани белгилашнинг иложи йўқдир.

Римда мавжуд бўлган давлат ҳуқуқи нуқтаи назардан, ҳар бир шаҳар ва хатто мамлакатнинг майдароқ қисми мустақил сиёсий субъект, яъни давлат ичидаги давлат сифатида кўриларди. Ушбу мустақилликнинг кўринишларидан бири элчилик ҳуқуқида ўз ифодасини топганди. Юқорида тилга олинган ҳар бир шаҳар ёки маъмурий қисм марказга элчилик юбориши, қўшнилари билан шартнома тузиши мумкин эди ва хоказо, бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий жихатдан мустақил бирлик ёки томон сифатида ҳаракат қиларди. Натижада, маълум нуқтаи назардан ягона ҳисобланган халқлар ҳуқуқи ривож топди.

Империя даврида давлат бошқаруви бутунлай император қўлига ўтди. Республика даврида давлатнинг бошқарув муассасаси ҳисобланган Сенат мавжуд бўлиб қолаверди, лекин император қошидаги кенгашга айланиб қолди.

Ташқи сиёсат ва дипломатия масалаларини бошқариб бориш ҳам шунга мувофиқ тарзда ўзгарди. Императорлик даврида ташқи сиёсий масалалар императорнинг(принцепснинг ) қарамоғида эди. Дипломатия император хизматчиларининг вазифасига айланиб қолди. Империя даврида элчилар сайланмасди, балки, барча амалдорлар каби, принцепс томонидан тайинланарди. Клавдий давридан бошлаб, ( милодий I аср ўрталари ) элчилик ишлари билан, император котиби бошчилигидаги, императорнинг шахсий девонхонаси шуғулланарди. Шу билан бир қаторда, ушбу девонхона империянинг олий маъмурий идораси эди.

Илк республика даврида Римнинг ташқи сиёсати Лацияда ўз таъсирини ўрнатиш мақсадида олиб борилган тўхтовсиз урушлар билан тавсифланади. Этрусклар, галлар, Италия қабилалари қарши урушлар Ўрта Италия худудларида Рим таъсирининг ёйилишига олиб келди.

Рим, Ўрта Италияни забт этиб, Жанубий Италиядаги юнон полислари билан урушларни бошлади ва уларда муваффақиятга эришди.

Натижада Рим бошчилигида Рим - Италия конфедерацияси барпо этилди. Рим бутун Италияни “divide et impera” - “бўлиб ташла ва хукмронлик қил” шиори остида бошқарган.

Шундай қилиб, мил. авв. III асрда Рим ўша даврнинг йирик давлатларидан бирига айланди ва Ғарбий Ўрта ер денгизи минтақасида хукмронлик қилиш учун курашни бошлади. Ушбу йўналишда Рим мил. авв. IX асрда Финикия колонияси негизида асос солинган Карфаген Шимолий Африка олигархик республикаси билан тўқнашди. Шунинг таъкидлаш лозимки, Ўрта ер денгизи минтақасидаги халқаро муносабатларни Рим тарихидан ажралмас холда кўриб чиқиш мумкин. Демак, 100 йилда ортиқ давом этган Пуни урушлари бошланди. Биринчи Пуни уруши ( мил. авв. 264 - 241 йй. ) натижасида Рим дастлабки денгиз орти эгаликларини - Сицилия, Сардиния, Корсикани қўлга киритди, ва улар Рим вилоятларига айлантирилдилар.

Иккинчи Пуни уруши ( мил. авв. 218 - 201 йй. ) даврида карфагенлик машхур саркарда Ганнибал Италияга бостириб кирди ва ушбу ҳудудларни 15 йил давомида қийратиб, қатор ғалабаларга эришди ( Канн ёнидаги жанг - мил. авв. 216 йй. ). Уруш йилларида Рим дипломатияси ўзини юқори даражада намоён қилдики, Карфаген иттифоқчиси - Македониянинг ҳаракатлари маълум даврга бетараф қилинди, Этолия иттифоқи билан эса иттифоқ тузилди.

Рим, фожиали мағлубиятларга қарамасдан ҳам харбий, ҳам дипломатик усуллардан фойдаланиб, ушбу урушда ғолиб чиқди. Публий Корнелий Сципион кўмондонлигида римликларнинг ғалабаси ( Зам ёнидаги жанг - мил. авв. 202 йй. ) оқибатида карфагенликлар мағлуб этилди. Испания Рим қўлига ўтди, Карфаген эса харбий - сиёсий қудратидан махрум бўлди. Рим йирик мамлакатдан Ғарбий Ўрта ер денгизидаги энг йирик буюк давлатга айланди.

Ғарбий Ўрта ер денгизи минтақасининг Рим ҳокимияти остида бирлаштирилиши Юнонистоннинг Сицилия билан, ҳамда Миср ва Суриянинг Шимолий Африка ва Италия билан мил. авв. III асрда мустахкамланган анъанавий савдо алоқаларига сезиларли ўзгаришлар киритди. Савдо йўллари ва иқтисодий марказларнинг бошқа жойларга кўчиши жараёни бошланди. Иккинчи Пуни урушидан сўнг Рим экспансиясининг янги даври бошланди: римликлар Шарқдаги эллин мамлакатларига кириб боришди. Мураккаб халқаро вазият ва эллин давлатларидаги ички инқироз бу жараёнини енгиллаштирди.

Рим томонидан Шарқда олиб борилган хужумкор сиёсатнинг сабаблари ва мақсадлари Рим жамиятининг ривожланишидан келиб чиқарди. Ғарбдаги муваффақиятли урушлар натижасида кулчиликнинг тез

суръатларда ўсиши кўзга ташланади. Ушбу урушлар куллар ва моддий бойликларнинг катта оқимини юзага келтирди. Бу жараён иқтисодиётда чуқур ўзгаришларга олиб келди; товар хўжалиги ривожланди. Шунинг учун ҳам Римнинг тажовузкорлиги кучайди.

Милоддан аввалги III асрнинг охириги йиллари Македониянинг сиёсий ва иқтисодий жихатдан ўта кучайиши даври хисобланади.

Мисрнинг ички қийинчиликларидан фойдаланиб, Македония подшоси Филипп V ва Салавкийлар подшоси Антиох III иттифоқ тузишди ва Мисрдан ташқарида жойлашган, лекин ушбу давлатга тегишли бўлган ерларни бўлиб олишди. Птолемейларнинг Геллеспонт соҳили Кичик Осиё ва Эгей денгизи соҳилидаги полислари Македонияга ўтди. Филиппнинг истилолари ва Македонияни Эгей денгизидаги энг қудратли давлатга айланиши тахдиди Пергам, Родос, Византий, Афина ва бошқа юнон шаҳарларининг Филипп V га қарши чиқишига сабаб бўлди. Шундай қилиб, Эгей денгизи хавзасида Македонияга қарши харбий иттифоқ шаклланди. Иттифоқчилар ёрдам сўраб Римга мурожаат қилишди. Римликлар Македониянинг кучайишидан манфаатдор эмасди.

Биринчи Македония уруши ( ми. авв. 215 - 205\ 4 йй. ) Болқон яриморолидаги зиддиятларни кескинлаштирди ва Римнинг Шарққа экспансияси даврини бошлаб берди. Иккинчи Македония уруши ( мил. авв. 200 - 197 йй. ) Филипп V нинг мағлубияти ва Македониянинг Юнонистонда ва Кичик Осиёда таъсирини йўқотиши билан якунланди.

Учинчи Македония уруши ( мил. авв. 171 - 168 йй. ) натижасида эса Македония ва бутун Болқон яримороли Римга бўйсундирилди ( мил. авв. 168 й. )

Милоддан аввалги III асрнинг охири - II асрнинг бошида Салавкийлар монархияси эллин дунёсининг энг қудратли давлати эди ва Шарқий Ўрта ер денгизида ўз гегемониясини ўрнатишга даъвогарлик қиларди. Бу, албатта, худди шундай даъволарга эга бўлган Римга тўғри келмасди ва мил. авв. 192 йилда икки давлат ўртасида харбий харакатлар бошланди ( Сурия уруши - мил. авв. 192 - 188 йй. ) Кичик Осиёда Магнезия ёнидаги хал қилувчи жангдан ( мил. авв. 190 й. ) сўнг ушбу минтақада Рим таъсирининг ўрнатилишига асос солинди. Рим Македония ва Салавкийларга қарши курашиш учун Родос ва Пергам билан бўлган иттифоқдан фойдаланди. Ушбу иттифоқ чорак асрдан кўпроқ давр давомида мавжуд бўлди. Ахейя иттифоқи ҳам Римнинг иттифоқчиси эди.

Шарқдаги ташқи сиёсат Рим жамиятнинг ўзида кескин сиёсий курашларни келтириб чиқарди. Милоддан аввалги III аср охиридан бошлаб икки сиёсий оқим муайян бўлди ки, уларнинг вакиллари, Рим зодагонлари орасидаги хар хил қатламларнинг иқтисодий манфаатларини акс эттириб, давлатнинг ташқи сиёсий вазифаларини ва ички сиёсатини турлича тушунардилар. Шундай гурухларнинг бирига иккинчи Пуни

урушида Карфагенни мағлуб этган Пубий Корнелий Сципион Африканский бошчилик қиларди. Унинг гурухи ташқи сиёсат бобида Рим томонидан босиб олинган ерлардан бир қатор қарам давлатларни барпо этишни бу жойларда вилоят бошқарувини жорий этмасдан уларга сезиларли даражада мустақилликни қолдиришни ёқлаб чиқарди. Иккинчи Пуни урушидан сўнг Карфаген билан, иккинчи Македония урушидан сўнг Филипп билан ва Антиох III билан тузилган тинчлик шартномаларни бир - бирига ўхшаб кетади ва ташқи сиёсатдаги ушбу йўналишни акс эттиради.

Сципионга қарши чиқувчиларга Марк Порций Катон раҳбарлик қилган. У, биринчи галда Римда ўсиб бораётган қулдорчилик хўжалиги ва ривожланаётган товар ишлаб чиқаришининг манфаатларини илгари суради, бу эса кўплаб қулларни ва янги ташқи бозорларни талаб қиларди. Катон забот этилган худудларни провинцияларга ( вилоятларга ) айлантириш тарафдори бўлганди; мақсад - маҳаллий аҳоли ва табиий бойликлардан кенг фойдаланиш эди. Бора - бора Катон гурухи устун келди.

Ягона Македония давлатининг йўқ қилиниши ( мил. авв. 168 й. ) ва қудратли Салавкийлар давлатининг заифлашиши натижасида Шарқий Ўрта ер денгизида янги халқаро вазият юзага келди ва Римнинг Шарқдаги ташқи сиёсати ўзгарди.

Родос - Пергам иттифоқининг сақланиб қолиши ва янада кучайиши эндиликда Рим манфаатларига тўғри келмасди. Аксинча, Рим уларнинг заифлашишидан манфаатдор эди. Рим, ўз пайтида Пергам протекторати остига бериб юборилган, Галатиянинг мустақиллигини эълон қилди, Пафлагонияни озод деб тан олди, Пергамнинг доимий душмани Вифиния ва савдо рақиби саналмиш Понтдаги Гераклея билан иттифоқ тузди. Бора - бора Пергам Римга қарам бўлган иттифоқчига, сўнгра эса - провинцияга (вилоятга ) айланди ( мил. авв. 133 й. ).

Римнинг Родосга нисбатан сиёсати янада кескинроқ эди. Учинчи Македония уруши даврида Родос катта зарар кўрди. Шу сабабдан Родос хатто Римга қарши уруш олиб боришга тайёр эдики, агар Македония билан уруш тўхтатилмаса Рим. Рим, табиyki, ушбу давлатнинг итоатсизлигини кечира олмасди. Натижада Родос Римдан афв сўрашга мажбур бўлди; ундан Кичик Осиёдаги эгаликлари тортиб олинди. Родосга, одатда Римга тўғридан - тўғри қарамлигини ниқоблаш учун хизмат қилган, “Рим халқининг дўстлари ва иттифоқчилари” деб номланган унвон инъом қилинди. Делос ороли “эркин” порт мақомини олди. Савдо энди ушбу порт орқали олиб борилди. Харакатлар Родос иқтисодиётига ёмон таъсир кўрсатди.

Ушбу минтақада Римга қарши чиқишга қодир кучлар қолмаганди. Бироқ, Римнинг ўзи ҳам жон талвасасида бўлган эллин давлатлари — заифлашган Салавкийлар давлати ва Птолемейлар подшолигини (Мисрни

) забт эта олмади. Рим уларга нисбатан ички зиддиятларни аланга олдириш, сулолавий курашга аралашиб, давлатларни бир - бирига қарши қўйиб сиёсатини усталик билан олиб борди. Рим ўзининг Шарқий Ўрта ер денгизи минтақасида асосий рақиби - Салавкийлар давлатини изчиллик билан кучсизлантирарди. Бунинг учун римликлар ушбу давлатнинг ичкарасида рўй берадиган қўзғолонларни қўллаб – қувватлардилар (Яхудиядаги қўзғолон), сулолавий низолардан фойдаланардилар, мамлакатнинг ташқи ва ички сиёсатига қўпол равишда аралашардилар.

Бунга Сурия - Миср уруши мисол сифатида хизмат қилиши мумкин. Милоддан аввалги 168 йилда Сурия урушни муваффақиятли олиб борди ва Александрияга яқин келди. Мисрликлар ёрдам сўраб Римга мурожаат қилдилар. Сурия подшоси Антиох IV хузурига етиб келган Рим элчиси унга маълум муддат ичида босиб олганларнинг барчасини қайтариб бериш ва Мисрни бўшатиш талабидан иборат Сенатнинг буйруғини топширди. Ушбу талаб бажарилди.

Рим Юнонистонга нисбатан сиёсатини ҳам ўзгартирди. Юнонистон расман эркин бўлиб қолавердию, лекин амалда эса мустақиллигининг охирги қолдиқларидан махрум бўлди. Энг оғир қисматни Этолия иттифоқи бошидан кечирди: унинг худудлари Этолиянинг азалий вилоятлари билан чекланди, Македония тарафдорларининг бир қисми сиёсий рақиблари томонидан жазоланди, яна бир қисми эса Римга жўнатилди. Умуман олганда, барча юнон давлатларида римликлар нуқтаи назаридан шубхали ҳисобланган шахслар гаровга олинганлар деб эълон қилинарди ва Италияга жўнатиб юбориларди.

Салавкийлар ва Македонияга қарши курашишда Римга содиқ иттифоқчи бўлган Мисрга нисбатан сиёсат ўзгача эди. Аммо Мисрнинг кучайиши Рим манфаатларига тўғри келмасди. Сулолавий курашга аралашиб келган Рим элчилари бирорта даъвогарнинг кучайишига йўл қўймасдилар. Милоддан аввалги II асрнинг ўрталаридан Миср Римнинг тазйиқини кўпроқ сеза бошлади ва аста - секин қарам давлатга айлана борди.

Рим тажовузининг янги босқичи мил. авв. 149 - 146 йилларга тўғри келади. Персейнинг Македониядаги қўзғолони бостирилганидан сўнг ушбу мамлакат вилоятига айлантирилди ( мил. авв. 148 й. ). Энди римликлар қарам давлатлар тизимидан воз кечиб, тўғридан - тўғри худудларни босиб олишга ўтишди. Рим, Ахейя иттифоқи ва Спарта ўртасидаги низога аралашиб, бир қатор муваффақиятли жанглардан сўнг мил. авв. 146 йилда барча юнон иттифоқларини тарқатиб юборди. Коринф шаҳри, Сенатнинг буйруғига биноан, бутунлай вайрон қилинди ва лаънатланди.

Учинчи Пуни уруши ( мил. авв. 149 - 146 йй. ) геосиёсий ва иқтисодий рақобат сабабли эмас, балки фақат сиёсий ва харбий ўч олишга

қаратилган интилишнинг мавжудлиги туфайли рўй берди. Фактик жихатдан ушбу уруш Карфагенни қамал қилиш билан ифодаланди. Шаҳар Пубий Корнелий Сципион Эмилиан томонидан штурм билан ишғол қилинди, ҳамда Сенатнинг қарорига кўра вайрон этилди ва куйдирилди.

Шундай қилиб, мил. авв. II асрнинг ўрталарида римликлар Ўрта ер денгизини батамом ўз назоратига олдилар ва жахон миқёсидаги буюк давлати учун замин яратдилар. Мустақиллигини сақлаб қолган давлатлар ва халқлар ёки яқин йиллар ичида забт этилдилар, ёки кейинги сиёсий ҳаётда сезиларли роль ўйнамадилар ( Миср, Сурия, Нумидия ).

Манфаатлари римликларнинг рақибларига зид келган давлатлар билан харбий - сиёсий иттифоқлар тузиш ўша даврдаги Рим дипломатияси учун хос бўлган хусусиятдир. Рим ўз мақсадига эришганидан сўнг, Рим иттифоқлардан воз кечарди ва хаттоки собиқ иттифоқчиларга уруш эълон қиларди. Югуртага қарши уруш ( мил. авв. 111 - 105 йй. ) давомида Нумидия подшолиги йўқ қилинди, чунки йирик давлатнинг Шимолий Африкада мавжуд бўлиши Рим манфаатларига тўғри келмасди.

Милоддан аввалги II асрда эллин дунёсининг халқаро жараёнларида илгари иштрок этмаган Парфия, Арманистон, Понт подшолигининг кучайиши бошланди.

Милоддан аввалги II асрнинг охирига келиб Қора денгизнинг бутун жануби - шарқий соҳилини эгалланган Понт подшолиги айниқса ривож топди.

Ажойиб саркарда Митридат VI Евпатор мил. авв. 120 йилда Понт подшоси бўлди. Митридат, Кичик Арманистон, Колхида, Херсонес ва яна бир қатор ерларни босиб олиб, Понт подшолигини Шарқий Ўрта ер денгизи минтақасидаги энг йирик давлатлардан бирига айлантирди.

У Римга нисбатан эхтиёткорона сиёсат олиб борди, аммо тез орада Кичик Осиёда ўз таъсирини ўрнатишга қаратилган жиддий қадамлар қўйди. Рим кўзғатиб чиқарган урушда Вифиния подшоси ва римликларнинг вилоятдаги армиясини мағлуб этган Митридат “Осиё” деб ном олган Рим вилоятига бостириб кирди.

Милоддан аввалги II асрнинг охирида Македония ва Юнонистонда римликларга қарши ҳаракат бошланди. Деярли бутун Юнонистон Римдан ажраб чиқди.

Бу воқеалар Рим ва Понт подшоси ўртасидаги биринчи урушга ( мил. авв. 88 - 85 йй. ) олиб келди. Римликлар ушбу урушда ғалаба қозонишди. Милоддан аввалги 85 йилда Дардан шаҳрида сулх тузилди. Унга кўра, Митридат VI Гайлиса дарёсидан ғарбда ишғол этган ерлардан воз кечишга, 3000 талант миқдорида харбий контрибуция тўлашга ва флотнинг бир қисмини римликларга топширишга мажбур бўлди.

10 йил ўтгач, 70 - йилларда Римнинг ички қийинчиликларидан фойдаланиб, Митридат Римга қарши янги урушни дипломатик ва харбий

жихатдан тайёрлай бошлади. У Миср ва Ўрта ер денгизи кароқчилари, ҳамда Арманистон билан иттифоқ тузди.

Энг катта хавотирни Арманистон - Понт иттифоқи келтириб чиқарарди. Деярли бутун Сурия, шарқий Киликия, Финикия ва Яхудиянинг катта қисми Тихрон II Буюк нинг хоқимияти остига ўтди, Салавкийлар пойтахти Антиохия арман подшосининг қароргоҳи бўлиб қолди. Шундай қилиб, мил. авв. I аср 70 - йилларнинг ўрталарида Олд Шарқ худудларининг каттароқ қисми Понт ва Арманистон ўртасида бўлиб олинганди.

Понт подшоси Римга васият қилинган Вифинияни босиб олди. Бу эса Митридатнинг Римга қарши Учинчи урушини бошлаб берди ( мил. авв. 74 - 64 йй . ).

“Осиё” вилоятидаги юнон шаҳарлари Римдан ажраб чиқишди. Дастлаб харбий ҳаракатлар Арманистонга қарши уруш олиб борган Рим учун муваффақиятли кечди.

Лекин кейинчалик вазият Митридат ва Тихрон II фойдасига ўзгарди. Рим кўшинларига Помпей кўмондонлик қила бошлагидан сўнг харбий омад Рим томонига ўтди. Помпей Арманистонга тахликали бўлган шартномани Парфия билан тузишга эришди. Ушбу шартнома Арманистоннинг ҳаракатларини зарарсизлантирди. Митридат ўз мағлубиятини тан олди ва илгариги чегараларига қайтди; ушбу давлат Римнинг қудратли рақибидан катта бўлмаган ва амалда Римга қарам бўлган мамлакатга айланди.

Помпейга қаршилик кўрсатишга қодир бўлмаган Митридат ҳалок бўлди.

Помпей босиб олинган ерларда “Вифиния ва Понт” вилоятини барпо этди, сўнгра жанубга Сурияга қарши ҳаракатланди ва уни забт этиб, вилоятга айлантирди. Яхудияда рўй берган тахт учун курашга аралашиб ушбу мамлакатни Римга қарам қилиб қўйди.

Натижада Олд Шарқ харитасида ўзгаришлар рўй берди. Рим деярли бутун Кичик Осиёни ўзига бўйсундирди. Арманистон ва Парфия Римнинг шарқдаги кўшнилари бўлиб қолишди. Шундай қилиб, Рим Шарқий Ўрта ер денгизи хавзасининг ҳукмдорига айланди.

Рим Милоддан аввалги I асрда Парфия билан урушлар олиб борди. Римликлар Понт подшоси Митридат VI Евпатор билан кураш олиб бораётган пайтда парфияликлар Римга биринчи бор дуч келишди. Милоддан аввалги 92 йилда тузилган битимга кўра Рим ва Парфия подшолиги ўртасидаги чегара сифатида Фрот дарёси тан олинганди. Милоддан аввалги 53 йилда Марк Лициний Красс кўмондонлигидаги Рим кўшнилари Парфия подшолиги таркибидаги Месопотамияга бостириб киришди, аммо Карра шаҳри ёнидаги жангда ( мил. авв. 53 йй . ) қакшатгич мағлубиятга учрашди. Милоддан аввалги 40 йилга келиб парфияликлар

деярли бутун Кичик Осиёни, Сурияни ва Фаластинни босиб олишди. Бу эса Римнинг Шарқдаги хукмронлигига тахдид соларди. Милоддан авалги 37 йилда римликлар ушбу вилоятлар устидан ўз назоратини тикладилар.

Римликларнинг Фрот дарёси ортига харкатланиши Антонийнинг мил. авв. 36 йилдаги мағлубиятидан сўнг тўхтатилди.

Милоддан аввалги 58 - 50 йилларда Трансальп Галлияси забт этилди. ( Юлий Цезарь юришлари ).

Милодий I асрда Рим империяси Каппадокияни ( 17 й. ), Мавриданияни ( 40 - 46 йй. ), Британияни ( 43 й. ), Фракияни ( 46 й. ) босиб олди.

II асрда Дакия ( 106 й. ), Арабистон ( 106 й. ), Арманистон ( 114 й. ), Месопотамия ( 115 й. ), Оссурия ( 115 й. ) забт этилди. Охирги уч вилоятдан римликлар тез орада чиқиб кетишди. Шундай қилиб, II асрда империя худудий жихатдан энг катта кенгайишига эришди.

Илк империя даврида Римнинг ташқи сиёсатини Парфия подшолиги, ҳамда шимолий ва шимолий - шарқий чегаралар ( Рейн ва Дунай дарёлари) бўйлаб жойлашган қабилалар билан бўлган муносабатлар белгилаб берарди. Парфияга қарши 54 - 66, 114 - 117, 163 - 165 йиллардаги урушларда гоҳ римликларнинг, гоҳ парфияликларнинг қўли баланд келарди.

Қабилавий иттифоқларнинг аста - секин кучайиши сабабли император Адриан даврида римликлар тажовуздан мудофаага - яъни сиёсий - стратегик мудофаага ўтишга мажбур бўлишди.

Рим Месопотомиядан ҳам воз кечишга мажбур бўлди ва Парфия билан чегара сифатида яна Фрот дарёси белгиланди. Рейн ва Дунай дарёлари бўйлаб чегаралар мустахкамланди. Британияда денгиздан денгизгача чўзилган ва шимолий қабилалардан химояланиш учун мўлжалланган улкан Адриан кўрғони барпо этилди.

Марк Аврелий ( 161 - 180 йй. ) даврида Рим империяси ва варварлар периферияси ( атроф ўлка, марказдан чет, узоқдаги жойлар ) ўртасидаги кучларнинг барқарор мувозанати бузилди. Марк Аврелий давридан бошлаб Рим мудофааланувчи томон сифатида намоён бўлди.

Маркоман урушлари ( 167 - 180 йй. ) келгуси асрларда рўй берган варварлар босқинининг муқаддимаси эди. Варварларнинг бир қисми суриб чиқарилди, иккинчи қисмини эса Рим ҳукумати Дунай дарёси бўйидаги ерларда иттифоқчи федератлар сифатида жойлаштиришга мажбур бўлди. Шундай қилиб, варварлар нафақат империяга босқинлар уюштиришарди, балки унинг ерларида ўрнашиб олишарди.

III - асрнинг ўрталарида Рим империяси оғир ахволга тушиб қолди. Готлар Дунай дарёсидан ўтиб, Мезия ва Фракияга бостириб киришди. Улар билан курашда император Децей ( 249 - 251 йй. ) халок бўлди.

Император Валериан ( 253 - 260 йй. ) ва унинг ўғли, ҳамда отаси билан бирга хукмдорлик қилган император Гален ( 253 - 268 йй. ) даврида готлар ва уларга иттифоқчи бўлган варвар қабилалари Римнинг Дунай олди вилоятларига қирғин келтирадиган босқинларини давом этирардилар. Франклар ва аллеманларнинг қабилавий иттифоқлари Рейндан Галлияга ўз босқинларини амалга оширардилар ва Пиренейларгача етиб боришарди. Шарқда Сосонийлар давлати хужумга ўтди - шох Шопур 260 йилда Месопотомияга бостириб кирди. Шимолий Месопотамиядаги Эдесса шаҳри ёнидаги хал қилувчи жангда римликлар қақшатгич мағлубиятга учрадилар. Император Валериан асирга тушди. Месопотамияни эгаллаш учун Рим ва Эрон ўртасидаги кураш кейинчалик ҳам - Рим империясининг тугашигача давом этди; омад эса гоҳ бу томон, гоҳ у томонда бўлди.

III аср ўрталарида Галлиен хукмронлиги даврида Галлия ва Испания (259 й. ) Римдан ажраб чиқди ва Галлия империясини ташкил этишди ( 259 - 273 йй. ) Пальмира ҳам 262 йилда ажраб чиқди. Ушбу ҳудудлар фақатгина 272 - 273 йилларда Римга қайта бўйсундирилди. Империянинг тикланиши императорлар Диоклетиан ва Константин даврида рўй берди. Лекин шунга қарамасдан марказдан қочирма ( ҳаракат вақтида марказдан четга томон йўналиш, қочиш ) тенденциялар кучайиб борди. Император Феодосийнинг ўғиллари даврида империя узил - кесил икки қисмга бўлиниб кетди ( 395 й. ).

Ғарбий Рим империясининг тарихи қулдорчилик муносабатларининг инқирози ва варварлар қабилаларининг босқини сабабли иқтисодиётнинг ва давлат бошқарувининг жонталашиши билан боғлиқдир. Британия, Испания, Африка бирин - кетин Галлиянинг таркибий қисмлари варварлар қўл остига аста - секин ўтди.

Ғарбий Рим империяси 476 йилда батамом кулади. Византия деб номланган Шарқий Рим империяси яна 1000 йил атрофида умр кўрди.

### **Назорат саволлари:**

1. Пуни урушларининг сабаблари нимадан иборат?
2. Учунчи Пуни уруши аввалги икки урушдан қандай фарқ қилади?
3. Нима учун эллин давлатлари Рим билан бўлган тўқнашувларда мағлуб бўлишди?
4. Нима учун Юнонистон Римнинг экспансиясига қаршилик кўрсатишга ожизлик қилди?

5. IV - V асрларда варварлар қабилаларининг Рим империясига муваффақиятли босқинларининг сабаблари нимадан иборат?
6. Нима учун Рим империяси 395 йилда икки мустақил давлатга бўлиниб кетди?
7. Қандай сабабларга кўра бир қатор худудлар III асрнинг 60 - йилларида Римдан ажралиб чиқди?
8. Нима сабабдан Шарқий Рим империяси Ғарбий империяга нисбатан мустахкамроқ бўлиб чиқди?

#### **Тавсия этилган адабиётлар:**

1. Бокщанин А.Г. – История международных отношений и дипломатии в Древнем мире. М. 1948.
2. Всемирная история. Тт. I-II. М. 1955-56.
3. Всеобщая история государства и права. Часть 1. «Древний мир» вып. 1-2. М. 1944-45.
4. История дипломатии. М. 1959. т.1.
5. История древнего Рима. Под ред. В.И.Кузищина. М. 2001.
6. Ковалев С.И. – История Рима. Л. 1986.
7. Трухина Н.Н. – «Политика и политики «Золотого века» Римской республики». Изд-во МГУ. 1986.
8. Утченко С.Л. – Древний Рим. События, люди, идеи. М. 1969.
9. Қадимги дунё тарихи. / Ю.С. Крушқол тахрири остида. Тошкент, 1975, II қисм.

### **Ўрта асрларда Европада халқаро муносабатлар ва дипломатия.**

1. Византия ва “варварлар” давлатлари.
2. Илк Ўрта асрларда халқаро муносабатлар ва дипломатия.
3. Феодал тарқоқлик даврида халқаро муносабатлар ва дипломатия.
4. XI - XV асрларда халқаро муносабатлар ва дипломатия.

IV асрнинг охиридан Рим империяси чегараларини ёриб ўтган герман қабилалари бирин - кетин вилоятларни босиб олишарди. Империя ушбу даврда ички инқироз ва емирилиш ҳолатида эди.

Ички инқироз аяниқса авж олган Ғарбий империя бирма - бир вилоятларни йўқотарди. Бироқ мустахкамроқ бўлиб чиққан Шарқий империя ҳам варварлар сиқувини бутун кучини ишлатган ҳолда тўхтатиб турарди. V асрнинг бошида вестготлар Шарқий Рим империясининг Болқон вилоятларини хароб этишди, Италияни ер билан яқсон қилишди ва Римни талон - тарож қилиб кетишди. Испания ва жануби - ғарбий Галлияда вестготлар ўз қироллигига асос солишди. Вандаллар, свевлар, бургундлар, франклар империядан бирин - кетин вилоятларни тортиб олишарди. Хитойнинг шимолий чегараларидан узок йўл босиб келган кўчманчи - хуннлар IV - V асрларда Волгадан Рейнгача бўлган улкан худудларни босиб олишди ва ўзларининг қудратли давлатини барпо этишди.

Ҳам Шарқий империяга ҳам, Ғарбий империяга, варварлар билан нафақат уруш олиб бориш, балки мураккаб сиёсий муносабатларга киришишга тўғри келарди. Ушбу аснода варварлар ва Рим империяси, ёки аниқроқ қилиб айтганда икки Рим империяси, ўртасида дипломатик муносабатлари пайдо бўларди.

Варварлар, Ғарбий империя вилоятларида жойлашиб, тез суръатда Янги ижтимоий тартибларга ўтишарди. Вужудга келган варвар қиролликлари ўртасидаги чегаралар аниқ ва белгиланган эмасди. Низолар нафақат қурол воситасида, балки музокаралар орқали ҳам ҳал этиларди. Варварлар давлатларининг ташкил этилиши сайин уларда албатта ўзларининг дипломатияси пайдо бўларди.

Шарқий Рим империясининг ( Византиянинг ) дипломатик хизмати варвар қиролликлари учун андоза қилиб олинарди. Эски анъаналарини сақлаб қолган Византия дипломатияси бутун ўрта асрлар дипломатиясига улкан таъсирини ўтказди. Византия дипломатиясининг тамойиллари ва ташқи усуллари император Юстиниан I ( 527 - 565йй. ) фаолиятда энг ёрқин ифодасини топди. Ушбу даврда Шарқий Рим империяси қудратининг энг юксак даражасига етганди.

Юстиниан мохирина дипломатик ўйинларни харбий зарбалар билан биргаликда ишлатарди-ки, улар унинг империяси сарҳадларини ғарб томон анчагина кенгайтди.

Византия дипломатиясининг асосий вазифаси варварларни империяга таҳдид солиш ўрнига унга хизмат қилишга мажбур этиш эди. Константинопольда варварларнинг князлик уруғлари орасидаги низоларни зийраклик билан кузатишарди. Энг мухими уларнинг кучайишига йўл қўймаслик, усталик билан нифоқ солмоқ, ўзаро низолар орқали уларни заифлантормоқ эди. Қўшниларни билан шахмат сипохлари

каби муомала қилиш махорати Юстиниан дипломатиясига хос хусусият эди. У ўзаро низоларни келтириб чиқаришни бутун бир тизим даражасига кўтарди.

Бундан ташқари, бошқа давлатларнинг ички ишларига харбий аралашув Юстиниан сиёсатининг воситаларидан бири эди. Бундай сиёсат вандаллар ва остготлар билан бўлган урушларда ёрқин ифодасини топди.

Дипломатия савдонинг ривожланишига хизмат қиларди. Ўз навбатида савдо алоқаларининг кенгайишидан Византияда дипломатиянинг энг қудратли қуролларидан бири сифатида фойдаланишарди.

Христиан динини ёйиш ҳам Византия императорларининг энг мухим дипломатик қуролларидан бири эди. Жумладан, Рус давлатида христианликнинг ёйилиши Византиянинг катта дипломатик ғалабаси эди. Христианликка киритилган мамлакатларда Византиянинг таъсири ўрнатиларди. Византияга қарам бўлган рухонийлар қатлами, саводликнинг ягона сохиби сифатида варварлар давлатларида катта роль ўйнардди.

Биринчи вазир бошқаруви остида бўлган ташқи ишлар идораси (*magister officiorum*, кейинчалик “логофет дрома” ), ходимларнинг катта таркибига эга бўлиб, унинг ихтиёрида барча тиллардан таржимонлар мавжуд эди, элчиларни қабул қилиш маросимининг мураккаб тартибини ишлаб чиқди.

Константинополь саройи қошида элчилик хизматининг маълум қоидалари ишлаб чиқилди. Элчи хукмдорнинг вакили эди ва музокараларни фақатгина унга берилган ваколатлар доирасида олиб бориши мумкин эди. Ушбу қоидани бузган элчи қаттиқ жазога тортиларди. Фақатгина камдан - кам учрайдиган ҳолатларда император вакилларига бутун маъсулиятни ўз бўйнига олиб мустақил музокаралар олиб боришга рухсат бериларди.

Одатда элчилар юқори мартабага эга бўлган инсонлар эди. Кўпинча Византияда элчиларга юқори унвонлар махсус бериларди-ки, агар улар аввал бундай даражага эгалик қилмаган бўлса.

Византия элчиларга ўзга мамлакатларда хатти - ҳаракат ва юриш - туришнинг аниқ қоидаларига риоя қилиш амр қилинганди. Элчи хушмуомалалигини, сахийлигини намоён этиши, ўзга саройда кўрганларини барчасини мақташи керак эди, аммо буни шундай амалга ошириш лозим эди-ки, бу Византия тартибларига нисбатан гина сифатида намоён бўлмасин; у шароитга қараб иш тутмоғи бирон - бир нарсага ўзгача усуллар билан етишмоқнинг имкони бўлган тақдирда кучдан фойдаланмаслиги лозим эди.

Расмий жихатдан элчиларга давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик буюриларди. Лекин амалда ҳар доим ҳам бунга риоя

қилинмасди. Элчилар тузган шартнома фақатгина император ратификация ( тасдиқлангандан) қилганидан сўнг кучга кирарди.

Элчилар дахлсизлиги таомийили варварлар томонида тез ўзлаштириб олинди. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, варвар қиролларининг элчиликларида Византия одатларига хос бўлмаган хусусиятлар учрайди. Варвар аъёнлари орасида музокараларнинг ёзув - чизув қисмини мустақил олиб боришга қодир маълумотли инсонлар кам эди. Шунинг учун қиролларининг элчиликларида одатда рухонийлар қатнашарди. Бундай ҳолат византияликларда жуда кам учрарди.

Варвар қабилалари орасида Рим дипломатиясининг усуллари нафақат Византия, балки Рим папаси курияси<sup>1</sup> томонидан ёйиларди. Курия эски императорлик девонхонасининг одатлари ва усулларидан кўпларини сақлаб қолган эди.

Папа дипломатиясининг таъсири жуда кучли тарзда бутун ўрта асрлар сиёсий тарихи давомида сезиларди.

Ғарбий - Рим империясининг қулаши ва Италияда варварлар ҳокимиятининг ўрнатилиши папаликнинг халқаро ахволини мураккаблаштиради. Шу сабабли папалар Византия императоридан умидлари катта эди. Константинопольда папаларнинг доимий вакиллари саналмиш апокрисиарийлар мавжуд эди. Соф черков масалаларидан ташқари апокрисиарийларга Византия саройидаги сиёсий кайфиятларни кузатиш вазифаси ҳам қўйилганди.

Юстинианинг Италияни забт этиши ва шундан сўнг тез орада рўй берган Апеннин яриморалининг лангобардлар томонидан босиб олиниши натижасида папалар Рим ҳукмдорларига айланишди.

Улар фақат номигагина Византия императорига бўйсунардилар, лекин фактик жихатдан деярли мустақил эдилар. Аммо Византиянинг таъсири аста - секин заифлашди. Шу пайтнинг ўзида Ғарбда Франклар давлати кучаймоқда эди-ки, папалар унга ҳам Византияга, ҳам лангобардларга қарши таянч сифатида қарашарди.

VII асрда араблар истилolari натижасида заифлашган Византия Рим папаларига қаршилик қила олмади. Папалар Византия императорларига қарамликдан қутулиб, мустақил ҳукмдорларга айланишди.

Рим папалари, лангобардлардан ўзини химоя қилиш учун ёрдам сўраб, франкларга мурожаат этишди. Франклар эса, ўз навбатида, VIII асрнинг ўрталарида Италияга бостириб киришди ва лангобардларни тор - мор қилишди. 754 йил шартномасига кўра лангобардлар қироли нафақат Римни тинч қўйиш, балки папага Равенна, Римни, Урбино ва бошқа шаҳарларни топшириш мажбуриятини олди. Бироқ, лангобардлар

---

<sup>1</sup> Курия - Рим папаси ҳокимиятининг марказий муассасалари.

қиролини ўз мажбуриятларни бажаришга мажбур этиш учун яна бир харбий экспедиция зарур бўлди.

Франклар қироли ва папа ўртасида чамбарчас алоқа ўрнатилди-ки, у доимий тарзда элчиликлар билан ўзаро алмашув, ҳамда Византия ва бошқа саройлар хузурига қўшма элчиликлар юбориш орқали ўз ифодасини топди. Барча ушбу элчиликларда папа элчилари тобелик ролини ўйнашарди.

Папалар ўзларининг ташқи алоқаларида эркинликка эга эмасди ва франклар хукмдорларидан “маслахат” сўрашга мажбур эди. Папанинг қарамлиги айниқса Буюк Карл ( 768 - 814йй. ) даврида кучайди.

Буюк Карлнинг империяси Европада энг йирик кучга айланди. Византия билан муносабатлар Карл дипломатиясида ўта мухим ўринни эгалларди. Византия араблар, болгарлар, аварларнинг хужумларини қийинчилик билан қайтараётган ва таъсири заифлашаётган пайтда Ғарбий империянинг нуфузи жуда ошиб кетди. Карл Шарқда бир қатор имтиёзларга эга бўлди. Аввал Византия императори химояси остида бўлган Фаластиндаги “муқаддас жойлар” энди Карл васийлигига ўтди. Коронацияси ( тахтга минган хукмдорга тож кийдириш маросими ) ўтказилган йилда Қуддус патриархи Карлга “Исо пайғамбар қабри” нинг калитларини Қуддус шахрининг байроғлари ва калитларига қўшиб топширди.

Карл хузурига, пойтахти Ахен шахрига Дания, Англия ва бошқа мамлакатлардан элчилар етиб келарди. Альфонс II, Астурия қироли, Шотландия қироллари унга ўз элчиликларини юборишарди. Уларнинг барчаси Ғарб императори билан дўст бўлиш ва иттифоқ тузишга интиларди.

IX асрда Приднестровье ва унга туташган ерларда қудратли қадимги Рус давлати юзага келди. IX аср охирида урушлар ва истилолар натижасида қадимги Рус давлати шу қадар кучга эга бўлди-ки, қўшни халқлар буни инобатга олмасдан иложи йўқ эди.

Қадимги Рус давлати мураккаб халқаро муносабатлар тизимига жуда эрта кириб борди.

Рус давлати жанубда Византия ва Дунай бўйи славянларнинг Болгария давлати, шарқда Хазар хоқонлиги ва Волга Болгарияси шимолда Скандинавия билан алоқаларга эга эди. Скандинавия билан эса Киев князларини сулолавий муносабатлар боғлаб турарди. Ўша ерлардан князьлар ёлланма харбий кучларни олишарди, варяглардан бўлган саргузашт ишқибозларининг тўхтовсиз ёпирилиб келиши ҳам ўша жойлардан рўй берарди. Хазарлар ерлари орқали Марказий Осиё мамлакатларига олиб борадиган савдо йўли ўтарди-ки, ушбу минтақага руслар куллар ва мўйнани ташиб боришарди. Бир пайтлар хазарлар

хоқонлари қадимги Рус князьлари билан Днепр бўйи ахолисидан ўлпон йиғиш учун курашишга уриниб кўришди.

Шарқий славянлар тарихига уларнинг Византия билан қўшни бўлганлиги катта таъсир ўтказди.

Византия Қадимги Рус учун бозор сифатида хизмат қиларди-ки, бу ерда князьлар ва дружиначилар мўйна, кулларни сотишарди ва зар билан тўқилган матолар, ҳамда зеб - зийнат буюмларини олишарди. Царьградда (Константинопольда) “мажусий Рус давлати” кўркам Византия маданияти билан танишарди.

Царьграднинг бойликлари ва хашамати босқинчилари доимо ўзига тортиб келган: Рус давлати томонидан Византиянинг Қора денгиз эгаликлари ва Константинопольнинг ўзига қилинган бир қатор вайрон этувчи юришларнинг даври IX асрдан XI асргача чўзилади.

Византия қудратли Рус давлатини ўзининг сиёсий тизимига тортишга жуда эрта интилишни бошлади. Мақсад, бир томондан, ушбу давлатнинг империяга нисбатан солаётган тахдидини пасайтириш ва иккинчи томондан эса, Рус давлатидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш эди.

Чўқинтиришга Византия императорлари ва сиёсатчилари Рус давлатининг империядан бавосита вассал қарамлиги сифатида қарашарди. Бироқ, бундай сиёсат муваффақиятли бўлмади. Киев князьлари хар сафар ҳаракат эркинлигини ўз қўлларида сақлаб қолаверишди.

Чўқинтиришдан сўнг Рус давлатининг халқаро алоқалари сезиларли даражада кенгайди ва мустахкамланди. Қадимги Рус давлати нафақат Византия, балки Европанинг католик давлатлари билан муносабатларга, уларга тенг ва тўла ҳуқуқли шерик сифатида, кириб борди. Рус давлатининг ташқи сиёсий алоқалари фақатгина қўшни мамлакатлар (Венгрия, Чехия, Болгария, Скандинавия мамлакатлари ва бошқ.) доирасида чекланмади, балки Германия, Франция ва бошқ. каби мамлакатлар билан ҳам ривожланди.

Истилолар негизида юзага келган варвар давлатлари узоққа чидамайдиган бўлиб чиқди. Буюк Карлнинг давлати ўзининг биринчи императоридан сўнг кўп умр кўрмади. Парчаланишнинг яқинлашиб келаётганлиги Карл хаётининг охириги йилларида ҳам сезиларди. Империянинг емирилиши унинг ўғли Людовик Художўйнинг ( 814 – 840 йй ) ҳукмронлигида авж олди. Людовик, ўзида олий ҳокимиятни сақлаб қолиб, империяни ўғилларига бўлиб берди. Фарзандлар эса ота сига қарши уруш бошладилар. Унинг ўлимдан ( 840 йй. ) сўнг бир - бировлари билан жанг олиб боришди. Карл Ялтироқбош ва Людовик Немис Страсбург шахрида катта акаси - Лотарьга қарши битим тузишди. Лотарь императорлик тожини олганди ва ўз ҳуқуқларини амалда бажармоқчи эди. “Страсбург қасами” - бу лотин ёки юнон тилида эмас, балки француз ва

немис тилларида тузилган биринчи дипломатик хужжатдир. Мағлубиятга учраган Лотарь ён берди ва 843 йилда Верден шахрида империяни уч ака - ука ўртасида бўлиб олиш тўғрисидаги машхур шартномаси тузилди. Расмий жихатдан империянинг мавжудлиги тан олинди, ёки, аниқроқ қилиб айтганда, император унвони сақланиб қолинди. Ушбу унвон катта акаси - Лотарьга ўтганди. Аммо империя ерлари уч қисмга бўлинди. Империянинг ғарбий ерлари - “ғарбий франклар қироллиги”, кейинчалик Франция номи билан аталган, - Карл Ялтироқбош кўлига ўтди; шарқий қисм - “шарқий франклар қироллиги”, кейинчалик Германия деб номланган, - Людовик Немисга берилди; Лотарьга эса Карл ва Людовикнинг ерлари оралиғидаги худудлар, яъни Рейн дарёсининг қуйилиш жойидан Рона дарёсининг қуйилиш жойигача бўлган ерлар ва Италия тегди. Верден шартномасидан сўнг янги тўқнашувлар рўй берди ва янги битимлар имзоланди. Буюк Карл империяси бир қатор мустақил давлатларга - Франция, Германия, Италия ва Бургундияга ёки Арелатга батамом парчаланиб кетди. Лекин, улар номига давлатлар эди холос. IX - XI асрларда Ғарбий Европада сиёсий тарқоқлик хукмронлик қиларди. Пировардида, куч алохида феодал эгаликлари ўртасидаги муносабатларнинг ўрнатилишида хал қилувчи омилга айланди ва кўп холларда сюзерен ўз вассали олдида титрарди. Зотан, бундай холатда давлат ва шахсий эгалик ўртасидаги, умумий ва шахсий ҳуқуқ ўртасидаги, ички ва халқаро муносабатлар ўртасидаги чегара йўқоларди.

Суд ва бошқарув ҳуқуқига, солиғларни йиғиш ва танга - чақа зарб қилиш ҳуқуқига, ҳамда харбий кучга эга бўлган хар қандай етарлича қудратли сеньор ўзини мустақил хукмдор сифатида хис қилиши, ким билан хохласа тинчлик шартномалари ва иттифоқлар тузиши мумкин эди. Ўта феодал тарқоқлик ва Европани бўлиб ташлаган кўплаб майда чегараларнинг мавжудлиги шароитида йирик давлатлар сархадлари сийқаланиб кетиши халқаро муносабатлар тўғрисидаги тушунчани чигаллаштириб юборарди. Сеньория тушунчаси давлат тушунчасини суриб чиқарарди.

Йирик заминдор хукмдорга, давлат эса вотчинага ( меросий ер – мулкига ) айланганди.

Барча жойларда шахсий уруш ҳуқуқи ўрнатилди. Шу сабабдан шахсий дипломатия ҳақида сўз юритиш мумкин. Икки феодал сеньор мустақил давлатларнинг рахбарлари каби музокаралар олиб боришарди. Йирик сеньорлар ўзларини мустақил дея хис қилишарди ва шу сифатда ҳам хорижий, ҳам ўзининг қироллари билан муносабатларни амалга оширишарди. Бундай холат ҳам дунёвий, ҳам диний сеньорларга таалукли эди. Топшириқларни оғзаки ёки рамзий ҳаракатлар ёрдамида етказиб берган махсус жарчилар (ёки хабарчилар, даракчилар) орқали уруш эълон қилиш ёки тинчлик тузишнинг расмий усуллари ишлаб чиқилди. Ушбу

жарчилар герольдлар деб номланишди. Улар ўз сеньорларининг гербларини ( тамғаларини ) тақиб юришарди, ва уларнинг шахслари элчилар каби дахлсиз ҳисобланарди.

Феодал анархиядан зиён тортган черков бундай тартибсизликда муайян тартиб ўрнатишга беҳуда интиларди. Шахсий уруш ҳуқуқини чеклашга ёки юмшатишга қаратилган айрим қоидаларини киритишга уринишлар қилинар эди.

Турли мамлакатларда қирол ҳокимиятининг шахсий урушларга барҳам бериш йўлидаги интилишларга қарамасдан, улар бутун ўрта асрлар даврида астойдил давом этаверди. Феодал Европада шаҳарларнинг тарих майдонига чиқиши қатор ҳолларда ҳокимиятнинг тарқоқлигини мураккаблаштирди. Сиёсий мустақилликка эришишга интилган шаҳарлар ҳаттоки шахсий уруш ҳуқуқи мавжуд бўлган барча белгиларга эга ўзига хос коллектив сеньорларга айланишди.

Франклар монархиясининг шитоб билан емирилишини тўхтатишга самарасиз уринган черков ҳам феодал парчаланиш жараёнига дучор бўлди.

IX аср ўрталарида Ғарбий ва Шарқий черковлар ўртасидаги, яъни католиклик ва православлик ўртасидаги, қатъий узилиш 1054 йилда “черковларнинг бўлиниши” билан яқунланди.

XIV - XV асрлар давомида Европада халқаро муносабатларнинг муайян тизими шаклланиб борди; аста - секин айрим дипломатик мезонлар ва анъаналар ишлаб чиқилди.

Аммо ушбу даврдаги халқаро муносабатлар хали етарлича мунтазам тусда эмасди: доимий элчилар ва дипломатик ваколатхоналар йўқ эди, халқаро ҳуқуқ ҳам хали шаклланмаганди.

Шу даврда халқаро муносабатларнинг ривожланишига бир неча омиллар таъсир этди: шаҳарларнинг пайдо бўлиши, ички ва ташқи савдонинг кенгайиши билан боғлиқ бўлган Европанинг иқтисодий ўсиши; йирик давлатлар ҳукмдорларининг, дунёда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган даъволарини илгари сурган ва ўзининг устиворлиги остида универсал ( барча жойларни қамраб олган ) давлатни барпо этишга уриниб кўрган ҳолда, бошқа мамлакатларни ўзига бўйсундиришга интилиши; халқларнинг шаклланиши ва давлатларнинг юзага келиши жараёнлари ва бошқ.

XI - XIII асрларда Европа ва Шарқ мамлакатлари ўртасидаги кўп қиррали алоқалар кенгайди ва мустаҳкамланди. Бунга ҳам салиб юришлари, ҳам Генуя, Пиза, Венеция каби италян денгиз республикаларининг савдо фаолияти, ҳамда Византиянинг воситачилик роли имконият яратиб берди.

XIII асрнинг 40 - йилларида Марказий Европага мўғуллар истилоси хавф солди. Мўғул - татарларнинг илғор отрядлари Адриатикагача етиб

борди. Салиб юришлари ва ички низолар оқибатида заифлашган Ғарбий Европа яқинлашиб келаётган таҳдид олдида ожиз бўлиб кўринарди. Бироқ, ушбу даврга келиб Русьнинг қаршилиги сабабли обдан дармони қуриган мўғуллар Қора денгиз бўйи ва Волга орти даштларига бурилиб кетишди.

XIII аср охири - XIV аср бошида Муқаддас Рим империяси халқаро сиёсатда етакчилик ролини ўйнамасди. Папаликнинг қудрати ҳам пасайди. Халқаро сиёсатда Англия, Франция, Кастилия, Арагон каби мамлакатлар асосий ўринни эгаллашарди.

Франция ва Англия ўртасидаги Юз йиллик уруш ( 1337 – 1453 ) ўша даврдаги халқаро тўқнашувлар орасида энг йириги эди. Охири келиб Франциянинг ғалабаси билан яқунланган Юз йиллик уруш муҳим халқаро оқибатларга эга бўлди. Унинг натижасида Франциянинг сиёсий жипслашиши яқунланди. Франция, XII - XV асрлар Англиясига ўхшаб, Европадаги халқаро сиёсатга катта таъсир кўрсата бошлади.

XI - XIII асрлардаги халқаро вазиятга салиб юришлари катта таъсир кўрсатди. Салиб юришлари Ғарбий Европа феодалларининг Ўрта ер денгизининг шарқий сохилларида жойлашган мамлакатларга қилган босқинчилик урушлардан иборат Эдики, улар деярли икки юз йил давом этди ( 1096 - 1270й. ). Юришларнинг ташкилотчиси бўлган Католик черкови уларни диний тусдаги урушларга - христианликнинг ( салиб, хоч рамзи билан ифодаланган ) мусулмонликка қарши курашишга айлантди.

Салиб юришлари биринчи галда , Ғарбий Европа феодаллари тажовузкорлигининг ўсиши, уларнинг Шарқда бой ерларни босиб олишга, ҳамда ўзларининг бойликлари ва даромадларини кўпайтиришга интилишлари негизда юзага келди. Шарқий ерларни бўйсундириш орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга эришмоқчи бўлган католик черкови ҳам салиб юришлардан манфаатдор эди.

Салиб юришлари халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихининг энг муҳим босқичларидан бирини ташкил этди. Юришлар давомида Ғарб халқлари Шарқнинг мусулмон мамлакатлари ва Византия билан тўқнашувга келишди. Шу билан биргаликда салиб юришлари Ғарбий Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларига кучли таъсир этди. Византия, Венеция, норманнларнинг жануби - итальян давлати ( Сицилия қироллиги ), Франция, Англия, Муқаддас Рим империяси ўртасида Ўрта ер денгизиде устунлик қилиш учун узок муддатли кураш авж олди. Ғарб ва Шарқ давлатлари турли иттифоқлар ва коалицияларга тортилди. Бундан ташқари, Шарқда салибчилар давлатларининг ташкил топиши дипломатик муносабатларининг янги шакллари, масалан консуллик хизматини, келтириб чиқарди, чунки янги давлатларда алоҳида мамлакатлар вакилларининг савдо манфаатларини химоя қилиш зарурияти пайдо бўлганди.

Италия дипломатия ва халқаро муносабатларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Италияда шаҳарлар қолган Европага нисбатан эртaroқ ривож топган бўлишига қарамадан, ушбу мамлакат тарқоқ бўлиб қолаверди.

Шимолӣ ва қисман Ўрта Италия шаҳарлари, атрофидаги ерларни ўзига бўйсундириб, шаҳар - давлатларга айланишди. Улар Европанинг иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнардилар, Шарқ билан савдони олиб боришда воситачилик қилирдилар. Италия шаҳарлари орасида Венеция, Генуя, Милан, Флоренция каби қудратли сиёсий марказлар биринчи ўринга чиқди.

Италия шаҳарлари турли мамлакатлар билан жумладан, Яқин Шарқ билан, чакқон савдо қилишарди. Италиянинг савдо шаҳарлари хориждаги фуқароларининг манфаатларини консуллик хизматини ташкил этиш йўли билан химоя қилишди. Бу жихатдан салиб юришлари ва салибчилар томонидан Сурия ва Фаластинда ўз давлатларига асос солиши муҳим роль ўйнайди. Салибчилар Венеция, Генуя, Пизадан катта ёрдам олишди. Шарқий савдода улкан роль ўйнаган Левант соҳили ушбу шаҳарлар кучи билан забт этилди. Бунинг эвазига ўлжанинг йирик улуши Италия шаҳарларига берилди. Улар деярли ҳар бир шаҳарда кварталга (шаҳарнинг бир қисми) эга бўлишди ва бир қанча италян колонияларини (бирор мамлакатда ёки шаҳарда бошқа мамлакат ёки шаҳардан кўчиб келиб ўрнашган жамоа) ташкил этишди. Ушбу колониялар махсус бошқарувга эга бўлиб, маъмурият ва суднинг умумий тизимидан истисно қилингандилар.

Италия ва айниқса Флоренция, ҳаттоки хорижий мамлакатлар учун дипломатларни етказиб берарди. Бутун дунёга машҳур флоренциялик дипломатлар қаторида Данте, Петрарка, Боккачо, Макиавелли ва Гвиччардинини кўрсатиб ўтиш мумкин. Милан герцоглигига бошчилик қилган Франческо Сфорца ёки Венеция дожи Энрико Дандоло ҳам ёрқин дипломатлар бўлишган.

Венеция эса алоҳида дипломатлари билан эмас, балки бутун бир тизим, дипломатик хизматнинг ташкил этилиши билан тавсифланадики, бундай ҳолат Венецияни бутун жаҳон учун “дипломатия мактаби, устахонасига” айлантирганди. Венеция дипломатия усулларини Византиядан ўрганди, бироқ уларни янги босқичга кўтарди. Дипломатиянинг ўзи саънат ва тизим даражасига даставвал айнан Венецияда кўтарилди.

Италия ва айниқса Венеция дипломатиясининг усуллари Европада шаклланиб бораётган абсолют монархияларнинг дипломатиясига жуда кучли таъсир кўрсатди.

XII - XIV асрларда халқаро сиёсатда Умумчерков йиғинлари (соборлар) ҳам катта таъсирга эга бўлди.

Папа томонидан чақираладиган Ғарбий черковнинг “умумчерков йиғинлари” га олий мартабали рухонийлар ва кўп холларда Европанинг барча дунёвий давлатларидан элчилар ҳам етиб келарди. Модомики черков ишлари доимо сиёсий ва халқаро тусга эга бўлган экан, умумчерков йиғинлари халқаро конгресслар учун ўзига хос замин яратиб берган деб ҳисобланади.

Хуқуқ фани ўрта асрлар Европасида XI асрнинг ўрталаридан “глоссатор” лар таълимотларида ривожлана бошланди. “Глоссатор” лар Юстиниан тўпламида ( *Corpus juris civilis* ) сақланиб қолинган Рим ҳуқуқининг қоидаларини шарҳлардилар. Юстиниан тўпламлари шахсий, фуқаролик ҳуқуқига бағишланган бўлиб, сўз орасида халқаро муносабатларга таалуқли эди, холос. Глоссаторлар фуқаролик ҳуқуқининг андозаларини халқаро муносабатларга нисбатан қўллашга интилишди, ва шунинг учун уларда халқаро ҳуқуқ ҳуқуқ фанининг алоҳида, мустақил соҳаси сифатида ажралиб чиқа олмади.

Халқаро ҳуқуқ масалаларига черков қонун - қоидаларига асосланган ҳуқуқ ҳам тўхталиб ўтардики, унинг энг муҳим ёдгорлиги сифатида XII асрнинг ўрталарида тузилган ва “Грациан декрети” номини олган тўпламни айтиб ўтиш мумкин. Шу билан бирга черков ҳуқуқи таълимоти устида ишлаган ҳуқуқшунослар - “декретчилар” глоссаторларга нисбатан “табиий ҳуқуқ” ва “халқаро ҳуқуқи” дан анчагина кенгроқ фойдаланишган. Улар ушбу тушунчаларни “Муқаддас китоб”да мавжуд бўлган илохий ҳуқуқга ўхшатишарди.

Ҳуқуқшунос - назариячилар бир пайтнинг ўзида амалий фаолият олиб борадиган арбоблар бўлганлиги халқаро ҳуқуқ фанининг ривожланишига ёрдам берди. XIII асрнинг охиридан Европанинг сиёсий ҳаётида легистрларнинг роли тобора кенгайиб борди.

Ҳуқуқшуносларнинг халқаро ҳуқуқ соҳасидаги амалий фаолияти назарий умумлаштиришлар учун замин яратиб берди. Халқаро ҳуқуқ илк бор ҳуқуқшуносликнинг алоҳида тармоғи сифатида “постглоссаторлар” нинг ёки “шарҳловчилар”нинг таълимотларида яққол намоён бўлди. “Постглоссаторлар”, Рим ҳуқуқи асосларига таяниб унинг назарияларини глоссаторларга нисбатан эркинроқ ривожлантиришди.

Шундай қилиб, XIII аср охиридан постглоссаторлар таълимотларида халқаро ҳуқуқ фанининг куртаклари пайдо бўла бошлади. Ушбу фаннинг батартиб ривожланиши XVII асрга тўғри келади.

XV асрдан бошлаб Европа халқаро муносабатларининг янги босқичига кириб борди. Ушбу даврга келиб қатор мамалкатларнинг худудий бирлашиши яқунланди ва абсолют монархиялар учун шароитлар яратилди.

Буюк географик кашфиётлар Янги Дунёни ва Шарқни Европага яқинлаштирди. Испания ва Португалиянинг Жануби - Шарқий Осиёга

олиб борадиган денгиз йўлларидаги океан орти мустамлакалари ушбу мамалкатларни биринчи мустамлакачи давлатлар сифатида юксалтирди.

Ягона яхлит давлатларнинг шаклланиши билан бир пайтда сиёсатнинг қиёфаси ўзгарди. “Умумий неъмат” даражасига кўтарилган “давлат манфаати” сиёсатнинг муҳим мезонига айланди.

Абсолют монархияларнинг пайдо бўлиши билан йирик давлатлар (Англия, Франция, Испания, Португалия, Дания, Швеция ) ўртасидаги зиддиятлар биринчи ўринга чиқди. Йирик давлатлар ёнида ўрта ва майда давлатлар турарди.

XVI аср дипломатик хизматнинг, янги давлатнинг ташқи сиёсатига хизмат қилувчи марказий ва маҳаллий муассасаларнинг муайян тусга кириши даври бўлди.

Ўта сирли соҳа деб ҳисобланган дипломатия махсус хабардор бўлган шахсларнинг тор доирасидан ташқарига чиқмасди. Қирол саройи сиёсатнинг маркази эди. Абсолют монархияда нафақат сулолавий манфаатлар ва қирол шахсининг ўзи катта ахамиятга эга эди, балки унинг арзандалари, машъуқалари ва қиролга таъсир эта олган оддий уддабурон ғаламисларнинг ҳам роли сезиларли эди. Бундай ҳолат давлат ҳокимиятининг шакли сифатида намоён бўлган абсолютизмнинг моҳиятидан келиб чиқарди.

XVI асрда дипломатик маросимларнинг янги тартиби вужудга кела бошлади. Ушбу тартиб - расм - русумлар тизими халқаро муносабатлар нуқтаи назардан анчагина муҳим роль ўйнади. Кириб келиш ва айниқса дастлабки қабул маросимида элчининг хатти - ҳаракати, муомаласи, ҳамда уни қабул қилаётган ҳукмдорнинг ёки вазирнинг жавобан ҳаркатлари давлатлар ўртасидаги муносабатларни ва уларнинг халқаро ҳаётдаги салмоғини акс эттирарди.

Йирик давлатларнинг пайдо бўлиши ва улар ўртасида дипломатик муносабатларнинг ривожланиши ушбу ҳолатга мос келадиган назарияни келтириб чиқарди. Дипломатик ҳуқуқ ривож топди. 1582 йилда нидерландиялик Бальтазар Айала “Уруш ва ҳарбий муассасалар ҳуқуқи тўғрисида” деб номланган асарини нашр этди. Италиялик Альберико Джентилининг “Элчиликлар ҳақида”(1585й.) деб номланган асари ҳам кенг тарқалди.

Халқаро ҳуқуқ фанини ишлаб чиқиш ва камолатга етказишда биринчилик Гуго Гроцийга (1583 – 1645) тегишлидир. Голландиялик машҳур ҳуқуқшуноснинг тарихий ахамияти шундаки, у абсолют монархиялар ўртасида талончилик ва вайронагарчиликлар келтириб чиқарган тўхтовсиз урушлар даврида, мулк ҳимоясини назарий асослашга ва шу билан бирга урушни ҳуқуқий меъёрлар доирасига солишга уриниб кўрди. Г.Гроцийнинг “Уруш ва тинчлик ҳуқуқи тўғрисида” ( 1625й. ) деб номланган асари муаллифга катта шухрат келтирди. Гроций ўз асарида

элчилик ҳуқуқларига ҳам алоҳида боб бағишлаган. Ушбу боб шуниси билан қизиқарлики, унда XVII аср бошига келиб элчилик ҳуқуқи соҳасида шаклланган урф - одатлар тасвирланган.

Уруш ўша давр давлатлари ташқи сиёсатининг асосий кўринишларидан бири эди. Халқаро тўқнашувларни келтириб чиқарган сабаблар қаторига чегара жанжаллари, сулолавий даъволар, савдо монополияси учун кураш ва бошқаларни киритиш мумкин.

XVI асрда уруш тахдидини солиб турган халқаро зиддиятларнинг уч тугуни мавжуд эди:

1.Бир томондан Испания, иккинчи томондан эса Англия ва Франциянинг савдо ва мустамлакачилик манфаатларининг тўқнашувлари. Ушбу низолар XV аср охири - XVI асрнинг биринчи ярмида италян урушларига, ҳамда XVI асрнинг иккинчи ярмида Испания ва Англия ўртасидаги урушга олиб келди;

2.Усманийлар империяси билан Европа давлатларининг ўзаро муносабатлари;

3.Шимолий Европа мамлакатларининг Болтиқда ҳукмронлик қилиш учун олиб боған кураши.

### **Назорат саволлари:**

1. Византияда ( VI - X асрлар ) элчилик хизмати қандай ташкил этилганди?

2. XI - XIII асрлардаги халқаро вазиятга солиб юришлари қандай таъсир этди?

3. Франклар давлати ва Рим папалари ўртасидаги муносабатлар ҳақида нима биласиз?

4. Европада халқаро муносабатларнинг ривожланишига феодал тарқоқлик қандай таъсир этди?

5. XVI асрда Европада халқаро муносабатлар қандай тус олди?

### **Тавсия этилган адабиётлар:**

1. Басовская Н.И. Столетняя война 1337-1453 гг. М., 1985
2. Буданова В.П. Готы в эпоху великого переселения народов. М., 1990.
3. Германская экспансия в Центральной и Восточной Европе. М., 1965
4. Гроций Г. О праве войны и мира. М., 1956.
5. История дипломатии М., 1959 Т. I

6. История средних веков. М., 1990 Т.І
7. История стран Азии и Африки в средние века. Часть 1 М., 1987.
8. Корсунский А.Р., Гюнтер Р. Упадок и гибель Западной Римской империи и возникновение Германских королевств (до сер. VI в.) М., 1984.
9. Курбатов Г.Л. История Византии. (От античности к феодализму) М., 1984.
10. Левченко М.В. Очерки по истории русско-византийских отношений. М., 1956
11. Литаврин Г.Г. Византийское общество и государство в X-XI вв. М., 1977.
12. Лозинский С.Г. История папства. 3-е изд. М., 1986
13. Международные связи стран Центральной, Восточной и Юго-Восточной Европы и славяно-германские отношения. М., 1956.
14. Робер де Клари. Завоевание Константинополя М., 1986
15. Сказкин С.Д. История международных отношений и дипломатии в средние века. М., 1948
16. Сказкин С.Д. Из истории социально-политической и духовной жизни Западной Европы в средние века. М., 1981
17. Семенов В.Ф. Ўрта асрлар тарихи. Тошкент, 1973
18. Турский Г. История франков. М., 1987
19. Шейнман М.М. Краткие очерки истории папства. М., 1952

## **Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларининг халқаро муносабатлари ва дипломатияси.**

1. *Хитойда халқаро муносабатлар ва дипломатия.*
2. *Японияда халқаро муносабатлар ва дипломатия.*
3. *Араб халифалигининг халқаро муносабатлари ва дипломатияси.*
4. *Фотимийлар ва мамлюклар хукмронлиги даврида Миср ва Суриянинг халқаро муносабатлари ва дипломатияси*
5. *XV-XVII асрларда Эроннинг халқаро муносабатлари ва дипломатияси.*
6. *Усманийлар империясининг халқаро муносабатлари ва дипломатияси.*

III асрда Хань империяси парчаланиб кетгандан сўнг унинг ерларида бир қатор давлатлар мавжуд эди.

Илк ўрта асрлар замонида Хитойни бирлаштиришга биринчи бўлиб Суй сулоласи 589 йилда уринди. Бу сулоланинг асосчиси Янцзянь (ёки Вэньди) эди. 618 йилда эса шимолий-ғарбий Хитойнинг князьларидан бири Ли Юань ёки Гаоцзу (у келиб чиқиши жихатидан чала турк эди) хокимиятни қўлга киритди ва Тан сулоласига асос солди. Тан империяси Хитойда 300 йилга яқин, яъни 618 йилдан 907 йилгача хукмронлик қилди. Мамлакатнинг бирлаштирилиши, хўжаликнинг жонланиши, харбий қудратнинг ўсиши Суй ва Тань империяларининг сиёсатида ташқи алоқаларнинг фаоллашувига кўмак берди.

Марказий Осиёнинг улкан кенгликларидан кўчманчи қабилаларнинг иттифоқи – Турк хоқонлиги юзага келди. Хитой империяси хали ўта заиф бўлганлиги сабабли кўчманчиларнинг қуролланган босқинини олдини олиш мақсадида анъанавий “тинчлик ва қариндошчилик” сиёсатини юритарди, яъни турк хоқонларининг турли устунликларини тан оларди ва хатто узоқ муддатга тинчликни сақлаш учун ўлпон тўлашга тайёр эди.

Шимолий-Шарқда эса сиёсат ўзгача кўриниш касб этганди. Бу ерда Суй императорлари Мохэ қабилалари ва шимолий корейс давлати Когурёга қарши узоқ давом этган ва унчалик муваффақиятли бўлмаган урушларни бошладилар. Асосий мақсад – Ляонинни ва корейслар ўша пайтларда устиворлик қилган Сарик денгизга олиб борувчи денгиз йўллари қўлга киритиш эди. Кореяга қарши урушлар деярли бир аср мобайнида давом этди.

VII асрнинг бошида Хитойнинг ташқи алоқалари кенгайди. 607 йилда Лоянга Япониядан элчилик етиб келди, 609 йилда эса – Сиамдан ташриф буюрган элчилик совғалар келтирди. Хинди-Хитойга (Вьетнам) муваффақиятли юришлар амалга оширилди.

Империя мустахкамланиб борган сари, илгари турк хоқонлари билан дўстона муносабатларда бўлган хукмдорлар кўшниларига қарши урушлар олиб боришга ўтдилар – даставвал мудрофаа, кейинчалик эса босқинчилик урушларига.

VII асрнинг 30- ва 40-йилларида Хитой кўшинлари мўғул даштларига ва Буюк ипак йўли бўйлаб юришлар амалга оширишди. Хитойнинг харбий кучлари Тянь–Шань ёнида тўпланди. Тянь–Шань ортида хитойликлар қирғизлар билан муносабатларни ўрнатишга эришдилар. 648 йилда эса қирғиз элчилари Чаньяньга етиб келишди.

Ўртадаги империянинг худудий жихатдан кенгайиши ва айрим мамлакатларнинг Хитой сюзеренитетини тан олиши турк ва тибет қабилаларининг доимий босими, ҳамда араб истилочиларининг таҳдиди остида бўлган халқларнинг хитойликлардан ёрдам олиш нияти билан изоҳланади. Ҳатто Сосонийларнинг сўнгги подшоси Ёздагир III, араб истилочиларидан қочиб, Эронни тарк этди ва Хитойдан кўмак сўради. Унинг ўғли ва невараси ўзларини Тан давлатининг вассаллари деб тан олишди, гарчанд ҳеч қандай ерларга эгалик қилмаса ҳам.

Империянинг манфаатлари тибетликлар билан Жанубий-ғарбий йўналишида ва Кукунорда тўқнашди. VII асрда Тибетда дастлабки давлат вужудга келди. Унинг подшоси Сронцангбо ўзининг катта кўшинини шарққа, Хитойга етаклади. 641 йилда Сронцангбо Ли Шаминь билан битим тузди, афтидан ўзини Хитой вассали деб тан олди. Эндигина асос солинган Лхасага Хитойлик амалдорлар, савдогарлар ва харбийлар етиб келарди.

Будда роҳиблари ва айниқса Сюань Цзань томонидан Шимолий Хиндистон подшолиги билан боғланган алоқалар Лхаса орқали таъминланарди. 641 йилда Шимолий Хиндистон хукмдори Харша Хитойга элчилик юборди. Тухфалар билан етиб келган ушбу элчилик Чаньянь саройларида иззат билан кутиб олинди. Икки йилдан сўнг Ли Шаминь жавоб элчилигини жўнатди. Ушбу элчилик иштирокчиси, ўқимишли буддист (яъни будизм тарафдори), сарой гвардияси бошлиғи Вань Сюаньцэ Лхасада қолиб кетди. У 647 йилда яна бир бор Хиндистонга сафар қилганда Харша вориси Аруджинанинг кўшини элчиликка хужум қилди. Вань Сюаньцэ, Тибетга қайтиб келиб, тибетликлар, хитойликлар ва гуркаслардан (Непал ахолиси) иборат кўшин тўплади. Ушбу кўшин Ганг бўйлаб юриш қилди ва Аруджинани унинг саройи билан қўлга киритди. Асирлар Чаньяньга жўнатилди.

Шимолий-шарқий Хиндистон зодагонлари, Тан империяси билан дўстона алоқаларини мустахкамланишига интилиб, Хитойга совғалар сифатида отлар, қуроллар, қимматбаҳо буюмларни юборардилар. Икки мамлакат ўртасида савдо алоқалари ўрнатилди. Вань Сюаньцэ элчиликлар таркибида яна икки маротаба Хиндистонга сафар қилди. 668 йилда Хинд

элчилиги Хитойдан харбий ёрдам сўраган. Кейинроқ Тибет орқали олиб борадиган йўл узилиб қолди ва икки мамлакат ўртасидаги алоқалар Бирма ва денгиз орқали амалга оширилди.

907 йилдан Тань империяси тугади. Бир неча ўн йилликлар давомида Хитойда тўла тарқоқлик ҳукм сурди. 960 йилда Сун сулоласи ҳокимияти остида Хитой қайтадан бирлаштирилди. Унинг асосчиси Чжао Куань-инь эди.

Сунь империяси Тан империясига қараганда кучсизроқ бўлди. Турк, мўғул қабилалари ва ғарбдаги бошқа кўчманчи қабилалар Сунь империяси чегараларига борган сари кучлироқ хавф солиб турдилар. Сунь императорлари уйғурларга, тангутларга, куданларга қарши урушлар қилди. Бироқ, бу урушлар натижасида Сунлар бу мамлакатларни Хитойга бўйсундира олмадилар. Шунга қарамасдан, Сунь сулоласи даврида Хитойнинг халқаро алоқалари қайтадан мустахкамланди. Ўрта Осиё, Хиндистон ва Хинди-Хитой билангина эмас, балки Корея, Япония ва Индонезия билан ҳам кенг миқёсда ташқи савдо олиб борилди.

XII асрда Сун сулоласининг ахволи оғир эди. 1127 йилдан бошлаб Сунлар фақат Жанубий Хитойни ўз назорати остида ушлаб турдилар холос. Шимолий Хитой чжурчженларнинг Цзинь деб аталган янги бир катта давлати таркибига кирди. XIII аср бошларида Шимолий Хитой мўғуллар томонидан босиб олинди. Жанубий Хитойнинг фақат ўзидан иборат бўлиб қисқариб қолган Сун империяси (ўшанда ҳам ҳамма вилоятлар унинг таркибига кирмас эди) 1279 йилгача, яъни Чингизхоннинг невараси Хубилай забт этмагунча умр кўрди. Хубилай янги мўғул сулоласига асос солди, бу солала хитойча Юань деб номланди.

XIII аср охири XIV аср бошларидаёқ мўғуллар Хитойликларнинг кучли таъсири остига тушиб қолдилар. Иккинчи томондан, Хитойнинг мўғул давлатлари тизимига киритилганлиги туфайли эндиликда Хитой аввалги Тань ва Сунь “миллий” сулолалари давридагидан ҳам кўпроқ даражада халқаро савдо ишларида иштирок этадиган бўлди. Хитойнинг ўзида Эрон, араб, Ўрта Осиё ва Хинд савдогарлари тез-тез пайдо бўла бошлаилар. Марко Полонинг сўзларига кўра. Хитой ипак, чинни, темир ва мисни “дунёнинг барча чеккаларига” экспорт қилиши амалга оширилди.

XIV асрнинг 50-60 йилларида бутун мамлакатда мўғул истилочиларига қарши кўзғолонлар бўлиб ўтарди. 1368 йилда кўзғолончи дехқон армиясининг раҳбарларидан бири бўлмиш Чжу Юань-Чжан император деб эълон қилинди. У асос солган янги сулола Минь сулоласи деб аталадиган бўлди. Ушбу сулола Хитойни 1368 йилдан то 1644 йилгача идора қилди.

XIV асрнинг охириги чораги – XV асрда Минь сулоласи Корея, Тибет, Вьетнам, Индонезия, Хинди-Хитой, Малаккага нисбатан фаол ташқи сиёсат олиб борди. Ушбу мамлакатларга бир неча бор харбий

экспедициялар уюштирилди. Айниқса, 1403-1433 йиллар мобайнида адмирал Чжэн-Хэ бошчилигидаги еттига денгиз экспедицияларининг кўлами катта бўлди. Минь хукумати элчиликлар юбориш ва қабул қилиш воситасида Япония, Кампучия, Хиндистон, Темурийлар давлати каби мамлакатлар билан дипломатик муносабатларни таъминлашга уринди.

XVI асрда Мин сулоласи мўғул хонларининг мамлакат чекка худудларига қилган хужумларини бир неча бор қайтарди. 1570 йилда тузилган узок муддатли тинчлик битимидан сўнг босқинлар тўхтатилди. Тинчлик шартномалари хонлар ва императорлар ўртасида илгари ҳам бир неча бор имзоланган эди, улар доим Хитой учун манфаатсиз бўлган: мўғул хонлари шундай савдо-сотикни мажбуран қабул қилдирадиларки, бундай савдо Хитойга фақат зарар етказарди. Хитойликлар қиммат махсулотларни (ипак, дон, қимматбахо хунармандчилик буюмлари) арзон сотишга, чорва молларни эса уларнинг ҳақиқий қийматига кўра юқорироқ нархлар бўйича харид қилишга мажбур эдилар. Шимолда ва ғарбда яшаган халқлар билан ташқи савдо алоқалар қайсидир маънода урушлар ёки мўғулар билан тузилган шартномаларнинг хусусияти билан чекланганди.

Хитой-Япония билан савдо-сотик алоқаларига эга эди. Минь хукуматининг Япония билан савдони чеклашга қаратилган уринишлари шиддатли урушларга сабаб бўлди.

XVI асрнинг 90-йилларида Япония –Корея уруши даврида Минь сулоласи ўзининг вассалли – корейс императорига ёрдам сифатида катта қўшин юборишга мажбур бўлди.

Мин империяси айрим давлатлар билан тинч савдо алоқаларига эга эди. Хитой хунармандларининг махорат билан ишланган буюмлари мамлакатдан анчагина ташқарида сотиларди. Хитой махсулотлари рус давлатига ҳам етиб келган. Иван Грозний томонидан Шарққа юборган икки элчилиги русларнинг Хитой тўғридан-тўғри савдо йўлини излаб топишга қаратилган интилишларидан далолат беради. Мўғулистон орқали Узок Шарққа Томск шаҳридан чиққан казаклар элчилар сифатида жўнаб кетишди. 1618 йилда казак Иван Петрин ва унинг хамроҳлари Пекинда тўрт кун давомида бўлишди. Улар Мин императори номидан келтирган бир нечта ёрликларда рус савдогарларига Хитойга савдо-сотик ишлари бўйича келиш рухсат этилганди. Узок масофани ва тилни билмаслигини бахона қилиб “само ўғли” ўз элчиларини Россияга юборишни рад этди. Император ёрлигининг дўстона тарзда битилгани Хитойнинг савдо манфаатлари билан изохланади, чунки ғарб билан қуруқлик орқали савдо-сотикнинг ўрнатилиши Хитойликлар учун фойда келтириши мумкин эди.

III аср охири – IV асрнинг ўрталарида Японияда Ямато қабиласи бошчилигида умум қабилавий иттифоқ вужудга келди. IV-VI асрларда Японияда ишлаб чиқарувчи кучларни сезиларли даражада тараққиёти

кўзга ташланди. Жумладан кемасозлик ривожланди, савдо-сотик жонланди, шуни ҳам айтиш керакки, нафақат ички, балки ташқи савдо алоқалари: Хитой (айниқса VI асрнинг охирида) ва Корея билан амалга оширишди.

VI асрда ҳокимият учун кураш пайтида Сўга уруғининг вакиллари подшони ўлдирдилар (592 йил) ва хукмронлик мавқеини эгалладилар. Сётоку-Тайси бошчилигидаги гуруҳ уларга қарши кураш олиб борди. У хориждан ҳам сиёсий мадад олишни ният қилганди. Ушбу мақсадни кўзлаб 607 йилда Хитойга Суй сулоласи саройига элчилик юборди. Тайсининг император Янь Гуанга юборган номаси қуйидаги сўзлар билан бошланарди: “Кун чиқар мамлакатининг Само ўғлиси кун ботар мамлакатининг Само ўғлига салом йўллайди”. Хитой солномаларидан олинган маълумотларга кўра, қудратли Хитой императорига нисбатан қандайдир Япониянинг хукмдори ўзини тенг унвон билан номлагани Янь Гуаннинг ғазабини келтириб чиқарган. Лекин шунга қарамай, жавоб элчилиги юборилди. Ушбу элчиликнинг Сётоку-Тайси 608 йилда иззат билан қабул қилди. Суй элчиси Хитойга қайтиб келиши пайтида у билан бирга янги япон элчилиги жўнатилди. Ушбу ва кейинги элчиликларнинг мақсади Суй императорлик хонадони билан мустахкам сиёсий табақасини ўрнатиш ва Япония хукмрон алоқасининг Хитой давлат бошқарув тизими тажрибасидан фойдаланишга интилиши эди.

Тайси ворислари Хитой империяси тажрибасидан фойдаланиш сиёсатини давом эттирдилар. Корея билан муносабатлар бир мунча ўзгарди. Агар VI асргача японлар яриморолда жойлашган уч давлат (Когурё, Пэнче, Силла) ўртасидаги ўзаро урушга аралашиб келган бўлса, VI асрнинг иккинчи ярмидан, Силла давлати кучайиши сабабли, японларнинг аралашуви пасайди. Шу билан бир қаторда тинчлик муносабатлари ҳам тўхтатилмади, иккала томон элчиликлар юборишни давом эттирди.

645 йилда “Тайка тўнтарилиши” рўй берди. 645 йилда, корейс элчиларини қабул қилиш пайтида, фитнага бошчилик қилган. Наканоэ ва Каматарэ, ўзларининг тарафдорлари билан биргаликда, Сога Ируканга тажовуз қилишди ва уни ўлдиришди.

Тахтга “шоҳ хонадони”-га мансуб Сумэгару уруғининг катта вакили – Кару ўтказилди. У ҳокимият тепасига келган йил “Тайканинг биринчи йили” деб аталди.

1260-1285 йилларда Японияга мўғуллар босқини таҳдид солди. Ушбу таҳдид мамлакатни ўта кескинлик ҳолатида ушлаб турди ва ҳукуматни мудофаа учун барча кучларни сафарбар қилишга мажбурлади.

Мўғул истилочилари итоаткорликни исхор этилишини талаб қилишди. Бироқ, Япония хукмдори Ходзё Такимунэ Хубилай хукмронлигини тан олишни рад қилди ва унинг элчиларини қатл этди.

Мўғуллар, хитойликлар ва корейсларни ўз юришларида иштирок этишга мажбурлаб, улкан флот ва армияни тўплашди ва икки мартаба (1274 йил ва 1281 йил) Япония қирғоқларига хужум қилишди. Улар Кюсю сохилларига қўшин туширдилар ва сон жихатдан анча устун бўлганликлари туфайли, мардонавор химояланаётган японларга қаттиқ зарбалар беришга эришдилар. Охири келиб, япон қўшинларининг шиддатли қаршилиги, мўғулларнинг денгизда операциялар ўтказишда нўноқлиги, шунингдек, флотнинг аксарият қисми бўронлардан халокатга учрагани япон халқини асоратдан сақлаб қолди. Аммо 1281 йил юришидан кейин ҳам бир неча йиллар давомида Япония мўғуллар босқини тахдиди остида бўлди.

XIV-XV асрларда ташқи савдо жадал ривожланди ва унда денгиз қароқчилари сезиларли роль ўйнашди. Япония ҳукумати ва зодагонлари номидан Хитой билан олиб борилган расмий савдо-сотик алоқалари алоҳида ўрин эгаллаган. Ушбу савдо япон ҳукуматининг Хитой саройига элчиликлар юбориш воситасида амалга оширилган. Элчиликлар билан биргаликда молар ортилган 10-15 кема жўнатиларди.

XVI асрда Японияга Европаликлар кириб кела бошладилар – 1542 йилда Португаллар, 1580 йилда испанлар. Европалик савдогарлар, денгиз қароқчилари ва миссионерлар Японияга Хитой маҳсулотларини, асосан ипакни, олиб келишарди. Улар Европада ишлаб чиқарилган ўқ отар қуроллар билан ҳам Японияда савдо қиларди.

Португал ва испан савдогарлари билан бирликда етиб келган иезуитлар Японияда католик динини тарғиб этишарди. Европаликлар япон оролларида пайдо бўлганидан сўнг Япониянинг Европа мустамлакачилари томонидан бўй сундирилиши хавфи маълум даражада юзага келди. Маъмурлар европаликларнинг Японияга кира олишга йўл қўймасликка қарор қилишди.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Япония аввал Ода, Нобунага, кейин эса Тоётоми Хидэёси ҳокимияти остида бирлаштирилди. Хидэёсининг ташқи сиёсати тажавузкор тарзда олиб борилди. Бу унинг ўз диктатурасини мустаҳкамлашга қаратилган интилиши билан боғлиқ эди. 1592 ва 1597 йилларда Хидэёси икки йирик босқинчилик юришини амалга оширди. Унинг истилочилик режаларига нафақат Корея, балки Хитой, Тайвань ва Филиппин ҳам киритилганди.

Хидэёси томонидан тўпланган ва Кореяга туширилган улкан армия, ҳамда катта флот даставвал япон қўшинларига муваффақиятни таъминлаб берди, аммо кейинчалик улар барибир мағлубиятга учрадилар.

Хидэёси ўлимидан сўнг (1598 йил) Токугава Иэясу мамлакатни учинчи бор бирлаштирди. Токугава уруғидан бўлган чинчи сёгун – Иэясу ўзининг бирин-кетин қабул қилган фармонлари (1633, 1636, 1639 йй.) билан, ўлим жазоси тахдиди остида, японларнинг ўз мамлакатини тарк

этишни, ҳамда узок масофага сузадиган кемаларнинг қурилишини таъқиқлади. Шу пайтнинг ўзида мамлакат ажнабийлар учун ҳам ёпилди. Бундан голландларгина истисно бўлиб, уларга чекланган тарзда Нагасаки портига кириш учун рухсат этилди. Хитой савдогарлари ҳам ана шундай имтиёз олдилар.

XVI асрда японлар нафақат Корея, Хитой, Сиам, Филиппин билан алоқаларга эга эди, балки ҳатто Европага элчиликларини юборишган. Жумладан Кюсю ороли князьлари 1582-1590 йилларда Римга элчилик юбордилар.

1587 йилда миссионерлик тарғиботи биринчи бор таъқиқлангандан сўнг европаликлар билан муносабатлар тўхтатилмади. Ўз пайтида Хидэёси европаликлар кўмагида, уларнинг кемалари ва қурулларидан фойдаланиб, Кореяга қарши юришнинг муваффақиятини таъминламоқчи бўлди. Иэясу ҳам шунга ўхшаш сиёсатни олиб борди. Токугава испанлар ва португалларнинг таъсирини заифлаштириш мақсадида (уларнинг миссионерлик фаолияти бир неча фармонлар орқали таъқиқланди) голландлар ва инглизларга кўпроқ хомийлик қилди.

Гарчанд Иэясу 1610 йилда Мексикага элчилик юборган бўлса ва ҳатто Европага миссия юборишга рухсат этса (1613-1629 йй.) ҳам, бироқ хукмронлигининг охирида ва унинг ўғли хокимият тепасида бўлган даврда европаликларнинг фаолияти янада қатъий суратда чекланарди. Япониянинг ташқи дунёдан сунъий яккаланиш сиёсати икки ярим аср давомида олиб борилди.

VII асрда ягона араб давлатининг шаклланишига шарт-шароитлар вужудга келди. Бундай бирлашишга интилиш мафкуравий нуқтаи назардан ягона худога сиғинишни тарғиб қилишда ўз ифодасини топди. Ушбу монотеистик (худо яккаю-ягона деб эътироф қилувчи) таълимот ислом дини деб аталди. Келиб чиқиши Макка шаҳридан бўлган Мухаммад алайҳиссалом ушбу таълимотнинг тарғиботчиси ва мафкуравий асосчиси эди.

Маккадаги бой гурухларининг айримлари даставвал Мухаммад алайҳиссаломга қарши чиқишди. Улар ҳаттоки Мухаммад алайҳиссалом ва унинг тарафдорларини Маккадан Ясрибга (ҳозирда Мадина шаҳри) кетишга мажбур қилдилар (622 йилда).

Мухаммад алайҳиссаломнинг кўчиб кетишидан аввал Анабада (Макка ёнидаги жой) Ясриб қабилалари билан келишув тузилди ва айнан шу воқеани мусулмон дипломатиясининг бошланиши деб ҳисобласа бўлади.

Хижрий 6-ёки 7-йилнинг охирида Мухаммад алайҳиссалом ислом динини қабул қилишга даъват этиб, Византия императори Ираклийга, Сосонийлар хукмдори Хисрав II-га, Эфиопия (Хабашистон) негусига,

Миср ноибн ал-Мукаукисга, Уммон “шохи”-га, Бахрайн ва Ямам хукмдорларига мактублар юборди.

630 йилнинг январида Муҳаммад алайҳиссалом Маккани бўйсундирди ва ушбу шаҳар аҳолиси ислом динини қабул қилишга мажбур бўлди.

Хижрий 9 йилда қабилаларнинг аксарият қисми исломни қабул қилдилар. Бу пайтга келиб ислом дини деярли бутун Арабистон худудларига ёйилди. Ушбу йил мусулмон тарихига “делегациялар йили” сифатида кирди. Муҳаммад алайҳиссалом 632 йил 8 июнда вафот этди. Муҳаммад алайҳиссаломнинг ворислари Абу Бакрни халифалик лавозимига (632-634 йй) сайлашди. Ундан сўнг Умар (634-644 йил), Усмон (644-656 йй) ва Али (656-661 йй) халифалик қилдилар.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг вафотидан сўнг араблар кенг миқёсдаги истилоларни амалга оширдилар. Сосонийлар Эронни ва Византиянинг Осиё ва Шимолий Африкадаги эгаликлари араблар томонидан забт этилди. 661 йилда хокимият тепасига Умавийлар сулоласи келди. Улар истилочилик сиёсатини давом эттиришди.

Истилолар натижасида халифалик Хинд дарёсидан Атлантика океани сохилларигача етиб борган ерларни қўлга киритди. Умавийлар давлати ўзининг маданиятида, бошқарув усулларида, ҳамда ташқи муносабатларни ривожлантириш усулларида Византия ва қисман Сосонийлар Эрони анъаналарининг кучли таъсири остида эди. Араб халифалигининг, айниқса Умавийлар хукмронлиги даврида, қўшни мамлакатлар билан муносабатлари асосан харбий тўқнашувлар тусини касб этган. Ғарбда Умавийлар, Византия билан давомли ихтилофда бўлиб, доимо тўқнашувларда иштирок этишган. Гарчи баъзи ҳолларда Умавийлар византияликлар билан тинчлик битимини тузишга мажбур бўлишган. Масалан, халифаликда Иккинчи фуқаролар уруши даврида Умавийлар халифаси Абд ал-Малик, давлат ичкарисидаги душманларга қарши кураш олиб боришда ўзига эркинлик туғдириш учун, Византияликлар билан тинчлик шартномасини тузишга мажбур бўлди. Битимга кўра императорга бир қатор ерлар берилди ва ўлпон тўлаш мажбурияти олинди. Умавийлардан бўлган яна бир халифа Умар II (717-720) қўшнилари билан осойишталик сиёсатини олиб борди. Лекин ундан кейин хукмронлик қилган халифалар истилолар сиёсатини қайтадан бошладилар.

750 йилда Умавийлар ағдарилди ва уларнинг ўрнига хокимият тепасига Аббосийлар келишди. Аббосийлар саройида Эрон анъаналари устунлик қиларди. Аббосийлар халифалиги давлат бошқарувининг мураккаб тизимида ташқи ишларни идора қилиш ўта муҳим ўринни эгалларди. Буюк вазир қарамоғида бўлган бошқарувнинг етти тармоғи, ёки “девонлари”, орасида “девон ар-расолат” - ташқи ишлар вазирлиги

кўзга кўринарли роль ўйнаган. Ушбу девонида иш юритиш ва маросимлар тартибининг маълум шакллари ишлаб чиқилган. Бироз кечроқ даврга оид манбалар – XI аср сиёсий трактатлари (бирор масалага бағишланган илмий асарлар) ва меъмуарлари (хотиралар, эсдаликлар) – Аббосийлар дипломатиясининг усулларини тавсифлаш учун қўлланиши мумкин, ҳамонки унинг анъаналари Шарқда узоқ умр кўрган.

Элчилик хизматига яқин турган Абу-л-Фазл-Байхақийнинг эсдаликларида элчилик қуйидагича тасвирланади. Элчилар сифатида икки киши юборилади – уларнинг бириси сарой аъёнларига тегишли бўлса, иккинчиси ўқимишли муллалардан сайланарди. Уларга икки мактуб берилади. Биринчи мактуб элчилик юборилаётган хукмдор номига ёзилган. Ушбу нома, куръондан олинган сўзлар билан бошланиб, унда икки хукмдорнинг унвонлари санаб ўтилганди, элчиларнинг тавсияномси келтирилганди ва уларнинг ваколатлари чегараси белгилаб берилганди. Якунида элчиларни узоқ вақт давомида ушлаб турмаслик ва тезроқ орқага жўнатиб юбориш илтимосининг мавжудлиги ўзига хос ҳолат эди. Иккинчи мактуб биринчи элчига тааллуқли эди ва қуйидаги сўзлар билан бошланарди: “О, бизнинг биродаримиз ва вакилимиз.” Ушбу мактубда йўриқномалар мавжуд эди. Элчи, нома ва совғаларни топшириб, шартнома тўғрисида музокаралар олиб бориши лозим эди. Бунинг устига, элчига, авфтидан хужжатнинг тайёр матни топширилган ва унга ҳеч қандай ўзгартириш киритиб бўлмади. Ўзга давлат хукмдори шартномани имзолашга рози бўлмаса, элчи музокараларни давом эттиришга ваколатли эди. Шунинг ҳам айтиш керакки, элчи ўз хукмдорига музокараларнинг бориши ҳақида маълумот бериб туриши ва зарурат туғилганда, янги йўриқномалар сўраши керак эди. Элчи, шартнома тузилган тақдирда, унинг қасамёд ичиш орқали тасдиқланишини ажнабий хукмдордан, унинг ўғилларидан ва аъёнларидан талаб қиларди. Совғаларни топшириш элчига берилган топшириқлар орасида муҳим ўрин эгалларди. Элчи хорижий хукмдор ҳузурига етиб келганда тухфаларнинг бир қисми топшириларди, қолган қисми эса – фақатгина элчилик муваффақият билан якунланганда. Топшириладиган тухфаларнинг рўйхати элчига бериларди. Совғалар орасида айниқса қимматбаҳо матолар ва идишлар тез-тез учраб турарди. Совғаларни улашиш ва манзилга етказиб бериш билан махсус хизматчилар шуғулланардилар.

XI асрга оид бошқа манбада – Низомумулкнинг “Сиёсатномасида” - элчилик хизматига бағишланган алоҳида боблар мавжуд. Ушбу асарда элчилар чегарага етиб келганда уларнинг сони ва улар билан неча киши етиб келганлиги ҳақидаги абар чопарлар орқали дарҳол юборилишини талаб қилинган. Элчиларга йўл кўрсатиш, уларни бошпана ва озиқ-овқат билан таъминлаш лозим эди. Элчилар ғаним давлатдан келган бўлса ҳам, уларни ҳақоратлаш мумкин эмасди.

Низомулмулкнинг таъкидлашича, хукмдорлар бир-бировига элчиларни юборар экан, нафақат ошкора, балки махфий мақсадларни ҳам кўзлайдилар. “Улар қуйидагиларни билишни хоҳлайдилар: йўлларнинг, далаларнинг, дарёларнинг, зовурларнинг, ичимлик сувларнинг ҳолати қандай, қўшин ўта оладими ёки йўқми, қаерда ем-хашак мавжуд, қаерда эса йўқ, амалдорларнинг қайси бири қаерда, шохнинг қўшини қандай ва унинг сони ва аслаҳалари қандай, унинг (шохнинг) меҳмондорчилиги ва йиғинлари қандай ўтади, амаллари тартиби қандай, ўтириб-туриш тартиби қандай, тўп ўйнаши, овга чиқиш тартиби қандай. Унинг хулқ-атвори, ҳаёти, саҳийлиги, кўзи ва қулоғи, қилиғи ва ҳаракати, марҳамати, адолати ва адолатсизлиги қандай. Қарими у ёки ёшми? Ўқимишлими ёки нодонми? Унинг ерлари гуллаб-яшнайдими ёки ҳаробми, унинг қўшини – мамнунми ёки йўқ? Унинг вазири – муносибми ёки йўқ, тақводорми, фазилатли ҳаёт кечирадими? Унинг саркардалари тажрибали ва ишларда мохир инсонларми? Унинг аъёнлари ўқимишлими? Иқтидорлими ёки йўқ? Улар нимани ёқтиради, нимадан нафратланади? Шароб ичганда шох хушчақчақми ва дилкашми ёки йўқ? Ҳамдардми ёки лоқайд? Вақтичоғлик ёки жиддийликка кўпроқ майли бор? Аскарлар ёки аъёнлар орасида кўпроқ бўлишни авзал кўради?”.

Буларнинг барчасидан кўриниб турибдики, Византия дипломатияси ва унга усуллари бўйича яқин бўлган Сосонийлар Эрони дипломатиясининг анъаналари Шарқда гуллаб яшнади. ғарб мамлакатлари ва Қурдоба халифалиги ўртасида ўрнатилган кўплаб алоқалар орқали, салб юришлари давомида бўлиб ўтган тўқнашувлар ва музокаралар орқали Шарқнинг таъсири орқада қолган ва маданиятсизроқ бўлган ғарбга ўтарди. Франк тарихчилари Буюк Карл ва Бағдод халифаси Хорун ар-Рашид ўртасида элчиликлар билан ўзаро алмашуви, бир-бирига юборган тухфалар ҳақида хикоялар қилишади. Бироқ бу хикояларни тўғрироғи афсоналар қаторига қўшиш лозим. Шарқ тарихчилари, Аббосийларнинг турли мамлакатларга юборган кўплаб элчиликларни таърифлаб, Буюк Карл хузурига юборилган элчиликлар ҳақида ҳеч қандай маълумотларни эслаб ўтмайдилар ва хаттоки бундай хукмдорни билмайдилар. Лекин Шарқдан Франклар давлатига савдогарлар, айниқса яҳудийлар тез-тез келиб турган ва ўзлари билан ноёб моллар олиб келган. Бир куни келтирилган фил шунчалик катта шов-шувга сбабчи бўлдики, франк солномаларида унинг вафот этган йили қайд этилган. Балки Шарқ савдогарларининг ушбу ташрифлари халифа юборган элчиликлар тўғрисидаги афсонага замин яратгандир.

Халифалик Шарқ ва Ғарбнинг барча мамлакатлари билан савдо алоқаларига эга бўлган. Араб савдогарлари Хиндистон Индонезия Хитойга денгиз орқали сафарларини амалга оширишган ва бу ерларда мусулмон савдогарларининг йирик факториялари (савдо-сотик олиб

бориладиган манзиллар) пайдо бўлган. Қизғин савдо алоқалари шимолий мамлакатлар билан ҳам йўлга қўйилган. Араб савдогарлари ўз молларини Волга дарёси ва Болтиқ денгизи сохилларига етказиб келганлар.

943 йилда Гаочандаги уйғурлар хукмдори Бухорода хукмронлик қилган Сомонийлар билан дўстона алоқаларни ўрнатди-ки, бу эса мусулмон савдогарларини Хитойга олиб борадиган хавфсиз йўл билан таъминлади.

Араб савдогарларининг манфаатлари билан боғлиқ ва халифалик дипломатиясига оид қизиқарли воқеа рўй берган. Яъни 921 йилда Булғорлар подшосига юборилган элчилик хақида гап юритилади. Ушбу элчилик иштирокчиси Ахмад ибн Фадлан амалга оширилган саёхат тўғрисида қизиқарли эсдаликлар қолдирган. Балватар ўғли ал-Хасан исмли Булғорлар подшоси халифа ал-Муқтадирга, ислом хатибларини юборишни. қалъа қурилишига ёрдам кўрсатишни илтимос қилиб, элчилик юборганлиги тўғрисидаги маълумотномалар Ахмад ибн Фадланнинг эсдаликларида қайд этилган. Халифа Булғорлар подшосининг илтимосига ижобий жавоб қайтарган. Булғор элчилиги билан биргаликда халифа ал-Муқтадирнинг элчилиги ҳам йўлга чиққан. Манзилга етгач, элчилар халифанинг Булғорлар подшосига юборган номасини ўқиб эшиттиришган ва катта иззат билан қабул қилинган. Шу тарзда ушбу мамлакат билан дипломатик алоқалар ўрнатилган. Кейинги йилда булғорлар подшоси исломни қабул қилган ва бу ўта мухим ахамиятга эга бўлган, чунки эндиликда мусулмонларга тегишли Шимолий-Шарқий ерлар биринчи бор мохир хукмдорлар қўли остида бирлаштирилган. Бу эса чегарадаги ерларни хавфсизлигини таъминлашга имкон яратди, уларнинг гуллаб-яшнашига олиб келди ва хорижлик савдогарлар учун қафолатланган даромадлар истиқболларини юзага келтирди.

IX асрнинг 60-йилларида Миср амири Ахмад ибн Тулун, ўз хоқимиятини мустақамлаб, фактик жихатдан мустақил давлатни барпо этди. Марғибада хоқимият тепасига келган Фотмийлар сулоласи X асрдан бошлаб Мисрга даъвогарлик қилди. 969 йилда Фотмийлар қўшини Миср пойтахти Фустат шаҳрини эгаллашди, кейин эса бутун мамлакатни бўйсундиришди. Фотимийлар армиясининг бош қўмондони Джаухар Сурияни забт этишга қўшин юборди. Фотимийлар қўшини Дамашққача бўлган Сурия ерларининг бир қисмини эгаллашди.

1037 йилда Фотимийлар бир неча йиллар давомида мусулмонлар худудларига тез-тез босқинлар қилиб турган Византия императори билан яраш аҳдини тузишди. Ушбу аҳдномадан фойдаланиб, фотимийлар Халеб (Алеппо) шаҳрини босиб олишди, бу эса уларга бутун Сурияни, Антиохиядан ташқари, бўйсундириш имконини берди. Антиохия, ўз навбатида, Византияликларга тегишли эди.

XI асрнинг 60-йилларига келиб фотимийлар империяси деярли мавжуд эмасди. Бутун мамлакат бўйлаб ўзаро курашлар бўлиб ўтарди. Византия Мисрга уруш эълон қилганди. Сицилия насроний истилочилар томонидан босиб олинган. Улар Африка қирғоқларига ҳам келиб тургандилар ва Александрия шахрига тахдид солгандилар.

Салибчиларнинг Сурияга хужуми бошланиши билан Фотимийлар салжукийлар хукмдорларини Қуддусдан (Исруслим) ҳайдаб чиқара олдилар, бироқ “муқаддас шаҳарни” бир йил давомида ўз қўлларида сақлаб қолдилар. 1099 йилда Қуддус салибчилар томонидан забт этилди, фотимийлар қўшини эса чекинди. Гарчанд Қохира халифалари Қуддус қироллиги билан тинчлик муносабатларини сақлаб келган бўлсада, барибир уларнинг ахволи мустахкам эмасди

Бир неча йиллар давомида Фотимийлар Суриядаги эгаликларидан махрум бўлдилар. Салибчилар Миср чегарасидаги энг узок нуқтаси Асколонни эгаллашди. 1171 йилда Фотимийлар сулоласи ағдарилди ва Мисрда ҳокимият тепасига мамлюклар сардори Салоҳиддин келди. Ўзаро ички курашлар салибчиларга Сурия ва Фаластинда катта ҳудудларни эгаллаш имконини берди. Бу жойларда марказлари Қуддуз, Триполи, Эдесса ва Антиохия ҳисобланган салибчиларнинг тўртта йирик давлатига асос солинди. Лекин уларнинг ҳокимияти мустахкам эмасди. Оқибатда салибчиларнинг барча давлатлари мусулмонлар томонидан забт этилди. Ушбу соҳада Миср султони, Айюбийлар сулоласига асос солган, Салоҳиддиннинг айниқса омади келди.

Айюбийлар ҳокимияти заифлашгандан сўнг Мисрда ҳокимият тепасига мамлюклар келдилар. Мамлюклар сардори Кутуз Миср мустақиллигига тахдид солган мўғулларни тор-мор этди. 1260 йил 3 сентябрда Фаластиндаги Айн-Далут деб аталган жойда мўғуллар тўла мағлубиятга учрадилар, уларнинг бош қўмондони асирга олинди ва қатл қилинди.

Кутуздан сўнг ҳокимиятни эгаллаган султон Бейбарс (1260-1277 йиллар) салибчиларнинг кучлари қақшатди, ҳамда уларнинг асосий шаҳарларини тортиб олди. Салибчилар қўлида фақатгина Триполи ва Акка шаҳарлари қолди. Бейбарс Исмоилийлар – ассасинларни ҳам мағлуб эта олди: 1273 илга келиб ассасинларнинг охириги қалъалари унга таслим бўлдилар. Бейбарс Хулагидларнинг ашаддий душмани - қипчоқлар билан дўстона муносабатлар ўрнатди ва шу тариқа мўғуллар ва салибчилар ўртасидаги эхтимолий иттифоқнинг олдини олди. 1277 йилда Бибарс кўп сонли армия тўплади, Таврдан ўтди ва мўғулларни мағлубиятга учратди. Бироқ у ўз ғалабасини мустахкамлай олмади ва чекинишга мажбур бўлди. Чекиниш пайтида султон вафот этди.

Бейбарсдан сўнг мамлюкларнинг машхур султонларидан бири Калаун (1279-1290 йй.) эди. Калаун Генуя, Сицилия, Кастилия билан

савдо шартномаларини тузди. Александрия ва қохира ғарб ва Шарқ ўртасидаги савдо-сотикда воситачилик қила бошладилар. Миср давлатининг таъсири Нубия ва Яманга ёйилди. Макка шарифлари ҳам Калаунга итоат этишди. Буларнинг хаммаси Хиндистонга борувчи савдо йўлларнинг хавфсизлигини таъминладикки бу ерларга араб савдогарлари денгиз орқали етиб кела бошладилар.

XIV асрнинг бошида мўғуллар ва мамлюклар бир-бировига хужумлар уюштириб турдилар. 1303 йилда Дамашқ ёнида мамлюклар мўғулларни узил-кесил тор-мор қилдилар ва бу жанг хал қилувчи ахамиятга эга бўлди.

1323 йилда мўғуллар ва манғитлар ўртасида тинчлик шартномаси тузилди. Бироқ кейинчалик, Илхонлар давлати парчаланаётган пайтда, мамлюклар султонлари кўшни давлатни емираётган ички тартибсизликлар ва ўзаро урушлардан фойда кўришга интилдилар. Улар ноиблар ва хукмдорлардан дам бир дам иккинчисини кўллаб-қувватлаганлар, элчиликларни қабул қилганлар, амалий ёрдам ҳақида келишиб олганлар, аммо ҳеч кимга амалий кўмак кўрсатмаганлар.

XV аср бошларига келиб Эрон Амир Темур давлатининг вилоятларидан бири эди. XV асрнинг иккинчи чорагида Ардабил шаҳрида, Жанубий Озарбайжонда, “Сафавийё” номли шиа мазҳабига мансуб меросий шайхларнинг таъсири кучайди. 1494 йилда Ардабилнинг, ҳамда бўйсундирилган кўшни турк қабилаларининг шайхи бўлган Исмоил Сафавий XVI асрнинг бошларидаёқ бутун жанубий Озарбайжонни эгаллаб, 1502 йилда Табриз шаҳрини ишғол қилди. Шу даврдан бошлаб Исмоил ўзини Эрон шоҳи деб эълон қилди (1502-1524 йй.). Табриз Сафавийлар Эронининг пойтахти бўлди; Арманистон ва Курдистон, сўнгра эса Боғдод ва Месопотамия бўйсундирилди. Исмоил даврида юз йилдан кўпроқ давом этган Эрон-Туркия урушлари бошланиб кетди. Бу урушлар XVII аср 30-йилларининг охиригача давом этди. Туркия султони Салим I, ўз томонидан. Кавказ орти, Курдистон ва Месопотамияга даъвогарлик қилди. Узоқ давом этган урушда (1514-1555) омад гоҳ бир томонда, гоҳ иккинчи томонда бўлди ва Амасияда (Кичик Осиёда жойлашган) сулҳ тузилиши билан якунланди. Унга кўра Сафавийлар Ироқни, ғарбий Грузияни, Арман тоғлари тизмаси ва Васпуракан тоғларидан жанубда жойлашган Арманистоннинг бир қисмини Туркияга топширдилар. 1590 йилда шоҳ Аббос I Турклар билан Стамбул тинчлик шартномасини тузди ва унга биноан Усманийлар империяси Шарқий Грузияни, Шарқий Арманистонни, Курдистонни, бутун Озарбайжонни (Ардебил ва Талишдан ташқари) ва қисман Луристонни қўлга киритди. Ундан сўнг Аббос I ўз армиясини шарққа йўналтирди, бу ерда Шайбонийларни мағлуб этди ва Нишапур, Машҳад, Хирот ва Марвни (1597 й.) ишғол этди.

1602 йилда Аббос I Туркияга қарши қайтадан уруш бошлади. Ўн йил давомида у Озарбайжон, Луристон, Курдистоннинг бир қисми, Шарқий Арманистон ва Шарқий Грузияни қайтариб олишга муваффақ бўлди.

Шу пайтда Россия ва Европанинг бошқа мамлакатлари, Туркияга қарши иттифоқ тузишдан манфаатдор бўлиб, Эронга бир неча бор ўз элчиларини юборишган. Сафавийлар ҳам туркларга қарши курашишда Европаликлар билан иттифоқ тузмокчи бўлганлар. Аббос I герман императори Испания ва Португалия қироли, Рим папаси, Франция, Голландия ва Россия билан элчиликлар ўзаро алмашувини амалга оширган. Одатда элчилар ўзлари билан кўплаб қимматбаҳо совғалар олиб келган. Шунинг учун ҳам элчиликлар алмашинуви ўзига хос ташқи савдо шаклини касб этган.

Сафавийлар замонида Москва Руси билан мунтазам алоқалар ўрнатилган. Элчиликлар билан ўзаро алмашув XV асрнинг ўрталаридан бошланган. XVI асрнинг 50-йилларида Рус давлати Волга бўйи ерларини қўшиб олиб ва Каспий денгизи сохилларига чиқиб, Эрон ва Осиёнинг бошқа мамлакатлари билан савдо алоқаларини сезиларли даражада кенгайтди. 1588-1676 йилларда Эронга 20 рус элчилиги юборилди, Эрондан Россияга эса 15 та. Эрон савдогарлари Астраханога етиб келиб, бу ерда доимий савдо-сотикни амалга оширишни бошладилар. Усманийлар империясига қарши кураш олиб боришга қаратилган умумий сиёсий манфаатлар рус-эрон савдо-дипломатик алоқаларининг ривожланишига кўмак берди.

XVI асрда Форс кўрфазида очикдан-очик босқинчилик йўлига ўтган биринчи мустамлакачилар португаллар эди. Улар Ормуз оролида жойлашган йирик савдо портини ишғол этдилар.

Инглизларнинг Москва компаниясининг махфий агентлари, Волга-Каспий йўлидан фойдаланиб, шимол орқали Эрон ва Хиндистон билан савдо-сотикни ривожлантиришга уринардилар.

XVII асрнинг бошида Англиянинг Ост-Индия компанияси ўз вакилларини Эронга юборди.

XVII асрнинг ўрталарига келиб инглизлар билан муваффақиятли рақобат қилувчи ва кўпгина имтиёزلарни қўлга киритган Голландиянинг Ост-Индия компанияси инглизларни иккинчи ўринга суриб чиқарди.

Салиб юришлари даврида Кичик Осиёда Рум Султонлиги номи остида яшаган салжук турклари давлати XIII аср бошларига келиб 10 та амириликка бўлиниб кетди. XIII аср охири-XIV аср бошларида янги давлат ташкил бўлди. Унда кўчманчи ўғузлар етакчи роль ўйнадилар. Дастлабки вақтларда Эртўғрул, ўғуз қабилаларининг рахбари бўлиб, Византия империяси билан чегарадош Сакаръё бўйида кичик феодал мулкига (бейликка) эгалик қиларди. Эртўғрулнинг ўғли ва тахт вориси – Усмон (1282-1326) Византияга қарши уруш бошлади унинг Кичик Осиёдаги

мулкларининг кўпчилигини, шу жамладан, Брусу (ёки Бурсу) шаҳарини босиб олди. Брусу шаҳарини Усмон ўзининг пойтахти қилиб олди. Вафотидан биров бурунроқ Усмон Кичик Осиёдаги бошқа амирликларни ўзига итоат қилдирди.

Византиянинг заифлашиб қолганлигидан ва Болқон ярим оролидаги бошқа давлатларнинг парчаланиб кетганлигидан фойдаланиб, Усмон турклари XIV асрда дастлаб Кичик Осиёда, кейин эса Болқон ярим оролда ҳам кенг истилочилик ҳаракатларини бошладилар. Усмоннинг вориси – Урхон 1331 йилда Никей шаҳрини, кейин эса Византиянинг Кичик Осиёдаги бошқа барча ерларини босиб олганидан сўнг, Европада истилолар қилишга киришди. 1354 йили Урхон Дарданел бўғозининг Европа қирғоғидаги Галлиполь шаҳрини босиб олди. Сўнгра турклар Фракияга кириб бордилар. Бу вилоят кейинги султон, яъни Мурод I замонида (1359-1389) батамом забт этилди. Мурод I 1361 йилда Фракиянинг бош шаҳри – Адрианопольни босиб олди. 1371 йилда серблар, болгарлар валахлар ва венгрлардан иборат коалиция (иттифок) Муродга қаршилик кўрсатишга уринди. Бироқ иттифокчилар Марица дарёси бўйидаги жангда енгилдилар. Шундан сўнг Жанубий Сербия султон ҳокимияти остига ўтди. Византия императори султонга ўлпон тўловчига айланди.

1389 йил 15 июнда Косово майдонида (Жанубий Сербия) серблар ва уларнинг иттифокчилари туркларга қарши хал қилувчи жангга кирдилар. Сербларнинг жасорати ва Мурод I-нинг ўлдирилишига қарамай, турклар ғалабага эришдилар. Шундан сўнг Сербиянинг катта қисми Туркияга қўшиб олинди.

Туркия давлатининг кенгайиши Амир Темур томонидан вақтинчалик тўхтатилди. 1402 йилда Темур улкан кўшин билан Кичик Осиёга кириб келди. Боязид ҳам катта харбий кучга эга эди, бироқ Кичик Осиёдаги турк амирларининг бир қисми султонга хиёнат қилди ва Темур томонига ўтиб кетди. Хал қилувчи жанг 1402 йил 28 июнда Ангор (ҳозирги Анқара) шаҳри ёнида бўлиб ўтди ва турклар тўла мағлубиятга учрадилар. Боязид қочиш пайтида қўлга тушди ва тез орада асирликда вафот этди.

XV асрнинг 20-йилларида турклар яна қаддиларини ростлаб олдилар. Султон Мурод II (1421-1451) 20-йилларнинг бошларида истилоларни яна қайтадан бошлади. 1422 йилда у Константинополни уч марта қамал қилса-да, аммо уни қўлга ололмади. 1430 йилда Солунь шаҳри олиниб, унинг барча аҳолиси қулларга айлантирилди.

1444 йилда туркларга қарши янги салиб юриши уюштирилди. Унда поляклар, чехлар, венгерлар, немислар, қисман французлар ва бошқа ғарбий европалик рицарлар қатнашган эди. Варна ёнидаги жангда (1444 йил 10 ноябрь) рицарлар тор-мор этилди. Шунинг ўзи билан Константинопольнинг халокати олдинан муқаррар қилиб қўйилди.

Константинополь 1453 йил 29 майда қулади. Сўнгги Византия императори Константин XI (1448-1453) эди. Султон Мурод II-нинг тахт вориси – султон Мухаммад (Мехмед II) (1451-1481) Константинополни забт этди.

Мухаммад (Мехмед II) 50-60 йилларда Болқон ярим оролида Дунай бўйидаги Сербияни, Боснияни, Герцеговинани ва Албанияни забт этди. Болқон ярим оролига қўшни бўлган Валахия вассал сифатида қарам қилиб қўйилди. 70-йилларнинг ўрталарида турклар Қримни ва Тану (Азов) шаҳрини босиб олдилар. Тахминан шу пайтнинг ўзида Кичик Осиёда Трапезунд шаҳри, деярли бутун Анатолия то Фрот дарёсигача истило қилинди. Бироқ Мухаммад (Мехмед II) икки марта муваффақиятсизликка ҳам учради: у Белградни ишғол қила олмади, турклар уни 1456 йилда қамал қилган бўлсалар-да, мақсадларига эриша олмадилар; шунингдек Родос оролини ҳам забт эта олмадилар (1480 й.).

Мухаммад (Мехмед) II-нинг набираси Салим I замонида (1512-1520) туркларнинг истилолари яна бошланди. Салим Эронга қарши олиб борган ғолибона уруши натижасида Кавказ орти мамлакатларидан Озарбайжонни, Арманистоннинг, Грузиянинг бир қисмини. Доғистон ва Курдистонни истило қилди. Кейин эса Сурия ва Мисрни босиб олди (1517 й.). Сўнгра, бутун ислом дунёсининг бошчиси сифатида ўзига халифа унвонини олди. Крит, Кипр ва Ўрта ер денгизидаги ерларин ўз қўлида сақлаб қолиш учун Венеция Туркия султониغا хар йили катта хирож тўлаб туришга мажбур эди.

Султон Сулаймон I Қонуний замонида (1520-1566) Усманийлар империясининг қудрати ўта юксак даражага етди. Сулаймон ҳукмронлигининг бошларидаёқ Белград ва Родосни эгаллади. Шундан сўнг у 1526 йилда Мохач ёнида катта ғалабага эришди, Бу ерда турклар, чехлар ва венгерларнинг бирлашган армиясини мағлубиятга учратдилар. Венгриянинг каттагина қисми Туркиянинг вилояти бўлиб қолди. Валахия ва Молдавия Портага хирож тўлайдиган давлатларга, унга хар йили жуда кўплаб пул тўлаб турадига ва мустақил ташқи сиёсат юритиш ҳуқуқидан махрум этилган ва вассал князликларига узил-кесил айлантирилган эди.

1529 йилда Сулаймон Венани қамал қилди, лекин уни ишғол эта олмади. Эронга қарши яна бошланиб кетган урушда Сулаймон Бағдод билан бирга Месопотамияни истило қилди. Шу билан бир пайтда турклар Шимолий Африка бўйлаб ғарбга томон силжиб бордилар. Улар Триполи ва Жазоирни забт этдилар. Сулаймон даврида Арабистон ҳам турклар томонидан босиб олинди.

Туркия XVI аср халқаро ҳаётида кўзга кўринарли роль ўйнаган. Турклар кўплаб давлатлар билан қизгин дипломатик ва савдо алоқаларига эга эдилар. Ушбу давлатлар қаторида Венеция, Генуя, Венгрия, Эрон, Австрия, Польша, Россияни таъкидлаб ўтса бўлади.

Австрия ва Испанияда хукмронлик қилган Габсбургларга қарши узоқ давом этган шиддатли кураш Туркияни Франция билан яқинлаштирди. Франция қироли Франциск I Сулаймон билан расмий суратда Габсбургларга қарши иттифоқ тузди. 1529 йилда Сулаймоннинг Австрияга қарши қилган юриши Габсбурглар ва Валуа сулолалари ўртасидаги “катта уруш”нинг бир бўғини эди.

Габсбурглар империяси ва унинг иттифоқчиси – Рим папаси томонидан одатда қўллаб-қувватланган Венеция ва Генуяга қарши Туркиянинг кураш олиб боришига Франция хайрихохлик қилган. Франциянинг Шимолий Италиядаги харбий муваффақиятсизликлари Франция-Туркия яқинлашувининг тезлашишига жиддий сабаб бўлди. Австрия ва унинг иттифоқчиларига қарши курашда французларнинг кўмагини олишга ният қилган султон Сулаймон I Франциялик савдогарларга сезиларли имтиёзлар берди. Франция ва Туркия ўртасида 1535 йилда тузилган “Тинчлик, дўстлик ва савдо тўғрисидаги шартнома” дастлабки “капитуляция” (лотинча “капитул”- модда, банд, параграф) номи билан кенг миқёсда маълум бўлди.

Капитуляцияларнинг битимлардан фарқи шунда эдики, улар ўзаро фойда ва ён беришларга асосланмасдилар. Капитуляциялар –бу бир томондан инъом этилган имтиёзлар бўлиб, улар муайян ҳукумат томонидан хоҳлаган пайтда бекор қилиниши мумкин эди. 1535 йил капитуляциясига кўра Туркияда француз савдоси учун алоҳида имтиёзли тартиб яратилди. унга биноан француз савдогарларига турк сувларида бемалол қатнаш, Туркиянинг барча портларидан, озгина (5 фоиз) бож тўлаш шarti билан бемалол савдо қилиш ҳуқуқи берилди.

1580 йилда ўзининг Левант савдо компаниясини ташкил этиш ҳуқуқини Англия ҳам қўлга киритди ва Франция каби имтиёзларга эришди.

Мухаммад (Мехмед II) замонида Қрим хони воситачилигида, Москва давлати билан алоқаларни ўрнатишга дастлабки уринишлар қилинди. 1493 йилда Россияга юборилган биринчи турк элчилиги Польша-Литва маъмурлари томонидан ушлаб қолинди ва Москвага етиб бормади. 1497 йилда Туркияга Михаил Плещеев бошчилигида элчилик юборилди ва Азов ва Кафа орқали қора денгиз ҳавзасида амалга ошириладиган рус савдосини тартибга солиш масаласи турк маъмурлари олдига қўйилди. Чунки, маҳаллий турк маъмурлари ушбу шаҳарларда рус савдогарларига тўсқинлик қиларди.

Икки йилдан сўнг Туркияга юборилган яна бир элчи ахилликда яшаш ва турк ерларида рус савдогарлари учун оддий шароитлар яратишга султоннинг розилигини олишга эришди. Хеч қандай сиёсий ёки ҳудудий масалаларни на Россия на Туркия кўтариб чиқмади. Аммо 1514 йили султон Салим I-нинг ўша пайтда Москвада бўлган собиқ қозон хони

Абдуллатифни Қримга қўйиб юбориш илтимоси билан русларга мурожаат қилиши унинг Қозон хонлиги ишларига аралashiш нияти борлигидан далолат берарди. Шу даврдан бошлаб Москва элчилари Азов туркларнинг чегарадаги рус ерларига қилган хужумлари тўғрисида Султонга бир неча бор шикоят қилганлар. Астрахан ва қозон хонликларининг, ҳамда Кабердин халқининг Россия таркибига киритилишидан сўнг қўшнилари ўртасидаги муносабатлар сезиларли даражада мураккаблашди.

1569 йилда турклар Астрахонни куч билан босиб олмоқчи бўлдилар. Аммо бу уриниш муваффақиятсизлик билан яқунланди. Ливония урушида банд бўлган Россия Туркия билан низони чуқурлаштирмоқчи эмасди ва шунинг учун Иван IV тинчлик музокараларини олиб бориш мақсадида ўз вакиллари султон хузурига юборди. Шундан сўнг деярли 70 йил давомида Усманийлар империяси ва Россия ўртасида йирик харбий тўқнашувлар бўлмади.

Турклар билан руслар ўртасида иккинчи марта жиддий тўқнашув XVII асрнинг 30-йиллари охири ва 40-йилларнинг бошида бўлганди. Бу вақтда Запарожье казаклари Азовни (1637 йил) ишғол қилиб, уни бир неча йил давомида ўз қўлларида тутиб турдилар (“Азовда ўтириш”). Казаклар ёрдам сўраб Москва подшосига мурожаат қилдилар. Бироқ Москва давлати, молиявий инқирозни бошидан кечириётганлиги ва Польша қироли билан кураш тугамаганлигидан, Туркияга қарши катта уруш олиб бориш режасидан воз кечишга мажбур бўлди. Подшо Михаил Фёдорович казакларга Азовни бўшатишни буюрди (1643 йил). Лекин шунга қарамай, казакларнинг Қрим ва Туркияга қарши кураши XVII аср охиригача давом этди.

Туркларнинг европаликлардан биринчи марта мағлуб бўлиши 1571 йилда Лепанто ёнида рўй берди. Бу ерда туркларнинг улкан флоти Испания, Венеция ва Рим папасининг бирлашган флоти томонидан тормор қилинди (Филипп II-нинг укаси- шахзода Дон-Хуан Австрийский бирлашган флотга бошчилик қилди). Тўғри, бундан кейин Туркия венецияликлардан Кипр оролини тортиб олган эди. Бироқ бу мағлубият мамлакатнинг ички ахволига қаттиқ таъсир қилди. 70-80 ва 90-йилларда Туркия кескин ижтимоий-иқтисодий инқирозни бошдан кечирди. 1606 йилда Ситваторокда имзоланган тинчлик шартномаси Австрия-Туркия урушига яқун ясади. Ушбу шартномага биноан Австрия-Туркияга 1547 йилдан бошлаб ўттиз минг дукат миқдорида тўлаб келаётган хар йиллик хирождан озод бўлди. Бундан ташқари. Туркия биринчи марта тинчлик шартномасида насроний давлатни ўзига тенг томон деб эътироф этиши лозим эди. Бир неча йиллардан сўнг Австрия ўз фуқаролари учун савдо соҳасида сезиларли имтиёзлар берилишига эришди.

Туркия, Европа давлатлари ўртасидаги зиддиятлардан фойдаланишга уриниб, Англия ва Голландияга муҳим иқтисодий ва

сиёсий имтиёзларни тақдим этди. XVII асрнинг биринчи ярмида ушбу мамлакатлар учун “капитуляциялар” бир неча бор янгилашиб, чет эллик савдогарларнинг Туркияда савдо қилиш ҳуқуқлари кенгайтирилди. Усманийлар империяси ҳукмдорлари савдо имтиёзлари эвазига ўзининг истилочилик режаларини амалга ошириш даврида Европа давлатларининг қўллаб-қувватлашига эришмоқчи эдилар.

Туркия Эронга қарши узоқ муддат давомида кураш олиб борди. XVII аср бошларида Эрон шоҳи Аббос I Кавказ ортининг катта қисмини, Боғдод билан бирга бутун Ироқни турклардан тортиб олди. Аммо тез орада турклар султони Мурад IV харбий ҳаракатлар бошлади. Тўрт йиллик урушлардан сўнг Қасри-Ширинда тинчлик шартномаси имзоланди (1639 йил). Унга биноан Ироқ (Боғдод билан бирга) Туркияга қайтарилди; бундан ташқари ғарбий Грузия, ғарбий Арманистон ва Курдистоннинг бир қисми турклар қўлида қолди. Эрон ва Туркия ўртасидаги ушбу чегара кейинчалик деярли ўзгармади.

Туркия, Эронга қарши уруш билан бир вақтда Европада Польшага қарши харбий ҳаракатлар олиб борди. Украин ерлари учун тортишув ушбу низога сабаб бўлганди. 1620 йилда турклар, поляклар қўшинини тор-мор этиб, Украинага бостириб кирдилар. Запорожье казакларининг мардлиги ва жасорати туфайли Хотин ёнидаги жангда (1621 йил) турклар мағлуб бўлдилар. Бироқ туркларнинг Польшага қарши босими пасаймади ва улар Украинага хужумини кенгайтириб бордилар.

XVII асрнинг биринчи ярмида рус ҳукумати, умумий рақиб – Польшага қарши иттифоқ тузиш имконини ҳисобга олиб, Туркия билан тинчлик муносабатларини тутиб туришга интилди.

XVII аср 50-йилларнинг бошларидан Россия-Туркия муносабатлари Богдан Хмельницкийнинг ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган янги босқичга ўтди. Туркиянинг ушбу низога аралашуви Россия билан урушга олиб келди. Харбий қудратнинг пасайиши шубҳасиз Усманийлар империясининг ташқи сиёсий заифлашуви билан биргаликда бўлиб ўтди.

### **Назорат саволлари**

1. Хитой империяси Турк хоқонлигига, нисбатан қандай сиёсатни олиб борган?
2. XVI асрда Мин империясининг мўғуллар билан тузган битимларининг хусусиятлари нимадан иборат эди?
3. 608 йилда император Ян Гуан хузурига юборилган Сётоку – Тайси элчилиги қандай мақсадни кўзлаган эди?
4. Нима учун Хидэёси 1587 йилда биринчи марта миссионерлик тарғиботи ман қилингандан кейин европаликлар билан муносабатларни узмади?

5. Қайси воқеани мусулмон дипломатиясининг бошланиши деб хисоблаш мумкин?
6. Фотимийлар сулоласи Қуддус (Иерусалим) қироллиги билан қандай муносабатларда бўлган?
7. Стамбул шартномасига (1590 йил) биноан Эрон қайси худудларни Туркияга топширди?
8. XV-XVI асрлар Россия-Эрон савдо дипломатик алоқаларининг ривожланишига қандай омиллар кўмак берди?
9. “Капитуляцийлар”-нинг шартномаларидан фарқи нима?

#### **Тавсия этилган адабиётлар:**

1. Абу-л-Фазл Байхаки. История Ма‘суда. Т., 1962;
2. Заборов М. А. Крестоносцы на Востоке. М., 1980;
3. Низам ал-Мульк. Сиасет-намэ. Книга о правлении вазира XI столетия Низам ал-Мулька. Пер., введ. в изучение памятника и примечания проф. Б. Н. Заходера. М.-Л., 1949;
4. Путешествие Ибн-Фадлана на Волгу. М.-Л., 1939;
5. Поло Марко. Книга Марко Поло. Пер. старофранцузского текста И. П. Минаева. Ред. и вступит. ст. И. П. Магидовича. М., 1956;
6. Большаков О. Г. История Халифата. Т. I, II. М., 2002;
7. Гончаров С. Н. Китайская средневековая дипломатия: отношения между империями Цзинь и Сун. 1127 – 1142. М., 1986;
8. Иванов М. Очерк истории Ирана. М., 1952;
9. История дипломатии. Под редакцией В. П. Потемкина. Т. I. М., 1941;
10. История стран Азии и Африки в средние века. Ч. 1 – 2. М., 1987;
11. Мелихов Г. В. Установление власти монгольских феодалов Северо-Восточном Китае. // Татаро-монголы в Азии и Европе. М., 1970;
12. Мец А. Мусульманский ренессанс. М., 1973;
13. Новичев А. Д. История Турции. Т. I. Эпоха феодализма. (IX – XVIII вв.). Л., 1963;
14. Пигулевская Н. В. История Ирана с древнейших времен до конца XVIII в. Л., 1958;
15. Свистунова Н. П. Гибель государства Южных Сунов. // Татаро-монголы в Азии и Европе. М., 1970;
16. Семенова Л. А. Салах ад-дин и мамлюки в Египте. М., 1966
17. Семенова Л. А. Из истории фатимидского Египта. М., 1974
18. Семенова Л. А. Из истории средневековой Сирии. Сельджукский период. М., 1990;
19. Семенов В.Ф. Ўрта асрлар тарихи. Тошкент, 1973 .
20. Симоновская Л. В., Эренбург Г. Б., Юрьев М. Ф. Очерки истории Китая. М., 1956;

21. Фильштинский И. М. Халифат под властью династии Омейядов (661 – 750). М., 2005;
22. Чураков М. В. Завоевание Северной Африки арабами. // Палестинский сборник. Л., 1958. вып. 3 (66).

## **XVII - XVIII асрларда халқаро муносабатлар ва дипломатия.**

**1. Илк янги даврда халқаро муносабатлар ва дипломатиянинг тавсифи.**

**2. Ўттиз йиллик уруш. Вестфалия сулхи.**

**3. Европада Франциянинг ташқи сиёсий устиворлиги.**

**4. Шимолий уруш.**

**5. Австрия - Пруссия рақобати.**

**6. Халқаро муносабатлар тизимида “шарқий” ва “поляк” масалалари (XVIII асрнинг 60 - 90 чи йиллари).**

**7. АҚШ нинг ташкил топиши ва халқаро муносабатлар.**

**8. Мустамлакачилик сиёсати.**

XVII асрнинг хусусияти унинг илк янги даврнинг қоқ марказида бўлганлигидадир. Ушбу асрдаги халқаро сиёсатнинг мазмуни ва тамойилларини хосил қилган давлатлараро зиддиятлар, бир томондан, XVI асрнинг меросига таянарди, иккинчи томондан - ушбу сиёсатнинг келгуси асрдаги ривожланишини, маълум даражада, белгилаб берарди. Ушбу даврда дипломатиянинг тутган ўрни янада ахамиятли бўлиб борди, дипломатик хизматнинг оёққа туриши ва такомиллашиши рўй бермоқда эди. Француз тили дипломатик алоқаларнинг расмий тилига айланди. XVII асрда пайдо бўлган дастлабки газета ва журналлардан сиёсий ва диний курашда, демак халқаро муносабатларда ҳам, кенг фойдаланилди. Бундан ташқари, диний омилнинг халқаро муносабатлар ҳолатига таъсир кўрсатиши давом этарди. XVII асрнинг ўрталаригача давлатлараро иттифоқларнинг шаклланиши ва харбий тўқнашувларнинг юзага келиши асосан диний тамойиллар негизида рўй берарди. Кўп ҳолларда христиан динидаги турли конфессияларнинг ( йўналишларнинг, оқимларнинг ) вакиллари принципиал рақиблар сифатида намоён бўларди. Бу эса Европа мамлакатларини ўзаро қарама - қаршилигига олиб келарди.

Қудратли буюк давлат - Усманийлар империяси халқаро муносабатларнинг яна бир омили эди. Улкан харбий ва моддий кучга эга бўлган Истанбул Европада юзага келаётган халқаро муносабатлар тизимида муҳим роль ўйнади. Европа давлатлари Усманийларга қарши иттифоқлар тузиш йўлидан боришарди, гарчанд империяга яқин жойлашган мамлакатлар тинчликни сақлашга мойиллик билдирса ҳам.

Кучлар мувозанатини сақлаш ғояси халқаро муносабатлар тизимида белгиловчи тамойиллардан бирига айланди. Йирик давлатлар ўртасидаги зиддиятлар алоҳида аҳамиятга эга эди. Ушбу давлатлар ўзларининг атрофига ўрта ва кичик мамлакатларни жалб этиб, турли иттифоқлар тузишарди. Шу тарзда кўплаб мамлакатлар дипломатик ва харбий низоларга тортиларди. Асосий мақсад - бирорта давлатнинг бошқа давлат эвазига хаддан ташқари кучайиб кетишига йўл қўймаслик ва мавжуд вазиятни сақлаш эди.

Ташқи сиёсатнинг асосий кўринишларидан бири - бу давлатлар томонидан олиб бориладиган урушлар эди. Халқаро низоларни келтириб чиқарадиган сабаблар орасида чегара можаролари, сулолавий даъволар, савдо молнополияси учун кураш ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Узокқа чўзиладиган тавсифга эга бўлган харбий операцияларнинг кўлами кенгайиб борди. Бу эса асосан ёлланма аскарлардан иборат доимий армияларнинг мавжуд бўлишини талаб қиларди.

Ўттиз йиллик уруш ( 1618 – 1648 йй. ) XVII асрдаги халқаро ҳаётнинг энг йирик воқеаси бўлди. Бу уруш умумевропа миқёсидаги биринчи уруш эди. Унинг гирдобига кўплаб мамлакатлар тортилиб кетди.

Ўттиз йиллик урушнинг бошланишидан олдин Германияда ички кураш авж олди. XVII аср бошида контрреформациянинг хужуми кучайиб борди. Протестантлар томонидан эришган мавқеларини бирин - кетин йўқотиб бориши нафақат умумгерман, балки халқаро таъсирга эга эди. Германияда диний - сиёсий вазиятнинг кескинлашувида Европа давлатлари орасидаги мураккаб ўзаробоғлиқлар ва зиддиятлар катта роль ўйнади.

1608 - 1609 йилларда бу ерда немис князьларининг, конфессионал (диний) негиздаги, икки харбий - сиёсий иттифоқи юзага келди - Евангелия унияси ( Инжилчилар иттифоқи ) ва Католик лигаси. Иккала иттифоқ ҳам хорижий давлатларнинг кўмагини олди. Натижада Германиядаги ҳар қандай харбий тўқнашув, давлатлар орасидаги кескинлашган муносабатлар шароитида, халқаро низога айланиб кетиши мумкин эди. Айнан шундай ҳолат Ўттиз йиллик урушнинг бошида рўй берди ва Германия харбий ҳаракатлар майдонига айланди.

Ғарбий Европанинг сиёсий ҳаётидаги асосий тўқнашуви - бу Испания ва Австрия Габсбурглари иттифоқининг Франция билан қайтадан бошланиб кетган кураши эди. Иккала куч ҳам қитъанинг ушбу қисмида устиворликга даъвогарлик қиларди.

Чехиядаги локал низодан бошланган уруш Шимолий Германияга ёйилди, кейинчалик эса Марказий Европанинг улкан ҳудудларини қамраб олди. Европа мамлакатларининг муайян манфаатлари урушнинг турли босқичларида уларнинг қатнашувини белгилаб берди. Ўттиз йиллик уруш тўртта даврдан иборат: Чехия даври ( 1618 – 1629 йй. ), Дания даври ( 1625

– 1629 йй. ), Шведлар даври ( 1630 – 1635 йй. ) ва Француз - шведлар даври (1635 – 1648 йй. ). Дастлабки уч даврда Габсбургларнинг қўли баланд келди. Охиргисида эса империя ва унинг иттифоқчилари мағлуб этилдилар.

Курашаётган томонларнинг тинкаси қуриди, асосий харбий ҳаракатлар олиб борилган Германияда аҳоли хонавайрон этилди. Натижада армияларнинг таъминотини амалга ошириш имконсиз бўлиб қолди. Қолаверса, урушаётган мамлакатларнинг ўзида ижтимоий вазият кескинлашиб борди. Урушни тўхтатиш зарурияти юзага келди.

1638 йилнинг ўзидаёқ Рим папаси ва Дания қироли урушни тўхтатишга даъват этишди. Икки йилдан сўнг Регенсбургдаги Герман рейхстаги тинчлик музокараларини бошлаш ғоясини қўллаб - қувватлади. Бироқ, сулҳни дипломатик тарзда тайёрлашга кечроқ киришилди. Фақатгина 1644 йилда Мюнстерда тинчлик конгресси очилди; бу ерда император ва Франция ўртасида музокаралар олиб борилди. 1645 йилда Вестфалиянинг Оснабрюк шаҳрида эса швед - герман муносабатлари музокаралар орқали муҳокама қилинди.

1648 йилнинг 24 октябрида Мюнстер ва Оснабрюкда имзоланган тинчлик шартномалари нафақат ушбу ўттиз йилликга, балки реформацион кучлари ва уларнинг рақиблари ўртасидаги қарама - қаршилиги даврига яқун ясади. Вестфалия сулҳида Европада худудий ўзгаришлар масалалари ҳал этилганди. Бундан ташқари, Германия империясининг сиёсий тузилиши, унинг худудларидаги дин масаласи, Голландия ва Швейцариянинг мустақиллигини халқаро ҳуқуқ томонидан тасдиқланиши ҳам сулҳида ўз аксини топди. Тинчлик Европа давлатлари тартибига ва Германиядаги вазиятга сезиларли ўзгаришларни киритган мажбурий ён беришлар натижасида тузилди.

Худудий жихатдан ҳаммадан кўпроқ Швеция фойда кўрди. Бундан ташқари, Швеция катта пул тўловини қўлга киритди ва ўзининг халқаро мавқеини оширди. Швеция Болтиқда ҳукмронлик қилиш мақсадига эришди ва Европанинг буюк давлатига айланди.

Франция ҳам ўзига керакли сиёсий натижага эришди - Германия империясининг сиёсий мавқеи заифлашди ва унинг худудий тарқоқлиги сақланиб қолди. Худудларга эга бўлиш масаласида эса Франция империя хисобидан нисбатан оз ерларни қўлга киритди.

Вестфалия сулҳи Германиянинг сиёсий тарқоқлигини икки юз йилга мустаҳкамлади. Немис князьлари ўзаро иттифоқлар ва хорижий давлатлар билан шартномалар тузиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Бу эса уларнинг суверенлигини таъминлади. Вестфалия сулҳидан сўнг империянинг ўзи, расман сайланадиган монарх ва доимий рейхстаглари мавжуд давлатлар иттифоқи бўлиб қолиб, амалда “империя мансабдорларнинг” қурамасига айланди. Католицизм ва лютеранлик билан бир қаторда кальвинизм ҳам

империяда расмий дин мақомини олди. Вестфалия сулхи натижасида Испания урушларининг бир қисмини яқунлади холос: Францияга қарши харбий харакатлар давом эттирилди. Улар орасидаги тинчлик фақатгина 1659 йилда тузилди.

Габсбургларнинг Европадаги устиворлигига Вестфалия сулхи бархам берди. Ягона христиан империясини барпо этиш ғояси, ҳамда Испаниянинг католик зўравонлиги пучга чиқди. Шундай бўлса ҳам, Австрия империясининг ўзи урушда мағлубиятга учрамади, немис князьлари эса (ҳам католиклари, ҳам протестантлари) ўзининг тўла суверенлигида мустахкамланишди. Вестфалия сулхи, Европада кучларнинг янги нисбатини ўрнатиб, икки йирик тарихий даврнинг чегарасига айланди.

XVII асрнинг ўрталари халқаро ва дипломатик муносабатларда янги даврни очиб берди. Хукмдорларнинг сулолавий манфаатлари, ўзининг давлатига Янги ерларни қўшиб олишга интилиш XVII асрнинг иккинчи ярми - XVIII асрда халқаро муносабатларга катта таъсир кўрсатишни давом этарди. Шу билан бир қаторда янги омил кучайиб борди - денгиз орти мустамлакалари ва денгиз йулларини эгаллаш учун кураш; Европада ва ундан ташқарида хом ашё ва мол чиқариб сотиш бозорлари орқасидан рақобат.

Ушбу омилларнинг жиддий таъсири остида буюк давлатлар ўртасидаги кучлар нисбати ўзгарди. Марказлашган монархиялари илгарироқ юзага келган давлатлар XVII асрнинг иккинчи ярми - XVIII асрнинг биринчи ярмида етакчилик қилишди. Ушбу давлатларда хукмрон хонадоннинг сулолавий манфаатлари нисбатан умумдавлат манфаатларига омили устунлик қилган. Иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, армия ва флотнинг ахволи ўта муҳим роль ўйнади.

XVII асрнинг иккинчи ярми - XVIII асрнинг бошида Ғарбий Европада Франция етакчилик қиларди. Европанинг халқаро ҳаётидаги янги вазият Людовик XIV хукмронлигининг бошланишига тўғри келди. Франция томонидан Европада устиворликка интилиши бир қатор урушларни келтириб чиқарди - ки, уларда Европанинг кўплаб давлатлари қатнашди. Улар турли, лекин албатта Францияга қарши коалицияларга (иттифоқларга) бирлашишди.

Франциянинг Европада ташқи сиёсий устиворлигининг ўрнатилишига қатор қулай шароитлар ёрдам берди. Англияда Стюартларнинг тикланишидан сўнг (1660 й.) Карл II ва Яков II муҳолифат билан курашиш учун хориждан, биринчи галда Людовик XIVдан, ёрдам излашни бошладилар. Франция инглиз қиролларига доимий тарзда пул субсидияларини берарди. Шундай “молиявий дипломатия” орқали Людовик XIV Англияни қитъадаги фаол сиёсатдан 30 йилга ( 1688 йилдаги давлат тўнтарилишигача ) четлатиб қўйди. Ўттиз йиллик уруш

Испания ва Австрия Габсбургларининг анъанавий якдиллигини йўққа чиқарди. Габсбургларнинг икала сулоласи ҳам XVII асрнинг иккинчи ярмида жиддий ички қийинчиликларни бошидан кечираётган эди, Австриянинг эса Усманийлар империяси билан муносабатлари яна кескинлашди. XVII асрнинг 60 - йилларида Усманийлар империяси Европадаги эгаликларини кенгайтиришга ва Фарб томон янада узоқроққа силжишга, Болқон ортига ўтишга уринишларини қайтадан бошлади.

Франция дастлабки икки йирик урушини (1667 - 1668; 1672 – 1678 йй.) бой ва саноати ривожланган Испан Нидерландлари учун олиб борди. “Голланд урушлари” Людовик XIVга тўла ғалабани келтирмади (яъни бутун Испан Нидерландларининг босиб олиниши), аммо Аахен (1668й. ) ва Нимвеген ( 1679й. ) тинчлик шартномаларига кўра Франция ўз ерларига Жанубий Нидерландларининг қатор шаҳарларини ( Лилль, Валансьен, Камбрэ ва бошқ ), ҳамда Муқаддас Рим империясининг Франш - Конте вилоятини қўшиб олди. Тинчлик имзоланганидан сўнг Людовик XIV, туркларнинг Венага солган Янги тахдидидан фойдаланиб, 1681 йилда Эльзас вилоятининг маркази - Страсбург шаҳрини босиб олди.

1684 йилда император Леопольд I ( 1658 - 1705йй. ) ва Испания қироли Карл II ( 1665 - 1700йй. ) Регенсбургда Людовик XIV билан шартнома имзолашди. Унда 20 йил яраш аҳди кўзда тутилганди ва Франциянинг худудий истилолари тан олинди.

Франциянинг муваффақиятлари 1686 йилда, Вильгельм III Оранский ташаббускори бўлган, Аугсбург лигаси деб номланган муҳофаа иттифоқининг ташкил этилишига сабаб бўлди. Аугсбург лигаси таркибига Голландия, Испания, Швеция, Савойя, Австрия, айрим немис курфюрстликлари ва италян давлатлари киришди. Иттифоққа Рим папаси Иннокентий XI хомийлик қилди. Англияда 1688 йилда рўй берган “Шонли инқилоб” натижасида Нидерландлар стаутхаудерининг инглиз тахтига ўтириши Англиянинг коалицияга қўшилиш учун имкон яратди.

1688 йилда Людовик XIV деярли бутун Европага қарши ўзининг учинчи урушини бошлади. Харбий ҳаракатлар куруқликда ва денгизда олиб борилди. Европа майдонларида ғалабаларга эришган Франция инглиз флотидан мағлубиятларга учрарди. Уруш 1697 йилда Рисвик сулҳининг имзоланиши билан якунланди. Худудий жихатдан деярли урушдан олдинги ҳолат тикланди. Франция фақат Страсбургни ва империя билан чегарадаги айрим ерларни ўзида сақлаб қолди. Франциянинг энг катта сиёсий ён бериши - Вильгельм III Оранскийни инглиз қироли сифатида тан олиши эди.

Рисвик сулхидан уч йил ўтгандан сўнг Людовик XIV ўзининг тўртинчи, охирги урушини - “испан мероси”<sup>1</sup> учун урушни ( 1701 - 1714йй. ) бошлади. Испания тахтининг бўшаб қолганлиги ( испан Габсбургларидан бўлган фарзандсиз Карл II нинг 1700 йилда вафотидан сўнг ) ушбу урушга бахона бўлди.

Вильгельм III Оранский, император Леопольд I, герман князьларининг кўпчилиги, Брюндербург курфюрсти ( 1701 йилдан Пруссия қироли ), Португалия, Савойя Францияга қарши чиқишди. Испаниядан ташқари, фақатгина Бавария курфюрсти ( унга Испан Нидерландлари ва Пфальц ваъда қилинганди ) ва Кёльн архиепископи Людовик XIV нинг иттифоқчилари бўлиб қолишди. Людовик XIV Франциянинг анъанавий иттифоқчиси - Швециядан катта умидлари бор эди. Шведлар ўша даврда Европадаги энг илғор армияга эга эдилар.

Аммо Швеция Шимолий урушда ( 1700 - 1721йй. ) ўралашиб қолди ва Франция ҳеч қандай ёрдам бераолмади.

Харбий ҳаракатлар асосан Италия, Испания, Нидерландлар, ҳамда Германия ва Франциянинг улар билан чегарадош ҳудудларида олиб борилди. Францияни тўла мағлубиятдан унинг душманлари лагеридаги келишмовчиликлар ва уларнинг ички қийинчиликлари сақлаб қолди.

1713 йилда Утрехда тинчлик конгресси очилди; унда Франция ва Испания, бир томондан ва Англия, Голландия, Бранденбург, Савойя, ҳамда Португалия, иккинчи томондан, тинчлик шартномаларига имзо қўйишди. Испанияга унинг мустамлакалари қолдирилди, аммо Филипп V Бурбон, ўзида фақатгина испан тахтини сақлаб қолиб, Франция тожига бўлган даъволаридан воз кечди. Эрцгерцог Карлга ( 1711 йилда Карл VI номи билан Муқаддас Рим империясининг императори бўлди ) испан тахтидан воз кечганлиги эвазига Испан Нидерландлари ( Бельгия ) ва Италиядаги барча испан ерлари ( Милан герцоглиги, Неаполитан қироллиги, Сардиния ва бошқ.) берилди. 1714 йилда Утрехт шартномасига Австрия ҳам қўшилди (1714 йилдаги Раштагт шартномаси). Англия Пиренейдаги Гибралтар қалъасини, Меноркадаги Маон портини, французларнинг Шимолий Америкадаги собиқ ҳудудларини ( Ньюфаундленд ороли, Канадада авлиё Лаврентий дарёсининг қуйилиш жойи ), ҳамда испан мустамлакаларида алоҳида савдо ҳуқуқларини, шу жумладан “асиенто” ни ( қуллар билан савдо қилиш ҳуқуқи ), қўлга киритди.

Франция йирик ташқи сиёсий мағлубиятга учради. Европада Франциянинг устиворлиги даври яқунланди.

---

<sup>1</sup> Испан мероси” - бу Янги Дунёдаги ( Америка) улкан мустамлакачилик империяси, ҳамда испан қиролининг Европада ёйилиб кетган ерлари.

XVII асрнинг иккинчи ярмида Швеция Шимолий ва Шарқий Европада хукмронлик қиларди. Асрнинг биринчи ярмида Польша Шарқий Европа масалаларида етакчилик қилган бўлса, Ўттиз йиллик уруши йилларида эса ушбу ролни Швецияга яққол бериб қўйди. Болтиқ денгизида шведларнинг хукмронлиги кўшни мамлакатларнинг манфаатларига зид келарди. XVII асрнинг охирида ( 1698 - 1699 йй. ) рус подшоси Пётр I (1682 - 1725 йй.), Польша қироли ва Саксония курфюрсти Август II Кучли (1697 - 1733 йй.) ва Дания қироли Фридрих IV (1699 - 1730 йй.) ўртасида Шимолий Иттифоқ тузилди. Кейинроқ Пруссия ҳам унга қўшилди. 1700 йилнинг 3 июнида Россия ва Туркия ўртасида тинчлик шартномасининг имзоланиши Пётр I-га кучларни Швецияга қарши кураш олиб бориш учун мужассам этишга имкон берди. Иттифоқчи монархлар армиялари шведлар қироли Карл XII-га (1697 - 1718 йй.) қарши ҳаракатлар олиб боришди. Шимолий уруш бошланди.

Уруш узоққа чўзилди ва омад у ёки бу томонга ўзгариб турди. Урушнинг дастлабки босқичида Карл XII ўзининг мохирона ва илдам ҳаракатлари билан рус армиясини Нарва ёнида (1700 й.) мағлуб этди ва Дания, Речь Посполитая ва Саксонияни урушдан чиқариб ташлашга эришди. Россия яқка ўзи урушни давом эттиришга мажбур бўлди. Бироқ, Карл Саксонияда йўқотган вақтдан Пётр I рус армиясининг жанговарлигини мустаҳкамлаш ва Болтиқ бўйида ўрнашиб олиш учун максимал тарзда фойдаланди.

Рус армиясининг Полтава жангидаги ( 1709 й. ) ва ёш рус флотининг Гангут бурнидаги ( Ханко ) ( 1714 й. ) ғалабалари урушнинг боришини батамом ўзгартириб юборди ва Шимолий иттифоқнинг тикланишига кўмак берди. Бироқ, шведларга қарши коалицияни урушнинг охиригача сақлаб қолишга имкон бўлмади. Россиянинг иттифоқчилари, Швеция билан сепарат битимларини бирин - кетин тузиб, урушдан чиқиб кетишди. 1718 йилда Аланд оролларида рус ва швед вакилларининг тинчлик конгресси очилди. Аммо Карл XII нинг вафоти сабабли конгресс тўхтатилди ва уруш давом эттирилди.

1721 йилда Франциянинг воситачилигида Ништадт шартномаси имзоланди. Россия ва Швеция ўртасидаги Шимолий уруш тугади. Ингерманляндия, Эстляндия, Лифляндия, Жануби - Ғарбий Карелия Россиянинг ихтиёрига ўтди. Россия Болтиқ денгизи қирғоқларига чиқди.

Уруш натижасида Швеция буюк давлат мақомини батамом йўқотди. Россия қитъанинг Шимолида ва Шарқида устунлик мавқеига эга бўлди.

XVIII асрнинг ўрталарида Марказий Европада Австрия ва Пруссия ўртасида рақобат авж олди. Ушбу рақобат умумевропа кўламидаги икки урушга олиб келди -“Австрия мероси” учун урушга ( 1740 - 1748 йй. ) ва Етти йиллик урушга ( 1756 - 1763 йй. ). Австрия - Пруссия курашига Европанинг бошқа мамлакатлари аралашиб кетишди. Ушбу урушлар

давомида харбий харакатлар нафақат Европада, балки мустамлакаларда ҳам бўлиб ўтди.

Император Карл VI нинг 1740 йилдаги вафоти “Австрия мероси” учун урушни бошланишига хизмат қилди. 1713 йил Прагматик санкциясига кўра ( аёл наслидан тахтга меросхўрлик қилиш ҳуқуқи жорий этилди ) тахтга императорнинг 23 - ёшлик қизи Мария Терезия ўтирди. Аммо, ўзларининг мажбуриятларига зид тарзда, Мария Терезиянинг ҳуқуқларига нисбатан даъволарини нафақат Пруссия ва Франция, балки Бавария, Испания, Савойя ҳам билдиради. Бавария курфюрсти эса хаттоки Австрия тахтига даъвогарлик қилди. Урушни Силезияни босиб олган Пруссия бошлади. Ғарбдан мамлакат ҳудудларига Карл Альберт Баварский ўз кўшинлари билан бостириб кирди. Габсбургларнинг рақиблари уни Чехия қироли ва Рим императори этиб сайлашди (Карл VII; 1742 - 1745йй).

Силезиянинг босиб олиниши Пруссияга қарши иттифоқ тузилишини тезлаштирди. Унга турли шароитлар остида ва турли даврларда Австрия, Россия, Англия, Нидерландия, Саксония ва Сардиния кирганди. Аксинча, Франция ва Испания Пруссия билан иттифоқ тузишди ва Герман миллатига тегишли Муқаддас Рим империясининг тожини эгаллашга қаратилган Бавария курфюрстининг интилишини кўллаб - қувватлашди.

Венгриянинг харбий ёрдами туфайли Мария Терезия баварияликларни тез орада мағлуб этишга ва турмуш ўртоғи Франц Лотарингскийга Муқаддас Рим империяси императори унвонини (Франц I; 1745 – 1765) қайтаришга муваффақ бўлди, гарчанд Силезия Фридрих II нинг кўлида қолган бўлса ҳам. “Австрия мероси» учун урушни якунлаб берган Аахен сулҳига (1748йй.) кўра Мария Терезия Парма ва Пьяченцани ҳам йўқотди. Лекин шу билан бир қаторда Прагматик санкциянинг Европа томонидан тан олинишига эришди. Франция Австрияга Нидерландларда эгаллаб олган ерларни, Англияга эса Хиндистондаги Мадрасни ва Америкадаги айрим ҳудудларни қайтариб берди.

Уруш натижалари унинг қатнашчиларини қониқтирмади. Пруссиянинг Европада буюк давлатга айланиши, Австриянинг Силезияни қайтаришга интилиши, ҳамда инглиз - француз рақобатининг кескинлаши янги урушнинг келиб чиқишини муқаррар қилиб қўйди. Буюк давлатлар зўр бериб иттифоқчиларни қидира бошлашди. Натижада “дипломатик инқилоб” номини олган мамлакатларнинг сезиларли қайта гуруҳлашиши рўй берди.

Англия Пруссия билан иттифоқ тузди. Бунга жавобан Россия, Австрия ва Франция ўзларининг коалициясини барпо этишди -ки, унга Швеция ва Саксония, ҳамда Испания ( 1761йилда ) қўшилди.

Етти йиллик уруш (1756 - 1763йй.)Фридрих II нинг Саксонияга хужуми (“превентив уруши”) билан бошланди. Европада Фридрих II

фрацузлар ва австрияликларни оғир мағлубиятга учратди (Росбах ёнидаги жанг; 1757й.). Бироқ, рус армиясининг урушга Кириши Пруссиянинг мағлуб бўлишини муқаррар қиларди. Рус кўшинлари шарқий Пруссия ва Померанияни эгаллашди, Грос-Егерсдорф ва Кунерсдорфда йирик ғалабаларга эришиб (1759й.), берлин шахрини вақтинчалик қўлга киритишди (1760 - 1761й.). Фақат Елизавета Петровнаинг вафоти ва тахтга Пётр III нинг ўтириши Пруссияни халокатдан сақлаб қолди. Фридрих II нинг шайдоси бўлган Пётр III 1762 йилда нафақат сулх тузди, балки Пруссиянинг иттифоқчисига айланди.

“Мустамлакачилик майдонида” мутлақо ўзгача манзара хосил бўлди. Бу ерда Англия Франция ва Испания устидан тўлиқ ғалабага эришди. Инглизлар 1759 йилга келиб Канадани ва 1761 йилда Пондишерни (Хиндистонда) эгаллашди. 1763 йилда Англия, Франция ва Испания ўртасида имзоланган Париж тинчлик шартномаси, ҳамда Австрия, Франция ва Пруссия ўртасида имзоланган Губертусбург шартномаси урушга якун ясашди. Пруссия ва Россия ўртасидаги иттифоқчилик битими тахтга Екатерина II нинг ўтириши биланоқ бекор қилинди ( июнь 1762й. ). Шартномаларга кўра, Франция Канадани ва Шимолий Америкадаги бошқа ерларни йўқотди. Бундан ташқари, французлар фақатгина бешта шаҳарни ўзида сақлаб қолган холда, Хиндистондан ҳам воз кечишга мажбур бўлишди.

Испания Флоридани Англияга топширганлиги эвазига Франциядан Ғарбий Луизианани ва товон пулини олди. Англия Францияга Сен - Пьер ва Микелон ороллариини топширди, аммо Меноркани қайтариб олди. Австрия Силезияни батамом йўқотди. Пруссия эса Саксония курфюрстига унинг ерларини қайтариб берди.

Етти йиллик уруш халқаро муносабатлар тартибида қандайдир туб ўзгаришларга олиб келмади. Речь Посполитая ва Усманийлар империясининг заифлашуви янги омилга айланиб борди.

XVII асрнинг охиригача Усманийлар империяси Европа учун ҳақиқий таҳдид сифатида гавдаланарди. Лекин, XVIII асрнинг бошида Усманийлар империясининг халқаро муносабатлар тизимидаги мавқеи туб тарзда ўзгарди: мамлакат ички инқирозни ва кўшни давлатлар билан курашдаги харбий муваффақиятсизликларни бошидан кечирди. Айниқса, бу холат Россия билан бўлган тўқнашувларда кўзга ташланди. Пётр I нинг Шимолий уруш даврида Туркия билан бўлган курашдаги мағлубияти (Прут битими; 1711й. ) султонларнинг охириги харбий ғалабаси бўлди. Кейинги рус - турк урушлари ( 1735 - 1739; 1768 - 1774; 1787 - 1791) Туркиянинг йирик харбий - дипломатик мағлубиятга олиб келди. Натижада империя Қора денгиз бўйидаги Шимолий худудларни (Жанубий Украина, Қрим, шимолий Кавказ олди) йўқотди, Россия эса илиқ денгизларга чиқишга эга бўлди.

Шимолий уруш якунлаганидан сўнг ва Россия Болтиқ денгизи сохилларига чиққанидан кейин Франция ва Англия Туркия, Речь Посполитая ва Швециядан иборат бўлагн “шарқий тўсикни” барпо этишни бошлашди. Мақсад - Россиянинг халқаро мавқеини пасайтириш эди. Рухлантирувчиси Франция бўлган “шарқий тўсик” тизимига жавобан Россия XVIII асрнинг 60 - йилларида “жанубий давлатларга” (Франция, Австрия, Туркия, Неаполитан қироллиги) қарши йўналтирилган “шимолий тизимни” (Пруссия ва Дания билан харбий иттифоқлар, Англия билан 1766 йилдаги савдо шартномаси) барпо этди.

Шарқий масала билан бир қаторда XVIII асрнинг 70 - 90чи йилларида халқаро муносабатларда Польша масаласи катта ўрин эгаллади. XVIII асрнинг ўрталарига келиб Речь Посполитая худудий жихатдан Европанинг энг йирик давлатларидан бири бўлиб қолаверди. Бироқ, XVIII асрда мамлакат чуқур ички инқирозни бошидан кечирарди. Поляк ерларига Пруссия ва Австрия даъвогарлик қиларди, Россия эса ғарбий белорус ва украин ерларини ўзига қайтармоқчи эди. Францияда ички сиёсий инқироз авж олганлиги, Англия 70 - 80 чи йилларда Шимолий Америкадаги мустамлакалари билан олиб болган урушда ўралашиб қолганлиги, ҳамда Усмонийларнинг Европага тахдиди бартараф этилганлигидан фойдаланиб Россия, Пруссия ва Австрия 1772, 1793 ва 1795 йиллардаги бўлиб олишлардан сўнг Речь Посполитаянинг ерларини ўзаро бўлиб олишди - поляклар давлати Европанинг сиёсий харитасидан ўчирилди.

Шимолий Америкадаги инглиз мустамлакаларининг ўз мустақиллиги учун кураши халқаро майдондаги кучларнинг тартибланишига маълум ўзгаришлар киритди. Шимолий Америкада Мустақиллик учун уруш ( 1775 – 1783 йй. ) ва АҚШнинг ташкил топиши Европа давлатларини жадал харакатларга ундади. Франция 1778 йилда Англияга уруш эълон қилди. Кейинги йилда унга Испания қўшилди, 1782 йилда эса Голландия ҳам Англияга уруш эълон қилди. Французларнинг эскадралари ва қўшинлари Америкага юборилди. Французлар инглизларга қарши харбий операцияларни Хиндистонда бошлашди, испанлар эса Гибралтарни қамал қилишди. Англия кучларини ёйиб юборишга мажбур эди, ҳамда денгиздаги устунликдан махрум бўлди. Урушнинг натижаси кўп жихатдан шунга боғлиқ эди.

Россиянинг муносабати ҳам АҚШга қулай келди. 1780 йилда Россия қуроолланган бетарафликни эълон қилди ва ўзининг хомийлигида қуроолланган денгиз бетарафлиги давлатларининг Лигасини (Россия, Швеция, Дания, Голландия, Пруссия, Австрия, Португалия, иккала Сицилия қироллиги) тузди. Бетарафлар Лиганинг барпо этилиши Англиянинг халқаро яққалаб қўйилишини якунлади ва “шимолий тизим” нинг барбод бўлишини келтириб чиқарди.

Шимолий Америкадаги уруш 1783 йилда Версаль шартномасининг имзоланиши билан якунланди. Англия АҚШнинг мустақиллигини тан олди.

Шимолий Америкада уруш тугаганидан сўнг Англия дархол “шарқий тўсиқ” ғоясига қайтади. Пруссиянинг ушбу тизимга киритилиши (1786 йилдаги Англия - Пруссия иттифоқи ) янгилик сифатида кўрилади. Англиянинг Пруссия билан яқинлашувига жавобан Россия Австрия билан иттифоқ тузди (1781 - 1790). Инглизлар эса кўплаб субсидиялар хисобига шведлар қироли Густав Шни Россия билан янги уруш бошлашга (1788й) ундашди. Лекин бу уруш ҳам Россиянинг ғалабаси билан якунланди. 1790 йилда имзоланган Варель сулҳи Шимолий уруш натижаларини тасдиқлади.

XVIII асрнинг охириги ўн йиллигида халқаро муносабатлар майдонида Француз инқилобининг бошланиши билан боғлиқ умумий ўзгаришлар рўй берди. Францияга қарши кураш Европа давлатлари орасида йирик қайта гурухланишни келтириб чиқарди. Улар Францияга қарши иттифоқлар тузишни бошлашди. 1792 йилдан (ушбу йилда Францияга қарши биринчи коалиция тузилди) халқаро муносабатларда янги давр - инқилобий ва Наполеон урушлари даври - бошланди.

XVII - XVIII асрлар халқаро муносабатларнинг муҳим йўсини сифатида мустамлакачилик масаласи гавдаланди. “Эски” мустамлакачи давлатлари хисобланмиш Испания ва Португалияга қарши Англия ва Голландия каби “ёш” давлатлар чиқишди, Франция ҳам савдо - мустамлакачилик рақобатида фаол қатнашди. Мустамлакалар учун кураш Янги Дунёда ( Америка ), Жануби - Шарқий Осиёда, Хиндистонда, Ғарбий Африкада бўлиб ўтди.

Мустамлакаларнинг босиб олиниши ва таланиши метрополия мамлакатларида бойликларнинг улкан жамғарилишига, мануфактура ишлаб чиқаришнинг ўсишига кўмаклашди.

Давлатлар хомийлигидаги монопол савдо компанияларнинг фаолияти ушбу даврнинг тавсифий хусусияти эди. XVII - XVIII асрлардаги мустамлакачилик сиёсати Европа давлатлари ўртасидаги шиддатли рақобат билан ифодаланарди. Ушбу рақобат кўплаб харбий тўқнашувларга - мустамлакаларда ва савдода устунлик қилиш учун олиб борилган “савдо урушлари”- га (инглиз - голланд, француз - голланд, инглиз - француз урушлари ва бошқ) замин яратиб берарди.

Савдо урушлари дунёнинг турли чеккаларида олиб борилди -ки, улар давомида хар бир мустамлакачи давлат мустамлакалар билан савдони моноллаштиришга интилди. Алоҳида мамлакатларнинг мустамлакачилик империяларини шакллантиришига бир қатор омиллар таъсир этди: метрополия мамлакатининг ижтимоий - иқтисодий қиёфаси,

забт этилган мамлакатларда ахолининг зичлиги ва ривожланиш даражаси, сармояларнинг вужудга келаётган жахон бозори ва бошқ.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўттиз йиллик уруш қандай натижалари билан якунланди?
2. Марказий Европадаги Австрия - Пруссия рақобати қайси харбий тўқнашувларда ўз ифодасини топди?
3. XVIII - асрда халқаро муносабатларнинг ривожланишига “шарқий масала” қандай таъсир этди?
4. XVII - XVIII асрлардаги мустамлакачилик сиёсатининг тавсифий хусусиятлари нималардан иборат эди?

### **Тавсия этилган адабиётлар:**

1. Алексеев В.М. Тридцатилетняя война. – Л., 1963.
2. Борисов Ю.В. Дипломатия Людовика XIV. – М., 1991.
3. Внешняя политика и международные отношения в новое и новейшее время. – М., 1984.
4. Война за независимость и образование США. / Под ред. Г.Н. Севастьянова, - М., 1976.
5. Ивонин Ю.Е. У истоков европейской дипломатии нового времени. - Минск, 1984.
6. Иволина Л.И., Прокопьев А.Ю. Дипломатия Тридцатилетней войны. – Смоленск, 1996.
7. История дипломатии. – М., 1959, т. 1.
8. Коробков Н.М. Семилетняя война. – М., 1940.
9. Международные отношения нового времени. / Под ред. И.Д. Перфенова - Саратов, 1982.
10. Новая история стран Европы и Америки. Первый период. / Под ред. А.В. Адо. – М., 1986.
11. Новая история стран Европы и Америки. Первый период. / Под ред. Е.Е. Юровской и И.М. Кривогуза. – М., 1998.
12. Протопопов А.С., Козьменко В.М., Елманова Н.С. История международных отношений и внешней политики России (1648-2000). – М., 2003.
13. Тарле Е.В. Очерки истории колониальной политики западноевропейских государств (конец XV- начало XIX в.).- М., 1965.
14. Янги тарих. / Б.Ф. Поршневу, С.Д. Сказкин, Е.Б. Черняк тахрири остида. - Тошкент, 1967, Биринчи жилд.

## **XVIII – XX аср бошида халқаро муносабатлар**

## **ва дипломатия.**

- 1. Европа 1789 йил француз инқилоби ва Наполеон урушлари даврида.**
- 2. XIX асрнинг биринчи ярмида «Вена тизими».**
- 3. Шарқий масала ва XIX асрнинг 20 – 50 йилларида европа давлатлари ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашиши.**
- 4. Европа давлатларининг Америкадаги сиёсати.**
- 5. XIX асрнинг 70 – 80 йилларида халқаро майдонда кучлар нисбати.**
- 6. XIX – XX асрлар чегарасида халқаро муносабатлар.**
- 7. Биринчи жаҳон уруши.**

1789 йилда Францияда Людовик XVI абсолют монархиясининг кулашига олиб келган инқилоб рўй берди. Ушбу воқеа инқилобий Францияга қарши бирлаштирган бутун Европани ҳаракатга келтирди. 1791 йил 27 августда Саксониянинг Пильниц қасрида Австрия ва Пруссия ўртасида декларация имзоланди, 1792 йилнинг 7 феврилида эса – Францияга қарши ҳарбий иттифок. Шу тариқа Францияга қарши Европа давлатларининг биринчи коалициясига (иттифоқига ) асос солинди.

Франциянинг ўзида ушбу хабар ватанпарварлик ҳаракатини келтириб чиқарди. Федератларнинг қуролланган отрядлари тузила бошланди. Қонун чиқарувчи мажлис “Ватан хавф остида!” деб эълон қилди ва ҳужумни кутиб ўтирмасдан, Австрияга уруш эълон қилди. Ҳарбий ҳаракатлар Франция учун муваффақиятсиз бошланди. Австрия билан иттифокда Пруссия ҳам ҳаракатлар олиб борди. Унинг армияси Францияга бостириб кирди ва бир қатор қалъаларни ишғол этди. Бироқ, Франция қуролланмоқда ва сафарбарликни амалга оширмоқда эди. Ва 1792 йилнинг 20 сентябридаёқ французлар Вальми қишлоғи ёнида прусларнинг ҳужумини қайтаришди. Ушбу жангдан сўнг, Франциянинг инқилобий армияси Бельгияни, Рейн дарёсининг чап соҳилини, Ниццани, Савойяни эгаллади. Ушбу ерларнинг бир қисми Францияга қўшиб олинди. Аммо қиролнинг қатл қилиниши Европа монархларини хаяжонга солди. Коалицияга Англия ва Испания қўшилди. Россия эмигрантлар армиясига молиявий ёрдам кўрсатди.

Якобинчилар диктатураси ўрнатилиши билан, француз қўшинлари 1794 йилнинг бошига келиб ўз давлатининг ерларини интервентлардан тозалашга эришди ва уруш душман ҳудудларига кўчирилди. Июнь ойида Флерюс қишлоғи ( Бельгия) ёнида французлар Австрия армиясининг асосий кучларини тор - мор этишди. Коалиция (иттифок) мағлубиятга учради.

Франциянинг ўзида эса 9 термидор аксилинқилобий тўнтарилиши рўй берди, якобинчилар диктатураси қулади. Бироқ ушбу ҳокимият алмашуви ҳам узоққа чўзилмади. Директориянинг ўрнига Наполеон Бонапарт келди ва ўзининг якка ҳокимиятини ўрнатди. Консуллик ва Биринчи империя даврида Франция тўхтовсиз урушлар олиб борди. Босиб олинган мамлакатларни француз моллари сотиладиган бозорларга ва Франция саноати учун хомашё манбасига айлантириш сиёсати олиб борилди.

Шуни таъкидлаш лозим-ки, Наполеон олиб борган урушларнинг асосий мақсади - Европада Франциянинг устунлигини ўрнатиш учун кураш эди. Францияга қарши иттифоқларга кирган мамлакатлар - Англия, Россия, Австрия ва Пруссия - нафақат француз гегемониясига қарши курашдилар, балки ўзларининг мақсадларига ҳам эга эдилар. Лекин XIX аср бошида халқаро муносабатларнинг марказида Англия ва Франция ўртасидаги рақобат турарди.

1800 йилда ички зиддиятлар туфайли Францияга қарши иккинчи коалиция тарқаб кетди. 1801 йилда Россия ва Австрия билан тинчлик шартномалари имзоланди. Натижада Франциянинг ҳокимиятини эндиликда бутун Италия, Бельгия, Голландия ва бир қатор герман князьликларига ёйилди.

1802 йилда Амьен шахрида Англия билан халқаро шартнома имзоланди. Унинг бандларига кўра Франция ва Англия Европада юзага келган тартибни сақлаш мажбуриятини олдилар. Бироқ тинчликнинг умри қисқа бўлди. Ва 1803 йилда харбий ҳаракатлар қайтадан бошланиб кетди. 1805 йилда Европа давлатларининг учинчи коалицияси (иттифоқи) шаклланди. Унга Англия, Россия, Австрия ва Неаполитан қироллиги кирди.

1805 йил 21 октябрда Трафальгар бурни ёнидаги жангда адмирал Нельсон қўмондонлигидаги инглиз флоти бирлашган француз - испани флотини мағлуб этганидан сўнг, Наполеон барча кучларини австрияликларга қарши қаратди. 1805 йилнинг октябрида Австрия армияси таслим бўлди ва француз қўшинлари Венага кириб келишди.

Декабрь бошида Аустерлиц ёнидаги жангда Россия ва Австриянинг бирлашган кучлари мағлубиятга учради. Тез орада Австрия ва Франция ўртасида тинчлик шартномаси имзоланди. 1806 йилда Наполеон протекторати остида 16 герман давлатидан иборат Рейн иттифоқи ташкил этилди. Шу тариқа Герман миллатининг Муқаддас Рим империяси йўқ қилинди.

1806 йилда Францияга қарши тўртинчи ( Англия, Пруссия, Россия ва Швеция) коалиция шаклланди. Лекин ўша йилнинг ўзида Йена ва Ауэрштедт ёнидаги жангларда Пруссия армияси тор - мор этилди. 1806 йилнинг октябрида Бонапарт Берлинга кириб келди ва бу

ерда, Европа давлатлари иқтисодиётига жиддий зарба берган, континентал ( қитъавий) қамал тўғрисидаги декретни имзолади ( 1806 йил 21 ноябрь ). Декретга кўра бутун Францияда ва унга қарам бўлган мамлакатларда Буюк Британия билан савдо қилиш ман этилди.

Ўзининг асосий вазифасини - Англияни тор - мор этиш ва Франциянинг гегемониясини ўрнатишни - Наполеон Россия билан вақтинчалик муроасага келиш йўли орқали хал этишга уринди. Тильзит шартномасига ( 1807 йил 7 июль) биноан Россия Европада Бонапарт томонидан амалга оширилган ўзгаришларни тан олди ва континентал (қитъавий) қамалга қўшилди. Шу ернинг ўзида Франция - Пруссия тинчлик шартномаси хам имзоланди-ки, унга кўра Пруссия давлати қисқартирилган кўринишда сақлаб қолинди. Пруссия хам континентал (қитъавий) қамалга қўшилди.

1808 йилда бошланган Испаниянинг оккупацияси натижасида, Наполеон Франциясига қарши бешинчи коалиция тузилди (1809 й.) ва унинг таркибига фақат Англия ва Австрия кирди. 1809 йилнинг июлида Ваграм ёнидаги жангда французлар армияси австрияликларни мағлуб этди. Ўша йилнинг октябрь ойида Шенбрунн тинчлик шартномаси имзоланди. Унга биноан Австрия худудлари қисқартирилди. Бундан ташқари, у армиясининг сонини камайтириши, контрибуция (урушда енгилган давлат томонидан ғолиб давлатга тўланадиган товон) тўлаши ва континентал (қитъавий) қамалга қўшилиши мажбур эди.

1812 йилнинг бошига келиб Франция - Россия муносабатларининг кескинлашиши оқибатда урушга сабаб бўлди. Уруш 1812 йил 24 июнда бошланди. 26 августда бўлиб ўтган Бородино жангида французларнинг талафоти 60 минг аскарни ташкил этди. Гарчанд рус армияси чекинган бўлса хам, лекин ўз жанговарлигини сақлаб қолди. 1812 йилнинг 14 сентябрида французлар Москвага кириб келишди, бироқ атрофда партизан уруши, халқ уруши авж олаётган эди. 1812 йилнинг 12 октябрида Наполеон армияси Москвани тарк этишга мажбур бўлди. Кейинчалик Бонапартнинг ўзи хам армиясини ташлаб, Парижга жўнаб кетди. Французлар армиясининг Россиядаги мағлубияти “енгилмас” Наполеон империясининг қулашини бошлаб берди.

1813 йилнинг бахорида Францияга қарши олтинчи коалиция ташкил этилди. Унинг таркибига Россия, Англия, Швеция, Пруссия, Испания, Португалия, Австрия мамлакатлари кирди. Хал қилувчи жанг 1813 йил 16 - 19 октябрда Лейпциг шаҳри ёнида рўй берди. “Халқлар жанги” натижасида Наполеон мағлуб бўлди ва Рейн дарёси ортига чекинди.

1814 йил март ойининг бошида иттифоқчилар Наполеонни тўла тор - мор қилмагунча уруш ҳаракатларини олиб бориш тўғрисидаги Шомон шартномасини имзолашди.

31 мартда иттифоқчилар Парижга кириб келишди. Наполеон ўз ўғли фойдасига тахтдан воз кечди. Бироқ, сенат ва Европа давлатлари Франция тахтида Бурбонларни тиклашди. Наполеон Эльба оролига бадарға қилинди. 1814 йил 30 майда Парижда тинчлик шартномаси имзоланди. Унга биноан Франция 1792 йил чегараларига қайтарилди. Наполеонга хайрихоҳ бўлган кайфиятлар яна жонланди. 1815 йил 1 мартда Наполеон Франциянинг жанубига бориб тушди ва 20 мартда Парижга қайтиб келди. Империя тикланди.

Наполеонга қарши охирги, еттинчи каолиция ташкил этилди. 1815 йил 18 июнда Ватерлоо ёнидаги жангда Наполеон армияси батамом тор - мор этилди. Наполеоннинг ўзи Муқаддас Елена оролига сургун қилинди ва бу ерда 1821 йилда вафот этди.

Наполеон ағдариб ташланганидан сўнг Европа давлатлари вакиллари 1814 йилда Вена конгрессига йиғилишди. Конгресс қатнашчилари аввалги сулолаларни ва дворянлар хокимиятини тиклашга, ғолиб чиққан каолиция манфаатларига мос тарзда ерларни қайта тақсимлашга интилишди. Асосий ролни Австрия, Пруссия, Англия ва Россия вакиллари ўйнади.

Натижада, Россия Польшанинг бир қисмини - Варшава герцоглигини олди; Пруссияга бой ва иқтисодий ривожланган вилоятлар - Рейн вилояти ва Вестфалия, ҳамда полякларнинг ғарбий ерларни тегди. Италиянинг икки вилояти - Ломбардия ва Венеция Австрияга ўтди. 200 майда князьликлар ўрнига 38 давлатдан иборат Герман иттифоқи барпо этилди. Улар орасида энг йириклари Пруссия ва Австрия эди. Англия Ўрта ер денгизида муҳим таянч нуқтаси хисобланмиш Мальта оролини ва собиқ мустамлакалари - Хиндистон қирғоқлари ёнидаги Цейлон оролини ва Африка жанубидаги Капа ерини ўзида сақлаб қолди. Лекин Англиянинг асосий муваффақияти унинг асосий рақиби - Франциянинг заифлашиши эди.

Папанинг Рим вилояти устидан дунёвий хокимияти тикланди, Неаполитан қироллигида эса аввалги Бурбонлар сулоласи тахтга чиқарилди. Бурбонлар хокимияти Испанияда ҳам тикланди. Франция ерлари аввалги чегараларига қайтарилди. Бундан ташқари, Франция улкан контрибуцияни тўлашга мажбур эди.

Вена конгрессида, “дин йўлида” инқилобий ҳаракатлар билан курашиш учун, Россия ва Австрия императорлари, ҳамда Пруссия қироли “ Муқаддас иттифоқни” (Александр I ташаббуси билан) тузишди. Унга кейинчалик Европа давлатларининг деярли барча монархлари қўшилди. Биргаликда амалга оширилган ҳаракатлар

натижасида Испания ва Италияда рўй берган инқилоблар бўғиб ташланди.

“Вена тизими” нинг мустахкам эмаслиги 1815 йилда барпо этиши давридан бошлаб аён бўлиб қолди. Муқаддас иттифоқ иштрокчилари уни инқилобий жараёнларига қарши самарали қуролга ва ихтилоfli халқаро муаммоларни хал этадиган форумга айлантира олмадилар.

Ахен конгрессидан ( 1818 й. ) сўнг Европа давлатлари олдида турган энг жиддий масала - бу кўтарилиб бораётган инқилобий тўлқинни бартараф этиш муаммоси эди. 1819 йилдан бошлаб Европанинг қатор мамлакатларида ( герман ва итальян давлатлари, Испания, Португалия ва бошқ ) феодал - абсолютик тартибларга қарши чиқишлар кўпайиб борди. Муқаддас иттифоқнинг ушбу инқилобларга нисбатан муносабатини белгилаш мақсадида 1820 йилнинг октябрида Троппау (Опава) шахрида, Ахен конгрессидан кейин, иккинчи конгресс чақирилди ва у ўз ишини 1821 йилда Лайбахда (Любляне) давом эттирди. Австрия, Россия, Пруссия, Англия ва Франция давлатлари қатнашган конгрессда марказий ўринни Неополитан қироллигидан воқеаларнинг муҳокамаси эгаллади. Меттерних инқилобни бостириш учун Австрия кўшинларидан фойдаланишни таклиф этди. Ушбу масала бўйича мунозаралардан давлатларнинг ички ишларига аралаштиришга қаратилган аксилинқилобий доктринани қонунлаштирди. 1821 йил 12 майда уч давлат (Австрия, Россия, Пруссия) монархлари Муқаддас иттифоқнинг бутун дунёда инқилобий ҳаракатлар билан очикдан - очик ҳарбий кураш олиб бориш тўғрисидаги декларацияни қабул қилишди.

Муқаддас иттифоқнинг учинчи конгресси Верона шахрида 1822 йилнинг октябрида инқилобий Испанияга қарши ҳарбий интервенцияни ташкил этиш учун тўпланди. Россия, Австрия ва Пруссия якдиллик билан ҳаракат қилишди. Веронада Франция ҳам уларга қўшилди. Аммо Англия ўзгача нуқтаи назарга эга эди. Верона конгрессининг бошланиши Яқин Шарқда инглиз - рус зиддиятларнинг кескинлашишига тўғри келди. Англия - Франция рақобати ҳам, қайтадан бошланди-ки, бу айниқса Пиреней яриморотида ва Лотин Америкасида кўзга ташланди.

Веронадаги конгресс асосий эътиборни Пиренейдаги инқилобларга қаратди. Муқаддас иттифоқ иштрокчилари инқилобларни Франция кучлари воситасида бостириш қарорини қабул қилишди. Бунга фақат Англия қарши чиқди. 1823 йилнинг баҳорида французларнинг экспедицион корпуси Пиренейларни кесиб ўтди ва 1823 йилнинг май ойида Мадридни эгаллади. Инқилоб бострилди. Пентархия томонидан амалга ошириладиган мувофиқлаштирилган ҳаракатлардан Англиянинг четга чиқиши жиддий оқибатларга эга эди; бундай ҳолат Европани сепарат иттифоқларига бўлиниб кетишига олиб келарди.

1848 - 1849 йиллар инқилоблари “ 1815 йил трактатлари” ни (шартнома, битим маъносида ) қўриқлаш ва “инқилобий рух” билан курашиш бўйича беш буюк давлатнинг биргаликдаги ҳаракатларини назарда тутган “Вена тизими” нинг тамойилларига янги зарба берди. Англия бошқа буюк давлатлар билан умумий сиёсат юритишда четга чиқиб бўлганди 30-чи йилларда шунга ўхшаш сиёсатни Франция ҳам олиб борди. Пруссия ва Австрия ҳукмрон доираларининг руҳи эса 1848 - 1849 йй. инқилоблари натижасида тушиб кетганди.

40 - йиллар инқилобларидан сўнг Германияда кескинлашиб кетган Пруссия - Австрия рақобати Муқаддас иттифоқнинг охири таянчи – Россия, Пруссия ва Австрия монархларининг иттифоқчилигига тарқаб кетиш таҳдидини солди. 1850 йилда Германияда рақобатнинг қайтадан ўт олиши натижасида Австрия - Пруссия уруши бошланиб кетишга сал қолди. Бироқ, Пруссия ён беришга мажбур бўлди. 1850 йилда Ольмюцда Пруссиянинг тўла мағлубиятини аниқлаган Австрия -Пруссия битими имзоланди. 1851 йилда Дрезден шаҳрида умумгерман сейми ( парламенти ) Австрия бошчилигидаги Герман иттифоқини тиклади.

20 - 30 ва 40 чи йилларда рўй берган инқилоблар XIX асрнинг ўрталарига келиб “Вена тизими” нинг асосларини қўпориб ташлади ва унинг чуқур инқирозини келтириб чиқарди.

Наполеон урушларидан сўнг шарқий масаланинг биринчи кескинлашиши юнонлар қўзғолони (1821 й.) билан боғлиқ эди. Юнонистонда турк султони ҳокимиятига қарши инқилобнинг дастлабки муҳокамаси Муқаддас иттифоқнинг Верона конгрессида (1822 йил октябрь - декабрь) бўлиб ўтди ва ҳеч қандай натижа бермади. Бироқ вазият ўзгарди. Шарқий масала бўйича инглизларнинг ҳаракатлари рус дипломатиясини фаоллаштирди. Россия юнон - турк тўқнашувига иттифоқчи давлатларнинг биргаликдаги аралашшишга эришмоқчи эди. Аммо Россиянинг уринишлари Англия ва Австриянинг қаршилилигига учради. Бироқ, Англия ўз манфаатлари йўлида юнон масаласи бўйича Россия билан икки томонлама келишувга (1824 йилнинг 4 апрелида имзоланган Петербург протоколи) борди. Ушбу келишувга кўра Юнонистон мухториятга эга бўлиши ва Туркияга ҳар йили ўлпон тўлаши лозим эди. Англия эса юнон - турк ихтилофида воситачилик қилиши назарда тутилганди.

Султон бунга рад жавобни берди ва кенг қамровли ҳарбий ҳаракатларни бошлади. 1827 йилнинг июнида Лондонда юнон масаласи бўйича Англия, Россия ва Франция ўртасида битим имзоланди. Иттифоқчилар урушга кирдилар ва 20 октябрда Наварин ёнидаги жангда турк - миср флотини тор - мор этдилар.

1828 йил май ойида Россия Туркияга уруш эълон қилди ва ғалабага эришди. 1829 йил 14 сентябрда Андрианополь шартномаси

имзоланди. Унга биноан Сербия, Валахия ва Молдованинг мухториятига эга бўлиш ҳуқуқлари тасдиқланди. Россия Қора денгизда, Кавказда ва Кавказ ортида мустаҳкам ўрнашиб олди. Туркиянинг христиан аҳолисидан иборат қатор ерлари (Карс ва бошқ) Россия тасарруфига ўтди. 1830 йил 3 февралда Лондонда Болқонда юнон қиролигини барпо этиш тўғрисидаги протокол имзоланди.

Бироқ, Усманийлар империясининг ичкарасида султон ҳокимиятига қарши Миср подшоси бош кўтарди. Бу 1832 йилда Суриянинг эгалланиши билан бошланди; 1833 йилда Миср кўшинлари Кония ёнидаги жангда султон армиясини мағлуб этишди. Султон ёрдам сўраб Англия, Франция ва Россияга мурожаат қилди. Кўмак фақат Россиядан келди. 1833 йил 8 июлда Ункяр - Искелесида рус - турк шартномаси имзоланди. Унда, мисрликларнинг Янги босқини рўй берган тақдирда Россия Туркияга харбий ёрдам бериши кафолатланганди. Бунинг эвазига Махмуд II рус савдо ва харбий кемаларини бўғозлардан ўтказиш мажбуриятини олди.

Англия ва Франция ушбу шартномани Қора денгиз бўғозларига оид бошқа битим билан алмаштиришга ҳаракат қилишдики, бу ерда уларнинг таъсири устунликка эришиш лозим эди. Англия Туркия ва Миср ўртасида 1839 йилда Янги урушнинг бошланишига эришди. Ушбу урушда турклар тўла мағлуб бўлдилар. Султон инглизлар таъсири остига кўпроқ тушиб борди. Шу тариқа Усманийлар империясининг худудий яхлитлиги ва Қора денгиз бўғозларининг халқаро ҳуқуқий тартибга оид буюк давлатларнинг биргаликдаги кафолатлар тўғрисидаги Лондон конвенциялари ( 1840 - 1841 йй. ) пайдо бўлди.

Шарқий масалининг кескинлашишига оид кейинги босқич Қрим уруши ( 1853 - 1856 йй. ) билан боғлиқдир. Урушга бахона - Россиянинг Туркиядаги православ христианларига ва “Муқаддас жойлар” га (“Исо пайғамбар қабри”) хомийлиги эди. 1853 йил январь ойида Россия Туркияга ультиматум талабини қўйди. Туркия уни рад этди. 1853 йилнинг октябрида Туркия Россияга уруш эълон қилди. 1853 йил 30 ноябрда Турклар флоти Синоп кўрфазида адмирал Нахимов томонидан чўктирилди. Россиянинг ушбу ғалабасидан сўнг, Англия ва Франция биргаликда ҳаракатлар олиб бориш тўғрисида келишиб олишди ва 1854 йилнинг бошида ўз эскадраларини Қора денгизга киритишди. 1854 йилнинг сентябрида француз - инглиз - турк кўшинлари Қримга туширилди.

Уруш натижасида Россия мағлубиятга учради. 1856 йил 30 мартда Парижда имзоланган тинчлик шартномасига кўра Россия Қора денгизда харбий флотга эга бўлиш ҳуқуқидан махрум бўлди. Аслини олганда, ушбу шартнома “Вена тизими” нинг батамом барбод

бўлганлигини ва Россия Европа масалаларига нисбатан аввалги таъсирини йўқотганлигини англатарди.

Италия ва Германиядаги бирлашиш жараёни “Вена тизими” қулаганлигининг натижаларидан бири бўлди. Модомики Сардиния қироллиги ва Пруссиянинг хукмрон доиралари ушбу ҳаракатни “юқори” дан амалга ошириладиган бирлаштириш сифатида тасаввур қилишар экан, улар битта ёки бир неча буюк давлатнинг кўмагига мухтож эдилар. Бундай сиёсат ушбу мамлакатлардаги бирлашиш жараёнларини халқаро қарама - қаршиликлар объектига, дипломатик савдолашиш ва сиёсий муросалар мавзуга айлантириши муқаррар эди.

1861 йилда Сардиния қироллиги атрофида аксарият италян ерларининг бирлаштирилиши Пруссиянинг режалари ва ниятлари учун ўрнатилган, мисол бўларли ходиса эди. XIX асрнинг 60 йилларидаги халқаро вазият ҳам Германия давлатини барпо этиш қулай келди. 1863 йилда Польшада кўзғолон кўтарилди. 1863 йилнинг январь ойида Пруссия ва Россия кўзғолончиларига қарши биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисидаги махфий конвенцияни имзолашди. 1866 йилда Пруссия Австрияга қарши уруш олиб борди. Австрия ва Пруссия ўртасида имзоланган Прага сулҳига (1866 й. 24 август) биноан Австрия бошчилигидаги Герман иттифоқи йўқ қилинди. Унинг ўрнида юзага келган Шимолий Германия иттифоқи Пруссия бошчилигида кучли давлатни барпо этардики, унинг чегараларидан ташқарида жанубий герман давлатлари (Бавария, Вюртемберг, Баден ва бошқ) қолган эди.

Вена тартиблари батамом кўмиб ташланди.

Европа давлатларининг Америка масалаларига фаол аралашishi Мексикага нисбатан харбий интервенцияни амалга ошириш билан бошланди. Ушбу мамлакатда 1854 - 1860 йилларда инқилоб рўй берганди. 1861 йилда Англия, Франция ва Испания Мексиканинг Атлантика сохилларини превентив<sup>1</sup> тарзда харбий оккупация қилиш тўғрисида конвенция тузишди. Ушбу ҳаркат Мексика қарзларининг тўпланишини таъминлайдиган кафолат сифатида эълон қилинди. 1861 йил декабрь ойида Мексика қирғоқларига аввал испан, кейин эса инглиз ва француз қўшинлари туширилди. Бироқ Наполеон III Мексикани Франция протекторати остидаги “лотин империяси” нинг таянч нуқтасига айлантириш режаларига эга эди. Лекин Франциянинг Янги Дунёда кучайishi Англия ва Испаниянинг ниятларига тўғри келмасди. 1862 йилнинг феввалида ўлар ўз қўшинларини Мексикадан олиб чиқишди ва Хуарес ҳукумати билан қарзларни тўланишини кечиктириш тўғрисидаги битимни имзолашди. Аммо Франция Англия ва Испаниядан ўрнатилган олмади

---

<sup>1</sup> Превентив - олдини олувчи, огохлантирувчи.

ва узоққа чўзилган Мексика авантюрасига ( хатарли, қалтис иш ) аралашиб кетди. Натижада Франция 1867 йилда мағлубиятга учради.

1862 йилда АҚШ га нисбатан курулланган интервенция тахдиди юзага келди. Гарчанд Англия 1861 йилда шимол ва жануб ўртасидаги урушга нисбатан ўзининг бетарафлигини эълон қилган бўлса ҳам, амалда жанубликларни қўллаб - қувватлади, Конфедерация томонида туриб фуқаролар урушида бевосита қатнашишга тайёргарлик кўрган холда. Франция ҳам Янги Дунё ишларига курул билан аралаштишга интилмоқда эди. Бироқ Россия 1862 йилнинг ноябрида шимолликларга қарши интервенцияда қатнашишни рад этди. Наполеон III нинг шимолликларга нисбатан бўлган мақсадлари Европа ва Америка демократик жамоатчилиги орасида катта ғазабланишни келтириб чиқарди. Бу холат ҳам юзага келган вазиятга ўз таъсирини ўтказди. Натижада Европа давлатларининг АҚШ ишларига курулли аралаштиш режаси барбод бўлди.

XIX аср 60 - йилларнинг охирида Франция империяси инқирозни бошидан кечирмоқда эди. Мамлакат ичкарасида республиканинг ўрнатилишини талаб қилган мухолифат кучаймоқда эди. Наполеон III хокимияти мустахам эмасди. Ушбу шароитда Францияга ғолибона уруш зарур эди. Бисмарк ҳам тезроқ уруш бўлишни хоҳларди. Чунки Германиянинг ғалабаси натижасида жанубий герман ерлари ўз ихтиёрига кўра Шимолий Германия иттифоқига, қўшилиши яъни Пруссияга қўшилиши мумкин эди. Бироқ канцлер урушни Франция бошлашни хоҳларди. Ва Наполеон III Бисмаркнинг ушбу тузоғига тушди.

1868 йилда Испанияда инқилоб бошланди. Қиролича Изабелла II Францияга қочди. Франция императорининг хотини испаниялик аёл бўлганлиги сабабли Изабеллага тахтни қайтариб олишда ёрдам бермоқчи бўлди. Лекин бунинг имконияти йўқ эди, Европада испан тожи учун кураш бошланди.

Наполеон III Испания тахтига шахзода Фердинанд Саксен - Кабурскийни ўтказиб, дўстона муносабатдаги Испанияга эга бўлишни режалаштирганди. Бисмарк эса, Франциянинг кучайишидан қўрқиб, испан тожини қирол Вильгельмнинг қариндоши бўлган шахзода Леопольд Гогенцоллернга топширишга интилди.

Воқеалар 1870 йилнинг ёзида авж олди. Вильгельм I нинг хузурига келган Франция элчиси Леопольд Гогенцоллерннинг номзодини испан тожига даъвогарликдан олиб ташлашни таклиф этди. Вильгельм, Бисмаркдан фарқлироқ, урушдан хавфсираб илтимосни бажаришни ваъда қилди. Аммо масалани тинч йўл билан хал этиш мумкинлиги Иккинчи империя ҳукуматини қониқтирмасди. Франция элчиси Бенедетти иккинчи мартаба кайзер билан учрашди ва ундан келгусида қирол испан тахтига

Гогенцоллернлар сулоласидан бўлган шахзоданинг номзодини қўллаб - қувватламаслиги тўғрисида ёзма ишонтиршнома беришни талаб қилди. Вильгельм бундай ваъдани бермади, лекин ушбу масала билан Эмсан Берлинга қайтиб келганида шуғулланишини айтди. Бироқ бундай қарор иккала томонга ҳам тўғри келмасди.

Бисмарк харбий вазир Роон ва бош штаб бошлиғи Мольтке билан кенгашиб олди. У, армия урушга тайёр эканлигини билгач, Вильгельм I ва француз элчиси ўртасидаги учрашув ҳақида сохта маълумотларни газеталарга етказди, гўёки қирол элчига орқасини ўчириб олди ва у билан хатто гаплашмади. Ушбу хабар бутун Европага тарқалди. Пруссия элчиси Берлинга қайтариб чақириб олинди. Парижда хавотир ошиб борди.

1870 йил 19 июлда Франция Пруссияга уруш эълон қилди. Англия ва Россия масалани тинч йўл билан ҳал этиш учун халқаро конференция чақиришни таклиф этишди. Наполеон III урушда ўзига иттифоқчи қилиб олмоқчи бўлган Италия ва Австро - Венгрия давлатларининг ҳукуматлари “қуролланган воситачилик” позициясини эгаллашди. Улар аввал Франциянинг ғалабасига ишонч ҳосил қилиб, кейин эса Пруссияга қарши ҳаракатларни бошлашга умид боғлашганди. Лекин Франция императори урушга интилмоқда эди.

Бироқ биринчи жанглар Францияга аянчли мағлубиятларни келтирди. 1 сентябрда Седан ёнидаги жангда французлар тор - мор этилди. 2 сентябрда Наполеон III оқ байроғни кўтаришни буюрди ва таслим бўлди. Иккинчи империя тугади. Францияда инқилоб бошланди.

1870 йил 27 октябрда маршал Базен қўмондонлигидаги французлар армияси ҳам таслим бўлди. Немис қўшинлари Париж томон ҳаракатланишди ва уни 1871 йилнинг январида қуршаб олишди. Франциянинг Муваққат ҳукумати мамлакатни, камситадиган шартлар асосида, Пруссия билан яраш аҳдини тузди. 26 февралда Тьер ва Бисмарк тинчлик битимини имзолашди-ки, унда Эльзас ва Лотарингияни Германияга берилиши, ҳамда 5 миллиард франк миқдорида контрибуция тўланиши кўзда тутилганди. Немис қўшинлари эса контрибуция батамом тўлалгунга қадар Франциянинг шимолида жойлаштирилди. Франциянинг Миллий кенгаши ушбу шартларни тасдиқлади.

1871 йилнинг январь ойида Версаль саройининг ойнали залида Вильгельм I Германия империяси барпо этилганлигини эълон қилди. Мамлакатни бирлаштириш учун олиб борилган кураш якунланди.

Франция - Пруссия урушининг муҳим оқибатларидан бири Италияда ҳам бирлашиш жараёнининг якунланиши эди. Уруш натижалари Германия ва Австро - Венгрия ўртасидаги муносабатларга таъсир этди. Австрия - Венгриянинг ҳукмрон доиралари Австрия - Пруссия урушидаги

мағлубияти учун реванш олиш ( қаримта қайтариш) ғоясидан воз кечишдан ва Германия империяси билан яқинлашишга қарор қилишди.

Германия қудратининг ошганлиги инглиз - герман муносабатларининг кескинлашувига олиб келди, чунки мустамлакачилик сиёсатида Англияга нисбатан янги рақиб пайдо бўлди. Янги буюк давлатнинг вужудга келиши натижасида барча қўшни давлатлар ўз хавфсизлиги учун хавотирга тушди. Айниқса бундай ҳолат яқиндагина прус армиясининг босқинини бошидан кечирган Франция учун таалуқли эди.

Германия канцлерининг ташқи сиёсати Францияга қарши қаратилган эди-ки, бу 1873 йилда уч император иттифоқининг ташкил этилишида ўз ифодасини топди. Бисмарк Францияни Россия ва Австро - Венгрия билан иттифоқ тузиш эҳтимолидан махрум қилиш учун, монархлар бирдамлиги ғоясидан Европада тартибни мустахкамлаш йўлида фойдаланди. Бироқ Иттифоққа кирган ҳар бир мамлакат ўзининг мақсадларига эга эди. Жумладан Россия Францияни Германияга қарши турадиган куч сифатида қўллаб - қувватларди. Уч император иттифоқи тузилганлигига қарамасдан, Россия ва Германия ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб борарди. Россия - Туркия уруши ( 1877 - 1878 йй. ) ва Берлин конгресси иттифоқни қўпориб ташлади.

Бисмарк, “рус таҳдиди” тўғрисидаги фикрларни илгари суриб, 1879 йилда Россияга қарши қаратилган иттифоқни Австро - Венгрия билан тузишга эришди.

Францияни яқкалаб қўйиш бўйича Бисмаркнинг кейинги фаолияти Италияни Германия томонига жалб этишда намоён бўлди. Бисмарк Италиянинг Тунисга нисбатан қизиқишини қўзғатарди ва шу пайтнинг ўзида уни Франция томонидан босиб олиниши ёқлаб чиқарди. Италия 1882 йилда Германия ва Австро - Венгрия билан бирга Учлар иттифоқини тузишни афзал кўрганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Битим 5 йиллик муддатга тузилиб, кейинчалик бир - неча бор қайтадан такрорланди ва 1915 йилгача мавжуд бўлди. Янги коалиция (иттифоқ), бир томондан, - Францияга, иккинчи томондан Россияга қарши қаратилган эди.

Табийки, умумий душман пайдо бўлган вазиятда Франция ва Россия бир - бирови билан яқинлашишга интилишди. Бисмарк барча воситаларни ишга солиб Франция - Россия иттифоқининг ташкил этилишини олдини олишга ҳаракат қилди. Немис дипломатиясининг уринишлари натижасида иттифоқнинг тузилиши кейинга сурилди. Франция ва Россия ўртасидаги иттифоқ фақатгина 1893 йилда шаклланди.

Учлар ва Франция - Россия иттифоқларининг ташкил топиши билан Европа қитъасида буюк давлатларнинг куч жихатидан деярли тенг бўлган икки гуруҳи юзага келди.

Аммо Англия бирон - бир харбий иттифоққа ёки гуруҳга кўшилмади. Инглиз ҳукумати, анъанавий “ажойиб яккаланиш” сиёсатиға амал қилиб, ҳеч қандай мажбуриятлар билан ўзини боғламасликни афзал кўрди. Англия ўз манфаатларини ўзгалар қўли билан химоя қилишға интилди. “Ажойиб яккаланиш” сиёсати тарафдорларининг фикриға кўра, бунга эришиш учун энг яхши восита - бу бошқа буюк давлатлар ўртасидаги келишмовчиликларни кўзғатиш эди. Бирисининг қўллаб - қувватлашиға эға бўлиб, бошқаларини заифлаштиришға интилди. Англия Учлар иттифоқиға Франция ва Россия учун мўлжалланган жилов сифатида қарарди. Чунки XIX асрнинг 80 - 90 йилларида айнан ушбу мамлакатлар билан Британиянинг кўплаб муаммолари мавжуд эди.

“Ажойиб яккаланиш” сиёсати Британиянинг орол сифатида мустахкамлиги ва денгиз кудратига таянарди.

XIX асрда энг кучли қарама - қаршилиқ Англия ва Франция ўртасида эди. Нил дарёсининг куйилиши жойи учун олиб борилган узок муддатли кураш 1882 йилда Мисрни Англия томонидан босиб олиниши билан якунланди. Сувайш, Мальта ва Кипр билан биргалиқда, Англиянинг Шарқий Ўрта ер денгизи минтақасидаги стратегик устунлигини мустахкамлади. 1881 йилда Франция Тунисни ўз мустамлақаси деб эълон қилди.

Англия ва Франция ўртасидаги кейинги кураш Африка ва жануби - шарқий Осиё учун олиб борилди. Инглизларнинг Судан мамлақатига уюштирилган биринчи харбий экспедицияси 1885 йилда муваффақиятсиз якунланди. Иккинчи экспедиция эса 1896 - 1897 йилларда арабларнинг тор - мор этилиши ва Суданнинг бўйсундирилиши билан тугади. Инглизларнинг Нил дарёси бўйлаб, юқорига харакатланиши Фашода ёнида капитан Маршан кўмондонлигидаги французлар отряди билан тўқнашувига олиб келди. Англиянинг флотини сафарбар қилиш тўғрисидаги қарори Францияға нисбатан уруш таҳдиди келтириб чиқарди. Франция ҳукумати ён беришға мажбур бўлди. 1899 йилда тузилган битимға биноан Франция Фашода ва Нил дарёсининг бутун водийсидан воз кечди, аммо Суданнинг ғарбий вилоятларига нисбатан “хақ - ҳуқуқ” га эға бўлди.

Тунисни Франция томонидан босиб олиниши француз - италян муносабатларнинг кескинлашишиға сабаб бўлди. Италия - Эфиопия уруши ( 1895 - 1896 йй. ) даврида Франция ва Россия Эфиопия негусига дипломатик ёрдам кўрсатди. Уруш 1896 йилда Адуа ёнидаги жангда италияликларнинг мағлубияти билан якунланди. Эфиопия ўз мустақиллигини сақлаб қолди.

Тўқнашувнинг яна бир минтақаси жанубий - шарқий Осиё эди. Хиндихитойда Франция Тонкин ва Аннамни босиб олишға интилди. Аммо бу худудлар Хитойнинг суверинитети остида эди. Франциянинг

Хитойга қарши олиб борган уруши натижасида Аннам ва Тонкин французларнинг мустамлакасига айлантирилди. 1887 йилда ушбу ерлар, Намбо, Камбоджа, ҳамда Лаос (1898 й.) Франция томонидан барпо этилган Хиндихитой иттифоқида кирди. Франциянинг Хиндихитойдаги экспансияси Англияни ташвишга соларди. XIX аср 90 - йилларнинг бошида иккала давлат экспедицияларни амалга оширди ва Сиамгача етиб боришди. Ушбу мамлакатни эгаллашга бўлган интилиш урушни келтириб чиқаришига сал қолди. 1896 йилда имзоланган битимга кўра Сиам мустақил деб тан олинди ва французлар ва инглизларнинг ерлари ўртасидаги қалқонга ўхшаб қолди.

Инглиз - рус рақобати Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқда бўлиб ўтарди. 1880 йилда улкан харбий уринишлар натижасида Афғонистон устидан инглиз протекторати ўрнатилди. Россия эса ушбу йилларда Туркменистонни ва Марвни қўшиб олди. 1885 йилда Лондонда Афғонистоннинг шимоли - ғарбий чегарасини белгилаш тўғрисида келишиб олинди, ва 1887 йилда эса рус - афғон чегарасини белгилаш тўғрисидаги якуний протокол имзоланди.

Халқаро майдонда рўй берган воқеалар Англияни “ажойиб яқаланиш” сиёсатини ўзгартиришга мажбур қилди. Саноат гегемониясини йўқотган ва қитъавий давлатлар ўртасидаги зиддиятлардан фойдаланиш имкониятидан махрум бўлган Англия эндиликда яққаланиш сиёсатини ишга солаолмасди. Эски рақиблари - Франция ва Россия қаторига янги ва янада хавфли душман - Германия қўшилди.

80 - йилларнинг охиридан герман моллари жахон бозорида инглиз фабрикаларининг махсулотларини сиқиб чиқаришни бошлади. Қолаверса, Вильгельм II ва унинг атрофдагилари Германияни қудратли денгиз давлатига айлантиришга интилдилар. Бунга эса Англия йўл қўймоқчи эмасди.

1905 йилда Англиянинг харбий - денгиз вазирлиги герман флотининг имкониятларидан узоқ давргача устунликка эришишни ният қилиб, дредноутлар ( линкорлар, яъни харбий флотда - кўпинча йирик тўплар билан қуролланган қалин зирхли катта кемалар ) қурилишни бошлаб юборди. Лекин бу ниятлар учга айланди. 1908 йилда Англияда тайёр бўлган ва қурилаётган дредноутларнинг умумий сони 12 га етган бўлса, Германияда эса - 9 эди. Англия ва Германия ўртасида денгизда қуролланиш пойгаси бошланди. Британия ҳукумати Германияда қурилаётган хар бир дредноутга 2 инглиз кемаси билан жавоб бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Германия, имконияти мавжуд жойларда, Англиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши ҳаракат қилишни бошлади. 1898 йилда Германия кайзери Туркияга келди. Ушбу ташриф натижасида немис банки Бағдод темир йўлини қуришга буюртма олди. Англиянинг ҳукмрон

доиралари Германиянинг Туркияга кириб келишини ўзларининг Хиндистон ва Мисрдаги мавқеларига нисбатан таҳдид деб ҳисоблашарди. Германия ва Англия ўртасидаги зиддиятлар муросага келмайдиган ҳолатга кириб қолаверди. Энди Англия ўзига иттифоқчи қидиришни бошлади, чунки уруш бўлиши турган гап эди.

1904 йилнинг апрелида Англия ва Франция ўртасида асосий мустамлакачилик масалалари бўйича битим тузилди. Англиянинг Мисрда ҳукмронлик қилиш ҳуқуқи тасдиқланди, Франциянинг эса-Марокаш Британия ва Франция ўртасида харбий - сиёсий иттифоқ Антанта шаклланди. 1907 йилда Россия ва Англия ўртасида тузилган битимга мувофиқ Эрон таъсир доираларига бўлиб олинди; мамлакатнинг шимолий қисми Россияга, жанубий қисми Англияга тегишди, марказий қисми эса ҳолис зона сифатида эътироф қилинди. Афғонистон Англиянинг таъсир доирасига киритилди. 1907 йил битими Антантанинг ёки бошқача қилиб айтганларидек, “уч давлат иноқлигининг” шаклланишини нихояга етказди. Икки харбий - сиёсий блокнинг барпо этилиши яқунланди.

Янги давр XIX – XX асрлар чегарасида тақсимланиб бўлган дунёни қайта бўлиб олишгача қаратилган урушлар олиб келди. Булар қаторига Испания - АҚШ урушини ( 1898 й. ), инглиз - бурлар урушини ( 1898 - 1902 йй. ) ва рус - япон урушини ( 1904 - 1905 йй. ) киритиш мумкин. 1895 йилда Кубада, 1896 йилда эса Филиппинда испан ҳукмронлигига қарши кўзғолонлар кўтарилди. АҚШ ушбу воқеаларни диққат билан кузатарди. 1898 йил 25 апрелда АҚШ Испанияга уруш эълон қилди. Америкаликлар флоти испан флотини тор - мор этди. Америка қўшинлари Куба ва Филиппин оролларида туширилди ва маҳаллий аҳоли билан биргаликда испанларни мағлуб этди. Испания тинчликни сўради ва сулҳ 1898 йилда имзоланди. Унга биноан АҚШ Гуам ва Пуэрто - Рико ороллари қўлга киритди. Расман “мустақил республика” деб ҳисобланган Куба АҚШ нинг протекторатига айланди. Кейин эса, АҚШ, Испанияга 20 млн доллар тўлаб Филиппин ороллари қўлга киритди.

Дунё XX асрни инглиз - бурлар уруши билан ( 1899 - 1902 йй. ) кутиб олди. Ушбу урушни кўплар “I жаҳон урушининг шафқатсиз репетицияси” деб атарди. 1902 йилда Англия бурлар республикаларини босиб олди. 1910 йилда уларнинг ерларида Британиянинг доминиони - Жануби - Африка иттифоқи тузилди ва унинг таркибига инглиз мустамлакалари Капа ва Наталь киритилди.

1908 йилда халқаро муносабатларда яна инқироз ҳолати юзага келди. Австро - Венгрия Туркияга тегишли бўлган Босния ва Герцеговинани босиб олди. Бу эса Туркия ва Сербиянинг норозиликни келтириб чиқарди. Ушбу ҳудудларнинг эгалланиши, Германия ва Австро - Венгриянинг мавқеини кучайтириб, Антанта давлатлари

манфаатларига дахл қиларди ва ягона мустақил давлатга бирлашишга интилган жанубий славян халқларининг хаётий манфаатларига зид эди.

Германия Россиядан Босния ва Герцеговинанинг босиб олинганлигини тан олишни талаб қилди. Урушга тайёр бўлмаган Россия бунга рози бўлди. Ушбу инқироз Болқонда айниқса Россия ва Сербия бир томондан, ҳамда Австро - Венгрия иккинчи томондан ўртасидаги зиддиятларнинг ўта кескинлашишига олиб келди.

1912 йилда Антантанинг кўмагида Болгария, Сербия, Юнонистон, Черногория иттифоқ тузишди. Мақсад - Усманийлар империясига қарши кураш олиб бориш. 1912 йилнинг октябрь ойида Болқон иттифоқи давлатлари Туркияга қарши уруш бошладилар. Ноябрь ойида болгар кўшинлари Константинопольга (Стамбул) яқин келишди. Туркия сулх тузишни сўради. Тинчлик музокаралари Лондонда декабрь ойида бошланди, бироқ фақат 1913 йилнинг май ойида тинчлик шартномаси имзоланди.

Туркия Болқон иттифоқига Болқон яриморотидаги Энос - Мидия чизиғи бўйлаб жойлашган эгаликларини топширди. Харитада янги давлат - Албания пайдо бўлди. Ушбу давлат де - факто ( амалда ) Австро - Венгрия ва Италияга қарам бўлиб қолди.

Туркиянинг мағлубияти Австрия - Германия блокининг мавқеини заифлаштирди. Сербия ва Юнонистон Туркиядан олинган ерларни бўлиб олиш пайтида ўзларининг улушларини кўпайтиришни Болгариядан талаб қилди. Австро - Венгрия ва Германия Болгария подшосини ўзининг собиқ иттифоқчиларига хужум қилишга турткиладилар. Россия харбий тўқнашувнинг олдини олишга ва Болқон иттифоқини сақлаб қолишга иложи борича ҳаракат қилди.

1913 йил июнь ойида Болгария Сербияга қарши уруш бошлади. Иккинчи Болқон уруши Болқон иттифоқининг ички зиддиятлари ва унга қарши амалга оширилган кўпорувчилик иши оқибати бошланди. Болгариядан Жанубий Добруджани тортиб олишни ният қилган Руминия Сербия ва Юнонистонга кўшилди. Туркия ҳам, Адрианопольни қайтариб қўлга киритиш умидида бўлиб, Болгарияга қарши уруш бошлади. Болгария бир неча кун ичида тор - мор этилди. 1913 йилнинг август ойида Бухарестда Болгариянинг обрўсини тўқадиган шартнома имзоланди. Унга биноан Македония ва Фракиянинг бир қисми Сербия ва Туркияга ўтди. Руминия Жанубий Добруджани қўлга киритди, Туркияга эса Адрианополь қайтарилди. Болқон иттифоқи тарқаб кетди. Бироқ Бухарестда ўрнатилган тинчлик узоққа чўзилмади. Болқонда юзага келган вазият “ўз учқунини” кутиб турган “Европа кўрхонасини” эслатарди. 1914 йил 28 июнда Сараево шаҳрида Австрия эрцгерцоги тахт вориси Франц Фердинанднинг “Млада Босна” деб номланган серб миллатчилиқ ташкилотининг аъзоси

Г. Принцип томонидан ўлдирилиши айнан шундай учкун вазифасини бажарди. Ушбу воқеа Австро - Венгриянинг Сербияга уруш эълон қилишига бахона бўлди. Россия славян халқларини ёрдамсиз қолдира олмасди ва 31 июлда мамлакатда умумий сафарбарлик бошланди. Германия ультиматив тарзда уни тўхтатишни талаб қилди. Хеч қандай жавоб олмагач, 1914 йил 1 августда Россияга уруш эълон қилди; 3 августда - Франция, 4 августда эса Англия Германияга уруш эълон қилдилар.

Тез орада уруш Европадан ташқари минтакаларни қамраб олди. Япония, урушдан фойдаланиб, Хитойни бўйсундирмоқчи, Тинч океанидаги герман мустамлакаларини босиб олмоқчи ва Узоқ Шарқда ўз хукмронлигини ўрнатмоқчи эди. 1914 йилнинг август ойида Япония Германияга уруш эълон қилди.

Аста - секин уруш умумий ахолиси 1,5 млрд кишини ташкил этган 38 та давлатни қамраб олди ва жаҳон урушига айланди.

1914 - 1915 йилларда Германия ва Австро - Венгрия блокига Туркия ва Болгария қўшилди. Шу тариқа Тўртлар иттифоқи юзага келди. Антанта томонида туриб Италия, Португалия, Руминия, АҚШ, Юнонистон уруш олиб боришди. Урушга кирган буюк давлатлар қандай мақсадларни кўзлаган эдилар?

Германия Европа ва Яқин Шарқнинг катта қисмини босиб олишга интилди, шу жумладан иттифоқчи Туркияни ҳам. Англия, Франция ва Бельгиядан уларнинг мустамлакаларини, Россиядан эса - Украина ва Болтиқ бўйини олмоқчи эди.

Австро - Венгрия Сербия, Болгария ва Черногорияни бўйсундиришни, Болқон яриморотида, ҳамда Қора, Адриатик ва эгей денгизларида ўз хукмронлигини ўрнатишни кўзлаганди.

Англия ўз мустамлакаларини сақлаб қолиш ва асосий рақиби - Германияни заифлаштириш учун кураш олиб борди. Бундан ташқари, Англия Туркиядан Месопотамияни, Фаластинни тортиб олишни ва Мисрда мустахам ўрнашиб олишни ният қилганди.

Франция ундан 1871 йилда Германия томонидан тортиб олинган Эльзас ва Лотарингияни қайтариб олишга, ҳамда Саар кўмир хавзасини ва Рейн дарёсининг чап соҳилидаги бошқа герман вилоятларни қўлга киритишга интилди.

Россия Константинопольни, Мармар денгизининг ғарбий соҳилини ва Дарданеллани ўз таъсир доирасига киритмоқчи эди. Австро - Венгриянинг таркибий қисми Галицияни босиб олиш ҳам Россиянинг режаларига киритилганди.

Герман кўмондонлиги ўзи учун қулай келган шароитларга асосланиб, “яшин тезлигидаги уруш” - “блицкриг” га ёки “Шлиффен режаси” га таянди. Режада даставвал бетараф Бельгия худудлари

орқали Францияга бостириб кириш кўзда тутилганди. Франция тор - мор этилганидан сўнг Россияга ёпирилмоқ режалаштирилганди. Германия Австрия - Венгрия билан биргаликда хал қилувчи зарбани шу ерда бермоқчи эди.

Немислар, Бельгияликларнинг қаршилигини енгиб ўтиб, 1914 йилда тез орада Франция - Бельгия чегарасига чиқдилар. Париж хавф остида эди. Бироқ воқеаларнинг бориши герман кўмондонлигининг режаларини ўзгартириб юборди. Рус кўшинларининг Шарқий Пруссиядаги фаоллиги, немисларнинг йирик кучлари орқада қолган қалъаларни камал қилиш билан ипсиз боғланиб қолганлиги, Марна дарёси ёнидаги жанг ( 5 – 9 сентябрь 1914 й. ), Польша ва Германиядаги шиддатли жанглар “блицкригнинг” барбод бўлишига олиб келди.

Италия ҳукумати Антанта томонида туриб урушга киришга қарор қилди. Буюк давлатлар урушдан сўнг Болқондаги бир қатор ерларни Италияга беради деб умид қилган Италия давлати 1915 йилнинг май ойида Австро - Венгрияга уруш эълон қилди.

1915 ва 1916 йилларда уруш ўта раҳмсизлик ва улкан талафотлар билан олиб борилди. Шарқий фронтда рус кўшинларига қарши Австро - Венгрия армиясининг катта қисми ва сараланган герман кўшинлари урушаётган бўлса, ғарбий фронтда эса Франция ва инглиз армияси немисларга қарши турарди. Икки фронтда уруш олиб бориш Германия учун тез орада мағлубиятга учраш билан тенг эди. Шунинг учун Германия раҳбарияти ва бош штаб Антантага кирувчи мамлакатларни бир - бировидан ажратиб юборишга қарор қабул қилди. Шарқда харбий ғалабаларга эришиш орқали Россияни сепарат сулх (иттифоқдошлар билан келишмай тузилган сулх; бир томонлама сулх ) тўғрисида музокаралар олиб боришга мажбурлаш мўлжалланганди. Шунга асосланиб, Германия 1915 йилда харбий харакатлар оғирлигининг марказини шарққа олиб ўтди. 1915 йил 2 майда немислар Горлица ва Тарново оралиғида рус фронтини ёриб ўтдилар. Июль ойида улар Польша ва Литвада катта хужум бошладилар. Августда Варшава ишғол этилди. Бироқ рус кўшинлари немисларнинг силжишини тўхтатишди. Россияни сепарат сулхини тузишга мажбурлаш имкони бўлмади.

1915 йилда Ғарбий фронтдаги харбий харакатлар Шампани, Артуа ва Фландрияда немисларнинг хужумларини Антанта томонидан қайтариши билан ифодаланарди. Германия “сув ости уруши” ёрдамида Антантани тиз чўктиришга уринди. “Лузитания” деб номланган инглиз кемасининг чўктирилиши оқибатида кўплаб АҚШ фуқаролари ҳам халок бўлган эди. АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг қатъий норозилиги

натижасида герман кўмондонлиги пассажир ( йўловчи ) кемаларига фақат огохлантиришдан сўнг хужум қилишни буюрди.

1916 йилга келиб урушнинг чўзилиб кетиши Германияни муқаррар халокатга олиб келиши герман кўмондонлигига мутлақо равшан бўлиб қолганди. Боши берк кўчадан чиқиб кетиши йўлини излаган немислар хал қилувчи зарбани ғарб томон олиб ўтишга қарор қилишди. Бундай зарба бериладиган жой сифатида французлар мудофаасининг муҳим бўғини саналмиш Верден танлаб олинди. 1916 йил 21 февралда бошланган ва ўша йилнинг охирида якунланган “Верден қирғини” захирадаги кўплаб дивизияларни ютиб юборди ва герман кўмондонлигининг ҳисоб - китобларини оқламади.

Май ойида Австро - Венгрия Трентино йўналишида хужумни амалга оширди ва италян армиясини мағлубиятга учратди. Антанта Россиядан ёрдам сўради. 1916 йил 3 - 4 июнда генерал Брусиллов кўмондонлигидаги жануби - ғарбий фронт қўшинлари Австро - Венгрияга қарши катта хужум бошлади. Улар Луцк, Черновцы ва бошқа шаҳарларни эгаллашди. Тарихга “Брусиллов ёриб ўтиши” номи билан кирган бу жанг I жаҳон урушининг энг ёрқин ходисаларидан бири бўлди. Ушбу ёриб ўтиш инглиз - француз армиялари Сомма дарёсида бошлаган ( 1916 й. 1 июль ) қайта хужум учун замин яратиб берди. Сомма дарёсидаги жанг ноябргача давом этди ва харбий ҳаракатларнинг умумий кўринишига кам таъсир этди.

Икки ярим йил давомида олиб борилган жанглар бирор томонга хал қилувчи устунликни келтирмади. Курашни давом эттириш истиқболлари Германия учун қайғули кўриниш касб этаверди. Англия ва унинг иттифоқчилари нафақат барча герман мустамлакаларини эгаллашди, балки янада шиддатли тарзда денгиз қамали сиёсатини олиб боришди. 1916 йилнинг охирида Германиянинг ахволи “ғоят оғир ва деярли чорасиз” деб баҳоланарди. Ушбу шароитларда 1916 йилнинг 12 декабрида канцлер Бетман рейхстагда “сулҳпарвар” баёнот билан чиқди. Шунга ўхшаш таклифларни АҚШ президенти Вильсон ҳам илгари сурди. Аммо Антонт мамлакатлари Бетман ва Вильсон баёнотлари асосида ҳар қандай музокараларни бошлашни рад этишди.

Натижада, 1917 йилнинг баҳорига келиб сулҳ тузиш тўғрисидаги музокаралар бошланмади, урушнинг кўламлари эса кенгайиб борди.

1917 йил 6 апрелда АҚШ Германияга уруш эълон қилди. Герман сув ости кемаларнинг Америка кемаларига хужумлари бунга баҳона бўлди. АҚШ нинг Германия билан зиддиятлари Антанта билан зиддиятларга нисбатан чуқурроқ бўлганлиги ва немисларнинг ғалабаси Антантанинг ғалабасига қараганда Америка манфаатларига кўпроқ зиён етказиши урушга кириш учун асосий сабаб эди.

АҚШ дан сўнг Куба, Панама, Бразилия, Гватемала, Гондурас, Никарагуа, Перу, Уругвай, Коста - Рико ва Гаити Германияга уруш эълон қилишди. 1917 йил 17 августда иттифоқчилар томонида туриб, Хитой ҳам урушга кирди.

Бироқ, 1917 йилда Россияда рўй берган инқилобий воқеалар ушбу мамлакатни урушдан чиқишига сабаб бўлди. Россиянинг совет ҳукумати жуда оғир шартлар асосида Германия ва унинг иттифоқчилари билан Брест - Литовск шартномасини (1918 й.) имзолади. Россиянинг урушдан чиқиши билан Германия олдида фақат ғарбий фронт қолди.

1918 йилнинг март ойида немислар ҳужум бошлашди. Герман кўшинлари йирик тактик муваффақиятларга эришдилар, иттифоқчиларнинг мудофаасини ёриб ўтишди ва июнь ойида Марна дарёси қирғоқларига яна бир бор чиқишди. Париж ўққа тутилди. Бироқ, французлар июль ойида генерал Фош кўмондонлиги остида қайта ҳужумни ташкил этишди. Ташаббус Антанта кўлига ўтди.

Германиянинг иттифоқчилари, ички зиддиятлар натижасида танг ахволга тушиб қолиб, урушдан чиқишди. 29 сентябрда - Болгария, 30 октябрда Туркия таслим бўлиш тўғрисидаги шартномани имзолашди. 1918 йил 3 ноябрда Габсбурглар генералитетининг вакиллари Антантага таслим бўлишди. Империя таркибий қисмларга бўлиниб кетди. Чехлар, хорватлар, серблар, словенлар ва венгрлар октябрда ўз мустақиллигини эълон қилдилар.

5 октябрда Германия “Вильсоннинг 14 банди” асосида музокаралар бошлашга рози эканлиги хақида баён қилди. 3 ноябрда Германияда инқилоб содир бўлди. Кайзер Вильгельм II ағдарилганидан сўнг Германиянинг янги ҳукумати урушни тўхтатишга қаратилган музокараларни яқунлашга шошилди. 1918 йил 11 ноябрда Компьен ўрмонида, маршал Фошнинг штаб поезди турган Ретонд станциясида Германия делегацияси яраш аҳдини имзолади. Битим 34 моддадан иборат эди: Герман кўшинларининг 15 кун ичида Франция, Люксембург, Эльзас ва Лотарингиядан чиқиб кетиши; Германиянинг Брест - Литовск ва Бухарест шартномаларидан воз кечиши; харбий аслаха - анжомларни ғолиб мамлакатларга топширилиши ва бошқ.

Биринчи жаҳон уруши ( 1914 - 1918 йй. ) яқунланди. Германия ва унинг иттифоқчилари мағлубиятга учради.

### **Назорат саволлари:**

1. Наполеон урушларининг асосий мақсадлари нимадан иборат эди?
2. Вена конгрессидан ( 1815 й. ) сўнг Европа харитасида қандай ўзгаришлар рўй берди?

3. 1815 йилдан сўнг буюк давлатлар қандай хуудларга эга бўлишди?
4. XIX асрнинг 20 - 50 йиллардаги “шарқий масала” нинг мохияти нимадан иборат эди?
5. Европа давлатлари XIX асрнинг 50 - 60 йилларида Шимолий ва Лотин Америкаси мамлакатларида қандай ташқи сиёсий режаларга эга эдилар?
6. Германиянинг бирлашиши ва Германия империясининг барпо этилишидан олдин қандай воқеалар рўй берди?
7. XIX асрда Буюк Британия ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари нимадан иборат эди. XIX - аср охири – XX - аср бошида ушбу мамлакатнинг ташқи сиёсатида қандай ўзгаришлар рўй берди?
8. Учлар иттифоқи ва Антантанинг шаклланиши босқичлари тўғрисида нималарни биласиз. Ушбу харбий - сиёсий блокларга кирган давлатлар қандай мақсадларга эга эди?

#### **Тавсия этилган адабиётлар:**

1. Астафьев И.И. Русско-германские дипломатические отношения. 1905-1911 гг. – М., 1972.
2. Бовыкин В.И. Из истории возникновения I мировой войны. Отношения России и Франции в 1912-1914 гг. – М., 1961.
3. Дебидур А. Дипломатическая история Европы от Венского до Берлинского конгресса (1814-1878). – М., 1947.
4. Дулина Н.А. Османская империя в международных отношениях (30-40-е годы XIX в.). – М., 1980.
5. Жогов П.В. Дипломатия Германии и Австро-Венгрии и I балканская война (1912- 1913 гг.). – М., 1969.
6. Игнатьев А.Г. Русско-английские отношения накануне I мировой войны. (1908-1914 гг.). – М., 1962.
7. История дипломатии. – М., 1959-1963 гг. тт. 1, 2.
8. История I мировой войны. 1914-1918. В 2-х тт. (под ред. Ростунова И.И.). – М., 1984.
9. Манфред. Наполеон Бонапарт. – М., 1980.
10. Мольтке Г.К. История германо-французской войны 1870-1871 гг. – М., 1937.
11. Новая история стран Европы и Америки. I период. – М., 1986.
12. Новая история. 2 период. – М., 1984.
13. Нарочницкий А.Л. Международные отношения европейских государств с 1794 по 1830 гг. – М., 1946.
14. Ротштейн Ф.А. Международные отношения в конце XIX в. – М., - Л., 1960.
15. Тарле Е.В. Крымская война. Соч.: в 12 тт. – М., 1957-1962; т.9.

16. Тарле Е.В. Наполеон. – М., 1980, т.8.
17. Тарле Е.В. Талейран – М., 1957.
18. Тэйлор А.Дж.П. Борьба за господство в Европе 1848-1918. – М., 1958.
19. Янги тарих. – Т., 1964, III жилд.

## **Энг янги даврда халқаро муносабатлар ва дипломатия.**

**1.Халқаро муносабатларнинг Версаль-Вашингтон тизимининг барпо этилиши.**

**2.ХХ асрнинг 20-30 йиллардаи халқаро муносабатлар.**

**3.Иккинчи Жахон уруши.**

**4.ХХ асрнинг иккинчи ярмида халқаро муносабатлар.**

Биринчи жахон урушидан сўнг дунёда юзага келган кучлар нисбати урушнинг охирида шаклланган халқаро муносабатлар тизимининг зиддиятларини акс эттирарди.

Буюк давлатлар қаторида жиддий силжишлар рўй берди. Бир томондан, жахон даражасидаги буюк давлат - Германиянинг тор - мор этилиши бўлса, иккинчи томондан, дунёда етакчилик қилишга фаол даъвогар сифатида АҚШ нинг халқаро майдонга чиқиши шундай силжишларнинг энг сезиларлиси эди.

Буюк Британия, Франция ва Япония билан бўлган рақобатда ғолиб чиқиш учун АҚШ умумжахон кредитори мавқеидан фойдаланишга интилди.

Буюк Британия урушдан сўнг буюк давлат мақомини сақлаб қолди, гарчанд АҚШ томонидан иккинчи ўринга суриб чиқарилаётган бўлса ҳам. Германия энди унинг денгиздаги ва жахон бозорларидаги рақиби эмасди. Яқин Шарқда Англия Усмонийлар империяси “меросининг” талайгина қисмини назорат қиларди.

Франциянинг мавқеи ҳам етарлича кучли эди. Бош вазир Клемансо деярли икки миллионлик армияга таянарди. Ушбу армияни маршал Фош демобилизация қилишга шошилмасди. Франция хавфсизлигини таъминлаш заруриятини пеш қилиб, Клемансо дипломатияси Германияни реванш олиш имкониятидан махрум қилишни ва Европада Франциянинг устиворлигини ўрнатишни кўзлаганди.

Италия, Япония ва бошқа мамлакатлар ҳам ўз манфаатларига эга эди. Гарчанд дастлабкилари “буюк давлатлар” қаторига кирган бўлса ҳам,

уларнинг таъсири катта эмасди ва фақатгина локал масалаларни хал этишда сезиларди.

Урушдан кейинги халқаро муносабатларнинг тизими асосан Париж тинчлик конференцияси ( 18 январь 1919 й. - 28 июнь 1919 й.) ва Вашингтон конференцияси ( 12 ноябрь 1921 й. - 6 февраль 1922 й.) қарорларига суянарди.

Париж конференциясининг ишида 27 мамлакат вакиллари иштрок этди. Конференция “ошкора дипломатия” мисоли деб эълон қилинарди. Парижга мингдан ортиқ делегатлар етиб келди. Фақат Германия ва Совет Россияси вакиллари йуқ эди.

Конференцияни тайёрлаш ва унинг бошланиши даврида АҚШ президенти В. Вилсъонинг “14 банди” ҳақида кўп гапириларди. “Яширин дипломатиядан” воз кечиш ва “адолатли тинчлик” ни ўрнатиш тўғрисидаги баёнатларга қарамай конференциянинг асосий қарорлари буюк давлатларнинг, биринчи галда Буюк Британия, АҚШ ва Франциянинг, ошкор этилмаган мурасага келишлари натижаси сифатида намоён булди.

Халқаро ташкилот ҳақидаги масала муҳокама биринчилар қаторида қилинди. Миллатлар Лигасини барпо этиш тўғрисидаги резолюция қабул қилинди. Шундай ташкилотнинг зарурлиги тўғрисидаги масала Биринчи жаҳон урушидан олдин ҳам қўйилганди. Уруш даврида эса унинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан турли гуруҳлар ва хатто Англия, АҚШ ва Францияда ҳукумат даражасидаги комиссиялар шуғулланарди. Миллатлар Лигасини барпо этиш лойиҳасини АҚШ президенти Вудро Вильсон ҳам ўзи билан бирга Парижга олиб келди.

Париж конференцияси Миллатлар Лигасининг Низомини тайёрлаш мақсадида Вильсон бошчилигида махсус комиссияни ташкил этди. Ушбу ҳужжат негизида инглизлар ва америкаликларнинг қўшма лойиҳаси ётарди.

13 февралга келиб Миллатлар Лигасининг Низоми тайёр бўлди ва эртаси куни Вильсон томонидан конференцияга тақдим этилди. Низом 26 банддан иборат бўлиб, унда Лига аъзоларининг вазифалари ва мажбуриятлари, ташкилотнинг ишлаш тамойиллари, тузилиши белгилаб берилди. Лиганинг бош ташкилотлари умумий йиғин - Ассамблея ва Кенгаш эди. Қарорлар бир овоздан қабул қилинарди.

Лига аъзолари халқаро муносабатларни тўла ошкораликда тутиб туриш, халқаро ҳуқуқ мезонларига амал қилиш, ташкилотга кирган барча аъзоларнинг ҳудудий яхлитлигини ва мавжуд сиёсий мустақиллигини ҳурмат қилиш ва сақлаш мажбуриятларини олишди.

Мустамлакачиликни сақлаб қолиш кўзда тутилганди. Уни ниқоблаш мақсадида мандат тизими барпо этилди.

Урушдан кейинги вазиятни тартибга солишга оид кўплаб масалалар муҳокама қилинди. Лекин барибир асосий масала - Германиянинг тақдири масаласи эди. Ушбу мамлакат вакиллари Парижга фақатгина тинчлик шартномасини имзолаш учун чақиртирилди.

1919 йилнинг 28 июнида Версаль саройида Германия вакиллари урушдан кейинги тинчлик тартибларини ўрнатишга доир асосий ҳужжатни - тинчлик шартномасини имзолашди. Кейинчалик Германиянинг иттифоқчилари - Болгария, Туркия ва Австро- Венгрия тарқаб кетганлиги сабабли, Австрия ва Венгрия билан алоҳида - алоҳида тинчлик шартномалари имзоланди. Хар бир шартнома Миллатлар Лигасининг Низоми билан бошланарди. Германия мустамлакаларини бўлиб олиш (васийлик номи билан маълум бўлган) “ўзларини ўзи бошқаришга қодир эмас” халқларга ёрдам беришга қаратилган “цивилизациянинг муқаддас миссияси” сифатида эълон қилинарди.

Умуман олганда, Версаль шартномасига кўра, Германия худудининг  $\frac{1}{8}$  қисмини ва аҳолисининг  $\frac{1}{12}$  қисмини йўқотди. Германия Польша, Чехославакия, Люксембургнинг мустақиллигини тан олди; Австриянинг мустақиллигини “қатъий хурмат” қилиш мажбуриятини ҳам олди. Рейн дарёсининг чап соҳили бўйлаб, 50 км ичкарасидаги Германиянинг худуди харбийсизлаштирилди.

Германия мустамлакалари Франция, Япония, Бельгия, Португалия, Буюк Британия ва унинг доминионлари ўртасида бўлиб ( мандатлар шаклида) олинди.

Версаль шартномасида Германиянинг қуролсизлаштирилиши кўзда тутилганди. Бундан ташқари, Германия жаҳон урушининг бошланиши ва у етказган зиён учун айбдор деб эълон қилинди. Шу тариқа иттифоқчилар кўрган “барча талафот ва зарарлар” ни қоплаш йўлида Германияда репарацион тўловларни олиш учун ҳуқуқий асос яратилди. Германиянинг шартномани тўла бажаришини таъминловчи кафолат сифатида иттифоқчи кўшинлари томонидан 5 йилдан 15 йилгача бўлган муддат давомида Рейн дарёсидан ғарбда жойлашган худудларни оккупация қилиниши назарда тутилганди.

Биринчи жаҳон урушидан сўнг барпо этилган тартибни одатда Версаль - Вашингтон тизими деб номлашади. Агар Версаль шартномаси асосан Европа давлатларига таалуқли бўлса, Вашингтон конференцияси эса Узоқ Шарқ масалаларини хал этди.

1921 йилнинг 12 ноябрда очилган Вашингтон конференциясига тўққизта мамлакат таклиф этилди: АҚШ, Буюк Британия, Япония, Франция, Италия, Бельгия, Голландия, Португалия ва Хитой. РСФСР ва Узоқ Шарқ республикаси таклиф этилмадилар. Бироқ, Узоқ Шарқ Республикасининг норасмий делегацияси Вашингтонга етиб келишга эришди.

Конференция давомида бир нечта шартномалар имзоландики, улар келгусида халқаро муносабатларнинг ҳолатига жиддий таъсир этди.

1921 йил 13 декабрда АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Япония вакиллари, “Тўрт давлат шартномасини” имзолашди. Ушбу битим уни имзолаган давлатларга Тинч Океани хавзаси оролларидаги эгаликларини кафолатлаб берди. Англия ва Япония ўртасида 1902 йилда тузилган иттифоқ бекор қилинди. Умуман олганда ушбу шартнома буюк давлатларнинг Тинч океанидаги маъқеларига барқарорлаштириш таъсирини ўтказди.

1922 йил 6 февральда АҚШ, Буюк Британия, Япония, Франция, Италиянинг “денгиз қуроолларини чеклаш тўғрисидаги” “Беш давлат шартномаси” имзоланди. Ушбу давлатлар ўртасида харбий денгиз кучларининг аниқ белгиланган нисбати ўрнатилди.

“Беш давлат шартномаси” “қуролсизланиш” эмасди. Фақатгина АҚШ фойдасига кучларнинг силжитиши рўй берди, ҳолос. Буюк Британия сезиларли ён беришларига рози бўлди. Мамлакат “икки буюк давлат стандарти” деб номланадиган анъанавий тамойилдан воз кечишга мажбур бўлди.

Вашингтон конференциясида алоҳида эътибор Хитой, масаласига қаратилди. Хитой унинг ҳудудлари Японияга берилган герман мустамлакаларини қайтарилишини талаб қилиб, Версаль шартномасини имзоламаганди. 1919 йилдаги Версаль талончилигига жавобан “4 май ҳаракати” деб ном олган миллий озодлик ҳаракати бошланди.

1922 йил февралда конференциянинг барча қатнашчилари “Тўққиз давлат шартномаси”ни имзолашди. Ушбу битим Хитойнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги тамойилини эълон қилди. Лекин шу пайтнинг ўзида “очиқ эшиклар” ва “тенг имкониятлар” тамойилларининг тан олиниши Хитойни дунёнинг буюк давлатларига нисбатан қарам қилиб қўярди. Хитой билан тузилган тенгсиз шартномалар бекор қилинмади; хитойликлар божхонаси устидан хорижий назорат сақланиб қолинди. Япония қўшинларини Жанубий Манчжуриядан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги Хитойнинг талабини рад этди.

Вашингтон конференцияси давомида етакчи давлатлар ўртасида юзага келган зиддиятлар Узоқ Шарқ республикасининг чет эллик босқинчилардан озод этилишини тезлаштирди. 1922 йилда Шарқий Сибир ҳудудлари япон қўшинларидан тўла озод этилди.

Юқорида таъкидлаганидек, урушдан кейинги тинчликни тартибга солиш даврида, Версаль - Вашингтон тизими номи билан тарихда маълум бўлган, шартномаларнинг яхлит мажмуи яратилди. Агар Версаль тизими Ғарбий Европанинг урушдан кейинги масалаларини, ҳамда етакчи давлатларнинг Африка ва Яқин Шарқдаги манфаатларини тартибга солган бўлса, Вашингтон тизими эса Узоқ Шарқ ва Тинч океанидаги

зиддиятларни хал этишга харакат қилди. Шу маънода Вашингтон Версалнинг давоми унинг географик кўшимчаси эди; ҳам биринчи, ҳам иккинчи конференцияда аслини олганда дунёни қайтадан тақсимлаб олиниши рўй бермоқда эди.

Шартномаларнинг Версаль тизими Европада “кўрхона” ни ( уруш чиқиши мумкин бўлган жой маъносида ) барпо этди, Яқин Шарқда эса тўхтовсиз ағдар - тўнтарлар ва миллий - озодлик харакатлари негизидаги портлашларнинг ўчоғини келтириб чиқарди.

Шартномаларнинг Версаль - Вашингтон тизими бўлиб чуқур зиддиятлар билан белгиланган оқибатда барбод бўлди.

Совет Россиясининг халқаро майдонга чиқиши урушдан кейинги тинчлик тартибини барпо этиш даврида бўлиб ўтаётганди. Ушбу давлатнинг асосий ташқи сиёсий вазифаси - мамлакатнинг янги ҳукуматини халқаро тан олинишига эришиш эди. 1918 йилда бошланган чет - эл интервенцияси 20 - чи йилларнинг дастлабкиларига келиб деярли тугади. Совет Россияси Эстония, Латвия, Литва ва Финляндия билан тинчлик шартномаларини имзолади. 1920 йилнинг январида Антанта Олий Кенгашининг қарорига кўра Россиянинг иқтисодий қамали бекор қилинди. Польша билан рўй берган харбий тўқнашув 1921 йил 18 мартда сулх тузилиши билан яқунланди.

Дунёнинг етакчи давлатлари билан алоқаларини ўрнатишга олиб борадиган энг амалий йўл - савдо эди. 1920 - 1921 йилларда Шўролар Россияси бир қатор иқтисодий, сиёсий ва савдо битимларини имзолашга эришди. Энг муҳимларидан бири ҳисобланган Англия ва Совет Россияси ўртасида имзоланган шартноманинг (март 1921 й.) ахамияти савдо соҳаси доирасидан кенгроқ эди. Ушбу шартнома Совет давлатини де - факто (амалда) тан олинишини англатарди. 1921 йил 6 май куни Германия билан вақтинчалик битим имзоландики, унда Берлиндаги совет элчихонаси “Россиянинг ягона қонуний вакили” сифатида тан олинади. Германия ва Буюк Британиядан сўнг савдо шартномалари қатор мамлакатлар билан имзоланди.

Европанинг йирик давлати билан Совет Россиясининг расман (де - юре) ўзаро тан олиш тўғрисидаги дастлабки шартномаси Германия билан 1922 йил 16 апрелда Рапаллода (Генуя яқинида) Генуя конференцияси давомида (10 апрель - 19 май 1922 й.) имзоланди.

1924 йилдан бошлаб келгуси йилларда СССР Ғарбнинг деярли барча давлатлари томонидан тан олинди. СССР халқаро майдонда муҳим роль ўйнай бошлади.

Иккинчи жаҳон урушидан олдинги ўн йиллик давлатлараро зиддиятларнинг жиддий кескинлашуви билан тавсифланди.

1929 - 1933 йиллардаги жахон иқтисодий инқирози ғолиб мамлакатлар ўртасидаги, ҳамда улар ва мағлуб мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашувига олиб келди.

Инқирознинг охирига келиб Европадаги кучлар нисбатида ўзгаришлар рўй берди. Версаль тизимининг муҳим қисмлари бартараф қилинди. Германиянинг Рейн зонаси ва ўзининг иқтисодиёти устидан суверенитети тикланди. Франциянинг Ғарбий Европадаги мавқеи заифлашди. Шу билан бир қаторда АҚШнинг Европа масалаларини хал этишдаги роли кучайди.

Ушбу йилларда буюк давлатлар ўртасидаги рақобат денгиз қуроллари соҳасида ҳам бўлиб ўтарди. 1930 йилнинг январь - апрелида Лондонда денгиз қуроллари масаласи бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Буюк Британия, Япония, Франция ва Италия давлатлари қатнашди. Конференцияда Вашингтон конференциясининг ( 1921 - 1922 йй.) қарорлари қайта кўриб чиқилди. Аслида, АҚШ, Буюк Британия ва Япония ўртасида харбий - денгиз кучларининг деярли тенг нисбати ўрнатилган эди.

30 - йиллар бошида Франция дипломатияси Германия билан яқинлашишига уриниб кўрди. Бироқ бу уриниш муваффақиятсизликка учради. Германия Версаль шартномасини “бажариш сиёсатини” яқунлаб бўлганди ва реванш олиш сиёсатини амалга оширишга фаол ўтаётган эди.

1932 йил 2 февральда қуроулсизланиш масалалари бўйича Женевада очилган халқаро конференцияда Германия барча мамлакатлар учун бир хил бўлган “хавфсизлик тизими доирасидаги тенг ҳуқуқлик” га эришди. Бу - Германия харбий салоҳиятининг тикланишини халқаро миқёсида тан олинганлигини аниқларди.

Жахон иқтисодий инқирози йилларида етакчи давлатлар ўртасидаги зиддиятлар Тинч океани хавзасида ва Узоқ Шарқда кескинлашди.

1931 - 1932 йилларида Япония Шимоли - шарқий Хитойни (Маньчжурияни) босиб олди. Йирик давлатлар ва Миллатлар Лигаси, аслини олганда, Япония тажовузига қарши ҳеч қандай ҳаракатни амалга оширишмади. 1933 йилда Япония Миллатлар Лигасини тарк этди. Шундай қилиб, Япониянинг Хитойдаги тажовузи натижасида, Узоқ Шарқда хавфли харбий ўчоғи юзага келди.

Германияда ҳокимият тепасига Гитлер бошчилигидаги национал - социалистлар партиясининг келиши халқаро вазиятни жиддий тарзда мураккаблаштирди. Япониянинг Узоқ Шарқдаги тажовузи бошлангидан сўнг бир ярим йилдан камроқ вақт ўтиши биланоқ Европа марказида харбий хатарнинг янги ўчоғи пайдо бўлди.

1933 йилнинг октябрида Германия Миллатлар Лигаси таркибидан чиқди. 1935 йилнинг март ойида Германияда умумий харбий мажбурият жорий этилди. 1935 йилнинг июнида имзоланган инглиз - герман битими

Германиянинг денгиздаги қуролланишини қонунлаштирди. Версаль тизимини йўқ қилишга қаратилган Германиянинг сиёсати етакчи давлатларнинг чинакам қаршилигига учрамади.

Аксинча, АҚШ ва Англиянинг йирик монополиялари Германиянинг харбий - иқтисодий салоҳиятини тикланишига ёрдам беришди.

Харбий - иқтисодий салоҳиятининг ўсишига аҳолиси немислардан иборат Саар саноат вилоятининг Германияга қўшилиши ҳам кўмаклашди. Ушбу воқеа 1935 йилнинг январида ўтказилган плебисцит натижасида рўй берди.

Етакчи давлатларнинг “тинчлантириш” ва “аралашмаслик” бепарво сиёсати Германия, Италия ва Япониянинг 1935 йилдан бошлаб тўғридан - тўғри экспансия сиёсатига ўтишига олиб келди.

1936 йилнинг баҳорига келиб Италия Эфиопияни босиб олди. 1936 йил 7 март куни герман қўшинлари Рейн харбийсизлаштирилган зонага кириб келишди. Ушбу ҳаракат Версаль шартномасини имзолаган буюк давлатларнинг биронта самарали қарашлигига учрамади. Германия ва Италия Испаниядаги фуқаролар урушига фаол аралашиди, бу эса республиканинг қулаши ва ушбу мамлакатда Франко бошчилигидаги фашистлар тартиботининг ўрнатилишига олиб келди.

1937 йилнинг июлида Япониянинг Хитойга нисбатан экспансиянинг янги босқичи бошланди. Японлар Пекин, Тяньцзинь ва Шимолий Хитойнинг бошқа йирик марказларини босиб олишди. 1937 йилнинг августида япон қўшинлари Хитойнинг энг йирик шаҳри - Шанхайни эгаллашди. Марказий Хитойни япон армияси томонидан забт этилиши бошланди.

Тажовузкор давлатларнинг позициялари ўзаро яқинлашди ва бу ҳолат 1937 йилнинг ноябрига келиб “Берлин - Рим - Токио учбурчаги” нинг (“Комитернга қарши ахднома”) ташкил этилишига олиб келди.

Тажовузкор давлатлар блоки расмийлаштирилганидан сўнг фашистлар Германияси тажовузларининг янги босқичи ҳам бошланди. 1938 йил 12 мартда герман қўшинлари Австрияга бостириб киришди ва мамлакатни эгаллашди. Эртаси куни Австриянинг Германияга янги канцлери Зейсс - Инкварт Австриянинг Германияга қўшилиши тўғрисида эълон қилди. 1938 йил апрель бошида Англия, Франция ва АҚШ ўзларининг Венадаги дипломатик миссияларини тугатишди ва шу тариқа аншлюсни тан олишди.

Фагистлар тажовузига қаршилик қилиш масаласи энг асосий халқаро масалалардан бири бўлиб қолди. Бироқ, ўша даврнинг йирик давлатлари, шу жумладан СССР ҳам, фашистлартажовузига қарши биргаликда ҳаракат қилишнинг ягона механизмларини ишлаб чиқишга қодир бўлмади. Етакчи давлатлар делегацияларининг кўплаб музокаралари аниқ натижалар

бермади. Илгари имзоланган турли ахдномалар ва битимлар, аслини олганда, бажарилмасди.

Ушбу холат тажовузкор давлатларни кейинги экспансия қадамларини қўйишга турткиларди.

Австрия аншлюс қилинганидан сўнг Германия Чехославакияни босиб олишга киришди. Гитлер аҳолисининг кўпчилигини немислар ташкил этган Судет вилоятини Германияга топшириш талабини илгари сурди. Етакчи ғарб давлатлари Чехославакияга ҳеч қандай ёрдам беришмади.

СССР Чехославакияга Герман тажовузига учраган тақдирда ёрдам беришга тайёргарлигини баён этди. Лекин, Чехославакия раҳбарияти ёрдам сўраб СССРга мурожаат қилмади. Чехославакия ҳукумати Германиянинг ультиматив талабига рози бўлиш қарорини қабул қилди.

1938 йил 29 сентябрида Мюнхенда Чембрлен, Деладье, Муссолини ва Гитлер бир неча соат ичида Чехославакиянинг тақдирини хал этишди. Чехославакия 10 кунлик муддатда Судет вилоятини Германияга бериши лозим эди. Чехославакия ўз ҳудудларининг  $\frac{1}{5}$  қисмини ва аҳолисини дарли  $\frac{1}{4}$  қисмини йўқотди. Ушбу мамлакат ҳукумати Мюнхен битимини қабул қилиши тўғрисида эълон қилди. 1938 йил Мюнхен битими Ғарбнинг Германия билан кучайиб бораётган зиддиятларини юмшатишга қаратилган уриниши эди. Ушбу даврга келиб Германия саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми жихатидан Англия ва Франциядан ўзиб кетганди. Германия Ғарбий Европада устивор харбий кучга айланмоқда эди.

1939 йил 15 март куни, Мюнхен битимини бузиб, герман қўшинлари Чехия ва Моравияни эгаллашди ва уларни протекторат деб эълон қилишди. Бундан уч кун аввал Словакиядаги гитлерчилар агентураси ушбу вилоятни мустақил давлат сифатида эълон қилганди. Ғарб мамлакатлари Чехославакияни химоя қилишга қаратилган биронта қадам ҳам қўйишмади. Ушбу мамлакатлар Гитлер Шарққа ҳаракатланади деб умид боғлашганди.

Шу орада тажовузкорлик ҳаракатлари бирин - кетин давом этаверди. 1939 йил 21 мартда гитлерчилар Польшадан Данциг (Гданьск) шаҳрини Германияга берилишига рози бўлишини талаб қилишди. Эртаси куни Герман қўшинлари Литвага тегишли бўлган Клайпеда (Мемель) вилоятига кириб келишди. Апрельда Италия Албанияга бостириб кирди ва уни эгаллади.

Англия, Франция ва АҚШда Германия, Италия ва Япониянинг экспансияси нақадар улар учун хатарли эканлигини англай бошлашди.

1939 йил 22 мартда Францияда ва Англия агар биронтаси учинчи давлат томонидан хужумга учраса, ўзаро ёрдам бериш тўғрисидаги ноталар билан алмашишди.

Америка хукумати эса 1939 йил ёздан хом -ашё ва харбий материаллар билан ёрдам беришни бошлади.

1939 йилнинг июлиданок инглиз дипломатияси Германия вакиллари билан барча мунозарали масалаларни таъсир доираларини бўлиб олиш негизида хал этиш тўғрисида яширин музокараларини бошлади.

СССР, Англия ва Франция ўртасида 1939 йилнинг ёзида Москвада олиб борилган харбий музокаралар эса аниқ натижалар бермади.

Европада уруш хар қандай кунда бошланиши мумкин эди. Узоқ Шарқда Совет армияси аллақачон япон кўшинларига қарши йирик тўқнашувга тортилганди.

1939 йилнинг май ойида Япония Мўғулистон Халқ Республикасига бостириб кирди. Совет кўшинлари СССР - МХР шартномасига мувофиқ тарзда, Мўғулистон халқ армияси билан биргаликда япон кўшинларига қарши харбий харакатлар олиб боришди.

Англия ва Франция билан музокараларнинг муваффақиятсизлигига амин бўлган СССР Германиянинг хужум қилмаслик шартномасини имзолаш тўғрисидаги бир неча маротаба қилган таклифларини қабул қилди. Шундай шартнома 1939 йилнинг 23 августида имзоланди. Шартномага кўра Германия ва СССР Шарқий Европада ўз давлат манфаатларига оид таъсир доираларини тақсимлаш масаласида мурасага келишди.

Ушбу шартномага бахо бериш масаласи тарихчилар орасида кўплаб бахслар ва мунозараларини келтириб чиқармоқда.

1939 йилнинг ёзига келиб Германия урушга тайёргарлик кўришни яқунлади. Гитлер Мюнхен битими ва Чехословакияни босиб олиш тажрибасига таяниб, Польша иттифоқчилари - Буюк Британия ва Франция - ёки Германияга умуман уруш эълон қилмайди, ёки хар холда Польшага амалий ёрдам бермайди деб хисобларди.

1939 йил 1 сентябрьда Германия Польшага бостириб кирди. 1939 йил 3 сентябрида эса Буюк Британия ва Франция Германияга уруш эълон қилишди. Иккинчи жахон уруши бошланди.

Италия Германиянинг “урушмаётган иттифоқчиси” ўрнини эгаллади. АҚШ ўзининг бетарафлиги тўғрисида эълон қилди. Немис кўшинларининг сон ва техник жихатдан ката устунликка эга бўлганлиги сабабли поляклар армияси душманга қарши туришга қурби етмасди. 17 - 18 сентябрьда Польша хукумати ва харбий кўмондонлиги Руминия худудларига ўтиб кетди. 1939 йилнинг 28 сентябрига келиб немис кўшинлари Варшавани эгаллашди ва октябрь бошигача поляклар армияси қаршилигининг охири ўчоғларини бостиришди.

Харбий харакатлар тўхтатилди. Польша мағлубиятга учради. Франция ва Англия, Германияга уруш эълон қилиб, хеч қандай харбий

харакатлар олиб боришмади. Шу тариқа, Ғарбий фронтда “ғалати уруш” рўй бермоқда эди.

1939 йил 17 сентябрда хужум қилмаслик тўғрисидаги совет - Герман шартномасининг махфий қўшимча протоколига кўра СССР ўз қўшинларини Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссияга киритди. Совет қўшинлари 1919 йилдаёқ Польшанинг шарқий чегараси сифатида белгиланган “Керзон чизиғида” тўхтатилди. 1939 йил 28 сентябрда СССР ва Германия ўртасида имзоланган “Дўстлик ва чегара тўғрисида” ги шартномага кўра Герман ва совет қўшинлари ўртасидаги демаркацион чизиғи ( чегараси ) Сан ва Ғарбий Буг дарёлари бўйлаб белгиланди.

Польша ерлари Германия оккупацияси остида қолди. Украина ва Белоруссия ерлари эса СССРга қўшиб олинди.

СССР, Германия билан тузилган “Дўстлик ва чегара тўғрисида” ги шартномага таяниб, Болтиқ бўйи мамлакатлардан ўзаро ёрдам бериш тўғрисидаги шартномаларни имзолашни ва ўз ҳудудларида совет харбий базаларини жойлаштиришни талаб қилди. 1939 йилнинг сентябрь - октябрида Эстония, Латвия ва Литва бунга розилигини беришга мажбур бўлди. 1940 йил 14 - 16 июнда Франциянинг фашистлар Германияси томонидан фактик жихатдан тор - мор этилишидан сўнг, Сталин Болтиқ бўйининг ушбу мамлакатларига СССР билан тузилган шартномаларни “халоллик билан” бажаришга тайёр янги ҳукуматларни шакллантириш ва ушбу давлатлар ҳудудларига совет қўшинларини (“хавфсизликни таъминлаш учун”) киритиш тўғрисидаги ультиматумни қўйди. Бир неча кундан сўнг Эстония, Латвия ва Литвада “халқ ҳукуматлари” тузилдики, улар махаллий коммунистлар ёрдамида Болтиқ бўйида Совет ҳокимиятини ўрнатишди.

Ўз навбатида Финляндияга қарши уруш Қизил армиянинг нисбатан кучсизлигини очиб ташлаши СССР учун совет - герман тўқнашувини иложи борича кейинга суришга ва Германия билан янада яқинлашувига ката туртки бўлди. Немис иқтисодиёти учун зарур бўлган нефт, пахта, дон, рангли металлларни катта қўламда етказиб бериб, СССР Германияга қаратилган савдо қамалига путур етказарди.

Узоқ давом этган танаффусдан сўнг 30 - чи йилларда харбий соҳадаги совет-герман ҳамкорлиги ҳам тикланди. Совет раҳбарияти хатто Германияга Мурманск соҳилидаги харбий - денгиз базасини тақдим этди, бироқ Норвегияни босиб олгандан сўнг Гитлер ундан воз кечди. Сталин ва Молотовнинг расмий баёнотларида фашистлар Германияси сулҳпарвар қилиб кўрсатиларди, Англия ва Франция эса уруш оловини ёқувчилари ва уни давом эттириш тарафдорлари сифатида каттиқ танқид қилинарди. Франциянинг тор - мор этилиши муносабати билан Молотов Совет ҳукумати номидан гитлерчилар раҳбариятини табриклади. Қолаверса, Сталин СССР ҳудудларида паноҳ топган 800 немис ва австриялик

антифашистларни Гитлер қўлига топширди. Германия “Ғалати урушдан” фойдаланиб, фаол харбий харакатларга тайёрланди.

1940 йилнинг апрелида Дания ва Норвегия оккупация қилинди. 1940 йилнинг 10 майдан 22 июнигача Голландия, Бельгия ва Франция босиб олинди. Италия ҳам Англия ва Францияга уруш эълон қилди. “Очиқ шаҳар” деб эълон қилинган Париж немис қўшинларига жангсиз топширилди. Франциянинг ўзи икки зонага бўлиб ташланди: оккупация қилинган (мамлакатнинг шимолий ва марказий қисмлари) ва оккупация қилинмаган (мамлакатнинг жанубий қисми; бу ерда маршал Петэн тартиботи ўрнатилди.)

“Тинчлантириш” сиёсатининг тўла барбод бўлганлиги сабабли Буюк Британияда Н.Чемберлен ўрнига хокимият тепасига Уинстон Черчилль бошчилигидаги коалицион ҳукумат келди ва мамлакатни немис қўшинларидан мудофаа қилишни ташкил этди. Гитлернинг вахшиёна бомба ёғдириши йўли орқали Англияни енгиш ниятлари барбод бўлди. Британия оролларига қўшин тушириш режасидан воз кечишга тўғри келди.

1939 йилнинг ўзидаёқ АҚШда бетарафлик тўғрисидаги қонун қайта кўриб чиқилди. Натижада урушаётган мамлакатлар АҚШдан қуроллар ва харбий материаллар сотиб олиш имкониятига эга бўлди. 1941 йил 11 мартда эса ленд - лиз тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Унга кўра мудофааси АҚШ учун ўта муҳим бўлган мамлакатларга қурол - аслахалар қарзга ёки ижарага тақдим этиларди. Ушбу қонун Англияга АҚШ нинг улкан ёрдамини олиш имконини берди.

1940 йилнинг сентябрида Германия, Япония ва Италия ўртасида сиёсий ва харбий - иқтисодий иттифоқ тўғрисидаги Учлар ахдномаси имзоланди.

Шу пайтнинг ўзида, харбий харакатлар Африкада ва Ўрта ер денгизида ҳам олиб борилди. Италия қўшинларининг шимоли - шарқий Африкада инглиз армиясидан мағлубияти Германияни ўзининг экспедицион қўшинларини Ливияга ташлашга мажбур қилди. Немис қўшинлари, итальян қўшинлари билан биргаликда британияликларни Миср чегараси томон чекинишига мажбур этди.

1941 йилнинг март ойига келиб Германия Жануби - Шарқий Европа устидан ҳам ўз назоратини ўрнатди. Руминия, Венгрия, Югославия ва Юнонистон босиб олинди. Немис қўшинлари киритилган Болгария 1941 йилнинг мартадаёқ Учлар ахдномасига қўшиб олинди. Шундай қилиб, СССР га бостириб кириш учун қулай плацдарм яратилди.

1941 йил 22 июнда Германия, ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномани бузиб, уруш эълон қилмасдан, СССР- га ҳужум бошлади.

Қуролли кучларни қайта ташкил этишдаги кўпол хатолар ва ушбу жараённи охирига етказилмаганлиги, армиянинг қўмондонлик таркиби

орасидаги катагонлар, Германия билан имзоланган шартномаларга ортиқча баҳо бериб юбориш урушнинг дастлабки йилларида СССР ни мағлубият ёқасига олиб келди.

Бироқ улкан ички ресурсларни зўр бериб ишлатиб, СССР урушда бурилиш яшашга эришди. Бутун уруш давоми совет -герман fronti асосий ва хал қилувчи фронт хисобланган. Совет - герман frontiда рўй берган бир қатор йирик жангларда ( Москва остонасидаги жанг, Ленинград қамалини ёриб ўтиш, Сталинград жанги, Курск жанги ва бошқ. ) немис қўшинларини қақшатгич мағлубиятга учради. Аслини олганда, Германиянинг харбий машинаси ушбу жангларда сингдирилганди ва урушнинг натижаси олдиндан хал қилиб қўйилганди.

Германиянинг СССРга хужумидан сўнг Гитлерга қарши коалиция (иттифок) шакллана борди. Шундай иттифокнинг барпо этилиши 1942 йилнинг июнига келиб яқунланди ва унинг негизини СССР, АҚШ ва Буюк Британия каби мамлакатлар ташкил этди.

1943 йилнинг ёзида Курск жангида герман қўшинларининг қақшатгич мағлубияти, ҳамда инглиз - америка қўшинларининг Сицилияни эгаллаши ва Аппенин ярим оролининг жанубида туширилиши натижасида Италиянинг ўша йилнинг сентябрида таслим бўлиши фашистлар - милитаристлар блокининг парчаланишини бошлаб берди.

Гарчанд асосий жанглар Европа қитъасида рўй берган бўлса, Африка, Осиё ва Тинч океанида ҳам харбий ҳаракатлар авж олди.

1941 йил 7 декабрьда япон авиацияси АҚШ нинг харбий - денгиз базаси - Пёрл Харборга ( Гавайи ороллари ) ёпирилиб зарба берди. Жануби - Шарқий Осиёда Япония кенг хужум бошлади. 1942 йилнинг май ойигача япон қўшинлари Тинч океанинг кўплаб оролларида жойлашган АҚШ ва Буюк Британияга тегишли харбий - денгиз базаларини эгаллашди. Японлар Жануби - Ғарбий Хитой ва Шарқий Хиндистонга ҳам бостириб кирдилар.

Бироқ 1942 йилнинг май - июнида бўлиб ўтган жанглар натижасида АҚШ Японияни бир қатор қақшатгич мағлубиятларга учрата олди. Япония харбий - денгиз кучлари ўз кудратидан махрум бўлди ва Тинч океани хавзасида мудофаага ўтишга мажбур бўлди.

Немисларнинг асосий кучлари совет - герман frontiга тортилганлиги британ қўшинлари учун Африкада 1942 йилнинг кузида хужумга ўтиш имконини яратди. Яқин Шарқ мамлакатларига солинаётган нацистлар таҳдиди бартараф этилди. 1943 йилнинг май ойида Шимолий Африкадаги немис - итальян қўшинлари тўла таслим бўлди.

СССР, АҚШ ва Буюк Британия давлатлари раҳбарларининг Техрон конференциясида (28 ноябрь - 1 декабрь 1943 й.) иккинчи фронтни 1944 йилнинг май ойида Ғарбий Европада Францияда очиш қарори қабул

қилинганди. Лекин иттифоқчи қўшинларининг туширилиши бир - неча бор орқага сурилди.

1944 йилнинг биринчи ярмида совет қўшинлари бир қатор йирик харбий операцияларни амалга оширишди. Иккинчи фронт очилишини яна чўзишнинг имкони қолмади. 1944 йил 6 июнда иттифоқчи инглиз - америка қўшинлари Нормандияда (Франция) туширилди ва Шарққа томон аста - секин ҳаракатлана бошлашди. 1944 йилнинг охиригача иттифоқчилар немис қўшинларини Франция, Бельгия ва Марказий Италиядан ҳайдаб чиқардилар.

1944 йилнинг иккинчи ярми - 1945 йил бошида Жануби - Шарқий ва Марказий Европа мамлакатлари совет қўшинлари томонидан озод этилди. Германия, иттифоқчилари - Руминия, Болгария, Финляндия, Венгриядан маҳрум бўлиб, яққаланиб қолди. 1945 йилнинг февралдан харбий ҳаракатлар Германия ҳудудларига кўчирилди.

1945 йилнинг 4 - 11 февраль кунлари Қримда ( Ялта) СССР, АҚШ ва Буюк Британия давлатлари раҳбарларининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда иттифоқчиларнинг келгуси харбий ҳаракатлари мувофиқлаштирилди, Германия таслим бўлганидан сўнг уни назорат қилишнинг шакллари ва усуллари белгилаб олинди. СССР ўз зиммасига Германия таслим бўлганидан сўнг 2 - 3 ой ўтгач Японияга қарши урушга кириш мажбуриятини олди.

Уч давлат қарорига кўра 1945 йил 25 апрельда Сан - Францискода очилган конференцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) таъсис этилди. Ялпи тинчликни сақлаш бўйича асосий масъулият Хавфсизлик Кенгашига юклатилди.

1945 йилнинг апрелида совет армияси Берлинга ҳал қилувчи ҳужумни бошлади. Ғарбдан инглиз - америка қўшинлари ҳам ҳужум олиб боришди. Иттифоқчи қўшинларнинг учрашуви 1945 йил 25 апрельда Эльба дарёси ёнида Торгау шаҳри атрофида рўй берди. Шимолий Италиядаги немис қўшинларининг қолдиқлари 1945 йил 29 апрельда таслим бўлди. “Сало Республикаси” йўқ қилинди, Муссолини эса партизанлар томонидан отиб ташланди. Совет қўшинлари Германия пойтахтини қуршаб олишни яқунлаб, 2 май куни Берлинни штурм билан ишғол этди. 1945 йил 8 майда герман қўмондонлиги Германиянинг сўзсиз таслим бўлганлиги тўғрисидаги актни имзолади.

Герман қўшинларининг бир қисми Прага шаҳрида кўзғолон кўтарган чех ватанпарварларига қарши харбий ҳаракатларни давом эттирди, бироқ совет қўшинларининг шитоб билан қилган зарбаси натижасида тор - мор этилди. 1945 йил 9 майда Прага озод этилди. Европада харбий ҳаракатлар тўхтатилди.

1945 йилнинг 17 июлидан 2 августига қадар Потстамда (Берлин яқинида) СССР, АҚШ ва Буюк Британия давлатлари раҳбарларининг

учинчи конференцияси бўлиб ўтди. Потсдам конференцияси урушдан кейин дунёнинг тузилишига бағишланган эди. Конференция ишидаги марказий эътибор Германияга нисбатан олиб бориладиган сиёсат масаласига қаратилди. Иттифоқчилар Германияни тўла қуролсизлантириш ва харбийсизлантириш, фашистлар партиясини йўқ қилиш, Германияда сўз, матбуот ва дин эркинлигини тиклаш, эркин касоба уюшмаларини тузишга ва демократик партияларнинг фаолият олиб боришга рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилишди.

1945 йилнинг март ойигача инглиз - америка қўшинлари Тинч океани хавзасида ва Жануби - Шарқий Осиёда Японияга қарши муваффақиятли харбий ҳаракатлар олиб боришди. СССР ўз зиммасига олган мажбуриятларга мувофиқ тарзда 1945 йил 9 августда Японияга қарши урушга кирди. Совет қўшинларининг Мўғулистон Халқ Республикаси қуролли кучлари билан биргаликда амалга оширган шиддатли зарбаси натижасида Квантун армияси тор - мор этилди. Шимолий - шарқий Хитой, Шимолий Корея, Жанубий Сахалин ва Курил ороллари япон қўшинларидан тозаланди.

6 ва 9 августда Америка авиацияси япон шаҳарлари Хиросима ва Нагасакига атом бомбаларини ташлади. Ядровий қуролни ишлатишни харбий зарурияти йўқ эди, чунки Япониянинг харбий қудрати синдириб бўлинганди.

1945 йилнинг 2 сентябрида Токио кўрфазида Америка линкори “Миссури” бортида Япония сўзсиз таслим бўлганлиги тўғрисидаги актни имзолади. Иккинчи жаҳон уруши якунланди.

Урушнинг асосий натижаси - фашизм устидан эришилган ғалаба эди. СССР нинг халқаро нуфузи мислсиз ошиб кетди. Ғарбнинг буюк давлатларидан фақат АҚШ урушдан жиддий кучайиб чиқди. Иккинчи жаҳон уруши натижасида халқаро сиёсатидаги кучлар нисбати кескин ўзгарди.

Потсдам конференциясининг ўзидаёқ, зиммасига Германиянинг собиқ иттифоқчилари билан тинчлик шартномаларининг лойихаларини тайёрлаш вазифаси топширилган, Ташқи Ишлар Вазирлари Кенгаши барпо этилди. Шундай шартномалар тайёрланди ва 1947 йилнинг 10 февралда Болгария, Венгрия, Италия, Руминия ва Финляндия билан имзоланди.

Париж тинчлик конференциясида ( июль - октябрь 1946й. ) СССР ва Ғарб давлатлари ўртасида дунёнинг урушдан кейинги тузилишига оид энг муҳим масалалар бўйича келишмовчиликлар кўзга ташланди.

Герман масаласини тартибга солишга оид зиддиятларнинг зўрайиб кетиши Германияни ( 1949й. ) турли ижтимоий тузумга эга икки давлатга бўлиниб кетишига олиб келди.

Собиқ иттифоқчилар ўртасидаги муносабатлар ёмонлашди, ҳамда харбий - техник, савдо - иқтисодий, сиёсий рақобат ва қарама - қаршилиқ тусига кирди. Бир томоннинг ташқи сиёсий қадамлари ва ҳаракатларига иккинчи томон ўз манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид сифатида қарарди.

Шарқий Европа мамлакатларида социалистик йўналишдаги тартиботларнинг ўрнатилишини, мустамлака мамлакатларидаги озодлик ҳаракатларининг СССР томонидан қўллаб - қувватланишини Ғарб СССРнинг Европа ва бутун дунёда ўрнатилган анъанавий кучлар нисбатини бузишга қаратилган интилиши деб қабул қиларди.

Шу пайтнинг ўзида, Американинг Фултон шаҳрида У. Черчилль томонидан сўзланган нутқи СССР-да “Совуқ уруш” -нинг очикдан - очик эълон қилиниши сифатида кўрилди.

Атом қуролига АҚШ нинг вақтинчалик монополияси, 1947 йилнинг мартада илгари сурилган “Трумэн доктринаси”, “Маршалл режасининг” амалга оширилиши СССР ва унинг иттифоқчилари томонидан уларнинг хавфсизлигига таҳдид ва Европа давлатларининг ички ишларига аралашиб уринишлари дея қараларди. СССРда халқаро муносабатлар тўғрисидаги тушунчаларнинг асосида урушдан кейинги дунёнинг икки қарама - қарши лагерга - социалистик ва империалистик - бўлиниб кетганлиги ҳақидаги соддалаштирилган тезиси ётарди. Бундай ёндашув турли ижтимоий тузумларга эга давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг муросасизлигини олдиндан белгилаб қўйди.

Ғарб эса блоклар тузиш стратегияси ва СССР ни харбий базалар билан ўраб олиш сиёсатини қўллади. 1949 йилда Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти ( НАТО ) барпо этилди. Унга АҚШ ва “Маршалл режаси” да иштирок этган мамлакатларнинг кўпчилиги аъзо бўлиб кирди.

50 - йилларда блоклар стратегияси Осиё ва Тинч океани хавзасига ҳам ёйилди. АНЗЮС, СЕАТО, СЕНТО каби ташкилотлар юзага келди.

Бунга жавобан СССР, ҳамда Марказий ва Жануби - Шарқий Европа мамлакатлари 1955 йил май ойида Варшава шаҳрида “Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги” шартномани имзолашди. Шу тариқа “социалистик йўналишдаги” мамлакатларнинг блоки расмийлаштирилди.

60 - йилларнинг бошида буюк давлатларнинг харбий - сиёсий иттифоқларига қўшилмаслик ҳаракати шаклланди. Қўшилмаслик ҳаракатига 100 дан ортиқ давлатлар қўшилди. Ҳаракат жаҳон сиёсатининг муҳим омилига айланди.

Мафқуралашган тусга эга харбий - сиёсий иттифоқларнинг барпо этилиши халқаро муносабатларнинг характерига салбий таъсир кўрсатди. Урушдан кейинги даврда рўй берган барча йирик минтақавий низоларда икки муросасиз блок манфаатларининг бир - бировига қарши кураши бўлиб ўтарди.

Аслини олганда халқаро муносабатларни захарлаб келган “совук уруш” 80 - йилларнинг иккинчи ярмига қадар давом этди. Ғарб ва Шарқ ўртасидаги муносабатлар кескин ҳолатда бўлди. Икки блок қарама - қаршилиги баъзи ҳолларда хатарли даражага етиб борарди. Бу эса инсониятни ядровий уруш ёқасига етаклаган ўта хавфли халқаро инқирозларни келтириб чиқарарди. Шундай даврлар бўлдики, кескинлик пасайиб ( 70 – йиллар ), турли блокларга мансуб давлатлар ўртасидаги муносабатлар яхшиланди, қуролланиш пойгасини чеклашга қаратилган ўзаро мақбул шартномалар ва келишувлар имзоланди. Аммо икки гуруҳ раҳбариятининг яхши ўйланмаган қадамлари оқибатида муносабатлар қайтадан бузиларди ( 70 - йилларнинг иккинчи ярми - 80 - йилларнинг биринчи ярми ) ва дунё халқаро вазиятнинг навбатдаги кескинлашувини яна кузатарди.

Халқаро муносабатлар характерида туб бурилиш 80 - йилларнинг иккинчи ярми - 90 - йилларнинг бошида рўй берди. СССРда ҳокимият тепасига янги раҳбарларнинг келиши совет ташқи сиёсатини “янгича фикрлаш” тамойиллари асосида кескин янгилаш имконини яратди.

Хавфсизлик умум қамровли характерга эга бўлиши ва биринчи галда сиёсий воситалар орқали таъминланиши лозимлиги тан олинди.

“Умумевропа уйи” ни қуриш ғояси ривожланди ва кенг жамоатчилик томонидан қўллаб - қувватланди.

Ушбу даврда АҚШ ва СССР ўртасидаги муносабатлар яхшиланди. Икки томон бир - бировига душман сифатида қарашни тўхтатишди. Совет -америка ўзаро муносабатларнинг яхшиланиши натижасида ядровий ва оддий қуролларни сезиларли даражада қисқартириш бўйича бир қатор муҳим шартномалар ва битимлар имзоланди.

Шу пайтнинг ўзида кўплаб минтақавий можаролар ва халқаро масалаларни тартибга солишга қаратилган сиёсий қадамлар қўйилди. 1990 йилда Германиянинг бирлашиши Иккинчи жаҳон уруши якунлари тагига сўнгги чизигни тортди.

СССР нинг парчаланиб кетиши ва МДХ нинг ( Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги ) ташкил топиши Марказий ва Жануби - шарқий Европа мамлакатларида янги тартиботларнинг ўрнатилиши, Варшава шартномаси ташкилотининг ўзини ўзи тарқатиб юбориши 90 - йилларда дунёдаги геосиёсий вазиятга таалуқли йирик ўзгаришларга олиб келди.

Шу билан бир қаторда, халқаро тусдаги йирик муаммолар ҳам кўзга ташланди: диний можароларнинг янги ўчоғлари пайдо бўлди, ядровий қуролни назорат қилиш ва тарқатмаслик масаласи янги кескинлик касб этди, ўтқир экологик муаммолар зўрайиб кетди, халқаро жинойтчилик ва наркотик моддаларини тарқатишнинг ўсиши катта таҳлика уйғотмоқда, террорчилик халқаро ҳамжамиятнинг энг дардли муаммоларидан бирига айланди.

Ушбу вазиятда халқаро ҳамжамиятнинг ҳаракатларини бирлаштириш ва энг муҳим халқаро масалаларни хал этишда БМТнинг ролини кучайтириш зарурияти сезилмоқда.

### **Назорат саволлари:**

1. Париж ва Вашингтон тинчлик конференцияларида қандай асосий қарорлар қабул қилинди?

2. Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги халқаро муносабатларнинг асосий йўналишлари ҳақида нималар биласиз?

3. Иккинчи жаҳон уруши давридаги халқаро муносабатларнинг асосий йўналишлари ҳақида нималар биласиз?

4. “Совуқ уруш” қандай тарзда XX асрнинг иккинчи ярмидаги халқаро муносабатларга таъсир этди?

### **Тавсия этилган адабиётлар:**

1. Анисимов Л.Н., Мазуров В.К. Европа: Проблемы безопасности и сотрудничества. Минск, 1982.
2. Антигитлеровская коалиция (1941-1945). М., 1964.
3. Арбатов А.Г. Военно-стратегический паритет и политика США. М., 1984.
4. Безыменский Л.А. Разгаданные тайны третьего рейха. 1933-1941. М., 1984.
5. Белецкий В.Н. За столом переговоров: Обсуждение германских дел на послевоенных международных совещаниях и встречах. М., 1979.
6. Белоусов З.С. Франция и европейская безопасность. 1929-1939 М., 1976.
7. Бережков В.М. Страницы дипломатической истории. 4-е изд. М., 1987.
8. Борисов Р.В. США: ближневосточная политика в 70-е годы. М., 1982.
9. Версальский мирный договор. М., 1925.
10. Верт. Н. История Советского государства. 1900-1991 (пер.с франц.)- М.2002.
11. Волков Ф. За кулисами второй мировой войны. М., 1985
12. Вторая мировая война. Краткая история. М., 1984.
13. Галкин А.А., Мельников Д.Е. СССР, западные державы и германский вопрос, 1945-1965 гг. М., 1966.
14. Драчёва Н.П. Актуальные проблемы международной безопасности и внешнеэкономических связей стран мира в 80-е гг. М., 1989
15. Деборин Г.А. Международные отношения в годы Великой Отечественной войны, 1941-1945 М., Л., 1948.
16. Европа в международных отношениях. 1917-1939 М., 1989.
17. Земсков И.Н. Дипломатическая история второго фронта в Европе. М., 1982
18. Илюхина Р.М. Лига наций. 1919-1934. М., 1982.
19. История войны на Тихом океане. В 5 т. М., 1957-1958.

20. История второй мировой войны, 1939-1945. В 12-Т. М., 1973-1982.
21. История дипломатии. В 5 т.М.,1965,1975, т.3-4.
22. История международных отношений на Дальнем Востоке, 1945-1977 гг. Хабаровск, 1978.
23. История новейшего времени стран Европы и Америки. 1918-1945 г. М.,1989г.
24. История России с древнейших времен до конца XX века. М.,2001.
25. Колядин А.П. Проблема запрещения испытаний и распространения ядерного оружия. М., 1976
26. Кошлёв Ю.Б. Разрядка в Европе: от Хельсинки к Мадриду. М., 1980
27. Кузнец Ю.Л. Вступление США во вторую мировую войну. М., 1962.
28. Кулиш В.М. История открытия второго фронта. М., 1956.
29. Ллойд Джордж Д. Правда о мирных договорах: Пер.с англ. М., 1957 г.Т.1,2.
30. Любимов Н.Н., Эрлих А.Н. Генуэзская конференция: Воспоминания участников. М., 1963г.
31. Международные отношения на Ближнем и Среднем Востоке после второй мировой войны, 40-50-е гг. Сб. Статей. М., 1962-1965.
32. Мировая политика и международные отношения: Учебное пособие./ Под. ред. С.А.Ланцова, В.А. Ачкасова. СПб.,2006.
33. Мельников Ю.М. США и гитлеровская Германия 1933-1939гг. М., 1959.
34. Мосли Л. Утраченное время: Как началась вторая мировая война. Пер. с англ. М., 1972.
35. Новак К.Ф. Версаль. М., Л., 1930г.
36. Нуриддинов З.Р. Ғарб мамалакатларнинг энг янги тарихи (1917-1939) Тошкент,1963.
37. Нуриддинов З.Р. Ғарб мамалакатларнинг энг янги тарихи (1939-1971) Тошкент,1976.
38. Севостьянов Г.Н. Политика великих держав на Дальнем Востоке накануне второй мировой войны М., 1961.
39. Сиполс В.Я. Дипломатическая борьба накануне второй мировой войны. М., 1979.
40. Современные международные отношения. Учебник МГИМО.М.,2000 г.
41. Типпельскирх К. История второй мировой войны. М., 1956.
42. Фураев В.К. Советско-американские отношения.1917-1939. М.,1964г.
43. Эйзенхауэр Д. Крестовый поход в Европу. Воен. Мемуары: Пер. с англ. М., 1980.
44. Эррио Э. Из прошлого. Между двумя войнами,1914-1936: Пер. с фр. М., 1958г.

45. Язькова А.А. Малая Антанта в европейской политике. 1918-1925 гг. М., 1974г.
46. Якобсон Г.А., Тэйлор А.Вторая мировая война: два взгляда //С нем.и англ.М.1995.

### **Халқоро муносабатлар замонвий тизимининг шаклланиши ва ривожланиши.**

Халқоро муносабатларнинг замонавий тизими – бу жаҳон ва биринчи галда, Европа сиёсатининг узундан-узоқ давом этган эволюцияси маҳсулидир. Унинг шаклланишида XVII асрдаёқ вужудга келган кучлар мувозанатининг Европа тизими бошланғич нуқта деб ҳисобланиши керак. Ушбу тизим ўрта асрларда мавжуд бўлган ва қандайдир универсал жаҳон тартибини яратишга қаратилган умидларнинг пучга чиқишининг натижаси эди-ки. Бундай тартибнинг негизида Рим империясининг анъаналари ва католик черковининг мутлоқ ҳокимиятга даъволари ётарди. Германия ва Шимолий Италиянинг феодал давлатларини бирлаштирган Муқаддас Рим империяси бундай юксак истакни энг юқори даражада ўзида мужассам қиларди. Бироқ императорларнинг Европа устидан озми-кўпми марказлашган назоратни ўрнатишга қаратилган барча уринишлари муваффақиятсизликка учради. Шу вақтнинг ўзида Реформациянинг сиқуви остида Папа ҳокимияти сезиларли даражада заифлашиб борди. Бу эса вужудга келаётган Европа давлатларининг бирлиги тўғрисидаги концепциянинг батамом таназулга юз тутганлигини англатарди. Европанинг ёш давлатлари улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган қандайдир тамойилга эҳтиёж сеза бошладилар. Давлат манфаати ва кучлар мувозанати концепцияси ана шундай тамойил вазифасини бажарди. Ушбу икки тушунча бир-бировини ўзаро тўлдирарди ва таърифларди. Давлат манфаати тамойили шуни англатарди-ки, давлатнинг мавжудлиги ва равнақ топиши миллий манфаатларни рўёбга чиқариш йўлида ҳар қандай воситалардан фойдаланиш мумкинлигини оқлайди. Кучлар мувозанати тамойили, ўз навбатида, универсал паневропа монархиясини барпо этиш билан боғлиқ хом хаёлларнинг ўрнини босиб, ўзининг эгоистик мақсадларини кўзлаган ҳар қандай алоҳида давлат у ёки бу усул орқали барча бошқа давлатларнинг хавфсизлигига ва ривожланишига кўмак бериши тўғрисидаги умидларни туғдирди.

Европанинг дастлабки миллий давлатларидан бири бўлмиш Францияда Европа сиёсатининг янги тамойиллари айниқса равшан ва изчил тарзда ифодаланди ва амалга оширилди. Франция ҳаммадан кўпроқ Муқаддас Рим империясининг қайта жонланишидан хавфсирарди ва ушбу

давлатнинг тобора заифлашиб бориши француз миллий манфаатларига мос келишини аниқ англаб етарди. Франциянинг биринчи вазири Кординал Арман Ришелье (1624-1642 йй.) бундай сиёсатни ғайратли ва мохирона тарзда олиб борган. Айнан унинг рахбарлигида давлат манфаати тамойили ўрта асрларга оид универсал маънавий кадриятлар концепциясининг ўрнини эгаллади. У, энг юқори диний даражага эга бўлишига қарамай, Франциянинг ташқи сиёсатини мавхум ахлоқий қоидалардан халос этди. Ришелье католик динини барча ҳуқуқларида тиклашга қаратилган Габсбургларнинг уринишларига нисбатан кескин тарзда қарши чиқди, чунки бунда Франциянинг хавфсизлигига геосиёсий таҳдидни кўрарди. Ўзи католик мамлакатнинг вакили бўла туриб, Ришелье, Муқаддас Рим империясини қайтадан жонлантиришга уринган диндош Габсбургларга қарши бориб, куч ва молиялар воситасида протестант давлатларини қўллаб-қувватлади ва фақат биринчи қарашда, бундай вазият мантиққа тўғри келмасди. Бу эса Европа сиёсатидаги бутун тизимнинг ҳақиқий инқилоби эди-ки, ушбу жараён фундаментал хусусиятга ва узокқа борадиган оқибатларга эга бўлди. Диний мутаассиблик ҳукмронлиги шароитида маънавий талаблардан халос бўлган ва мутлақо прогматизмга асосланган сиёсат мислсиз тарзда рўёбга чиқди. Давлат манфаати тамойили алоҳида давлатларнинг ҳаракатлари учун рационал асос яратиб берди. Кучлар мувозанати тизими эса жаҳон миқёсида янги тартибни яратишга нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжга жавоб сифатида намоён бўлди. Икки машҳур давлат арбоби, яъни инглиз қироли Вильгельм III (XVII аср охири) ва кейинроқ Британия бош вазири Уильям Питт Кичик (XIX аср бошлари) бундай тизимнинг илхомлантирувчилари бўлдилар. Улар замонида Англия миллий манфаатлари Европада мувозанатни сақлашдан иборат эканлигини батамом англаб етди. Улар шундай тамойилни рўёбга чиқардилар-ки, унга кўра Англия Европада ҳар қандай давлатнинг устунлигини олдини олишдан ташқари, Европа қитъасида ўзи учун аниқ бирор нима тиламасди. Англия, бу мақсадга эришиш учун, гегемонлик ниятларга қарши чиқувчи мамлакатларнинг ҳар қандай иттифоқларига кўшилишга тайёр эди.

Европа мамлакатлари ўртасидаги кучлар мувозанати Англия хомийлигида шаклланган ва таркиби ўзгариб турган иттифоқлар (коалициялар) туфайли аста-секин қарор топиб борди. Бундай иттифоқлар Франциянинг Европада ўз устиворлигини ўрнатишга қаратилган уринишларига қарши йўналтирилди.

Ушбу стратегия XVIII аср ва Наполеон даврига оид деярли ҳар бир урушнинг негизида ётарди. Француз гегемониясига қарши чиққан давлатлар хаддан ташқари кучли бўлганлиги сабабли пешонасига мағлубият ёзилганди ва у тарика кучлар мувозанати сақланиб қолинди,

Европа Наполеон урушларининг якунланиши пайтига келиб, кучлар мувозанати асосида халқаро тартибни ишлаб чиқиш йўлида уриниб кўришга онгли равишда тайёр эди. Наполеон даврига охириги нуқта қўйган ва Европа сиёсатининг янги тамойилларини белгилаб берган Вена конгрессининг (1814-1815 йй.) натижаларига мувофиқ тарзда Буюк Британия, Австрия, Пруссия ва Россия томонидан шакллантирилган “Европа концерти” (1815-1854 йй.) бундай ҳолатни ўта равшан намоён этди. Конгрессда бош ролларни Австрия канцлери Меттерних, рус подшоси Александр I, Британия ташқи ишлар вазири Лорд Кэслри, ҳамда машхур дипломати Талейран ўйнадилар.

Вена конгрессидан сўнг Европада аввалги тарихи давомида энг узокка чўзилган тинчлик даври бошланди. Тўғридан-тўғри кучлар мувозанати тамойилига асосланган халқаро тартиб шаклланди. Миллий суверенитет ғояси хали қарор топмаганди ва Наполеон империясининг парчалари негизида этник жихатдан гомоген (мохияти, таркиби ёки келиб чиқиши бир хил бўлган; айти бир хусусиятга эга бўлган) давлатларни бичиш масалалари конгресс қатнашчиларини кам қизиқтирарди. Франция инқилобидан илгариги чегараларга қайтарилди; Австрия Италияда ўз таъсирини кучайтирди; Пруссия эса – Германияда; Голландия Бельгияга тегишли худудларни олди; Россия Польшанинг марказий қисмини қўлга киритди. Вена конгресси иштирокчилари Европада “Наполеон ходисаси” қайтарилмаслигини кафолатлайдиган узок муддатли барқарорликни таъминлашга манфаатдор эдилар. Ушбу мақсадда Францияга нисбатан, мағлуб мамлакат сифатида, мисли кўрилмаган олийжаноблик қилинди, Талейран эса конгресснинг тўла ҳуқуқли қатнашчиси бўлиб, кучлар мувозанати янги тартибининг мафкуравий формуласини – легитимлик тамойилини илгари сурди. Легитимлик тамойили Европада юзага келган статус – квони (маълум бир пайтда мавжуд бўлган ҳолат, вазият) таъминлаши керак эди, Муқаддас иттифоққа эса унинг бузилмаслигини кафолатлаш вазифаси қўйилганди. Европа мамлакатлари умумий қадриятларнинг мавжудлиги туйғуси билан ўзаро боғлиқлиги халқаро муносабатлар Вена тизимининг барқарорлигига сабаб бўладиган асосий шарт эди. Демак, гап нафақат кучларнинг моддий, балки маънавий мувозанати ҳақида юритиларди. Қарор топган мувозанат куч ишлатиш эҳтимолини пасайтирарди. Уч монархиянинг – Пруссия, Австрия, Россия – яқдиллигига инқилобий тартибсизлик ва француз гегемониясига қарши турадиган муҳим тўсиқ сифатида қараш Вена тартибларининг шунчалик узок сақланиб қолганлигининг сабабидир. Буюк Британия эса кучлар мувоанатини таъминлаш тамойилига амал қилишни давом этарди ва Лорд Пальмерстоннинг қуйидаги машхур формуласига кўра ҳаракатларни олиб борарди: “Биз абадий иттифоқчилар ва абадий рақибларга эга эмасмиз, бизда фақат абадий манфаатлар мавжуд”. Фақатгина Қрим уруши (1854-

1856 йй.) халқаро муносабатлар Вена тизимининг барбод бўлишини бошлаб берди. Натижада Европадаги асосий уч монархиянинг бирлиги вайрон этилди ва Европа дипломатиясини ахлоқий мўътадиллик элементи тарк эта бошлади. Бир неча хавотирли йиллардан кейингина янги тартиб – анчагина беқарор тартиб юзага келди. XIX асрнинг иккинчи ярмига оид Европа сиёсатининг икки асосий арбоби Вена тизимини батамом кулатишди. Булар – Франциянинг омадсиз императори Наполеон III ва Германияни темир ва қон билан бирлаштирган атоқли дипломат, темир канцлер Отто фон Бисмарк.

Уларнинг ташқи сиёсати Вена тизимининг ахлоқий нуқтаи назаридан тийиб турадиган омилларни батамом олиб ташлади ва Европа сиёсатида “реалполитик” тамойилларини ўрнатди. “Реалполитик”-га биноан давлатлар ўртасидаги муносабатлар дағал куч орқали белгиланади ва ким қудратлироқ бўлса, ўша устунлик қилади деган маъно келиб чиқади. Ўз сабабларига биноан, иккала сиёсатчини ҳам барқарорлик йўлида қўлланадиган легитимлик тамойили мутлақо қониқтирмасди. Улар давлатлараро муносабатлар бир хилда ўйловчи хукмдорларнинг келишуви билан изохланади деб сира хисобламаганлар. Наполеон III Вена тизимига нафрат билан қараган, чунки ушбу тизим Франциянинг гегемонлик қилишга қаратилган ниятларини чеклаш учун махсус ўйланганди. У Франция вақти-вақти билан худудларни ортиришга ҳуқуқлидир деб ўйларди ва унинг йўлида бирлашган Европа тўсқинлик қилишини хохламасди. Наполеон III Вена тизими уни адолатсиз тарзда чеклаб қўйганлигига қатъий ишонган. Бироқ Наполеон III нинг шахс ва давлат арбоби сифатида фожеаси шундан иборат эдики, унинг такабурлиги сиёсий, харбий ва ақлий имкониятлардан устун эди.

Пруссия Герман конфедерацияси доирасида Австриянинг кичик хамкори ролини ўйнашга махкум қилинганлиги сабабли Бисмарк Вена тизимини ёмон кўрарди. Шундай қилиб, ушбу тизим Пруссия панохи остида Германиянинг бирлашишига тўсқинлик қиларди. Темир канцлернинг асосий маслаги шундан иборат эдики – агар Пруссия, ўз қисматига риоя қилиб, Германияни бирлаштирмоқчи бўлса, унда Вена тизими вайрон этилиши лозим. Крим уруши. Австрия-Пруссия уруши (1866 й.). Франция-Пруссия уруши – Вена тизимининг парчаланишидаги асосий босқичлардир.

“Реалполитик”, кучлар нисбатини хисоб-китоб қилиш ва миллий манфаатлар концепциясига таяниб Германиянинг бирлашишига олиб келди. Бироқ Германиянинг бирлашиши, пировард хисобда. “реалполитикни” ўзига қарши чиқишга, ният қилинган якуний натижаларнинг аксига олиб келишига мажбур қилди. Гап шундаки, бирлашганидан сўнг Германия қитъадаги энг кучли давлатга айланди ва хар ўн йиллик сайин ўзининг харбий иқтисодий қудратини ошира борди,

шу тариқа Европа дипломатиясини янгидан-янги синовларга дучор қилди. XX аср биринчи ўн йиллигининг охирига келиб бир аср давомида нисбий тинчликни таъминлаган “Европа концерти” бархам топди. Буюк давлатларнинг гуруҳлар орқали шиддатли рақобатга берилиб кетиши қатъий тамойилларга асосланган блокларнинг – Антанта ва Учлар иттифоқи – шаклланишига олиб келди. “Реалполитик”, шундай қилиб, мутлақо тескари натижаларни келтириб чиқарди ва Германияга қаршилик қилиш негизида илгари муросага келмайдиган рақибларнинг (Буюк Британия, Франция ва Россия) бирлашишига олиб келди. Дунё тақдир тақозосига кўра ўзининг тарихида дастлабки глобал фалокати – Биринчи жаҳон урушига қадам босди. Мисли кўрилмаган қирғин-барот хунрезлик 20 миллион инсонни қурбон қилди. Германия, Австрия ва Россияда хокимият тепасида бўлган сулолалар ағдариб ташланди. Инсониятни янги жаҳон уруши дахшатларидан қафолатлайдиган халқаро муносабатларнинг янги тартибини шакллантириш зарурияти пайдо бўлди. Бундай вазифани Версаль тинчлик конференцияси (1919 й.) хал этишга ҳаракат қилди. Унда Британия бош вазири Ллойд Джордж, Франция ҳукумати раҳбари Клемансо ва биринчи бор АҚШ вакили президент-хаёлпараст Вильсон асосий ролларни ўйнадилар. Конференция олдида турган вазифалар юкини кўтаришга қурби етмади. Халқаро муносабатлар Версаль тизимининг негизида унинг келажакдаги емирилишига замин яратган нуқсонли уруғлар мавжуд бўлган.

Версаль тизими яратувчиларининг бош хатоси- икки асосий қитавий давлат – Германия ва Россиянинг мавқеини иккинчи даражага пасайтирганликлари бўлди. Вахоланки ушбу давлатларнинг буюклик мақоми уларнинг географияси ва тарихи билан изоҳланарди. Европа хавфсизлигини қитъадаги икки улкан мамлакатнинг иштирокисиз таъминлаш ҳақида ўйлаш- ҳисобда мутлақо янглишиш эди. Германия уруш оловини ёқишда асосий айбдор деб тан олинди, мутлақо амалга ошириб бўлмайдиган рефорациялар унинг гардонига юклатилган. Уни қуролсизлантиришди ва хўрлашди. Шу тариқа келгусида фашистларнинг тоталитар тартиботи учун озиқ берувчи мухит сифатида хизмат қилган герман реваншизмнинг уруғлари сепилди. Совет Россиясини умуман писанд қилмадилар. Европа сиёсатида фикрини инобатга олиш мумкин ва лозим бўлган давлатлар қаторидан чиқариб ташлашга уриндилар. Версаль тартибининг энг асосий заифлиги, биринчи галда, унинг психологик бўшлигида эди. Консерватив яқдиллик концепцияси кучлар мувозанати тамойили билан биргаликда, Вена конгресси барпо этган жаҳон тартибини мустаҳкамлаб турарди. Вена тизимида мувофиқ, жаҳон тартибини сақлаб қолиш учун ҳаракатлари энг зарур ҳисобланган давлатлар унинг адолатли эканлигига ишонган эдилар. Версаль тартиби эса бошидан жонсиз эди, чунки унинг негизида мавжуд бўлган қадриятлар уни сақлаб қолишга

қаратилган рағбатлантирувчи омиллар билан мос келмасди. Тузилган келишувларни химоясини таъминлаб бериши лозим бўлган давлатларнинг кўпчилиги, у ёки бу даражада, уларни (келишувларни) адолатсиз деб хисобларди. Бундай вазиятнинг натижасида дунё мудхиш тартибсизликка ботиб борди ва янги жахон уруши томон улкан қадамлар билан ҳаракатланди. Инсоният бунинг учун янада дахшатли қурбонлар берди. Иккинчи жахон уруши натижасида, илгари жахон тарихида бунга ўхшаши бўлмаган, халқаро муносабатларнинг икки қутбли Ялта-Потсдам тизими шаклланди. Бундай тизимнинг тамомила янги омили шундан иборат эдики, стратегик аҳамиятга эга ракета ядровий технологияларнинг ихтиро қилиниши бутунлай инсоният цивилизациясининг мавжуд бўлиши ёки мавжуд бўлмаслиги масаласини кун тартибига қўйди. Мафкуравий қадриятлари ва сиёсий дипломатик, ҳамда иқтисодий қарама-қаршилиги оқибатида бўлиниб кетган, шунингдек икки ўта қудратли давлат уларга бошчилик қилган антагонистик тизимларнинг шаклланишига қарамасдан, икки қутбли тартиб ажиб тарзда етарлича мустаҳкам стратегик барқарорликни таъминлаб берди. Бундай тартиб қафолатланган ўзаро қириб ташлаш эҳтимолига таянган ва совуқ уруши каби ходиса билан тавсифланган. Совуқ уруши ва мисли кўрилмаган қуролланиш пойгаси учун масъулият тенг миқдорда икки ўта қудратли давлатнинг гарданидадир. Дунё бир неча бор “совуқ” урушнинг “иссиқ” урушга айланиб кетиши арафасида бўлди (Корея уруши, Вьетнам, Венгрия, Чехославакия, Афғон ва энг кескин Кариб инқирози), бироқ бунга йўл қўймаслик учун сиёсий раҳбарларнинг мулохазакорлиги ва ўзини сақлаш сезгиси ҳар сафар етарлича бўлган. Берлин деворининг қулаши, Германиянинг бирлашиши ва Совет Иттифоқининг парчаланиши совуқ урушда шарқий блокнинг мағлуб бўлганлигидан далолат берди.

Совуқ урушнинг яқунланиши халқаро хавфсизликни таъминловчи барқарор тизимнинг шаклланишига қаратилган янги умидларни келтириб чиқарди. Аммо агар кимдадир бундай умидлар вужудга келган бўлса, улар 2001 йилнинг сентябрида батамом пучга чиқди. Чунки ўшанда бутун дунё глобал етакчилик қилишга даъвогар бўлган ўта қудратли давлатнинг заифлик даражасини кўрди. Афсуски, дунёда тенги йўқ иқтисодий ва ҳарбий қудратга, улкан сиёсий таъсирга эга бўлган АҚШнинг қурби яқка холда стратегик барқарорликни таъминлашга етмади. Бундан ташқари, ушбу давлат, ўзининг куч ишлатиш воситасида амалга ошираётган ҳаракатлари туфайли, глобал беқарорлик манбаига айланиб бормоқда. Халқаро муносабатларнинг замонавий тизими тартибсиз ва келажагини олдиндан айтиб бўлмайдиган дея таърифланиши мумкин. Глобал хавфсизликнинг янги архитектураси, афсуски, хали барпо этилгани йўқ. Буларнинг барчаси бир қутбли ёки кўп қутбли дунё ҳақида, глобаллашув ва цивилизациялар тўқнашуви ҳақида, замонавийлаштириш ва унинг ғарб

таъсири билан ўзаро нисбати хақида, глобал хавфсизликка тамомила янги тахдидлар: халқаро терроризм, наркотраффик, ноқонуний қурол савдоси, одам савдоси ва транснационал жиноятчиликнинг бошқа шакллари хақида мунозараларни янги куч билан авж олдирди.

Ушбу кескин баҳслар инсониятнинг биологик тур сифатида омон қолиши учун глобал экологик муаммоларни хал этмоқнинг фундаментал ахамиятини англаб етиш шароитида олиб борилмоқда. XXI аср дунёси – зиддиятли, ранг-баранг ва тахликалидир. Ер куррасида яшаётган хар бир инсоннинг келажаги қўйилган масалаларга жахон хамжамияти қандай жавоблар топа олишига боғлиқ.

## Мундарижа.

<b>Кириш</b> <i>(А. Татибоев)</i>	<b>3</b>
<b>Қадимги Шарқда халқаро муносабатлар ва дипломатия</b> <i>(У.Рахмонов)</i>	<b>5</b>
<b>Қадимги Юнонистонда халқаро муносабатлар ва дипломатия</b> <i>(Ш.Исомитдинова)</i>	<b>27</b>
<b>Қадимги Римда халқаро муносабатлар ва дипломатия</b> <i>(Ш.Исомитдинова)</i>	<b>38</b>
<b>Ўрта асрларда Европада халқаро муносабатлар ва дипломатия</b> <i>(С.Атабекова)</i>	<b>50</b>
<b>Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларининг халқаро муносабатлари ва дипломатияси</b> <i>(О.Махмудов)</i>	<b>64</b>
<b>XVII - XVIII асрларда халқаро муносабатлар ва дипломатия</b> <i>(А.Холлиев)</i>	<b>86</b>
<b>XVIII – XX аср бошида халқаро муносабатлар ва дипломатия</b> <i>(С.Габриэльян)</i>	<b>99</b>
<b>Энг Янги даврда халқаро муносабатлар ва дипломатия</b> <i>(А.Раззаков)</i>	<b>121</b>
<b>Халқаро муносабатлар замонвий тизимининг шаклланиши ва ривожланиши</b> <i>(А.Татибоев)</i>	<b>141</b>





